


Сүмтон Саад ау-Қаҳтоний



САУДИЯ АДАБИЁТИДА РОМАН:

*пайдо бўлиши ва ривожланиши.
(1930–1989 йиллар)*



Сүитон Саад ау-Қағтөнүй

**САУДИЯ АДАБИЁТИДА
РОМАН:**

*пайдо бўлиши ва ривожланиши.
(1930–1989 йиллар)*

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

29716

YOSHLAR NASHRIYOT UYI
ТОШКЕНТ – 2020

УҮК 821.411.21.09

КБК 83.3(5САУ)

к 35

Ал-Қаҳтоний, Султон Саад.

Саудия адабиётида роман: пайдо булиши ва ривожланиси. 1930 - 1989 йиллар / тарихий танқидий тадқиқот. Ал-Қаҳтоний, Султон Саад. Араб тилидан Муртазо Сайдумаров таржимаси. – Тошкент. “Ёшлилар” нашриёт уйи. 2020. – 360 бет.

УҮК 821.411.21.09

КБК 83.3(5САУ)

Ушбу таржима

“Тадқиқотлар ва маърифий алоқалар маркази”
билин ҳамкорликда нашрға тайёрланди.



© МУРТАЗО САЙДУМАРОВ
(таржима)

© YOSHLAR NASHRIYOT UYI,
2020

ISBN 978-9943-6680-7-2

Бағышшыл

*Мұқұ бұйшашын үчүн оғ қолған,
үхшашын үчүн дәдор бұйған,
даш ошишын үчүн ҳориб-тағыған,
онашға ба оташға
бағышшайшан!*

Сүмбон

МУҚАДДИМА

Саудия Арабистонида роман жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланишига багишлиланган ушбу тадқиқотда 1930 йилда нашр этилган Абдулқуддус ал-Ансорийнинг қаламига мансуб бўлган “Эгизаклар” (“Ат-Тавъаман”) асаридан бошлаб, то саксонинчи йилларнинг охирида Амал Муҳаммад Али Шатанинг иккинчи асари – “Қалбим яшамади” (“Ла аша қалби”) романи чоп этилган давргача бўлган асарларни қамраб олган ва бу соҳада шу пайтгacha ягона бўлган биринчи тадқиқотдир. Тадқиқот режага кўра мана шу чегарада тугайди ва унда олтмиш бир иш кўриб чиқилади. Булар орасида роман деб аталган, лекин баъзи тадқиқотчилар бу асарларни роман деб атасалар-да, уларнинг роман эмаслигини исботлаш учун ушбу тадқиқотга киритилган асарлар ҳам бор.

Ўрганилаётган давр ичида бу илмий изланишдан олдин ҳам тадқиқотлар пайдо бўлган эди. Бироқ улар тўлалигича роман жанрига багишлиланмаган бўлиб, роман жанри бу тадқиқотларнинг бир қисми эди. Чунки бу тадқиқотларнинг баъзиларида саудия адабиёти умумий ўрганилган бўлса, баъзиларида роман бошланиши бўлган бирор адабий жанр ўрганилган эди. Қуйидаги икки сабабга кўра мавзу тадқиқот доирасидан четлаб ўтилган эди.

Биринчидан XX асрнинг олтмишинчи ва етмишинчи йилларида романни маҳсус ўрганиб чиқиш

учун етарли бўлмаганлиги, унинг кам яратилганлиги ва баъзи романларнинг етук эмаслиги сабабли тадқиқотчилар романни бошқа адабий турлар, масалан, насрий адабиёт ва публицистика доирасида ўргангандар.

Иккинчидан Роман жанрини тадқиқ этиш учун роман адабий ҳаётига замондош бўлган ва юқорида айтиб ўтилган бошқа адабий турлардан ажратилган ҳолда унинг ўз шакллари ва мазмунлари билан ўргангандар бирорта саудий тадқиқотчининг йўқлиги.

Насрий адабиётта багишланган биринчи илмий тадқиқот 1975 йили чоп этилган Муҳаммад Абдураҳмон аш-Шомихнинг “Саудия Арабистонида насрий адабиёт (1900-1945 йиллар)” номли тадқиқотидир. Агар Абдулқадус ал-Ансорийнинг “Эгизаклар” асарини роман деб ҳисобламасак, бу саудия романчилик тарихидан аввалги тадқиқот ҳисобланади.

Лекин Муҳаммад аш-Шомих қейинчалик саудия адабиётида роман янги адабий жанр сифатида юзага келишида роль ўйнаган таълим, матбуот каби бир қатор омилларни таъкидлаб ўтади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганади.

Иккинчи илмий ишнинг муаллифи – Бакри Амин Шайх. Мазкур тадқиқот муаллифнинг Франция университетларидан бирининг Байрутдаги филиалида докторлик даражасини олиш учун тайёрланган илмий иш бўлиб, у 1972 йили “Саудия Арабистони Подшоҳлигига адабий ҳаракат” номи билан китоб шаклида чоп этилди. Тадқиқотчи ўша пайтда мавжуд бўлган баъзи романларни кўриб чиқади, бироқ роман билан ҳикоя ва қисса каби бошқа адабий турларни бир-биридан ажратмайди. Китобнинг номида кўрсатилганидек, бу тадқиқот қисса ёки ҳикоя жанрини ўрганишга багишланган эмас, балки тадқиқот-

чи илмий ишининг режаси бўйича турли адабий жанрларга оид адабий жараёнларни баён этади.

Бакри Амин романнавислардан Абдулқуддус ал-Ансорий, Аҳмад ас-Сибай, Муҳаммад Али Мағрибий, Иброҳим ан-Носир, Ҳомид Даманхурийларни роман ва ҳикоя муаллифлари деб икки адабий тур ўртасида қориштириб эслаб ўтади.

Учинчи тадқиқотни Иброҳим ал-Фавзан Қоҳирадаги ал-Азҳар университетида докторлик даражасини олиш учун 1977 йили тайёрлаган, бу илмий ишнинг номи “Ҳозирги замон Ҳижоз адабиёти: янгиланиш ва анъаналар” деб аталиб, 1981 йили китоб шаклида нашр этилган.

Мазкур тадқиқот юқорида эслаб ўтилган Бакри Шайх Амин тадқиқотидан узоқ бўлмай, у Ҳижоз минтақасидаги назмий ва насрый адабиётни қамраб олган умумий тадқиқот эди. Тадқиқотчи бир қатор романнависларни тилга олиб, уларни Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги фикр ва адабиёт “қалдирғоч”лари (*биринчи намояндалари*) деб атайди. Масалан, у Абдулқуддус ал-Ансорий, Аҳмад ас-Сибай, Муҳаммад Али Мағрибийларни адабий уйғонишнинг бошланишидаги ҳикоя ва публицистика (*танқидий мақолалар*) соҳасидаги ишларини кўриб чиқиб, уларнинг замонавий адабиёт руҳияти билан йўғрилган янги авлодни топиш, ёш адибларни рафбатлантириш ва уларга ёрдам бериш каби умидла-ри ҳақида сўзлайди.

Тўртинчи тадқиқотнинг номи “Ҳозирги замон саудия адабиётида ҳикоя” бўлиб, унинг муаллифи Мансур ал-Ҳозимийдир. У 1981 йилда китоб шаклида нашр этилган. Бу тадқиқот ўз номида кўрсатилганидек, ҳикоя жанри ҳақидаги умумий тадқиқотdir. Тадқиқотчи бир қатор ҳикоялар тўп-

ламларини ва романларни жамлаб, уларни умумий тарзда Саудия Арабистонидаги ҳозирги замон адабиётини ўрганиш орқали маҳсус танқидий тадқиқот ўтказади.

Ал-Ҳозимий романнавислардан икки дастлабки намоянда – Иброҳим ан-Носир ва Ҳомид ад-Даманҳурийни эслаб ўтади, уларнинг асарларини олтмишинч – етмишинчи йилларда замонавий роман жанрининг пайдо бўлиши босқичидаги ишлар сифатида кўриб чиқади.

Бешинчи тадқиқот Саҳмий Мажид ал-Ҳожирийнинг 1985 йили Қоҳира университетида магистрлик даражасини олиш учун тақдим этган илмий ишидир. Бу тадқиқот 1987 йили китоб шаклида “Саудия Арабистони Подшоҳлигига ҳикоя” номи билан нашр қилинди. Мазқур тадқиқот номида кўрсатилганидек, ҳикоя жанрига бағишлиланган. Бироқ муаллиф роман яратиш билан бир қаторда ҳикоя жанрига ҳам фаол ҳисса қўшган бир гурӯҳ романнавислар ҳақида ҳам тўхталади. Булар – Абдулқадус ал-Анзорий, Аҳмад ас-Сибайи, Муҳаммад Али Мағрибий, Иброҳим ан-Носир ва бошқалардир.

Олтинчи тадқиқотни Сайид Муҳаммад Диб ёзган бўлиб, у “Саудия Арабистонида роман жанри” деган ном билан 1989 йили нашр қилинган. Ушбу тадқиқотда изланувчи томонидан мазмунга эмас, фақат шаклга эътибор берилган, яъни ҳозирги замон танқидий тадқиқоти йўналишида олиб борилмай, бир-бирига яқин бўлган адабий турлар ажратилмаган, шунинг учун у деярли эътибор қаратишга лойиқ бўлган бирор янгилик бермаган. У тадқиқот курси ва ҳужжатлаштиришга эътибор қаратган бўлса-да, аввалги тадқиқотчилар каби роман ва қиссани ажратмаган. Шундай бўлса-да, ҳикоя ва роман тушунчаси ҳақида кўплаб

танқидчилар ва тадқиқотчиларнинг фикрлари ва таърифлари келтирилган.

Сўнгги тадқиқот Муҳаммад Солих Шантийники бўлиб, Жазан адабиёт клуби томонидан “Ҳозирги замон саудия адабиётида роман жанри” номи билан 1990 йили нашр қилинган.

Тадқиқотчи саудия адабиётида дастлабки романлар пайдо бўлишидан бошлаб, саксонинчى йилларнинг охирига қадар нашр этилган, саудия роман-навислари ижод этган йўналишлардаги гуруҳларни тамсил этувчи романларни турли бобларда жамлашга ҳаракат қилган. Бу тадқиқот янгилигига ва изланиш учун етарли материал бўлишига қарамай, муаллиф ўзидан аввалгилар йўл қўйган хатони такорлаган, у роман, қисса ва ҳикояни бир-биридан ажратмаган. У ўз тадқиқотида асарларни романлар ва романга ўхшашлар (ёки ярим романлар) деб атаб тилга олади. Ваҳоланки, романга ўхшаш (ёки ярим роман) деган тушунча мутлақо йўқ. Ҳозирги замон романнининг ўз усувлари ва қоидалари мавжуд бўлиб, уларни бошқа адабий тур билан адаштириш ёки ўхшатиш мутлақо мумкин эмас. Шунингдек, ҳикоя ва қиссанинг ҳам бугунги замонавий танқидчилик меъёрлари бўйича ўз усувлари ва қоидалари бор. Холоса шуки, бу тадқиқотда илмий аниқлик етишмайди.

Тадқиқотнинг таърифи

Ушбу тадқиқот Бирлашган Қиролликдаги Шотландиянинг Глазго университети Шарқ ва араб адабиёти профессори Жон Николас Матук раҳбарлигига 1988 йил октябридан 1994 йил августигача қадар бўлган муддатда амалга оширилган. Тадқиқот қуийидаги боблардан иборат.

Бириинчи боб:

Бунда Саудия Арабистонидаги роман жанрининг пайдо бўлишида матбуот роли ўрганиб чиқилди. Дастребаки намояндаларнинг мақолалар орқали романни таърифлашда (ёки танитишда) фаол ва аниқ роли ўрганилди, улар ана шу мақолалар орқали араб адабиёти, хусусан, саудия адабиётида бу янги адабий жанрни таништириш учун йўл очдилар. Улар араб зиёлиларининг роман жанрининг араб адабиётидаги шеърият жанрига хавфи ҳақида жон койитганларини ифода этдилар. Тадқиқотда уйғониш даврининг бошланишида таълим ва матбуотнинг ўрни, зиёлиларга бўлган эҳтиёж ҳақида тўхталиб ўтдик. Шунингдек, роман ҳақида баъзи танқидчилар ва тадқиқотчиларнинг фикрлари эслаб ўтилди.

Иккинчи боб:

Бу бобда роман жанрининг пайдо бўлишига ёрдам берган таълим, матбуот, нашр ишлари ва саудиялик зиёлилар табакасининг етишиб чиққани каби бир қатор омиллар ҳақида баҳс юритилди.

Учинчи боб:

Бубоб маърифий романборасида бу қийин ишга қўл урган, дастребаки саудий намояндаларнинг ишларини, уларнинг 1930 – 1948 йиллари нашриёт ва матбаачилик ҳали мавжуд бўлмаганлиги сабабли қийинчилликка дуч келган адиларнинг асарларини қамраб олади.

Тўртинчи боб:

Бу бобда бадиий романга кириш масаласини икки жиҳатдан муҳокама қилинади. Бири – таржи-ма, иккинчиси бевосита таъсир ўтказиши ва таъсирланиши бўлиб, 1954-1959 йилларни ўз ичига олади.

Бешинчи боб:

Бу бобда 1959-1979 йилларда пайдо бўлган бадиий роман ва унинг Ҳомид Даманҳурй ва Иброҳим ан-Носир каби намояндалари ижоди муҳокама қилинади. Саудия романчилиги араб “бадиий” романчилигига кириб келди ва бу босқичда адиллар романнинг бадиий асослари жиҳатидан ҳам араб, ҳам халқаро миқёсда эътироф этила бошладилар.

Олтинчи боб:

Бу бобда саксонинчи йиллар романлари кўриб чиқилади. Мазкур ўн йилликда қатор омиллар бир неча романлар яратилишига кўмаклашди. Мазкур бобда ана шу даврда нашр этилган романларни таҳлил қилдик.

Ушбу тадқиқот саудия романчилигининг ҳақиқий характеристерини очишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Роман жанрини тадқиқ этган, араб романини ўргангандан саудиялик ёки бошқа кўплаб тадқиқотчилар ва изланувчилар бу мавзуга эътибор бермадилар, улар орасида мавзуни юзаки ўргангандан, саудия романчилиги характеристерини очиб бермаган ёки саудий бўлмаган муаллифларни эслаб, романга алоқаси бўлмаган ишлар ҳақида тўхтагланлар ҳам бўлди.

Бу илмий иш саудия романининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши босқичига багишлиланган, олтмиш йиллик давр (1930-1989 йиллар) ичida дуч келган тўсиқларини, бу адабий жанрнинг хусусиятини ташкил этувчи омиллар ва сабабларни, шунингдек, бадиий қийматта эга бўлган романларнинг пайдо бўлишида катта роль ўйнаган жаҳон ва араб романларидан таъсирланишини қамраб олувчи танқидий-таҳлилий тадқиқот ва адабиёт тарихидир. Бадиий омиллар ва танқидий меъёрлар

тадқиқотчиларни 50-йиллардан бошлаб пайдо бўла бошлаган бадиий қийматга эга бўлган романлардан намуналар танлаб олиб, тадқиқ ва таҳлил этишга ундаи. Адиллар ва адабиёт танқидчилари ҳам янги саудия адабиётида жаҳон ва араб адабиёти оқими таъсирида бу адабий турнинг мавжуд бўлишини табиий ҳол сифатида қабул қила бошлади.

Мен бу ерда ушбу йиллар давомида мана шу илмий ишимни амалга оширишимда Аллоҳ Таодан сўнг менга ёрдам қўлини чўзган устозларга, энг аввало менга тўғри йўл кўрсатган устозимга (агар бундай кўрсатмалар бўлмаганида менинг бу ишим дунё юзини кўрмаган ва имтиҳон комиссиясида ўтмаган бўлар эди), шунингдек, мен учун зарур бўлган манбалар ва адабиётларни топишда кўмак берган барча биродарлар ва ҳамкасларга, алоҳида, азиз биродарим ва содик дўстим доктор Яхё ибн Жунайдга, унинг турмуш ўртоғи доктор Хайрия ас-Саққофга, мени қийин ҳолатларда қўллаб-қувватлаган ва рағбатлантирган азиз дўстим Усмон Солиҳ ал-Фурайҳга миннатдорчилик билдираман. Менга ёрдам берган ва қўллаб-қувватлаганлар кўп сонли бўлган ва уларнинг барчаларининг исмлари ни бу ерда эслаб ўтолмаганим учун узр сўрайман. Муҳтарам ўқувчилар ва тадқиқотчилар, агар камчиликлар бўлса, маъзур тутишингизни сўрайман, инсон табиати ва тадқиқот шароити шундай.

Муҳтарам ўқувчидан агар ушбу тадқиқотда хато бўлса, менга хабар қилишларини сўрайман, мен уларнинг фикрларига диққат билан қулоқ соламан.

БИРИНЧИ БОБ

РОМАН ЖАНРИ

БИРИНЧИ БОБ

РОМАН ЖАНРИ

- 1 §. Саудия адабиётида қисса жанри.
- 2 §. Даврий матбуот (газеталар)да роман жанри.
- 3 §. Роман жанрининг адабиётда мустаҳкам йўринга эга бўлиши.

1-§. Саудия адабиётида қисса

Қадимда роман (араб тилида “rivāyatun” – “رواية”) бугунги кунда касб этган маъно билан танилмаган, роман (“ривоят”) сўзи арабча “ravā” (رَوْيَةٌ - “ривоят қўилмоқ, ҳикоя қўилмоқ, сўзлаб бермоқ”) феълидан ҳосил бўлган. Шу сабабдан насрий баён этиш санъати “ривоят” деб аталган, ҳатто театрда сахналаштирилган қиссалар ҳам шундай аталган. Роман XX аср бошларида араб зиёлилари томонидан қабул қилинмаган (бу ҳақда биз кейинроқ тўхтalamиз).

Қисса умумий маънода бирор иш билан машғул бўлмаган хотин-қизлар ва болалар ўртасида вақт ўтказишдаги дилхушликнинг бир тури сифатида танилган. Бу жанр Саудия Арабистонида, балки бу мамлакатдан замонавий таълим ва маданиятда илгарироқ бўлган бошқа, масалан, Миср, Ироқ каби араб давлатларида ҳам Иккинчи жаҳон уруши охиригача бўлмаган. Ундан сўнг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қамровли ўзгаришлар юз берди.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги янги пайдо бўлган мамлакат сифатида ҳаёт оқимини ривожланган мамлакатларга мос келадиган замонавий ҳаёт сари ўзгартириш мақсадида янги давлат қуришни режалаштириб, ўша пайтда илм-фан жиҳатидан тараққий топган Мисрдаги университетларга ёшларни ўқишга юборишни ушбу режанинг имтиёзли йўналишларидан деб белгилади. Ўша тала-баларнинг ўз ватанларини замонавий илм-фан ва маданият асосига қуришта бўлган умидлари жуда кучли эди. Шунинг учун ҳам улар 40-50-йиллардаги Миср маданий ҳаётини биргаликда бошларидан кечирдилар, Европадаги, аниқроғи, Франция ва Британиядаги университетларда ҳозирги замон адабиёт турлари асосларини ўқиб қайтган адилар ва адабий мураққидлар билан мулоқотда бўлдилар. Европа адабиётида ҳикоя этиш санъатининг икки тури – роман ва ҳикоя жанри ривожланган эди. Эллигинчи йиллар бошларида ўша ўқувчиларнинг дастлабки гурухлари ватан тупроғига қайта бошлади. Улар Тоҳо Ҳусайн, Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкал ва башқа буюк адилар билан мулоқотда бўлган, уларнинг ҳозирги замон адабиёти, хусусан, кечагина худди ношаръий фарзанд каби уятли ҳи-собланган роман жанри ҳақидаги маърузалари ва семинарларида иштирок этандилар. Мисрда таълим олиб қайтганлардан ташқари Саудия Арабистонида ишлаш учун келган бир қатор муҳожирлар ҳам бор эди. Бу муҳожирлар турли араб давлатларидан келган бўлиб, улар чет тилларини билар, чет эл адабиётини аслиятда ўқий олар ва шунингдек, таржима ҳам қила олардилар.

Аҳмад Ризо Ҳуҳу Саудия Арабистонига Жазоирдан 1934 йили оиласи билан келади. Дастреб шариат билимлари мактабига ўқувчи бўлиб киради,

сўнг у ерда Абдулқұддус ал-Анзорий ва Убайд Маданий билан бирга ўқитувчи бўлиб ишлаб қолади. Бу устозлар биринчи нотиқлик санъати ва саудия адабиётини янгилаш учун мамлакатдаги биринчи адабиёт клубини таъсис этадилар. Ҳуҳу ал-Анзорий билан биргаликда “ал-Манҳал” журналида ҳам ишлайди. У ал-Анзорийнинг рағбатлантириши билан ҳикоялар ҳам ёзди ва журналда нашр қилиш имкониятига эга бўлади. 1947 иили Ҳуҳунинг “Маккалик қиз” (“Ғадат Умм ал-Қура”) романи нашр этилади, шу йилнинг ўзида унинг иккинчи романи ҳам чоп этилади. Аҳмад Ризо Ҳуҳу айни пайтда, жазоирлик зиёлилар таъкидлаганидек, Жазоирда ҳикоя жанрининг дастлабки намояндаларидан ҳисобланади¹.

Ҳуҳу умрининг кўп қисмини Ҳижозда ўтказди, шу ерда юқорида эслаб ўтилган романини ва ҳикояларини нашр этди. Ҳижозликлар уни Аҳмад Муҳаммад Жамол “Ҳижозда нима гап?” деган китобида эслаб ўтганидек, Ҳижоздаги ҳикоя жанри асосчиси ва дастлабки намояндаларидан бири деб ҳисоблайдилар².

Аҳмад Ҳуҳунинг ҳикоя жанри пайдо бўлишидаги катта ролини, унинг ҳукумат идораларига ишга келган бир гуруҳ араб муҳожирлари билан саудия матбуотидаги ижодий иштирокини, уларнинг чет тилларини билиш орқали жаҳон адабиёти намуналари билан танишиш имкониятлари борлигини эътиборга олиб, айтиш мумкинки, илгари усуслари ва қоидалари маълум бўлмаган бу янги адабий жанр – роман танилишида уларнинг ўрни каттадир. Бу

¹ Карант: Абдулла Руқайбий. “Нуфус саира” (“Оташин калблар”). “Ад-Дар ал-Мисрий” нашриёти, Кохира, 1962 й.

² Аҳмад Муҳаммад Жамол “Маза фил-Ҳижаз?” (“Ҳижозда нима гап?”). “Ал-Бабий ал-Ҳалабий” нашриёти, Кохира, 1944 й., 45-бет.

муаллифлар ўз асарларига чет эл адабиётидан таъсирланиб, мазмунан араб аслиятини сақлаган ҳолда чет эл рангини бердилар. Ҳуҳунинг “Интиқом” қиссаси, айниқса, услугуга кўра ўша пайтдаги чет эл асарларига ўхшаб кетарди. Ўша пайтдаги адабий танқидчилигида ҳикоя этиш адабиёти турлари ўртасида фарқлаш учун аниқ меъёрлар бўлмаган, умумий бир ном билан “қисса” деб аталар эди. Масалан, Муҳаммад Ҳасан Аввад (1902-1980) 1933 йили Абдулқадус ал-Ансорийнинг ижоди ҳақида ёзиб, унинг “Эгизаклар” романини ва “Унтиш малҳами” ҳикоясининг ҳар иккаласини ҳам “роман” деб атайди. У ўз мақолаларини ҳозирги замон адабиёти бўйича манба ҳисобланган бир китобда жамлаган. Бу китоб номига ва мазмунига кўра адабий-танқидий фикрларни қамраб олган бўлса-да, муаллиф адабий турлар ҳақидағи ўз тушунчасида ҳеч нарса ўзгартирмайди. Муҳаммад Ҳасан Аввад яна икки ҳикоя, (бири – “Оқ қилинган ўғил” - муаллифи Азиз Зиё “Савт ал-Ҳижоз” газетасининг 1933 йили 22-сонида нашр қилинган, иккинчиси эса Муҳаммад Нур Жавҳарийнинг “Табиий интиқом” қиссаси, 1935 йили нашр қилинган) ҳақида танқидий мулоҳазалар билдириб, уларнинг ҳар иккиси “роман” деб атайди ва уларни бадиий роман деб тавсифлайди.

Аввад “бадиий” терминини Фарбда пайдо бўлган “artistic” термини маъносида қўллаган деб айтиш қийин, балки у ёш ёзувчиларни ижодий ишларида рағбатлантириш учун шундай деб атаган. Фарбдаги танқидчилар ўзларининг илмий бадиий асосга қурилган тадқиқотларида XIX асрнинг ўрталарида Европада, хусусан Британияда романнинг юзага келишидан бошлаб, унга алокадор адабий турлар ва уларнинг фарқларини таъкидшаб ўтадилар. Шулар қаторида инглиз танқидчиси E.M. Forster үзининг



“Aspects of the Novels” номли китобида романнинг роман бўлиши ва бошқа ҳикоя этиш жанрларидан ажralиб туриши учун, албатта, қуйидаги рукилари (унсурлари) бўлиши зарурлиги таъкидлайди: ҳикоя, образлар (қаҳрамонлар), сюжет, хаёл, илҳом, услугуб, адабий асарнинг ўзаро уйғунлашуви¹.

Бошқа танқидчи Edwin Muir ўзининг машхур “Роман тузилиши” номли китобида мана шу асосий унсурларни ҳамда романда кўтариладиган тарих, жамиятшунослик, романтизм ва бошқа йўналишлар ва уларнинг тармоқларини санаб ўтади².

Эдвард Форстер, Эдвин Мьюир ва бошқалар сўзлаган бадиий асарнинг тузилиши ҳар қандай бадиий турда бўлиши, унинг техник сифатлари билан уйғунлашиши мумкин. Лекин бу ердаги савол шундан иборатки, ўқувчи ана шу адабий турларни бир-биридан қандай қилиб ажратиб олади? Унинг узун ёки қисқалигига қараб ажаратадими? Бу жанрнинг юзага келишида баъзи танқидчилар мана шу оқимга асосланган эдилар, улар асарнинг узунлиги ёки қисқалигини ҳисоблашган. Доктор Иброҳим ал-Фавзоннинг ҳижоз адабиётiga бағишлиган тадқиқотида таъкидлашича, асардаги сўзларни ҳисоблашар, сўзлар сони кўп бўлса, у роман ҳисобланар эди³. Ҳикоя этиш ўз-ўзича чегараланган эмас. Ҳар бир инсон ҳаётдаги ўзининг ёки бошқасининг қисссасини сўзлаши мумкин, ундаги образларни яратиши, хаёл-фантазияга берилиши, ўша хаёлдан воқеий ҳодисалар ёки тўқималар ўй-

¹ Эдвард М. Форстер. Роман аспектлари. 105-бет ва б.б. Камол Ияд таржимаси Қохира, 1960 й.

² Эдвин Мюин. Роман қуришили. 117-121-бет. Иброҳим ас-Сайрафий таржимаси Қасбланка-Қохира. 1960 й.

³ Иброҳим ал-Фавзан. Ҳозирги замон ҳижоз адабиёти. Янгиланиш ва анъана. I-том, 698-б. Мактабат ал-Баби ал-Ҳалабий, Қохира, 1981 й.

лаб топиши ва буларнинг ҳаммасини ўзининг услуби билан ифодалashi мумкин. Сўнг биз учун қисса яратиши ёки тарихдаги ҳодисалардан эслаб, биз учун сўзлаб бериши мумкин. Шундай қобилиятилар борки, улар ҳодисаларни эслаб, қайта тиклаши ва сўнгра ўзига хос услубда шакллантириши мумкин. Биз Форстер эслаб ўтган омиллар ва тарихий қисмларни баён этсак, уларнинг барчасини – фақат “роман”да учрайдиган сюжетдан бошқасини ҳар қандай ҳикояда, қиссада топишимиз мумкин. Мана шу ерда романнависнинг адабий асар – у яхши роман бўладими ёки заифми, яратишдаги маҳорати яширинган. Инглиз адабий танқидчиси Перси Лаббок (Percy Lubbock) ўзининг машҳур “Роман яратиши” (The Craft of fiction) китобида шундай дейди: “Роман жанрида шакл, сюжет ва композициянинг бошқа жанрлардан кўра таъсири кўпроқ деб хулоса қила оламизми?”¹ Лаббок сюжет (ечим)ни шакл ва композиция ўртасига қўяди. Бу икки унсур асосий бўлиб, сюжет, гарчи улар барча адабий жанрларда мавжуд бўлса-да, фақат ана шуларгагина қурилиши мумкин.

Жаҳон адаюбиётида катта шуҳрат қозонган Колин Уильсон ҳозирги замон адабиётига бағишлиган “Модернизм адабиётида маъқул ва номаъқул” номли китобида “ечим” нинг мавжудлиги ҳақида таъкидлайди: “Услуб (йўл)ни ривожлантириш ечимни бутунлай йўқ қилиб юборишни талаб қиласидими? Бундай фикр бутунлай ярамайди. С.Б. Синонинг романлари Сарот хонимнинг романлари ҳаққонийлигичалик ҳаётни рост ифодалайди, улар айни пайтда нафис ва аниқдир, шу билан

¹ Перси Лаббок. “Роман яратиши”. 21-бут. Абдусаттор Жавод таржи- маси. Информация вазирлиги нашри. Бағдод. 1981.

бирға айни пайтда уларда аниқ ечим борлиги билан ажралиб туради”¹.

Бу фикрни Уильсон баъзи ёзувчиларда инкор этган эди, улар роман тузилишини янгилашни хоҳлаган, ундаги ҳикоя этиш услубини тарихий қисса ёки ҳикоя каби бошланиб тугашини, яъни сюжет бурилишларидан ўтмаслигини хоҳлаган эдилар.

Махмуд Таймур “Ҳикоя ва театр борасида тадқиқотлар” асарида романнинг қатъий таърифини аниқлашга, бу билан уни қисса ва ҳикоядан ажратиб турувчи жиҳатини белгилашга ҳаракат қилган эди: “Роман” деб шундай асар аталадики, унда муаллиф бир ёки бир неча мавзуни түлиқ ёритади, бир ёки бир неча ҳаётни батафсил баён этади, ўқувчи қаҳрамон ёки қаҳрамонлар ҳаётиning турли босқичлари билан танишмагунча уни тутатмайди. Қиссанавис олдида роман майдони кенгdir, у қаҳрамонлар ҳаётиning пардасини очиб ташлай олади, воқеаларни улар қанчалик узун бўлмасин тўла баён этади”². Махмуд Таймур бу номни французча “Raman a clef” дан иқтиbos қилган.

Нима бўлганида ҳам Маҳмуд Таймур таърифи ни яқинлаштиришга уринган ва ўз замонида бу муаммони сеза олган, насрый жанрлардаги бу ажойиб қоришмани кашф этган. Шунга қарамай, таъриф аниқ бўлмаган, ундан ижодкор эмас, фақат адабиёт тадқиқотчисигина фойдаланиши мумкин бўлган, лекин у ташаккур билдиришга арзигулик уриниши эди.

Биз үзимизда роман шаклланишига ана шутанқидчилар методологияси билан қарасак, арабтанқидчиларининг, айниқса саудия танқидчилари

¹ Колин Уильсон. “Хозирги замон адабиётида маъкул ва номаъкул”. 107-бет. Анис Закий Ҳасан таржимаси. Дар ал-Адаб нашриёти, Байрут. 1981.

² Махмуд Таймур. Ҳикоя ва театр борасида тадқикотлар. 100-бет. “ал-Матбаа ан-Намузажийя”, й. й.

рининг асарларидан бу методологиядан асар ҳам топмаймиз. Бунга сабаб уларнинг адабий меросла-ри учун бу жанр куттилмаган эди. Мұхаммад Сайд ал-Аммудий (1905-1991) “ал-Манҳал” журналида ҳикоя ва модерн ҳикоя ҳақида ёзган мақоласида бир қатор ҳикояларни “модерн ҳикоя” деб атайди. Би-роқ бу асарлар ана шу термин англатадиган маъно-дан бутунлай узоқдир¹. Ҳикоя этишнинг турини бу янги кириб келган жанр, яъни романни аниқлаб бе-рувчи таъриф гарбдаги ўқувчилар ва тадқиқотчи-лар орасида мустаҳкам ўрнашиб қолмади. Саудий ёзувчиларнинг асарларида ўша пайтда тушунарсиз бўлган тор маънодаги истилоҳлар ва таърифларни кўп қўллаганларини кузатамиз. Масалан, “қисса қасира” (“қисқа ҳикоя”), (қисса сағийра” (“кичик ҳикоя”), “уқсуса” (“ҳикояча”), “қисса таҳлилийя” (“таҳлилий қисса”) ва “ривая” (“роман”). Биринчи ном “ҳикоя” (“қисса қасира”) агар бу таърифнинг мазмуни мақсадга мос келса, мақбул бўлиши (қа-бул қилиниши) мумкин. Лекин “кичик” сўзи тех-ник термин эмас, у замонавий адабиёт истилоҳлар орасидан ўз ўрнига эга эмас. “Хижоз овози” (“Савт ал-Хижоз”) газетасининг 1933 йилдаги сонларидан бирида бир руҳи (ёки бир устун)дан иборат бўлган асарни “роман” (“ривая”) деб атаган билан у роман-нинг техник таърифига мос келмайди, у нари борса, “митти ҳикоя” (“уқсуса”) дан бошқа нарса эмас”, деб ёзган эди ал-Аввад (“Очиқ айтилган фикрлар”, 363-бет)².

Аммо қисса деб аталган атама – “новелла” исти-лоҳи мазкур истилоҳга мос бўлиши учун баъзи ту-

¹ Мұхаммад Сайд ал-Аммудий. Хижозда ҳикоя этиш адабиёти. “ал-Манҳал” журнали. 11-бет. 5-том. 1937 й.

² Мұхаммад Сайд ал-Аммудий. Хижозда ҳикоя этиш адабиёти. “ал-Манҳал” журнали. 363-бет. 5-том. 1937 й.

затишлиар киритиш лозим. Ал-Аввад бошчилигидаги ана шу танқидчилар Европа адабиётiga, хусусан француз адабиётiga мос янги адабиётни яратишга ошиқардилар. Улар ёшлар ўзлигига эга бўлган саудия адабиётининг тамал тошини қўйиши учун матбуот ва танқид эшигини очдилар. Албатта, бошланиш зарур эди ва бу бошланиш “техник” талабларга жавоб берадиган даражада етук бўлмаслиги маълум эди, албатта, ўқувчи ҳам ўқиши, ўрганиши керак эди. Ундан кейин жанр талабаларининг навбати келарди. Саҳмий Можид ал-Хожирий “Саудия Арабистонида ҳикоя” деб аталган тадқиқотида “У адиллар ўз асарларини жанр талабларидан кўра кўпроқ маърифий мақсадларда яратган эдилар”, деб ёзган эди¹. Ҳақиқатан ҳам ўша давр ўзувчиларида Европада илдиз отиб мустаҳкамланган, сўнг гарбдан шарққа қараб йўл олган бу жанр ҳақида Миср университетларига ўқишига юборилган саудий талабаларнинг ўз юртларига қайтиб, анаъанавий адабиётни замонавий адабиётта ўзгартирганларига, унга янги роман тушунчасини киритганларига қадар тўлиқ тушунча бўлмаган. У давр адабиётида роман бўлмаган, улар шеъриятда ҳам, насрой адабиётда ҳам араб адабий меросини, араб қадриятларини сақлаб келганлар.

Чунки турк ҳукмронлиги даврида араб тилида таълим етарли эмас эди, мен бу ерда арабча таълимни, яъни мактабда ҳамма фанлар араб тилида ўқитилишини назарда тутяпман. У пайтда “куттаб”лар бор бўлиб, унда Қуръони каримни ўқитиш, араб хати ва арифметикаси ҳамда йўналтирилмаган ўқиши билан чекланар, уларни кўпчилиги

¹ Саҳмий Можид ал-Хожирий. Саудия Арабистонида ҳикоя. 362-бет. Риёз адабиёт клуби. 1988 й.

арабча ва диний илмларни жонлантириш мақсадида Муқаддас Масжид равоқларида олиб борилар эди. Масжид ан-Набавийда дарс берган Шайх Абдулҳақ Нақшбандийнинг айтишига қараганда, у ерда кўнгилли ўқитувчилар гурӯҳи дарс беришган, дарслар мунтазамлиги таъминланмаган¹.

Таълим Туркия давлати томонидан ўз тилига хизмат қилишга, фарзандларининг тилини Туркия ичида ва ташқарисида (ҳудудида ва хорижда) сақлаб қолишга йўналтирилган эди. Араб фарзандлари учун турк мактабларига кириш кучли рафбатлантиришга эга эмас эди, бунинг икки сабаби бор эди. Биринчиси – ўз тилини йўқотиш, иккинчиси – ҳарбий хизматга бориш хавфи. Бундан ташқари яна халифаликнинг сўнгти даврида очиқ-ойдин пайдо бўлган турк партиялари – Бирлашиш ва тараққиёт партияси, Турк ёшлари партияси каби сиёсий мақсадлани кўзлаган ташкилотлар таъсирига тушиб қолиш хавфи бор эди.

Хижоз минтақасида саводсизликнинг кенг тарқалгани сабабларидан бири араб ёшларининг таълимга қизиқмаслиги эди. Турк ҳукуматининг мавжудлиги сабаб, лавозимларга тайинлашдаги имтиёзлар турк тилини билишни шарт қилиб белгилаган эди. Икки Муқаддас Масжид – Макка ва Мадина минтақаси ҳунармандчилик ва тијорат билан машҳур эди. Шу сабаб маҳаллий фуқаролар (ватандошлар) ҳаж ва умра пайтида ривож топган ҳунармандчилик ва тијорат билан машғул бўлардилар. Жамият илм ва уламони қадрлар, ота агар фарзанди илм олишни истаса, уни илмдан маҳрум қилмас эди².

¹ Абдулҳақ Нақшбандий. Ярим асрдан олдинги хотиралар. “ал-Манҳал” журнали. 1962 йил, октябрь сони.

² Муҳаммад Абдураҳмон аш-Шомих. Усмонийлар даврининг сўнгти

Ҳижозда саводсизлик тарқалишининг сабаби таълимга қизиқишнинг сўнгани араб кишисида (араблар) ўқиган одамнинг, айниқса, ўқитувчининг касбий келажагидан умиди йўқлиги эди. Бу ҳақида Мұхаммад Али Мағрибий “Янги адабиётнинг бу юртга қандай таъсири бор?”¹ номли мақоласида ёзган эди. Саудий даври бошлангандан сўнг янги араб давлати соясида ўқиганларга иш ўринлари яратиш имконияти топилгач, таълимга бўлган талаб оша бошлади. Илгари ҳарбий хизматдан қочган ёшлар ҳам энди ватанга хизмат қилиш мақсадида ҳарбий хизматга ҳам кўплаб ёзила бошладилар. Бунга қадар ҳам араб ва мусулмон фарзандлари учун якка шахслар ва жамоалар томонидан таъсис этилган баъзи араб мактаблари мавжуд эди. Мисол тариқасида баъзиларини эслаб ўтамиз. Шайх Мұхаммад Раҳматуллоҳ Үсмоний (1891 й.в.э.)² 1875 йили Макка шаҳаридаги ас-Султийя мактабини, Мұхаммад Али Зейнал 1905 йили Макка ва Жидда шаҳарларида ал-Фалаҳ мактабларини, ундан етти йил сўнг 1912 йили Мадинаи Мунавварада шариат билимлари мактабини ташкил қилган эди. Абдулқуддус ан-Ансорий ана шу мактабнинг ўқитувчиларидан бири эди. Бу мактаблар араб тилини ва шариат илмларини хурофотдан холи равишда ўқитишга интилар эди. (Бу ҳақида батафсил қаранг: Абдураҳмон Солиҳ Абдулло. Маккада таълим тарихи. “Дар ал-Маърифа” нашриёти. Жидда. 1983.) Ал-Хусайн ибн Али 1916 йили туркларга қарши инқилобни амалга оширгандан сўнг таълимни араб тилига ўтказишга ҳаракат

даврида Макка ва Мадинада таълим. 124-бет. Риёз, 1973 й.

¹ Мұхаммад Али Мағрибий. Янги адабиётнинг бу юртга қандай таъсири бор? “ал-Манҳал” журнали. №3-сон 1939 й.

² Мұхаммад Али аш-Шомих. Аввалги манба. 39- ва ундан кейинги бетлар. Шунингдек, ал-Манҳал журнали. 9- ва 10-сонлар. Август 1951 й.

қилди. Бироқ унинг бошқарув муддатининг қисқалиги, душманларига қарши олиб борган урушлари сабабли мақсадни түлиқ амалга оширишга имконият бўлмади. Ҳижоз саудийлар ҳукмига ўтгач, таълим тўлиқ араб тилига ўтказилди¹.

Наждда эса таълимнинг эсга оладиган бирор таъсири бўлмаган, баъзи жойлардаги куттаблардан ташқари. Албатта, бундан баъзилар диний билимлар эгаллашда манфаатдор. 1902 йили учинчи саудий давлатининг подшо Абдулазиз томонидан таъсис этилгунинга қадар бу ерда муентазам хусусий таълим ҳам мавжуд бўлмаган².

Арабистон ярим оролининг шарқий минтақасида анъанавий маданий ҳаракат пайдо бўла бошлади ва Кўрфаздаги қўшни давлатлардан, аниқроғи Эрондан маданий таъсирланиш юз берди. Эроннинг Кўрфаздаги араб давлатлари азалдан таъсири мавжуд эди. Бундан ташқари баъзи бой оиласлар ўз фарзандларини Эронда ва Ҳиндистонда ўқитар эдилар. Ҳиндистон билан илмий алоқалар бошқа юртларга нисбатан кучлироқ эди. Бунинг сабаблари ярим китъада араб илмларини араблар аввалдан, XI асрдан бошлаб кенг тарқатганлари эди³. Бу алоқаларниң минтақага таъсири кейинроқ ўз аксини топди, ҳинд олимлари толиби илмларга ёрдам беришда ўз ҳиссаларини қўшдилар. (Бу ерда айтиб ўтиш жоизки, Ҳиндистонда биринчи бўлиб, университет дипломини олган толиби илм шайх Аб-

¹ Мұхаммад Али аш-Шомих. Саудия Арабистонида насрий адабиёт. 40-бет. Риёз. 1975 й.

² (Бу ҳакида батафсил қаранг: Мунир ал-Ажлан. “Саудия Арабистони тарихи”; Ибн Бишр. “Нажд тарихининг шон-шуҳрати”; Амин ар-Райхоний. “Янги Нажд тарихи”; Хофиз Вахба. Арабистон ярим ороли XX асрда” ва б.)

³ Султон Саад ал-Қаҳтоний.

дулло Абдураҳмон ал-Мулла ал-Аҳсо эди, у 1934 йили университетни битирди ва маданий ҳаракатни фаоллаштиришда кўп хизматлар қилди. У Аҳсога қайтиб келгач, 1937 йили бу ерда биринчи кутубхонага асос солди.) Сўнг Кўрфаз давлатлари Британия протекторати остига олинди. XIX асрда Ҳиндистонда ўрнатилган ҳукмронлик Иккинчи Жаҳон Урушидан сўнг бу ерда ҳам тарқалди. 1919 йили Баҳрайнда биринчи расмий мактаб ташкил этилди. Бу Кўрфаздаги энг катта маданий ҳодиса эди. Шу сабабдан ҳам минтақа фарзандларининг кўпчилиги бу расмий мактабда расмий таълим асосида ўқиш учун кела бошладилар. Бунга таълим соҳасида аввалдан тажрибага эган бўлган араблар жалб этилди. Мактабнинг биринчи мудири ал-Азҳар шайхи, таниқли муаррих Ҳофиз Ваҳба, биринчи мударрисларидан Қувайтлик таниқли шоир Холид ал-Фараж эди. “Баҳрайнда таълим дафтари варақлари” китобининг муаллифи Абдулҳамид ал-Муҳоддин ва “Баҳрайнда таълим” китобида доктор Рафиқа Салим Ҳамуд эслаб ўтганидек, Абдулазиз ал-Утайқий кейинчалик мактаб мудири бўлди. Баҳрайнда дипломатик миссиялар томонидан ташкил этилган ва бошқарилган мактаблар кўп эди. Масалан, Америка насронийлар мактаби, Эрон диаспораси ташкил этган мактаб ва бошқалар¹. Араб Кўрфазидаги бу таълим уйғонишининг араб-ислом мероси билан боғлиқ бўлган, янги ривожланишга ҳамоҳанг равишда янгиланишга интилган янги адабиётнинг келиб чиқишида роли катта эди. Араб Кўрфази Миср тараққиёти билан боғлиқ эди. Бутун араб оламида кенг тарқалган миср кадрлари ва миср фильмлари

¹ Рафиқа Салим Ҳамуд. Баҳрайнда таълим. 65-бет. Маориф бошкармаси. Баҳрайн университети. 1987 й.

билин бир қаторда Мисрда нашр этиладиган китоб ва журналлар минтақага келиб турарди¹. Табиийки, бу кенг тарқалган маданий жиҳат бутун минтақа бўйлаб янги адабиёт сифатида ўз аксини топди, у клублардаги фильмларда намойиш этилди, ўша пайтда нашр этиладиган газета ва журналларда бу ҳақида ёзилди.

Саудия романи ёзувчиларидан бири, унинг ривожланиш босқичидаги дастлабки адиблардан бўлган Иброҳим ан-Носир бу пайтда Ироқда ўқиди. Ирок Британия протекторати остида эди, шунингдек, унда адабий уйғониш авжида эди, айнан шу пайт янги роман пайдо бўлиши даврига тўғри келарди. Бу эса унинг ана шу янги романларни ўқишига имконият яратди, унинг қобилиятига озуқа берди, янги роман ёзувчиси сифатида шаклланишида роль ўйнади. У XX асрнинг олтмишинчи йилларида Саудия Арабистонига қайтгач, ана шу тажрибасидан фойдаланди². 1932 йили Саудия Арабистони давлати ташкил топганида ҳужумат таълимни тўғри асосларда ташкил этиш масаласини ўзининг биринчи даражали вазифаларидан қилиб белгилади. Мамлакатнинг турли томонларида тўғри асосларда мактаблар ташкил этила бошланди. Ўқишининг бе-

¹ Мажаллат ал-Бахрайн ас-Сақофия (“Бахрайн маданияти” журнали). 18-бет. Учинчи йил. Июль, 1996 й.

² Сахмий Можид ал-Хожирий. Саудия Арабистонида ҳикоя. 370-бет. Риёз адабиёт клуби. 1988 й.

Бакри Шайх Амин ўзининг “Саудия Арабистонида адабий ҳаракат” китобида наждлик ёзувчи Иброҳим ан-Носирнинг Риёзда ўқиганини ёзади. У ҳозир пойтахтдаги давлат муассасаларидан бирида ишлайди. Унинг асарларидан: “Суқб фи ридо ул-лайл” (“Тун либосидаги тешик”), “Ард била матар” (“Ёмғирсиз ер”), “Уммаҳат ва н-нидал” (“Оналар ва кураш”). Уларнинг барчаси мамлакат босмахоналарида нашр этилган. 459-бет. Байрут. “Дар ул-улум ла-л малайнин” нашриёти. Бешинчи нашр, 1986-йил. Бу тадқиқот ҳакида кейинга бобларда Иброҳим ан-Носир асарларини таҳлил қилганимизда тўхтalamиз.

пуллиги ҳаммани жалб қила бошлади. Педагогика, саноат ва қишлоқ хўжалиги институтлари талабалари учун стипендиялар жорий этилди¹. Тадқиқотимиз таълим масаласига бағишланмаганлиги сабабли мен бу масалага чуқур тўхталиб ўтирмайман. Таълимнинг роман ривожидаги роли ҳақида кейинги бобларда тўхталиб ўтамиз.

Усмонийлар даврининг сўнгти пайтларида Жидда ва Маккада турк тилида нашр қилиниши сабабли чекланган таъсирга эга бўлган матбуот Арабистон ярим ороли тарихида биринчи марта кенг миқёсда ўз йўлинни топа бошлади. Араб фарзандлари турк таълимини ва матбуотда ишлашни ёқтирас эдилар, улар бир томондан ўз тилларини сақлаб қолишига интилсалар, иккинчи томондан манбаларда таъкидланишича, ҳарбий хизматга жалб этилишдан қўрқар эдилар.

Саудия Арабистонида ва Араб Кўрфази мамлакатларида университетлар йўқлиги сабабли саудиялик талabalар ҳукумат йўлланмалари асосида университетларда таълим олиш учун Мисрга йўл олдилар. Ўша пайтларда Миср илм соҳасида ривожланган араб давлати эди, шунинг учун ҳам барча араб давлатларининг кўзлари унга тикилган эди. Бу талabalар юксак савиядаги илмий ва маданий маълумотга эга бўлиб қайтдилар. Улар Мисрда араб адабиётида муҳим ўрин туттган Тоҳо Ҳусайн, Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкал, Тавфиқ ал-Ҳаким каби буюк адиллар ва танқидчилар билан учрашдилар. Ўша талabalар орасида Ҳомид Даманҳурий ва Ҳамза Муҳаммад Буқарий бор эди. Ҳомид Даманҳурий аввал Қоҳира университетида, сўнг Искандария

¹ Иброҳим Муҳаммад Иброҳим. Саудия Арабистонидаги расмий ва норасмий таълим. 37-бет. Алам-ал-маърифа. Жидда. 1985 й.

университетида ўқиб, уни 1945 йили тамомлади. Айни пайтда Қоҳира университетини тамомлаган Ҳамза Муҳаммад Буқарий ватанига қайтиб, 1955 йили ташкил этилган “Саудия радиоси” журнали таҳририятини бошқарди.

Эллигинчи йилларда Мисрда таълим олиб қайтган, аввалги талабалар каби таъсирланган бир гурӯҳ романнавислар пайдо бўлдилар. Булардан Исом Ҳуқайр Қоҳира университетини 1953 йили тамомлади, 1980-1983 йиллари адабий асарлар яратди. Фуад Содик Муфтий 1960 йили Қоҳира университетини битирди, 1981-1986 йиллари иккита роман ёзди.

Етмишинчи йилларда биринчи марта роман жанрида ижод қилувчи аёл ёзувчи Ҳуда ар-Рашид адабиёт соҳасига кириб келди. Адібанинг “Эртага пайшанба бўлади” номли романи 1979 йили Қоҳирадаги Рӯз ал-Юсуф босмахонасида чоп этилди. У Қоҳирада ўқиган эди. Шунингдек, Қоҳира университетини битирган Амал Шата 1980 йили Жиддадаги “Дар ат-Тиҳама” нашриётида “Эртага унутаман” номли романини, 1989 йили Риёздаги “Дар ар-Рифаий” нашриётида иккинчи романини нашр этди.

Таълим олиб ўз ватанига қайтган бу ёзувчилар мамлакатдаги бир қатор адиллар ва зиёлилар қаторида маърифатнинг турли илмий, адабий, педагогик ва публицистик соҳаларида иштирок этиб, ижод қилиш шарафига мұяссар бўлдилар ва турли соҳаларда биринчилардан бўлдилар.

Ҳомид Даманҳурий ўқитувчи бўлиб ишлаш билан бир қаторда адабиёт билан шуғулланиб, ҳам назмда, ҳам насрда ижод қилди. Ҳамза Муҳаммад Буқарий журналистика ва бадиий таржима соҳасида ишлади. Фуад Содик Муфтий дипломатия соҳасида фаолият олиб борди. Ҳуда ар-Рашид Британия радиосининг араб бўлимида ишлади, Амал Шата врач-терапевт-

лик билан, Исом Ҳуқайр эса стоматология билан шүгүлләнди. Бу адиллар ўз мутахассисликларига кўра хорижий тилларни, аниқроғи инглиз тилини билиш имкониятига эга бўлдилар ва шу сабабли замонавий адабиётни аслиятда, баъзи юзаки таржималардан узоқ бўлган асл тилда ўқий олардилар.

2-§. МАТБУОТДА РОМАН

XX аср бошларидаги матбуотда янги маънодаги роман мавжуд эмас эди, чунки умуман ҳикоя этиши жанри ҳақида, хусусан роман жанри ҳақидаги тушунча ҳали шаклланмаган эди. Бу ўқувчиларни ва ёзувчиларни замонавий қисса ва унинг кейинчалик маълум бўлиб ўз хусусиятлари ва асосларига эга бўлган турлари мазмун-моҳияти билан таништиришдаги матбуотнинг ролини асло инкор этмайди.

Биринчи саудия расмий газетаси саудийлар даврининг бошланишида чиқа бошлади, 1924 иили пайдо бўлган “Умм ал-Қура газетаси”га Юсуф Ясин (1892-1962) асос солди ва унинг таҳрир ҳайъатини бошқарди.

Юсуф Ясин ўзининг адабий ва журналистик фолијати билан бир қаторда ҳукуматда ишлаш учун Суриядан келган эди. Бу газета давлатнинг расмий органи бўлгани учун у асосан ижтимоий-сиёсий йўналишда бўлиб, адабиётта ихтисослаштирилмаган эди. Лекин у ҳикоя этиши жиҳатини эътибордан четда қолдирмади, гарчи биз юқорида айтиб ўтганимиздек, бу даврда ҳикоя этиши турлари ҳали бир-бираидан фарқланмас эди. Газета саҳифаларининг адабиёт рукнида асосан шеъриятга эътибор қаратилар эди. Унда нашр қилинган иккита ҳикоядан бошқа ҳикоя ва қиссадан асар ҳам йўқ эди. Булардан бири – аббосийлар тарихидан иқтибос қилинган бўлиб, у

Мустафо Атонинг “Аббосийлар тарихидан ҳикоя” деб аталган асари, иккинчиси – Абдулҳаким ал-Обидиннинг “Номаълум аскар” ҳикояси эди. Буларнинг иккаласи ҳам ибтидоий шаклдаги қаҳрамонлик, фидоийлик ва шон-шуҳрат рамзи бўлиб, кейинчалик пайдо бўлган ижодий асарлардан бадиий шакли билан фарқланарди.

Бу икки ҳикоя ўттизинчи йилларда, аниқроғи 1937 йилда ёзилганига қарамай, бу давр ёзувчиларида ҳикоя этиш руҳи юзага кела бошлаган бўлса-да, бадиий-техник жиҳатдан ҳали аниқ-равшан эмас эди, шу сабабли, ҳикоя қурилишида маърифий жиҳатлар бадиий-техник жиҳатларга таъсир қилган эди, замонавий шаклдаги роман тузилиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади¹.

1935 йили ака-ука Али ва Усмон Ҳофизлар томонидан “ал-Мадина” газетаси таъсис этилди². Мадинада ташкил этилган бу газета ўзининг маданий соҳадаги ролини бажарди. Маданий ресурслар етишмаслиги, босмахона ишларининг қийинлиги, ўқувчиларнинг камлигига қарамай, газета адабиётга, аниқроқ қилиб айтсак, араб адабиётга - шеъриятга ҳам, насрой адабиётга ҳам унча-мунча эътибор қаратди. Бунда анъанавий адабиёт, бевосита дидактик мақолалар тарихий шарт-шароит талабларидан келиб чиқиб, янги маданий тушунчаларни мустаҳкамлаш учун ўрин олди. Бунга қадар жамиятда узоқ йиллар давомида фикрий-гоявий турғунлик сабаб тарли шакллардаги ижтимоий қолоқлик юзага келган эди. Шу билан бирга дастлабки гоявий ривожланиш намунаси сифатида замонавий адаби-

¹ Каранг: “Умм ал-Кура” газетаси, 656-659-сонлари.

² Мухаммад Абдураҳмон аш-Шомих “Хижозда матбуот” номли китобида бу газетанинг 1937 1 или 18 апрелда нашр этилганини ёзади. 147-бет.

ётдан баҳраманд бўлган газета ўз саҳифаларида ҳикоя нашр қила бошлади, 02.12.1937 йилдаги сонида Муҳаммад Амин Яҳёнинг “Ҳайит кўз ёшлари (“Думу ал-ийд”) ҳикоясини нашр этди. Бу янги адабиётни мустаҳкамлаш йўлидаги одим бўлиб, ҳикоя ва қисса тушунчаларини тарғиб қилишга ҳисса қўйди. Ўша давр талабидан келиб чиқиб, ўқувчини кўлидан ушлаб, янги адабиёт сари етаклаш, қисса ва роман жанри пайдо бўлишининг асосларини қўйиш ҳисобланарди.

1937 йили Абдулқуддус ал-Ансорий “ал-Манҳал” журналига асос солди. Бу журнал қисса соҳасини ривожлантириш ва тарғиб қилишдаги етакчилик ролини ҳали ҳам сақлаб келмоқда. Абдулқуддус ал-Ансорий ўзининг “Эгизаклар” романини 1930 йили нашр этганга қадар бу ерда ушбу жанрда ҳали бирорта асар яратилмаган эди. Бу Саудия Арабистонидаги биринчи ҳикоя этиш йўналишидаги асар эди. Ал-Ансорийning фаолияти мана шу бошлангич иши билан чекланаб қолмади, у ёш ёзувчиларни рафбатлантиришга ҳаракат қилди, уларнинг ҳикояларини ўз журнали саҳифаларида нашр этишга унади. У замонавий адабиётнинг мукаммал бўлиши учун ҳикоя ва қиссанинг мавжуд бўлишига жуда кучли ишонар эди. Унинг ҳикоя ва қиссага эътибори икки сабабга кўра бўлиши мумкин. Биринчиси – бу юқори савиядаги жанрлардан эди. Иккинчиси – бизнинг адабиётимизда бу каби адабий турнинг мавжуд эмаслиги эди¹.

Ал-Ансорий бу фикрни амалга оширди. У романнавислар ва ҳикоянавислар ўз асарларини “ал-Манҳал” журнали саҳифаларидан нашр қилишлари учун эшикларни кенг очиб берди. Баъзи романлар туркум асар сифатида журналнинг бир неча сони-

¹ Абдулқуддус ал-Ансорий. Кумуш китоб. (“ал-Китаб ал-Фиддий”). Ал-Манҳал. 1960 йил. Журнал таъсис этилганининг 25 йиллиги муносабати билан.

да кетма-кет нашр этилди. Журнал бу анъанани шу кунгача давом эттириб келмоқда. Фолиб Ҳамза Абул-Фараж ойлик журналнинг деярли ҳар бир сонида ҳикоялар чоп қилиш билан бир қаторда “ат-Тожурий ҳовлиси” (1989 й.) номли романни эълон қилди. Журнал ҳикоя танқидчилигини ҳам рағбатлантириш мақсадида Саудия Арабистонининг ўзидан ва хорижий мамлакатлардан бўлган асарларни чоп этиб келмоқда. Умуман олганда, ал-Ансорий ижод йўлида дастлабки қадамини қўяётган ёш ёзувчиларнинг қўлидан етаклаб, уларни рағбатлантириб келмоқда, улар бу журнал сахифаларида адабий маҳоратларини сайқаллантиришларига кенг йўл очмоқда.

Ал-Билад ас-Саудия

1939 йили таъсис этилган. Биринчи марта 04.04.1932 йили “Саут ал-Ҳижаз” (“Ҳижоз овози”) номи билан нашр этилган. Бош муҳаррир Абдулваҳоб ўший бўлган. Дарҳақиқат, “Саут ал-Ҳижаз”-нинг юзага келиши мамлакатдаги замонавий адабиёт тарихининг энг кўзга кўринарли воқеаларидан ҳисобланади. Чунки бу газета XX асрнинг қирқинчи йилларида ва эллигинчи йилларининг бошларида кўплаб ёзувчи ва адиблар учун расмий нашрга, ўша даврдаги бу адабиётнинг бир қатор “жанг майдони”га айланган эди¹. Ушбу газета адабиёт ривожланишига сезиларли ҳисса қўшиб келди, унинг умуман адабиёт масалалари учун ажратилган маҳсус иловаси нашр қилинарди. Газетанинг таъсисчиси Мухаммад Солиҳ Насифнинг қўллаб-қувватлаши билан ёш ёзувчилар рағбатлантириларди. Газетанинг бош муҳаррири Абдулла Ариф (1917-

¹ Мухаммад Абдурраҳмон аш-Шомих “Ҳижозда матбуот. 1908-1941 йиллар. 140-бет. “Дар ал-Амана” нашриёти. Байрут, 1971. Қаранг: Муҳаррир сўзбошиси. №96-сон. 19.02.1934

1977) Мисрга йўлланма билан ўқишига борган, Миср адабиётидан жуда таъсирланган эди. Ўқишини тугатолмай қайтиб келган Ариф миср журналистика услугубидан таъсирланганлардан эди. Миср матбуотининг ўша даврда барча араб давлатларига кенг тарқалиши, эркин фикрлилик ва мазмунларнинг янгиланиши билан таъсир қилган эди.

Абдулла Ариф “ал-Билад” газетасининг таҳрир ҳайъатини 1944 йилдан 1955 йилгача - ўн бир йил бошқарди. У новатор-журналист сифатида танилди. Қисса жанрига эътибор қаратиб, ёш ёзувчиларнинг ижодий ишларини нашр қилишга имконият яратди, уларнинг бадиий маҳоратларини ошириш мақсадида адабий танқидга ҳам жалб этди. Унинг ўзи ҳам 15.08.1948 йил сонида “Сўнгти ечимни қидираётган виждан муаммоси” номли ҳикоясини нашр этди. Бундан мақсад янги фикрларни илгари суриш, ижтимоий муаммоларни янгича ҳал этиш, ёзувчиларни янги жамият муаммоларини ҳал этишда қатнашишга ундаш ва ғоявий ҳаракатларни фаоллаштириш эди.

1950 иили Аҳмад Абдулғафур Аттор (1919-1991) Қоҳирада “ал-Байан” номи билан бир материал нашр қилиб, дўстлари ва тарафдорлари ўртасида тарқатди. Бу баён Аҳмад ас-Сибаййнинг “Фикра” номли романига қарши ёзилган бўлиб, уни аёвсиз танқид қилган эди. Уни “тузилиш жиҳатидан ҳам, услугуб жиҳатидан ҳам ўқишига арзимайдиган асар” деб таърифлади. Аттор ушбу роман ҳақида саудия газеталарида ўзининг салбий муносабатини билдириди. Бироқ баъзи адиллар ва журналистлар ўртага тушиб, уларнинг икковлари орасидаги “жанг”ни тўхтатиш учун аралашдилар. Атторнинг ўз кўнглидаги муносабатини билдириш учун Қоҳирага бориб, ас-Сибоийга ҳужумини охирига етка-

зиш учун, объективликдан анча узоқ бўлган фикрлар билан уни танқид қилди ва бу газетанинг бир сонини нашр қилдириб келди.

1953 йили Ҳамад ал-Жосир (1910-2000) “Риёз” (“Риёз”) журналини (“Риёз” газетасини) таъсис этди. Бу журнал ўша пайтдаги барча газета ва журналлар қатори адабиётга эътибор қаратди. Дастрлаб “Риёз” роман жанрига унчалик эътибор қаратмади. Саксонинчи йилларга келиб бу жанр ҳозирги замон адабиётининг арконларидан бирига айланганилиги исботланганидан сўнг, роман жанрига умумий эътибор қаратилиши билан газета ўзининг иловаларида бу жанрга алоҳида аҳамият бера бошлади. Ҳамза Мұхаммад Буқарийнинг 1982 йили нашр қилинган “Дар ар-Рифаий” нашриётида чоп этилган “Сафа айвони” романи ҳақида Абдулазиз ар-Рифоий мақола ёзди¹. Шу роман ҳақида Одил Адиг Оға ҳам мақола ёзди². Султон Саад ал-Қаҳтонийнинг Саудия Арабистонида роман жанри ҳақидаги мақоласи ҳам эълон қилинди³.

1954 йили Ҳамад ал-Жосир “ал-Ямама” журналини таъсис этди. Ушбу журнал адабий-маданий журнал бўлиб, дастрлаб жамиятнинг турли хил муаммоларини кўтаришга қаратилган эди. Журналнинг биринчи сонида Ҳамад ал-Жосир ўқувчиларни жамиятга таъсир қилаётган, унинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган урф-одатларга қарши курашувчи ҳикоя ва қиссалар билан иштирок этишга даъват этди. У ёзувчиларни ўзгалар сари очиқликка ундали, бу эса унинг араб ва ноараб

¹ Абдулазиз ар-Рифаий. Риёз газетаси. 17 раби ас-соний 1404 х.й. / 16.01.1984 й. 4-бет.

² Одил Адиг Оға. Риёз газетаси. 20.04.1984 й. 4-бет.

³ Султон Саад ал-Қаҳтоний. Риёз газетаси. 8 сафар 1409 х.й. 24.09.1988 й. 18-бет.

давлатларнинг аҳволидан хабардор эканлигидан далолат берарди. У ана шу ривожланиш сари боришига, салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилишга даъват этарди.

У пайтда адабиёт турлари ҳақида аниқ тушунча йўқ эди, насрой асарларнинг барчасини бирга тўплагандаги ҳам, романчилик соҳасида уринишлар чекланган эди. Бугунги кунда ҳам адабий иловалар ҳикоялардан ёки муаллифи ҳикоя деб атаган қиссалардан, иловага масъул унинг шундай эканлигини тасдиқлаётган асарлардан ёки қофияли ва тузилиши бўйича ундан узоқ бўлмаган насрой шеърлардан холи эмас. Шунингдек, нашр этилаётган адабий мақолалар объектив бўлиши ҳам мумкин ёки маддоҳлик чегарасидан ўтиб кетган мадҳия бўлиши ёки ижодий ишнинг муҳокамаси у ёқда қолиб, ёзувчи ва шоирнинг шахсиятига тегувчи нохолис фикрлар бўлиши ҳам мумкин.

1955-1963 йиллардаги саудия радиоси

Ахборот вазирлиги томонидан нашр этиладиган бу ойлик журнал радиодастурлар билан бир қаторда адабиётга ҳам эътибор қаратар, вақти вақти билан ҳикоялар нашр қилиб турарди. Ҳамза Муҳаммад Буқарий Қоҳирадан ўқишдан қайтгач, унинг бош муҳаррири этиб тайинланди. Унинг аксарият ҳикоялари ҳам шу журналда нашр этилди¹. Ҳамза Буқарийнинг ҳозирги замон адабиёти борасида араб минтақасида ҳам, халқаро миқёсда ҳам ижоди сезиларли даражада эди, айниқса, у ҳикоя жанрида, адабиётшуносликда ва таржима борасида ижод қилган. Таржима соҳасида у машҳур инглиз ёзувчиси Сомерсет Моэмнинг ҳикояларини

¹ Ҳамза Буқарий. “Нима ишлаб чиқаради?” “Саудия радиоси” журнали. 11-бет. Май, 1956 йил.

араб тилига таржима қылган, булар орасида “Тамаки сотувчи” ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин¹.

Ар-Роид

Абдулфаттоҳ Абу Мадян (1924-2019) томонидан 1959 иили таъсис этилган бу нашр 1963 йилга қадар фаолият күрсатди. Умуман адабиётта бағишлиңган ушбу нашрда романдан кўра кўпроқ ҳикоялар нашр этилган. Адабий танқидчиликдаги асарлар эса объективлиги билан ажralиб турмасди. Нашр этилган адабий танқидчиликдаги мақолалар муаллиф асаридан кўра кўпроқ унинг шахсиятига қарши йўналтирилган ёки, аксинча, танқидчилик ва тадқиқотдан кўра ўлимдан кейин қабр устида айтиладган мақтovга яқинроқ бўлган мадҳиядан иборат эди².

Қурайш

Ушбу адабий-маданий журнални Аҳмад ас-Сибайи таъсис этган, у 1959-1963 йиллар нашр этилган. Дастрлаб таъсис этилганида асосий эътиборини ҳикоя жанрига ва у билан алоқадор бўлган адабий танқидчиликка ва публицистик мақолаларга қаратган. Ҳақли равища адабиётни янгилаш орқали жамиятни ривожлантиришга катта аҳамият берган дастрлабки зиёлилардан ҳисобланган. Ушбу журналнинг соҳиби ва бош муҳаррири Аҳмад ас-Сибайи янги ҳикоя жанрининг булиши зарурлиги, умуман, ҳикоя ва хусусан, роман ўқувчи учун энг яқин ва энг севимли адабиёт жанри эканлиги ҳақида тўлиқ ишонч ҳосил қилган эди. Шунинг учун ҳам у ёш ёзувчиларга ўз ижодларини нашр қилишлари учун ушбу журналнинг әшикларини кенг очиб берди. Мисол тариқасида айтишимиз мумкинки, Иброҳим

¹ Ҳамза Буқарий. “Тамаки сотувчи ва бошқа ҳикоялар”. “Тиҳама” нашриёти. Жидда. 1984 й.

² Батафси қаранг: Муҳаммад Абдурраҳмон аш-Шомих. Саудия Арабистонидаги насрый адабиёт. 14-бет.

ан-Носир “Совфа” (“ал-Ҳадия”) ҳикоясини журналнинг 1960 йил 25 янаврь сонида нашр этган¹.

1932-1963 йиллар оралиғида кўплаб газета ва журналлар пайдо бўлди: “Указ”, “ал-Жазира”, “Ҳиро*”, “ал-Ҳалиж*”, “Ахбар аз-Захрон*”, “ал-Адва*”, “ал-Қасим*”, “ал-Ишъя*”, “Қафилат аз-Зайт”. Мазкур газета ва журналларнинг юлдузча билан белгиланганлари 1963 йил ноябрда подшо фармони билан ёпилди, қолганларининг фаолияти тўхтатилмаган бўлса-да, улар муассасага айлантирилди. Аввал улар ёзувчилар ёки журналистларнинг шахсий мулки эди. Бу газета ва журналларнинг хусусияти шундан иборат эдики, уларнинг әгалари журналистика соҳасида тажрибага эга бўлган ва аксарияти адиллар эди. Айни пайтда улар баъзи нуқсонлардан ҳам холи эмас эди. Масалан, газета ёки журнални унинг эгаси мутлоқ ўзи бошқарар, бу эса унга адабиётга ва адабий анъаналарга мос келмайдиган материалларни нашр қилишга ҳам имконият берар, баъзи нолойиқ мақолаларни нашр қилиши, баъзилар билан ўринсиз тортишувларга киришиши мумкин эди. Янги газеталар ҳам таъсис этилди. Масалан Даммамда “Ал-Йавм” газетаси ташкил этилди, бошқалари эса муассасага айлантирилган газета ва журналларга қўшилиб кетди. Журналистик фаолият билан бир қаторда мамлакат мактабларида ишлаш учун Миср, Сурия, Ливан ва Фаластин каби давлатлардан келган ўқитувчиларнинг шарофати туфайли минбар фаолияти пайдо бўла бошлади. Бу зиёлилар янги фикрлар олиб келган эдилар. Улар 1954 йилда маориф вазирлиги ташкил қилингунига қадар кенг тарқалган саводсизлик туфайли бу юртнинг фарзандлари маҳрум

¹ Иброҳим ан-Носир. Қурайш журнали. 11-бет 25.01.1960 й.

бўлган ўқиши ва таълим олиш имкониятлари бўлганлиги учун янги фикрлар ва foялар олиб келгандилар. Мактабларда ҳар ярим йилда ёки ҳар ўқув йилининг охирида бир марта нашр қилинадиган мактаб газеталари ҳам бор бўлиб, бунда талабалар ўзларининг журналистик маҳоратларини ривожлантириш учун машқ қилардилар. Бу уларни журналистик манбаларга мурожаат қилишга ҳам ўргатар, талабаларда ўқишига муҳаббатни оширади. Мактаб театри эса танқид асосларини бевосита ёки билвосита шакллантиради. Масалан, Ҳуфуфдаги ўрта матағ ҳар ярим йилда нашр қилинадиган журналда журналистика ва театр фаолиятига бағищланган эди. Маккадаги Саудия институтида биринчи марта театр ташкил қилишда Аҳмад ас-Сибаййнинг ҳам роли бор эди. Афсуски, Аҳмад ас-Сибаййнинг ҳаракатлари зое кетди. Актёрларга яратиб берган шароитларга қарамасдан театр очилиши амалга ошмади. Театр очилиши белгиланган кундан бир ҳафта олдин бекор қилинган эди.

3-§. РОМАН ШАҚЛЛАНИШИ

Таълимнинг ривожланиши, адилларнинг Саудия Арабистонига ишлаш учун келишлари, матбуот билан таъминланиш каби омиллар саудиялик инсонни ўқувчига, ёзувчига ва танқидчига айлантириди. У энди аввалгилардан фарқли ўлароқ чекланган эмас, балки ҳикоя, қисса ва мақома билан кенг миқёсда муомала қиласидиган бўлди. Ҳукумат йўлланмаси билан Мисрга ўқишига юборилган Ҳомид Даманҳурий 1945 йили Саудия Арабистонига қайтиб келганида романчилик етарли даражада ривожланмаган эди. Ўша даврда яратилган асарлар сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам талаб даражасида эмас эди.

Ҳар ҳолда мамлакатда газета ва журналлар сони сезиларли даражада кўпайди, кундан кунга битириувчилар сони ортди, шунингдек, ўқувчиларнинг ҳам ўқишига бўлган қарашлари ўзгарди.

Ҳомид Даманҳурий мамлакатта қайтганида ҳали унинг ижоди бошланмаган эди. Унинг биринчи романни 1959 йили нашр этилган бўлиб, у ҳақли равишда жанр талабларига жавоб берадиган роман яратган биринчи саудия ёзувчиси ҳисобланади. Даманҳурий Қоҳира ва Искандария университетларида ўқиган пайтларида Миср фикр минбарларидан бирига айланган эди. Саудия адабиётида “Қурбонлик қиймати” (“Саман ат-тадҳия”) романининг пайдо бўлиши анъанавий адабиётнинг янги замонавий адабиётта айланишидан, замонавий роман жанрининг юзага келишидан далолат берарди. Бу роман Қоҳирада нашр этилган бўлса-да, саудиялик ўқувчилар орасида кутилганидан кўра тезроқ вақтда тарқалиб улгурди. Унинг тез фурсатда сотилиб кетилиши роман жанрининг пайдо бўлиши учун асос солган дастлабки ёзувчиларнинг қарашлари туфайли янги маданий онг пайдо бўлганидан далолат берарди. Бу роман, шунингдек, бир неча тилларга таржима қилинди (Биз бу ҳақида тадқиқотимизнинг Даманҳурий ишларини таҳлил қилишга бағишлиган қисмида тўхталамиз). Роман ҳақида Мансур ал-Хозими, Мансур ал-Хурайжий, Иззат Иброҳим, Набила Иброҳим Солим каби кўплаб танқидчилар ва тадқиқотчилар ўз фикрларини ёздилар, уларнинг фикрлари ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Даманҳурий саудия романини дидактик асардан тўла маънодаги техник ва бадиий жиҳатдан пухта романга айлантира олганига қарамасдан, унинг 1963 йили нашр қилинган иккинчи асари – “Ва кунлар ўтди” романи афсуски, талаб даражасида эмас, са-

удия адабий танқидчилари унга билдирган умид даражасида бўлмади. Бу билан у умид қилинган табиий ривожланиш назариясини барбод қилди. Эндиги умид Даманҳурининг учинчи ижодий иши юз кўриши билан боғлиқ бўлиб қолган эди, бироқ бевақт келган ажал бу умиднинг рӯёбга чиқишига йўл қўймади. Адид 1965 йили вафот этди.

Саудия романи ривожланишидаги иккинчи чавандоз Иброҳим ан-Носир ҳисобланади. Иброҳим ан-Носир Ироқда таълим олди ва эллигинчи йиллардаги ироқ романи ривожланишининг гувоҳи бўлди. Саудия Арабистонига қайтгач, у “Тун либосидаги тешик” (“Суқб фи рида ал-лайл”) номли биринчи романини нашр этди. Роман 1961 йили Мисрда чоп этилди. Муаллифнинг иккинчи асари “Ўликлар кемаси” (“Сафинат ал-Мавта”) романининг биринчи нашри 1969 йили Риёзда чоп этилди. Иброҳим ан-Носирнинг ижодий ривожланиши мана шу иккинчи асарида яққол намоён бўла бошлади. Бу китоб нашрдан чиққанидан бир неча ой ўтар-ўтмас китоб дўконларида топилмай қолди. Тоиф адабиёт клуби ушбу асарни йигирма йилдан сўнг қайта нашр қилди. Ан-Носир яна икки роман – “Фариблиқдаги бокира” (“Узра ул-манфа”) 1977 йил ва “Куз булутлари” (“Фуйум ал-Хариф”) 1988 йили нашр этди. Тадқиқотчи ушбу муаллиф асарларида унинг ўз қобилияти билан ривожланишдан ортда қолмаганини, замонавий роман тузилиши, роман хитоби билан ҳамоҳанг бўлиш, ҳаққоний тасвир ва тасаввур, ҳодисаларнинг замон билан боғлиқлиги каби унсурларни эътибордан қолдирмаганини кузатиши мумкин.

Етмишинчи-саксонинчи йилларда саудия романнинг қай даражада ривожлангани, мана шу икки ўн йилликда нашр этилган романларнинг шакл ва

мазмун жиҳатидан етук бўлиб боргани орқали ўқувчилар учун яққол намоён бўлади. Роман адабиёт учун аввал тавсифланганидек бегона жанр бўлмай қолди. Ҳуда ар-Рашид, Абдулазиз Мишарий, Амал Шата, Ҳамза Буқарий каби адиблар ўзларининг сидқидилдан қилган ижодлари маҳаллий ва жаҳон миқёсида бу жанр асарларини ўқиб кузатиб бориш, ўз қобилиятларини ривожлантириш орқали адабиёт соҳасида ўз ўрнига эканликларини романлари билан исбот эта олдилар. Шу билан бир қаторда, бу даврда бир қатор асарлар яратилдики, улар талаб даражасига етолмади. Бунинг сабаби муаллифларнинг тажрибаси камлиги, қобилиятининг етук бўлмаганлиги, ҳодисалар билан роман тилида муомала қилишга қодир эмаслиги, ўз асарини тезда нашр қилишга шошилиши каби омилларни кўрсатиш мумкин.

ИККИНЧИ БОБ

**САУДИЯ РОМАНЧИЛИГИНИНГ ПАЙДО
БЎЛИШ ОМИЛЛАРИ**

И БОБ САУДИЯ РОМАНЧИЛИГИННИГ ПАЙДО БЎЛИШ ОМИЛЛАРИ

Муқаддима

Роман янги адабий тур бўлиб, араб оламига XX аср бошларида кириб келди. Бу жанр ўзининг бадиий, ижодий ва техник хусусиятлари билан ажралиб турарди. Роман бошқа адабий турлардан ўзининг кенг қамровлиги, турли адабий жанрларни, тарих, сиёsatшунослик ва жамиятшуносликни ўз ичига олиши билан фарқланади. Унда бу жанрларнинг мавжудлиги роман шартларидан, романнависнинг кенг маданиятли ва маълумотли бўлиш талабларидан ҳисобланади.

Роман ўзининг пайдо бўлиши бошланишида ўз даврининг маданияти, аббосийлар даври цивилизациясининг гуллаб-яшнаган даврида пайдо бўлган “мақома” ва “минг бир кечা” каби араб шеърий ва халқ мероси девони тамойилларида тарбияланган зиёлилар оммасида бу янги жанр агар унинг юзага келиши, унга ўз усуллари ва тамойиллари эга бўлган янги жанр сифатида эътибор қаратилиши учун баъзи омиллар мавжуд бўлмаганида ўқиши учун, мутолаа қилиш учун хоҳиш-истак ҳосил қилмаган бўларди. Баъзи ўқувчилар бу жанрни қадрладилар, уни ўқишидан завқландилар ва адабий-танқидий фикрлар билдирилар. Роман араб дунёси зиёлилари орасида ўз муҳлисларига эга бўлди. Бу ўқувчилар янги адабий жанрнинг бадиий-техник йўна-

лишлари билан танишиб, жамиятда юз бераётган ҳодисаларни, ҳаётнинг турли муаммоларини кўтаратидан адабий асар сифатида унинг турли жиҳатларидан завқландилар. Кейинчалик бу сабаблар роман пайдо бўлиши ва жамиятда тарқалиши учун замин яратди. Шу асрнинг бошларида бу жанр ўзидан уяладиган тарзда эди, адилар уни ёдлаш ва адабиёт клубларида, адабий кечаларда уни ўқишидан фахрланадиган даражада эмасди. Турли оқим ва йўналишлардаги шоирлар, адилар ва ровийлар учун шеър уларнинг нашр қилиш ва тарқатиш рўйхатларининг бошида туарди. Ривоят қилиш ва таҳлил этиш осонлиги учун, қадимдан халқ меросига боғлиқ бўлган, хурофотга ўхшаш ҳикоялар аралашган насрда тарихнинг роли кучли эди.

Романга келсак, у ҳатто Европада пайдо бўлишининг бошланишида диний фалсафага асосланган янги қисса жанри ҳам адабиёт харитасида йўқ эди. Сўнг у техник тузилишларига эга бўлди ва бир жанр иккинчисидан фарқлана бошлади. Ҳар бирининг ўз асослари ва тузувчилари шаклланди. Гарчи, умумий тушунча билан бадиий наср деб аталган тақдирда ҳам турли шакли бу адабий жанрларни фарқлаш қийин бўлиб қолди. Ҳаттоки пьеса ҳам ривоят деб тасниф қилинса-да, бу номга жуда яқин эди. Араб жамияти у билан романни ажрата олмас эди. Баъзилар бу фарқни билсалар-да, бирида сюжет ва ечим борлиги ва иккинчисида йўқлиги ҳар иккисида асосий қаҳрамон бўлишига қарамасдан роман ва қиссани бир-биридан ажрата олмас эдилар. Ливан ва Миср Гарб оламига очиқлиги, европаликларнинг бу икки давлатга ишлаш учун ёки миссионерлик мақсадларида келганликлари натижасида бу ерда таржима эртароқ шаклланган ва бу соҳа илгарилаб кетган эди, уларнинг асарлари

ўқувчилар ва танқидчилар томонидан ўрганилиб, араб дунёсига тарқатила бошлади. Саудия Арабистонида эса насрый адабиёт таълим ривожланиши билан пайдо бўла бошлади. Буни “адабиётдан яхши фойдаланиш” деб аташ мумкин, гарчи кўп ҳолларда бу мураккаб давр бўлган бўлса-да, романнинг техник омиллари пайдо бўлишидан олдин тажриба қилиб кўрилган бўлса-да, романнависликнинг дастлабки урувлари пайдо бўлди.

Саудия адабиётида роман Ливан ва Мисрдан кириб келган янги жанрлардан ҳисобланади. Араб ўқувчиси аста-секин бундай асарларни ўқишга ўргана бошлади. Араб дунёси ўқувчилари учун, ҳатто саудиялик ўқувчилар учун ҳам ёзувчилар адабиёт саҳнасига кириб келдилар-ки, уларнинг ижодлари кузатилиб, асарлари ўқила бошланди. Кўплаб саудия ёзувчилари уларга тақлид қилдилар, биз улар ҳақида кейинроқ тўхталамиз. Саудия Арабистонида пайдо бўлган биринчи роман – Абдулқуддус ал-Ансорийнинг “Эгизаклар” асари бўлиб, у 1930 йили нашр қилинди. Муаллиф китоб муқовасига “Хижозда яратилган биринчи роман” деб ёзиб қўйди. Воқеъликда у Арабистон ярим оролида яратилган биринчи роман эди. Ҳали танқидчилар ва тадқиқотчиларда “роман” (“ривоят”) тушунчаси шаклланиб улгармаган бу заминда Абдулқуддус ал-Ансорийнинг “ривоят” деб ёзишдан мақсади “қисса” эди, бундан кейинги роман орадан ўн етти йил ўтгандан кейин нашр қилинди, у Ахмад ас-Сибаййнинг “Фикра” романи эди, Мухаммад Али Мағрибийнинг “Уйгониш” (“ал-Баъс”) романи эса орадан бир йил, тўғрироғи бир неча ой ўтгач, нашр қилинди. 1930-1948 йиллар орасида нашр қилинган бу ва бундан бошқа асарлар ҳикоя ва қисса ўртасидаги асарлар бўлиб, бадиий-техник жиҳатлардан холи бўлган,

тарбиявий-дидактик йўналишдаги асарлар эди. 1959 йили нашр этилган Ҳомид Даманҳурийнинг “Қурбонлик қиймати” (“Саман ат-тадҳия”) асари ва ундан кейинги асарлар роман жанри истилоҳи маъносига мос кела бошлади¹.

Биз бу бобда Саудия Арабистонида роман жанрининг келиб чиқиши, шаклланишига, унинг кутилган баъзи мақсадларига эришишига сабаб бўлган баъзи омилларни муҳокама қиласиз.

1-§. ТАЪЛИМ

Биз олдин айтиб ўтганимиздек, биринчи авлод саудия романчилиги ёзувчиларининг кўплари таълим соҳаси намояндалари бўлиб, улар таълим бериш ва зиё тарқатиш орқали ўз юртлари тараққиётни йўлида заҳмат чеккан, саъи-ҳаракат қилган, жамиятни турк маданияти чангалидан, жаҳолат ва хурофотдан олиб чиқишига интилган зиёлилар эди. Бу адилар Миср ва Ливан зиёлиларининг тажри-баларидан фойдаланиш илдизларини яратдилар². Ана шу муаллимларнинг кўзга кўринганларидан бири Абдулқуддус ал-Ансорий бўлиб, у ўқитувчилар клубини ва янги адабий усул асосида нотик-лик курслари марказини ташкил қилди. У Мадинаи Мунавварадаги шариат билимлари мактабида мударрис эди. Унга шу мактабдаги ҳамкасби Убайд Маданий ёрдам берарди³. Абдулқуддус ал-Ансорий 1937 йили таъсис этган “ал-Манҳал” журнали ҳа-

¹ Юсуф Нофал. Султон Саад ал-Қаҳтонийнинг “Оқшом зиёратчиси” асари муқаддимаси. “Дар ал-Фикр ал-Арабий” нашри ёти. Кохира. 1980 й.

² Ҳасан Муҳаммад Катаби. “Бу менинг ҳаётим”. 42-бет. “Дар ал-Коҳира”. 1957 й.

³ Абдуссалом ас-Сосий. Адабиёт энциклопедияси. Тоиф адабиёт клуби. 1979 й.

лигача адабиёт соҳасида ўзининг пешқадамлик вазифасини адо этиб келмоқда.

Аҳмад ас-Сибай ҳам ўз меҳнати ва ижодини шу юртнинг тараққиётига багишлади, бу юртнинг фам-ташвишларини ягона араб оиласи ичидаги билди, у ривожланишини бир тоифа доирасида чекланиб қолади деб ҳисобламас эди. Модомики, ақл фикрлашга қодир ва тайёр экан, ўзгалар тажрибасидан фойдаланиш вожибdir, дерди у. Ас-Сибай Маккадаги бир неча мактабларда ўқитувчи ва мудир бўлган эди. “Арабча ўқиши поғоналари” номли ўқув дастурининг муаллиф эди. У Саудияда 1951 йил нацр қилинган ва арабча ўқишини ўқитиши бўйича биринчи дастур ҳисобланарди. Унгача таълим дастури саудий болага ёт бўлган миср маҳаллий дастури бўлган эди. Ас-Сибай ўқувчига таниши бўлган муҳит ҳақида сўзлайдиган дастур яратишга эриша олди ва ўқувчи ўзи ўқиётган нарсаларни тасаввур қила оладиган бўлди. Бу эса ўқувчи ушбу дастурни муваффақиятли бажаришга йўл очди.¹

Ас-Сибай Ватан муаммоларини носоғлом қадриятлар ва муҳит устидан қулиш услуби орқали ҳал этиш масаласини кўтариб чиққан дастлабки журналистлардан эди. У ана шу мероснинг заарларидан огоҳлантиришни, улардан узоклашишга даъват этишни, уларни яхши одатлар билан алмаштиришни, ривожланиш ва дунё сари очиқлик йўлини тутган араб давлатларининг тажрибаларидан фойдаланишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, ас-Сибай Саудия Арабистонида биринчи бўлиб театр ташкил қилди. У театрнинг тарбиявий-маърифий аҳамиятига ишонар эди. Афсуски, бу улуғ

¹ Аҳмад ас-Сибай. “Арабча ўқиши поғонаси”. “Мактабат ал-боб ал-ҳалабий” наприёти. 1951 йил.

фикр туғилмасидан қатл этилди, ас-Сибайининг ва у билан бирга қалбларида ишонч уйгота олган ўқув-чилалининг умиди пучга чиқарилди.

Ас-Сибай бу соҳада ёлғиз эмас эди, у билан бирга маданият ва таълим намояндалари бор эдилар. Уларнинг ҳар бири жамиятдаги иллатларни барта-рафт этишга, турк маданиятидан қолган жаҳолат ва қолоқликка қарши курашда, таълим ва тараққиётта даъват этишда ўз ролини бажаарди. Зоро, таълим ва янги маданиятсиз ривожланишга йўл йўқдир¹.

Турк ҳукмронлиги даврида турк талабаларни турк тилида ўқитадиган бир неча мактабдан бошқа расмий мактаблар йўқ эди. Масалан, Маккадаги “ар-Рушдия” мактаби². Саудия давлатиташкил топган илк даврда бармоқ билан санаш мумкин бўлган даражада саноқли мактаблар ташкил қилинди, холос. Ўқувчилар сони ҳам бармоқ билан санаарли эди. Ўқув предметлари эса бир ёки икки предметдан иборат эди. Албатта, хусусий таълим орқали ўқиш ва ёзиши ўргангандар ҳам бор эди, лекин улар аҳолининг 1%идан ортигини ташкил қилемасди³.

1954 йили Маориф вазирлиги таъсис этилди. Унгача бўлган таълим мудирлигининг моддий базаси ва кадрлари чекланган эди. Бу вазирликнинг таъсис этилиши алоҳида эслаб ўтилиши керак бўлган ҳодиса бўлиб, у тараққиёт йўлида биринчи қадам ташлаш, янги давлатни замонавий меъёлларда қуриш каби, таълим тизимини янги босқичга олиб

¹ Хамза Буқарий. Сафо айвони. “Дар ар-Рифаий” нашриёти. 1983 й.

² Ахмад ас-Сибай. “Тарих Макка” (“Макка тарихи”). Макка. 1979 й. Мухаммад Абдураҳмон аш-Шомих. Усмонийлар даврида Макка ва Мадинадаги таълим. Ал-Матабиъ ал-ахлийя. Риёз. 1973 й.

³ Бақри Амин Шайх. “ал-Ҳарака ал-адабийя фи-л мамлакат ил-арабийя ас-саудийя” (Саудия Арабистонида адабий харакат. 157-бет. Байрут. 1983 й.

чиқишиш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Бу вазирлиқдан ташқари Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, касб-хунар таълим бош бошқармаси каби бошқа вазирликлар ва ташкилотлар мана шу вазирлик белгилаб берган курс орқали, унинг раҳбарлигидаги иш олиб бора бошлади ва таълим фиддиракларини ҳаракатга келтиришга ҳисса қўйшди.

Дастлаб, бошланғич таълим ҳеч қайси бола учун мажбурий бўлмаган эди. Лекин жамият ўзини бунга мажбур қилди ва ҳеч бир бола таълимсиз қолмади, фақат тўлиқ ногиронларгина бундан мустасно эди. Улар учун Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги томонидан ташкил этилган марказлар мавжуд эди.

Биз олдин эслаб ўтганимиздек, аввал бармоқ билан саноқли бўлган мактаблардаги сўнг, юзлаб мактаблар ташкил этилди. Шаҳарлар ва қишлоқларда кенг тарқалган бу мактаблардаги таълимнинг бепуллиги ўқишга саудийлар ва носаудийларни жалб эта бошлади. Шунингдек, Маориф вазирлиги назорати остида хусусий таълим ва қизлар таълими бош бошқармаси тузилди. Таълимнинг барча босқичларига эътибор берила бошланди. Мамлакатнинг барча минтақаларида аҳоли учун, барча болалар – ўғил ва қиз болалар учун тенг равишда таълимни таъминлаб бериш аҳамиятини ҳис қилган раҳбарларнинг саъй-ҳаракати билан мактаблар сони оша бошлади. Мамлакатнинг турли минтақаларида таълим соҳасида ишлаш учун араб оламининг барча бурчакларидан муаллим ва муаллималар кела бошладилар. Ҳозирда эса мамлакатдаги ва хориждаги олий ўқув юртларини битирган саудий кадрлар баъзи минтақаларда етарли бўлмоқда. Тадқиқотчи ушбу тадқиқот учун материал йигишиш асносида ўрта мактабларда ва педагогика билим юртларида ҳозирги замон адабиёти

ўқитилишига умуман ва роман ўқитилишига аҳамият бериләётганининг гувоҳи бўлди. Илгари адабиёт ўқитиши фақат шеърият билан чекланган бўлиб, қисса миср ва ливан адабиёти намуналари асосида ўқитилишига эътибор (бу жанр араб оламида эртароқ пайдо бўлгани сабабли) қаратилган эди. Ўқувчи романни тушунишидаги ўсиш Маориф вазирлигининг саъй-ҳаракатлари туфайли юз берди. Вазирлик ўқув дастурларини шу жиҳатга, яъни саудия адабиётига ва роман жанрига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шунга қарамасдан, таълим ривожланишидан аввал роман ҳақида ҳеч нарса билмаган халқ орасида роман маданияти ҳалигача етукликнинг ва маърифатнинг биринчи босқичлари даражасида қолмоқда. Лекин бу тушунча тарқалишидаги ривожланишига қарамасдан романнавис ва роман ўқувчилар оммасида танилиши учун вақт талаб этилади. Шу билан бирга баъзи ёзувчилар кенг миқёсда танилдилар, улар орасида Абдулқуддус ал-Ансорий, Ҳомид Даманҳурий ва Иброҳим ан-Носир кабилар бор. Улар роман жанрида ижод қилган биринчи адиллардир. Романнависликдаги биринчি авлод вакиллари ҳам таниқли бўлишларига узоқ вақт кетгани каби улардан кейинги авлод адиллари таниқли бўлишлари учун ҳам узоқ давр керак. Бу фақат вақт ўтиши билан амалга ошиши мумкин, бу вақт матн танлашга масъул бўлган ўқув дастурлари тузувчилари янги фикр, тил ва услугуб жиҳатидан ўқув режасига мос келадиган, такрорланмайдиган материалларни танлашлари учун керак бўладиган вақтдир¹.

Муаллимлар саудиялик муаллифлар ва уларнинг китоблари мактаблар, факультетлар ёки давлат кутубхоналарида бўлишидан қатъий назар та-

¹ Маориф вазирлигининг 1991 йилги статистик маълумотлари.

лабаларнинг бу асарларга эътиборини қаратиша катта роль ўйнадилар. Шунингдек, бу борада саудия нашриёт уйлари билан биргаликда халқаро ва маҳаллий китоб кўргазмалари ҳам катта кўмаклашди. Бундан ташқари бошқа кўргазмалар ҳам чет элдан келтириладиган китоблар билан бир қаторда саудия китобларини тақдим этди¹. Маълумки, араб тили предмети барча университетлар ва олий ўқув юртларида табиий фанлар мутахассисликларида ҳам, ижтимоий фанлар мутахассисликларида ҳам ўқув дастуридаги мажбурий предмет ҳисобланади. Адабиёт тилнинг муҳим бир қисми, у университетларнинг филология факультетларида ги араб тили ва адабиёти мутахассислигида асосий предметдир.

Давлат кутубхоналари, университетлар ва коллежлар кутубхоналари, вазирликлар кутубхоналари саудия ёзувчилари китобларининг 30%ини сотиб олишга мажбур әди. Бу саудия ёзувчилари ни рағбатлантириш ва уларнинг ижодини тарғиб қилиш мақсадида қилинганди. Бу китоблар ана шу кутубхоналарда ўқувчилар ва тадқиқотчилар учун манба бўлиб қоларди. Шунга кўра ҳар бир мактабда ёки коллежда кутубхона, университетда эса марказий кутубхона ташкил қилинганди. Мамлакатнинг барча йирик шаҳарларида давлат кутубхоналари ташкил қилинган. Бу кутубхоналар Маориф вазирлиги тасарруфида. Подшо Фаҳд Миллий кутубхонаси бундан мустасно, бу кутубхона 1986 йили ташкил қилинган, у барча тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари учун манбалар уйидир.

¹ Қизлар факультетлари 1991 йил статистика ҳисоботи. Қизлар таълими бошкармаси статистик ҳисоботи.

Олий таълим соҳасида мамлакатда еттига саудия университети¹ мавжуд. Мамлакатнинг баъзи минтақаларида йирик университетнинг филиаллари мавжуд, масалан, Саудия Арабистони жанубидаги Абҳа шаҳрида Риёздаги Подшо Сауд Университетининг тиббиёт ва педагогика факультетлари мавжуд. Шунингдек, бу ерда Риёздаги Имом Муҳаммад ибн Сауд номидаги Ислом университетининг араб тили ва шариат билимлари факультети бор.

1957 йили Саудия Арабистонида Подшо Сауд Университети таъсис этилиши билан Арабистон ярим оролида биринчи марта олий таълимга асос солинди. Дастреб филология факультетидан иборат бўлган бу университетнинг араб тили йўналишида битта талаба бўлган. Кейинги йили табиий фанлар факультети, стоматология факультети ва бошқарув факультети ташкил этилди. Ҳозирда бу университетда ўн тўртта факультет ва иккита шифохона ва бошқа бўлимлар бор². Подшо Сауд Университети ташкил қилинишидан аввал бу ерда факультетлар мавжуд эди, масалан, Маккада шариат факультети 1949 йили ташкил қилинганди, 1953 йили биринчи битириувчилар ўқишини битириб чиққан эди. Риёздаги араб тили ва шариат факультети 1954 йили ташкил этилган. Булардан бошқа факультетлар бўлмаган. Ўрта таълим соҳасида саудия институти ва талабаларни йўлланма бўйича ўқишига юборишга тайёрлаш мактаби бор бўлиб, унда ўрта мактаб таълими тизимида дарс олиб борилар эди. Бу икки билим юрти талабаларни университетда таълим олишга тайёрлаш билан шуғулланган.

¹ Ҳозирги университетлар сони ва тури ҳакида изоҳ бериш керак (Таржимон)

² Кумуш китоб. Подшо Сауд Университетининг ташкил этилганига 25 йил тўлиши муносабати билан. (“ал-Китаб ал-Фиддий”, ли муурӯхасин ва ишрина аман ала таъсис жамиат ал-Малик Сауд). 1982 й.

1966 йили иккинчи университет Подшо Абдулазиз университети таъсис этилди, унинг дастлабки номи Жидда халқ университети бўлган. Уч йилдан сўнг, яъни 1969 йили номи Подшо Абдулазиз университети деб ўзгартирилган. Бу университет 10 та факультет ва Мадинадаги филиал – педагогика факультетини ўз ичига олади.

1967 йили мамлакатдаги учинчи университет Мадинаи Мунавварадаги Мадина Ислом Университети таъсис этилди. Бу бутун дунёдаги мусулмон ёшларнинг таълим олишлари учун ташкил этилган, унга ўрта мактабни битирган ва бу ҳақида шаҳодатномага эга бўлган талабалар қабул қилинар эди.

Тўртинчи университет эса Риёздаги Имом Муҳаммад ибн Сауд номидаги Ислом Университети 1974 йили ташкил топди. Дастлаб араб тили ва шариат факультетидан иборат бўлган бу олий ўқув даргоҳи ҳозирги кунда беш факультет ва бир неча институтларни ўз ичига олади, улар мамлакат ичкарисида ва ташқарисида жойлашган. Бу университет диний фанлар ва араб тилини ўқитиш борасида фаолият олиб боради¹.

Бешинчи университет – Подшо Фаҳжд номидаги нефть ва минераллар университети Захронда 1975 йили ташкил этилди. Бу олий ўқув юрти дастлаб 1963 йили Нефть ва минераллар факультети сифатида ташкил этилганди. У факультетдан университет мақомига айлантирилганида унинг таълим сиёсати ўзгармади, ундаги нефть ва минераллар билан бир қаторда муҳандислик факультети ва кенг қамровли илмий тадқиқот бўлимлари ҳам бор. Бу илмий, табиий фанлар бўйича ихтисослашган университет бўлса-да, унда ижтимоий фанларга

¹ Қаранг: Араб тили факультети журнали. 1977 й.

ҳам эътибор берилади ва сезилар даражада фаолият олиб боради.

Ал-Аҳсадаги Подшо Файсал Университети 1975 йил таъсис этилганида олтинчи университет бўлди. Еттита факультети бор, бештаси ал-Аҳсада, иккитаси Хўбарда жойлашган. Хўбардаги педагогика ва бошқарув факультетининг ижтимоий соҳада кўзга кўринарли фаолияти бор. У синфдан ташқари дастур ва фаолият орқали талабаларда адабиёт руҳини тарбиялади.

Сўнгги еттинчи университет бу Маккан Мукаррамадаги “Умм ал-Қура” университети бўлиб, у 1979 йили ташкил этилган. Дастрраб у Подшо Абдулазиз Университетининг бош филиали эди, сўнг мустақил университетга айлантирилди. Бу университет таркибига еттита факультет ва Тоифдаги педагогика факультети филиал сифатида киради.

Бу саудия таълим ва маданият муассасалари адабиёт, шу жумладан, роман ривожида ҳам муҳим омил бўлди, нима бўлганида ҳам адабиётнинг ривожланиши университетларнинг ривожланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу университетлар Саудия Арабистонидаги таълим қўргонлариридир, улар мамлакат ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб, урф-одатларни сақлаган ҳолда, ёзувчи ва ўқувчиларни мавзулар танлашда ва уларни ҳал қилишда энг янги ва самарали йўлларга йўналтирум оқдалар.

2-§. МАТБУОТ

Тадқиқотимизнинг биринчи бобида айтиб ўтганимиздек, матбуот умуман саудия адабиётининг ва хусусан, ҳикоя жанрининг пайдо бўлишида асосий роль ўйнади. Адабий матбуот ҳозирги замон адабиётида жаҳон адабиётидан намуналар, айниқса, ҳи-

коялар таржималари орқали муҳим роль ўйнади.
(Ушбу тадқиқотнинг тўртинчи бобини қаранг.)

Адабиёт соҳасидаги таржимонлар ўз ўқувчилари билан алоқа ўрнатишнинг ягона воситаси матбуот эканлигини яхши тушундилар, чунки бу жанрни ўқувчига етказиши учун ушбу воситадан бошқа танлов йўқ эди. Ўттизинчи йиллардан бошлаб шу кунгача матбуот катта эътибор остида бўлиб, давлат ҳар бир газета ва журналга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб келмоқда.

Матбуотнинг қўллаб-қувватланиши адабиёт ва маданиятни кенг ёйишда кучли туртки бўлди. Етмишинчи йиллардан бошлаб, саудия ёзувчиларини рағбатлантириш мақсадида уларнинг ҳар бир китобининг 30%и давлат томонидан харид қилиниши татбиқ этилди. Газета ва журналларда нашр қилиниши билан бир қаторда китоб тарқатиш осонлаштирилди, ўқувчи қаерга борса, шу ерда китоб топиш имкониятига эга бўлди. Кўрсатилаётган бу ёрдам адабиётни саудия матбуотида олдинги қаторга олиб чиқди. Газеталарнинг кунлик ёки ҳафталик иловалари нашр қилина бошланди. Матбуотнинг техник имкониятлари туфайли адабий турлар руқнлари жорий этилди. Матбуотнинг олдинги қаторга чиқишининг асосий сабаби унинг адабий турларнинг барчасини қамраб олиши, бу турлар билан мутахассис ёзувчилар энг янги услубларни қўлланган ҳолда шуғулланишлари эди.

Саудия романнависларининг аксарияти журналистлар эдилар. Бу журналистик анъана ўттизинчи йилларда пайдо бўлган биринчи роман ва унинг муаллифи, 1937 йили ташкил этилган биринчи адабий журналнинг таъсисчиси ва бош муҳаррири Абдулқуддус ал-Ансорийга бориб тақалади. У бир қатор ҳикоя ёзувчиларига журнал эшикларини кенг

очиб, улар ўз асарларини нашр этишларига имконият яратди, уларга йўл-йўриқ қўрсатди ва ижодларига эътибор қаратди.

Адабий матбуотнинг пайдо бўлишидаги яна бир нуфузли шахс Ҳамза Буқарий эди. У Мисрда ўқиши тугатиб қайтгач, қисса оламида нуфузли ва бу янги ҳикоя жанрини қўллаб-қувватлайдиган шахс бўлиб қолди. У жаҳон адабиётидан бир қатор ҳикояларни таржима қилди. Саудия ҳикоянавислиги қўллаб-қувватлаш мақсадида, “Саудия радиоси журнали”нинг бош муҳаррири сифатида ёш ёзувчилик инжидорини нашр қилишга имконият яратди. Журнал 1955 йилда таъсис этилганидан 1963 йилда ўз фаолиятини тугатгунига қадар унинг саҳифаларида кўплаб ҳикоялар, бир қатор адабий-танқидий мақолалар нашр этилди.

Бир қатор саудия газета ва журналларида муҳаррилик қилган Аҳмад ас-Сибай ҳам ёш ёзувчилар асарларини нашр қилишда, уларга йўл-йўриқ қўрсатишида, янги адабиёт яратишида ўз хизматларини аямади. Ас-Сибай 1932 йили “Савт ал-Ҳижоз” (“Ҳижоз овози”) газетасининг бош муҳаррири этиб тайинланган эди. 1959-1963 йилларда “Қурайш” журналига бош муҳаррирлик қилди¹.

Сўнг матбуот саҳнасида Сайфуддин Ашур кириб келди, у “Нефть карвони” (“Қоғилат аз-Зайт”) журналининг 1960 йилдан 1972 йилгача бош муҳаррири бўлди². Голиб Ҳамза Абул-Фараж 1980 йили “ал-Мадина” газетасининг бош муҳаррири бўлди³. Биринчи гурухнинг йўлини Абдулазиз Мишарий давом эттирди, у ҳам ўн йил давомида журна-

¹ Қаранг: “ал-Араб” журнали. 1984 й. апрель. Мансур ал-Ҳозимий. “Матбуот манబалари” (“ал-Масадир ас-суҳуфийя”). Риёз Университети. 1957 й..

² Сайфуддин Ашур. “Алвидо демагин” (“Ла тақуф видаан”). 1981 й..

³ Голиб Ҳамза Абул-Фараж. “ал-Манҳал” журнали 1990 й.

лист ва муҳаррир сифатида фаолият кўрсатди. У “ал-Марбад” номи билан танилган адабий саҳифа-нинг муҳаррири, сўнг “ал-Йавм” газетасининг адабий муҳаррири бўлган эди¹.

Абдуллоҳ Жафрий бир қатор газеталарда, шу жумладан, “Яқин Шарқ” (“аш-Шарқ ал-Авсат”) газетасида журналист сифатида фаолият олиб бормоқда. Яна бир қатор ёзувчилар журналистика соҳасига қўшилдилар. Бу адиллар ҳикоялар, адабий ва танқидий мақолалар ёзиш билан бир қаторда роман ва қиссалар яратдилар. Булар орасида Иброҳим ан-Носир², Амал Шата³, Султон Саад ал-Қаҳтоний⁴ ва Фуад Содиқ Муфтий⁵ларни айтиб ўтиш мумкин.

Саудия Арабистонидаги матбуот икки босқични бошидан кечирди. Биринчи босқични якка шахслар матбуоти деб аташ мумкин. Бу босқич 1932 иили ташкил этилган “Савт ал-Ҳижоз” (“Ҳижоз овози”) газетасидан бошланди ва шу ном билан Иккинчи Жаҳон Урушигача давом этди. Уруш пайтида қоғоз етишмаслиги, давом этаётган урушнинг хом-ашё келтиришга тўсқинлик қилгани сабабли тўхтаб қолди. “Савт ал-Ҳижоз” (“Ҳижоз овози”) газетасининг номи урущдан кейин “ал-Билад ас-Саудийя”га ўзгартирилди, кейинчалик матбуот ҳақида янги қонун чиқиши билан мазкур газета “ал-Билад” деб ўзгартирилди, бу ном билан ҳозиргacha нашр этилмоқда. Биз бу ҳақида тадқиқотимизнинг биринчи бобида тўхталдик. Ўша даврдан буён нашр этилаётган газета ва журнallлар:

“ал-Манҳал” журнали 1937 - *,

“ал-Мадина” газетаси 1937 - *,

¹ Абдулазиз Мишарий. “ал-Васмийя”. 1985 й.

² Иброҳим ан-Носир. “Курайш” журнали. 11-бет. 25.01.1960 й.

³ Амал Шата. “Эртага унутаман” (“Ғадан анса”). 1980 й.

⁴ Султон Саад ал-Қаҳтоний. “ар-Росид”. 174-бет. 1990 й.

⁵ Фуад Содиқ Муфтий. “Заифидик лаҳзаси” (“Лаҳзат ад-дӯъф”). 1981 й.

- “Нефть карвони” журнали 1953 - *,
 “ал-Ишъаа” журнали 1955-1956,
 “Саудия радиоси” журнали 1955-63,
 “ар-Роид” 1959-1963,
 “ал-Қасим” 1959 – 1963,
- “Риёзд” газетаси 1953 - *,
 “Захрон хабарлари” 1954-1963,
 “ал-Халиж” журнали 1957-63,
 “Курайш” журнали 1959-1963,
 “ал-Жазира” 1960 - *.

Бу биринчи босқич эди. Иккинчи босқичга келсак, унда баъзи газета ва журналлар ёпилди, баъзилари эса қолди. Шунда баъзи газета ва журналлар бошқасига қўшиб юборилди. Матбуот ярим расмий муассасага айлантирилди. 1964 йил 4 февралдаги №62-сонли Подшо Фармони билан еттита кунлик газета ташкил қилинди, улардан бештаси биринчи босқич газеталари бўлиб, баъзи газеталар уларга қўшиб юборилган эди. Иккита газета янгидан таъсис этилганди. Ўша даврни ва келажакни ҳисобга олган ҳолда, саудия матбуотини сон ва сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш мақсадида ҳафталик ва ойлик журналлар таъсис этилди. Баъзи газеталар фаолияти давом этишининг асосий шарти бўлган ярим расмий муассасага ўзгартирилишига рози бўлди, баъзилари эса муассасага айланишга рози бўлмай бошқаларга қўшилиб кетди ёки нашр этилишидан тўхтатилди. Демак, 1963 йил ноябрь ойидаги Подшо Фармони билан қўйидагилар нашр этиладиган бўлди.

Газеталар:

“Указ”, “ал-Билад”, “ан-Надва”, “ал-Жазира”, “Риёз”, “ал-Йавм”.
 Таъсис этилган ва хозиргача нашр этилаётган ҳафталик журналлар:
 “ал-Ямама” (1954 - *), “Икра” (“1975 - *”), “аш-Шарқ” (1979 - *).
 Мазкур санада таъсис этилган ойлик журналлар кўйидагилар:
 “ал-Манҳал” журнали (1937 - *) “Нефть карвони” журнали (1953 - *)
 “ал-Араб” журнали (1966 - *) “ал-Мажалла ал-Арабийя” (1975 - *)
 “ал-Файсал” журнали (1976 - *) “ал-Ҳарас ал-Ватаний” (1984 *).

Юқоридагиларга қўшимча равишда адабиёт ва санъатга алоқадор бўлган вақтли матбуот орган-

лари (такриз қилинадиган илмий журналлар) ҳам нашр қилинади:

“Подшо Сауд Университети журнали” (аввал Риёз университети Филология факультети журнали деб аталарди).

“Ад-Даарра” Подшо Абдулазиз уйи томонидан нашр қилинади (1972 й.).

Имом Мұхаммад ибн Сауд Ислом Университети араб тили факультети журнали (1974 й.).

“Китоблар олами” (“Алам ал-Кутуб”) – Риёздаги “Дар ар-Рифоий” ва “Дар ас-Сақиғ” нашриётлари.

“ал-Тубад” журнали (аввал “Маданият ва санъат журнали” деб аталарди 1979 й.), кейин 1986 йили “ал-Ту бад” деб ўзгартырилди.

Матбуот күнлик газеталар, ҳафталик ва ойлик журналлар орқали роман жанрининг ривожланишида мухим роль ўйнади. Мана шу вактли матбуот орқали одамлар, улар адабиётта қизиқувчи ва кузатиб борувчи бўладиларми ёки оддий ўқувчилар бўладиларми, умумий ва ихтисослаштирилган иловалар орқали роман билан танишиб бордилар.

Адабиёт масалаларида матбуотнинг роли катта бўлганлиги ҳақидаги фикрга ҳамма қўшилади. Матбуотда ҳикоялар ва унча катта бўлмаган романлар бир сонда ёки бир неча сонда силсила сифатида ёки маҳсус нашр сифатида чоп этилди.

Ал-Манҳал (1937 й.)

Бу журнал биринчи саудия журнали бўлиб, адабиётта алоҳида аҳамият қаратган ва шу анъанани давом эттириб келмоқда. Журнал ўзини ҳикоя жанрига умуман ва роман жанрига хусусан бағишланган эди. Журнал таъсис этилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан “Қумуш сон” деб аталган маҳсус сон нашр қилиб, унда асосий эътиборни ҳи-

кояга қаратди. Биринчи саудия романи муаллифи Абдулқұддус ал-Ансорий доимо ёш ёзувчиларни, айниңса, романнависларни рағбатлантириб келарди. У “Кумуш китоб”да шундай деб ёзган әди:

“Мен ҳикояга икки сабабга күра эътиборимни қаратдим,

Биринчидан, ҳикоя – ҳозирги замон юқори адабий турларидан бири, **Иккинчидан**, Адабиётимиз бу соҳада илвор дунё адабиёти билан ҳамоҳанг бўлишга эҳтиёжи бор¹.

“Ал-Манҳал” журнали роман билан бирга босаётган йўлини давом эттириб келмоқда. Биз бу ерда 1989-1990 йилларда журнал нашр этган Голиб Ҳамза Абул-Фаражнинг “Тагорийнинг ҳовлиси” романини эслаб ўтмоқчимиз².

“Нефть карвони” (“Қофилат аз-Зайт”) журнали (1953):

Маданиятга умуман, адабиёт маданиятига хусусан, алоҳида эътибор қаратган энг катта журналлардан бири. Бу журнал сахифаларида роман жанрига, у ҳақида тадқиқотлар алоҳида эътиборга сазовор бўлди. От бўладими ёки танқидий мақола бўладими, ё янги роман чиққани ҳақида хабар бўладими, унга катта эътибор қаратилди. Кўплаб романнавислар ўқувчиларга шу журнал сахифалари орқали етиб келдилар. Журналнинг бош муҳаррирларидан бири романнавислардан – Сайфуддин Ашур әди. Журнал нефть компаниясига тегишли бўлишига қарамай, у маданиятга ва адабиётга алоҳида аҳамият қаратар әди. Сўнгти ўн йили ичида мазкур журнал ҳар қандай бошқа саудия журналидан кўра роман ва романнависларга энг катта аҳамият қаратган матбуот орга-

¹ Абдулқұддус ал-Ансорий. “ал-Манҳал” журнали. Кумуш китоб. 1960 й.

² Голиб Ҳамза Абул-Фараж. “ал*-Манҳал” журнали. 1989-1990 йиллар.

ни бўлди. Унинг саҳифаларида романга бағишлиланган тадқиқотлар, таҳлиллар ва танқидий мақолалар кўплаб эълон қилинди. Масалан, Бакр Аббос Ҳомид Ҷаманхурий ва унинг “Қурбонлик қиймати” романи¹ ва Амал Шата ва унинг “Эртага унутаман” (“Гадан анса”) романи ҳақида ёзди². Муҳаммад Али Қудс бир қатор саудия ёзувчиларининг асарларини ўз ичига олган Саудия Арабистонида роман жанри ҳақида мақола нашр қилди³. Журнал таҳририяти икки адаб Али ад-Думайний ва Абдулқуддус ал-Анзорий билан сұхбат ўтказди уларга ҳурмат ва әҳтиром кўрсатди. Абдулқуддус ан-Анзорий ўзининг биринчи ва ягона романни ҳақида сўзлаб берди ва саудия романчилиги келажаги ҳақида фикр билдириди⁴.

Бакр Аббос Фуад Абдулҳамид Анқовийнинг “Тоғ остида соя бўлмас” романни ҳақида очиқ-ойдин мақола ёзди⁵. Фозил ас-Сибайи эса Муҳаммад Яманийнинг “Хоиллик қиз” романни ҳақида мақола ёзди, бу асарни муаллиф ўзи роман деб атаган эди ва шу ном билан нашр қилганди. Ушбу мақолада яна бошқа асарлар эслаб ўтилди⁶.

Абдураҳмон Шалиш саудия романнида бош қаҳрамон мавзусидаги мақоласида учта романни таҳлил қиласиди: “Қурбонлик қиймати”, ”Эртага пай-

¹ Бакр Аббос. “Нефть карвони” (“Қофилат аз-Зайт”) журнали. 32-бет. Январь, 1981 й.

² Бакр Аббос. “Нефть карвони” (“Қофилат аз-Зайт”) журнали. 28-бет. Июль, 1981 й.

³ Муҳаммад Али Қудс. . “Нефть карвони” (“Қофилат аз-Зайт”) журнали. 32-бет. Февраль, 1981 й

⁴ Али ад-Думайний. “Нефть карвони” (“Қофилат аз-Зайт”) журнали. 15-бет. Сентябрь, 1981 й

⁵ Бакр Аббос. “Нефть карвони” (“Қофилат аз-Зайт”) журнали. 14-бет. Февраль, 1981 й.

⁶ Фозил ас-Сибайи. “Нефть карвони” (“Қофилат аз-Зайт”) журнали. 14-бет. Февраль, 1984 й.

шанба бўлади” ва “Тоғ остида соя йўқ”. Муаллиф бу тадқиқотда дастлабки икки романдан ҳам мисоллар келтиради, лекин айни пайтда бадиий-техник роман Даманҳурийнинг “Қурбонлик қиймати” асаридан бошланганини таъкидлайди.

Ушбу мақола роман жанрини таҳлил қилган ва танқидий ўрганиб чиққан энг яхши мақола ҳисобланади. Унда холис илмий рух сезилиб туради, тадқиқотчи ўз фикрини ушбу асарнинг ижобий ва салбий жиҳатларининг сабабларини кўрсатган ҳолда очиқ-ойдин ва объектив баён этади. Шалишнинг тадқиқоти роман жанрининг асосларига қурилган бўлиб, у ўз навбатида бош қаҳрамонни унинг атрофидаги персонажлар билан қиёслаш улар ўртасидаги фарқни кўрсатиш орқали тавсиф этади, бунда романдаги бош қаҳрамоннинг образини тасвирлашдаги ёзувчининг маҳорати баён этилади. Роман савиясини баҳолаш шу асосга қурилади. Иброҳим ан-Носирнинг олтмишинчи йиллардаги романларида шу жиҳат юзага келган. У ана шу хусусиятни саксонинчи йиллардаги романларида ҳам сақлаб қолишга эришган¹. Мустафо Ҳусайн Аҳмад ас-Сибаййнинг ижоди ҳақида у саудий адиллардан бири сифатида, унинг ягона романи “Фикра” ва унинг адабий уйғонишдаги роли ҳақида ёзади².

“ал-Араб” журнали (1966).

Аввал Риёзда биринчи марта нашр қилинган “ал-Ямама” журналини таъсис этган Ҳамад ал-Жосир “ал-Араб” журналини таъсис этади. Бу журнал Арабистон ярим ороли масалаларига, унинг бугунги куни-ю ўтмишига бағишлиланган эди.

¹ Абдураҳмон Шалиш. “Нефть карвони” (“Қоғилат аз-Зайт”) журнали. 38-бет. Май, 1984 й.

² Мустафо Ҳусайн “Нефть карвони” (“Қоғилат аз-Зайт”) журнали. 29-бет. Август, 1986 й.

Ҳамад ал-Жосир журналнинг бош муҳаррири сифатида ҳозирги замон адабиётига алоҳида эътибор қаратди. Журнал илмий журнал бўлиб, унинг мавзулари Арабистон ярим оролини тадқиқ этиш билан боғлиқ эди. Шунга қарамай, ушбу журнал саҳифаларида саудия романининг дастлабки муаллифлари учун ҳам ўрин топилди. Аҳмад ас-Сибайи, Мухаммад Али Мағрибий, Абдулқуддус ал-Ансорийларнинг ижодлари журналдаги бальзи мақолаларда тадқиқ этилди¹. Али Жавод ат-Тоҳир ўзининг “Саудия Арабистонидаги адабий ҳаёт” номли мақоласида умуман маданият ҳақида сўз юритиб, Саудия Арабистонидаги ҳурматга сазовор бўлган ишларни тақдим этган романнависларни эсга олади, саудия уйғонишининг бошланишида улар қийинчиликларни бошларидан кечирганларига қарамай, роман жанри уларнинг қаламида ривожланганини баён этади. Ўз романини Сурияда нашр қилган ал-Ансорийни мисол қилиб келтиради, Шунингдек, биринчи босмахона, “Қурайш” нашриёти ва шу номли журналга асос солганини айтади. Улар шундай қилиб саудия маданиятидаги бўшлиқни тўлдиришган эди.

Абдуллоҳ Жефри ва бошқа саудиялик муаллифлар ўз адабий асарларини нашр қилиш учун Саудия Арабистонидан ташқарида нашриётларга асос солдилар. Али Жавод ат-Тоҳир ҳозирги замон саудия адабиётининг ривожланишига ижобий таъсир этган матбуот, нашр этиш имконияти ва унинг осонлиги, ўқувчи ва зиёлиларнинг мавжудлиги каби бир қатор омиллар ҳақида сўз юритган².

¹ Қаранг: “ал-Араб” журнали. 42-бет. Апрель 1984 й.

² Али Жавод ат-Тоҳир. “ал-Араб” журнали. 351-355-бетлар. Август 1985 й.

“Ал-Мажалла ал-Арабийя” (“Арабча журнал”)

Умумий маданий журнал сифатида таъсис этилган. Бунда Мухаммад Ризо Насруллоҳнинг саудия романи ҳақида бир мақоласи нашр этилган. Ушбу мақолада Аҳмад ас-Сибай ва Абдулқуддус ал-Ансорийнинг асарлари, уларнинг саудия ёзувчисининг муваффақиятига умумий таъсири ҳақида сўз юритилган¹.

“Ал-Файсал” журнали (1976)

Бу адабий-маданий журнал, унинг сиёсати роман жанрига ёрқин аҳамият бериш билан бир қаторда, саудия романи, романнавислар ҳақидаги тадқиқотлар ва баҳслар ҳамда жаҳон адабиётидаги романларга ўрин ажратишиди. Бу журналда Иззат Иброҳим “Қурбонлик қиймати” романи ҳақида мақола ёзган². Набила Иброҳим ҳам бу роман ҳақида мақола ёзган³. Журналнинг муҳаррири “Оқшом зиёратчиси” романини муҳокама қилган⁴.

“Миллий гвардия” (“ал-Ҳарас ал-Ватаний”) журнали.

Бу журнал, номидан кўрсатилганидек, миллий гвардия масалаларини ва умуман ҳарбий масалаларни ёритиш мақсадида таъсис этилган. Мудофаа ва ҳарбий масалалар билан бир қаторда журнал адабиётга ҳам, хусусан ҳикоя ва роман ҳақидаги тадқиқотларга ҳам ўрин ажратди.

Миллий гвардия халқ меросига багишлиланган “Жанадрия” маданий фестивалининг бош ҳомийси бўлгани учун журнал фестивал тадбирларини, ундаги маърузалар ва адабий учрашувларни ёри-

¹ Мухаммад Ризо Насруллоҳ. “Ал-Мажалла ал-Арабийя” (“Арабча журнал”). № 1-сон. 1985 й. 5-бет.

² Иззат Иброҳим. “Ал-Файсал” журнали. 35-бет. Апрель 1978 й.

³ Набила Иброҳим. “Ал-Файсал” журнали. 48-бет. Июнь 1979 й.

⁴ Қаранг: “Ал-Файсал” журнали. 40-бет 1980 й.

тиб борарди. Бу адабий учрашувларнинг мавзулари баъзан роман ҳақида ҳам бўларди. Масалан, Муъжаб аз-Заҳроний 1990 йилги фестивалда Абдулализз Мишарий ҳақида маъруза қилди.

Ҳусайн Али Ҳусайн энг йирик саудия романнависларидан бири Иброҳим ан-Носир билан учрашув ўтказди. У чорак аср давомида ҳикоя ва роман муаллифи сифатидаги фаолияти ҳақида сўзлаб берди¹.

Подшо Сауд Университети журнали (Филология факультети журнали. 1970)

Ушбу журнал Подшо Сауд Университети Филология факультетининг номидан сўзлайдиган маданий журнал сифатида таъсис этилган. Унинг биринчи муҳаррири араб тили ва адабиёти бўлимининг ҳозирги замон араб адабиёти устози Мансур ал-Ҳозими бўлган. Ушбу журналда Мансур ал-Ҳурайжий ва Мансур ал-Ҳозими биринчи саудия бадиий романи деб эътироф этилган Ҳомид Даманҳурийнинг “Қурбонлик қиймати” романи ва унинг бошқа асарлари ҳақида мақолалар ёзганлар.

Марк Тайлор Дей (Mark Tyler Day) (“Contemporary Saudi Writers of fiction”) номли мақоласида саудия адабиётига янги шакл сифатида кириб келган бу жанрда ижод қилувчи бир қатор ёзувчиларнинг асарларини баён этган.

Араб тили факультети журнали (1973)

Бу журнал Араб тили факультетининг университетга (Имом Муҳаммад ибн Сауд Ислом Университетига) айланишидан олдин расмий журнали сифатида Подшо Сауд Университети Филология факультетининг журнали каби таъсис этилган. Ҳар иккала журнал ҳам рецензия қилинадиган илмий журнал ҳисобланади ва илмий мақолаларга

¹ Ҳусайн Али Ҳусайн. “Миллий гвардия” (“ал-Ҳарас ал-Ватаний”) журнали. 27-бет. Май 1990 й.

афзаллик беради. Бу журналда Иброҳим ал-Фавзоннинг ҳозирги замон адабиёти ҳақидаги умуман, саудия романнавислигини дастлабки муаллифлари Аҳмад ас-Сибайи, Абдулқуддус ал-Ансорий ва бошқаларнинг асарлари ва уларнинг Саудия Арабистонидаги ҳозирги замон адабиёти бошланишидаги ўрни ва роли ҳақидаги мақоласидан бошқа роман ҳақида ҳеч қандай материал берилмаган¹.

“Ал-То бад” журнали

Журнал Саудия Арабистонидаги маданият ва санъатга, умуман ҳикояга ва хусусан романга бағищланган эди. Романга қаратилган адабиётнинг бошқа турларидан кам эмас эди. Абдул-ол Шоҳин Исом Ҳуқайрнинг “ад-Даввама” номли романи ҳақида² мақола ёзганди. Унда Исом Ҳуқайрнинг услуби ва романи тузилиши ҳақида танқидий-таҳлилий фикрлар билдирилди³. “Ал-То бад” журнал бўлган даврдан буён жаҳон адабиётига, айниқса, роман жанрига катта эътибор қаратди ва бу билан ҳам саудия ўқувчиси, ҳам романнависи ҳозирги замон жаҳон адабиёти дурдоналари билан таржима асарлари орқали танишишига катта имконият яратди. Улар хусусида жиддий тадқиқотлар ўтказилди. Машҳур итальян ёзувчиси Умберто Ико (Umberto Eco), ирланд ёзувчиси Жеймс Жойс (James Joyce) нинг асарлари ҳамда америкалик адига Анис Нин (Anis Nin) нинг “Келажак” романлари ўрганилди⁴.

¹ Иброҳим ал-Фавзан. Араб тили факультети журнали. 301-312-бетлар. 1977 й.

² Абул-ол Шоҳин. Исом Ҳуқайрнинг “ад-Даввама” номли романи ҳақида. Маданият ва санъат рукни. 56-бет. 1977 й.

³ Абул-ол Шоҳин.

⁴ Каранг: “Ал То бад” журнали. Сентябрь-март. 1989 й. 82-85-бетлар. 204-бет.

“Китоблар олами” (“Алам ал-кутуб”) журнали (1980)

Ушбу журнал китоблар ҳақида хабарлар нашр қилиш, тадқиқотлар ва таҳлиллар қилиш учун маҳсус ташкил этилди. Уни икки нашриёт “Дар Сақиф” ва “Дар ар-Рифаий” нашриётлари ташкил этиди. Бу журналнинг бош муҳаррири этиб 1981 йили адабиёт ва маданият арбоби, Имом Муҳаммад ибн Сауд Ислом Университети қутубхонашунослик профессори, доктор Яхё Маҳмуд ибн Жунайд тайинланди ва ҳозиргача бошқариб келмоқда. Бош муҳаррир ҳозирги замон адабиётига катта аҳамият беради ва бир неча сонларини романга бағишилади. Журналнинг таклифи билан тайёрланган бир қатор мутахассисларнинг ҳозирги замон адабиётига бағишиланган тадқиқотлари, мақолалари нашр қилинди. Набила Иброҳим Солим Ҳомид Даманҳурийнинг “Қурбонлик қиймати” романи ҳақида¹, Солих Жавод Туама Иброҳим ан-Носирнинг “Тун либосидаги тешик” (“Суқб фи рида ал-лайл”)² романи ҳақида, Мансур ал-Хозимий умуман ҳикоя жанри ва шу жумладан роман ҳақида³ мақолалар ёздилар. Мансур ал-Хозимий ўз мақоласида роман жанрининг шаклланишида катта роль ўйнаган Ҳомид Даманҳурий ва Иброҳим ан-Носирнинг ижоди ҳақида батафсил тўхталди. Ушбу журнал вақт-вақти билан адабиёт хабарларини, баъзи романлар таҳлилини нашр қилиб туради ва рецензияланган пешқадам жарнallардан ҳисобланади.

¹ Набила Иброҳим Солим. “Китоблар олами” (“Алам ал-кутуб”) журнали. Биринчи том. 82-бет. 1981 й.

² Солих Жавод Туама. . “Китоблар олами” (“Алам ал-кутуб”) журнали. Биринчи том. 78-бет. 1981 й.

³ Мансур ал-Хозимий. “Китоблар олами” (“Алам ал-кутуб”) журнали. Биринчи том. 82-бет. 1981 й.

3§. НАШРИЁТЛАР ВА БОСМАХОНАЛАР

Саудия Арабистонига нашриёт ва босмахона бошқа араб давлатларида пайдо бўлганидан анча кейин, етмишинчи йилларда етиб келди. Нашриёт ва босмахона ишларининг ривожланиши билан саудиялик романнавислар узоқ йиллар кутганларини ва йўқотганларини топдилар. Улар авваллари ўз асарларини мамлакат ташқарисида нашр қиласар эдилар. Бунга яққол мисол сифатида Абдулқудус ал-Ансорийнинг “Эгизаклар” романини Дамашқдаги “ат-Тараққий” босмахонасида нашр қилганини айтиб ўтишимиз мумкин. Биз бу китобни муаллиф ўз саъй-ҳаракатлари билан нашр қилиб, саудия ўқувчиси қўлига етиб келгунича тортган машаққатларини тасаввур қилиб кўришимиз керак. Бундан ўн етти йил ўтгач, Аҳмад ас-Сибайининг “Фикра” романи Қоҳирада чоп этилди. Шунингдек, Муҳаммад Али Мағрибийнинг романи тахминан бир йилдан кейин Қоҳирада нашр этилди. Бу романлар мамлакат ташқарисида чоп этилган ягона асарлар эмас эди. Умуман ҳар қандай матбуот маҳсулотларини нашр этиш воситалари эртароқ олиб кирилган араб давлатлари, Миср ва Ливанда чоп этиларди. Мисрга Наполеон босқини даврида олиб келинган эди. Нашриёт ва босмахоналар Саудия Арабистонида тез тарқала бошлади. 1979 йили Яҳё Маҳмуд ибн Жунайд олиб борган тадқиқотида кўрсатилишича, нашриёт ва босмахоналар сони элликтага етган эди. Бу кўрсаткич тез ошиб борди ва 1990 йилда уларнинг сони беш мингтага етди. Бу кўрсаткич ўз ичига босмахона тадбиркорлиги билан шуғулланувчи кичкина корхоналарни ҳам қамраб олади. Лекин уларнинг баъзилари нашриёт ва босмахона соҳасида сезиларли фаолият олиб бормади ва тез орада

ёпилди. Аммо таниқли нашриётлар ва босмахоналар ўз ўрнини сақлаб қолди, улар мамлакатда ва хорижда кўргазмаларда иштирок этиб, ҳам маҳалий, ҳам халқаро соҳада ном қозонди.

1977 йилгача агар биз роман деганда муаллифлари муқовага роман деб ёзиб қўйган эмас, балки жанр талабларига жавоб берадиган асарларни назарда тутсак, Саудия Арабистонида нашр этилган бирорта ҳам роман топа олмаймиз. Шунинг учун Иброҳим ан-Носирнинг романи бундан мустаснодир, 1969 йили “Ўликлар кемаси” (“Сафинат ал-Мавта”) “ал-Анвар” босмахонасида чоп этилди. Бу босмахона маҳсулотларининг аксарияти сиёҳ ишлатиш (“Stencil”) йўли билан чоп этарди. Олтминшинчи йилларда бир қатор ҳикоялар ва қиссалар нашриёт ёрдамисиз муаллифларнинг ўз ҳисобларидан нашр қилина бошланди. Булар орасида Муҳаммад Сайд Дафтардор ва Абдулмуҳсин Абабтийнни ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Расмий нашриётнинг биринчи иши 1977 йил чоп этилди, бу Иброҳим ан-Нисорнинг “Хижратдаги бокира” асари 1976 йили таъсис этилган Тоиф адабиёт клуби¹ томонидан амалга оширилди. Бу мамлакатдаги давлат томонидан ташкил қилинган адабиёт клубларидан бири бўлиб, уларга Ёшлиар ишлари бўйича бош бошқарма раҳбарлик қилаади. Бу расмий ташкилот ёшлиар, спорт, адабиёт ва санъат масалалари билан шугулланади. Ушбу адабиёт клуби 1977-1990 йиллар орасида тўртта роман нашр этди². Шунингдек, Иброҳим ан-Нисорнинг 1969 йили нашр этилган романини ҳам қайта нашр этди, лекин у энди бошқа ном билан чоп этилди. Аввал

¹ Иброҳим ан-Нисор. Хижратдаги бокира. Роман. Тоиф адабиёт клуби. 1977 й.

² Каранг. Тоиф адабиёт клуби далилномаси. 1990 й.

“Үліклар кемаси” номи билан чоп этилган роман, энди “Йүқотиш кемаси” номи билан нашрдан чиқди.

Бу вақтта қадар роман нашр қилишга ва уни тарқатишиң әзтибор қыладиган бирорта нашри-еңт бўлмаган эди¹. Жидда адабиёт клуби 1972 йили ташкил этилган ва 1972-1986 йилларда иккита роман нашр этди².

1980 йили ташкил этилган Абҳа адабиёт клуби 1982 йили битта роман³, 1976 йили таъсис этилган Мадина адабиёт клуби 1990 йили битта роман⁴ нашр этди.

1977 йили таъсис этилган Риёз адабиёт клубининг ҳиссаси эса 1980 йили бир романни⁵ қайта нашр этишдан иборат бўлди. Саудия Арабистонида энг кўп роман нашр қилган ва тарқатган нашриёт бу “Тиҳама” нашриётидир, у 1980-1990 йиллар орасида ўн еттита роман нашр этиб, тарқатди. Шу билан бир қаторда Аҳмад ас-Сибайи ва Мухаммад Али Мағрибийларниң асарларини қайтадан нашр этди.

“Саудия” нашриёти 1981-1986 йилларда иккита роман нашр этди⁶. “Ал-Умайр” нашриёти ҳам 1983 йили иккита роман⁷ нашр этди. “ар-Рифайи”

¹ Яхъе Маҳмуд ибн Жунайд. Ижод ва нашр ҳаракати. 180-б..

² Аиша Зоҳир Аҳмад. “Кўз ёшларириди кўулларидан табассум”. Жидда адабиёт клуби. 1979 й.

Ража Олим. “Тўрту ноль”. Жидда адабиёт клуби. 1990 й.

³ Тоҳир Аваз салом. “Яна бошкадтан кутамиз”. Абҳа адабиёт клуби. 1982 й.

⁴ Голиб Ҳамза Абул-Фараж. “Алвидо, эй ғамгинлик”. Мадина адабиёт клуби. 1990 й.

⁵ Ҳомид Даманхурий. “Қурбонлик киймати” (“Саман ат-тадхия”). 2-нашр. Риёз адабиёт клуби 1980 й.

⁶ Сайфуддин Ашур. “Алвидо демагин”. “Саудия” нашриёти. Риёз. 1981 й.

Тоҳир Аваз Салом. “Ёнган ҳиссиётлар”. “Саудия” нашриёти. Риёз. 1986 й.

⁷ Тоҳир Аваз Салом. “Илонлар ертўласи”. “Дар ал-Умайр” нашриёти.

нашриёти 1983-1989 йиллари иккита роман¹ нашр этди. “Дар ас-Сафий” нашриёт бир роман нашр этди ва 1990 йили яна бир роман²ни қайта нашр этди. Юқорида баён этилганлар асосида хулоса қилиши мумкинки, 1977-1990 йиллар орасида ўттиз түртта роман нашр этилди. Яна олтита роман муаллифлар ҳисобидан чоп этилди.

Ўттизинчи йилларда нашриёт ва босмахона воситалари етарли эмас ва жуда кам эди. Лекин 1990 йилга келиб бутун мамлакат бўйлаб нашриёт ва босмахоналар³ сони шу соҳадаги кичик тадбиркорлик билан шуғулланадиганларни қўшиб ҳисоблаганда минглаб нашриёт ва босмахонани ташкил қилди. Бироқ уларнинг кўпчилиги инқизорзга учрагани, банкрот бўлгани сабабли ёки ёпилди, ёки бошқа ташкилотларга қўшиб юборилди. Роман жанрига эътибор қаратилиши, шунингдек, мамлакатда маданий онгнинг ўсиб бориши, саксонинчи йилларда китоб бозорининг ривожланиши натижасида илгари хорижда нашр қилинган бир қатор романлар қайта чоп этилди ҳамда янги романлар ҳам нашр этилди. Муаллифлари ҳисобидан романлар нашр этилиши ҳам ана шу онгнинг ўсишидан далолат беради. Баъзи романлар муал-

Жидда, 1983 й.

Умар Тоҳир Зейлаъ. “Пўстлок” (ал”Кушур”). “Дар ал-Умайр” нашриёти. Жидда. 1983 й.

¹ Ҳамза Муҳаммад букарий. “Саво айвони”. “Дар ар-Рифаий” нашриёти. Риёз. 1983 й.

Амал Шата. “Қалбим яшамади”. “Дар ар-Рифаий” нашриёти. Риёз. 1989 й.

² Абдулло Жефрий. “Бизга нодойи замон”. “Дар ас-Сафий” нашриёти. Риёз. 1990 й.

³ Информация вазирлигини рухсатномалар бериш бўлими бошлиги билан ўтказилган интервью. 1990 й.

Қаранг: “Саудия матбуоти” китоби. 15-16-бетлар.

лифлари томонидангина роман деб аталган. Жиддий ўқувчилар доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Нашриёт ва босмахона соҳаси тижорат даражасида ҳам, илмий-маданий ҳайъатлар даражасида, нашриётлар даражасида ҳам роман масаласида ривожланиб бормоқда. Бу муассасалар ва нашриётлар ўз маҳсулотларини турли йўллар билан тақдим қилмоқда, масалан: шифохоналар, аэропортлар, меҳмонхоналардаги киосклар, давлат кутубхоналари ва китоб дўконлари орқали ўқувчиларга етказилмоқда.

Агар биз бугун Саудия Арабистонидаги роман воқеълигига назар солсак, ўқувчилар сони миллионларга етганини сезамиз. Роман эса ўзининг собит асосларига эга бўлган, мустаҳкам жанрга айланниб, саудия адабиётида илгари ўзидан уяладиган бу жанр фаол унсурга айланниб, муҳим ўрин әгаллади.

4-§. ЗИЁЛИЛАР ТАБАҚАСИ

Саудия Арабистони каби бепоён ва атроф минтақалари билан алоқа ўрнатиш қийин бўлган мамлакатда 1954 йили Маориф вазирлиги ташкил этилиши умуман таълимни кенг ёйишда муҳим роль ўйнади. Таълим у пайтда фақат “куттаб”лар билан чекланиб, у ерда Қуръони Карим билан бир қаторда ўқиш ва ёзишнинг бошланғич асослари ўқитилар эди, холос.

Маориф вазирлиги мамлакатнинг турли бурчакларида турли босқичлардаги мактаблар ташкил қилишга аҳамият берди. Бундан мақсад маҳаллий кадрлар тайёрлаб, уларни ҳукумат йўлланмалари билан хорижга ўқишга юбориш ва уларга юқори синфларда дарс бериш вазифасини топшириш эди. Маккай Мукаррамада хорижда ўқиш учун юбо-

ришга тайёрлаш мактаблари йўлланма оладиган ёшларни Миср университетларида ўқиши учун тайёрлашда муҳим рол ўйнади. Миср ўша пайтда араб давлатлари ичидаги эртароқ маданият воситаларида эга бўлган, ҳозирги замон адабиёти ривожланиши юз берётган мамлакат эди. Мисрнинг европа тараққиёти билан алоқаси Европа университетлари ва мактабларига Миср ёшларини юбориш орқали кучли эди. У ёшлар ўз ватанларига қайтгач, маърифат ва маданият тарқатишида катта роль ўйнадилар. Бу зиёлилар табақаси ўзининг хорижда бўлиши натижасида эришган янгиланиш ва яратувчанлик руҳи ва кайфиятини келтирган эди. Улар хорижда ўқиши шарафига муяссар бўлмаган, токи юқори мактаблар ва ихтисослаштирилган институтлар очилгунга қадар бундай имкониятга эга бўлмаган ёшларга катта таъсир қўлдилар. Ҳозир мамлакатда еттига университет мавжуд. Бу ана шу гуруҳ ёшларининг хорижда таълим олиб, ўз ватанига қайтгач, маърифат ва маданият тарқатишида катта роль ўйнаган муҳим омилдир. Маърифат ва маданият тарқатишида, маданий онгни кенг ёйишда телевидение, радио, газета ва журналлар кенг қўлланилди. Шунингдек, мамлакатга ҳукумат ташкилотларида хизматчилик, университет устозлари, мактаблар ўқитувчилари, врачлар, чет эл ширкатларида мутахассислар сифатида ишлаш учун келган араб ва чет эллик кадрлар муҳим роль ўйнадилар. Масалан, “АРАМКО” ширкати шарқий минтақада биринчи бўлиб, телевидение транцляция қилиш станциясини очди. Саудия ўқитувчилари Яман ва Уммонга, қўплаб Осиё ва Африка давлатларига боргандарига ҳамкаслари билан тажриба алмашиб шарафига муяссар бўлдилар. Саудияликлар ўқиши билан бир қаторда хорижга турли мақсадларда – тижо-

рат, саёҳат, спорт курслари, конференциялар ва семинарларда иштирок этиш мақсадида сафар қила бошладилар.

Хорижда ўқиганлар, халқаро анжуманларга қатнашиб юртига қайтганларнинг бу юқори дарражадаги илмий ва маданий онги, романнавислар ва роман мұхлисларини тараққий әтган оламаро (халқаро) маданият әгаларига айлантирди, бундай даражани ўтган эллик йил олдин ҳеч ҳам тасаввур қила олмас әди. Етмишинчи йиллардан бошлаб, ёзувчилар ўз ижодларида турли йўлларни қўллаб, турли адабий-танқидий мактабларга мансуб бўла бошладилар. Мутолаа қилиш орқали ўз бадиий – техник маҳоратлари турли йўналишларда эканлигини ҳис қилдилар. Ўқишидаги тажриба ва ижод тури ёзувчиларга ўз муҳитларидан ташқарида олган адабий жанрларидан таъсирланганлари нағијасида у ёки бу жанрнинг давомчиларидан бўлишга, унга ёндашишга ундади. Натижада бу таъсир ўз юртларидаги муаммоларни юқори адабий услугуда ифодалаганларини кўрган ўқувчиларга ўтди. Жаҳон ёзувчилари ижодидан таъсирланган бу ёзувчилар муаммоларни, мавзуларни умуман ёки хусусан маҳаллий араб муҳитига мос келадиган шаклда кўтариб чиқдилар. Инсон қаерда бўлса ҳам, у инсондир. Унинг муаммолари фақат ижтимоий-маданий иқлим (муҳит) ўзгариши билан фарқланиши мумкин. Агар иш хориждагидан фарқ қиласа-да, воқеъликда мавжуд бўлмаса-да, унинг адабий фойдаси, шубҳасиз, ижобий бўлади, у ёзувчининг ижодига ва ўқувчи тажрибасига ижобий таъсир кўрсатади. Муаммони ҳал қилиш ана шу муаммони кўтариб чиқиш ёки унга эргашиш билан амалга ошмайди. Лекин ижодга, яратувчанликка тақлид қилиш, ёзувчининг ижодий

тажрибасига фойда келтиради, роман тузилиши-нинг замонавий шаклда ўз тамойиллари ва қонунлари асосида ривожланишига фойда келтиради. Адабий анжуманлар, маърузалар, баҳс-мунозаралар, қўргазмалар, конференция ва семинарлар, улар мамлакатда ёки хорижда бўлишидан қатъий назар ана шу анжуманларда иштирок этишга интилаётган зиёлилар табақасида буюк ижобий роль ўйнайди. Бундай фаолиятлар саудия жамияти учун янги эмас эди. Ўттизинчи йиллардан бошлиб, Убайд Маданий, Абдулқуддус ал-Ансорий ва бошқалар адабий клублар ва адабиёт салонлари ташкил қилган эдилар. Абдулқуддус ал-Ансорий шариат билимлари мактабида ишлаган чогида бир неча кичик конференциялар ташкил қилган эди. Аҳмад ас-Сибай Мakkада театр ташкил қилишга жиддий уринган, бу мамлакатнинг бошқа минтақалари ва бурчакларида бундан каттароқ ва умумийроқ театрлар ташкил этиш учун экилган уруғ бўлиши керак эди. Бироқ театр очилиши белгиланган вақтдан бир неча кун олдин бекор қилиниб, фоя амалга ошмай қолганди. Бунинг сабаби ўша даврда ас-Сибай ва бир неча адиллардан бошқа ҳеч ким театрнинг ролини ва унинг фикрий уйгонишнинг эрта босқичида қандай рисола етказиши мумкинлигини тушунмаган эди. Бунинг устига, театр очиш фояси нодир бўлганидек, актёрлар ҳам нодир эди. Лекин ас-Сибай ва у кабилар ўз замонидан илгарилаб кетган эдилар. Бугунги кунда зиёлилар мамлакатдан ташқарида ўтказилаётган маданий фестиваллар, конференциялар ва семинарларга, шу жумладан, Басрадаги ал-Марбад, Бағдоддаги йиллик конференцияга, Мағрибдаги “Асила” маданият фестивалига ошиқиб борадилар ва фаол қатнашадилар. Саудия Арабистонининг ўзида ҳам бир

қатор маданий тадбирлар, адабиёт, санъат, халқ мероси фестиваллари ва анжуманлари ўтказилади. Унда турли адабий маъruzалар ўқилади. Адабиёт клублари ва университетлар адабиёт ва маданият ҳаракатини фаоллаштиришда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Улар баъзи зиёлиларнинг уйларида ҳам маърифат гилдирагини олдинга ҳаракатлантириш учун тадбирлар, махсус семинарлар ташкил қилмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, ҳар йили ўтказиладиган Подшо Файсал номидаги халқаро мукофот дунёning барча бурчаларидан олимлар ва зиёлилар ийифладиган юксак маросим ҳисобланади. Бу мукофот билан якка шахслар ҳам, муассасалар ҳам турли соҳалар – тиббиёт, адабиёт, санъат ва исломга хизмат қилишдаги юксак меҳнатлари ва ютуқлари учун тақдирланадилар.

Жанадрия фестивали эса халқ мероси билан бир қаторда адабиёт ва маданият тадбирларини ўз ичига қамраб олувчи яна бошқа бир маданий тадбирдир. У Риёзда ҳар йили ташкил қилинади. Бу фестивал қадимий ва замонавий халқ мероси ва адабиётни ўз ичига олади. Бу фестивал фақат саудияликлар ёки араблар учун әмас, балки у дунёning ҳар бир бурчагидаги тадқиқотчи ва санъаткор учун очиқдир. Улар адабиёт ва санъат вазиятлари муҳокама қилишлари ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар киритишлари мумкин¹.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, биз ҳозирги кунда саудия романчилиги ўзининг юқори чўққисига етиб келди деб дарво қилмоқчи эмасмиз. Умуман ижод, мутолаа ва адабий танқид борасида, шаклий жиҳатдан ҳам ва методология жиҳатидан

¹ “Жанадрия” халқ фестивали тадбирларини қаранг. 1990 й.

ҳам араб романни етукликларнинг анча-мунча поғонасига эришди. Баъзи ишлар ҳурматга сазовордир, лекин улар ҳали бармоқ билан санарли даражада. Асосий сабаб, адабий асарларни ўқиб, ўрганиб, таҳлил қилиб чиққан зиёлилар табақаси ҳамма асарларни ўқиб, объектив танқидий тадқиқотлар орқали яхшидан ёмонни ажратмаган. Саксонинчи йилларга қадар саудия ўқувчиси ўз эътиборини насрой асардан кўра кўпроқ қандай турда бўлса ҳам шеъриятга қаратган. Ҳозир эса ўқувчи ўз эътиборини ҳикоя ва роман жанрини мутолаа қилишга қаратган. Бу роман жанрига эътибор қаратиш йўлининг бошланишидир.

Романин эса кўпроқ кашф этиб, уни ўқувчилар оммасига тушунтириб, етказиш керак. Шунингдек, уларга оммавий ахборот воситалари ҳам мавжуд адабий ҳолатни яхшилаш ва танитиш учун кўпроқ эътибор қаратиши керак¹.

¹ Имом Мухаммад ибн Сауд Ислом Университети томонидан 1992 йили ташкил этилган китоб кўргазмасидаги ноширлар ва китоб тарқатувчиларнинг саволларга жавобларидан.

УЧИНЧИ БОБ

ИЛК ҚАЛДИРГОЧЛАР (ДАСТЛАБКИ МУАЛЛИФЛАР)

- | | |
|----------------------------|-----------|
| 1 – Абдулкуддус ал-Анзорий | Эгизаклар |
| 2 – Ахмад ас-Сибайй | Фикра |
| 3 – Мұхаммад Али Мағрибий | Үйғониш |

III БОБ

1§. АБДУЛҚҰДДУС АЛ-АНСОРИЙ

(1906-1983)

“ЭГИЗАКЛАР”

“Эгизаклар” асари – Саудия Арабистонида 1930 йилда нашр этилган биринчи роман. У саудия давлати ўзининг расмий номини 1932 йил 23 сентябрда олишидан ҳам олдинроқ чиққан. Демак, бу асар давлатнинг барча миңтақалари саудия ҳукми остида бўлса ҳам, у “Саудия Арабистони” деб расмий номи эълон қилинишидан икки йил аввал нашр этилган. Ал-Ансорий китобнинг муқовасига “Хижозда пайдо бўлган биринчи роман” деб ёзган эди. Роман сўзи ёзилганига қарамай, бу асарни роман деб аташ жуда ҳам қийин. Лекин бу асарнинг роман жанрини ўрганишга багишланган ушбу тадқиқотимизда мавжудлиги бир томондан унинг тарихий қийматидан келиб чиқса, бошқа томондан асарнинг муаллифи қисса жанрига умуман, роман жанрига хусусан эътибор қаратган. Яна бу ерда жуда катта эҳтимол борки, ал-Ансорий китобини “роман” деб атаганида кейинроқ пайдо бўлган, ўз маъноси, асослари ва меъёрига эга бўлган адабий жанрни назарда тутмаган. Ўша пайтда ўзларини адабий танқидчилар деб ҳисоблайдиганлар “қисса” деган атама қамраб олувчи асарларни ҳам шу ном билан атаганлар. Бу масала тадқиқотимизда кейинроқ янада равшан бўлади. Ал-Ансорийнинг ушбу иши унинг биринчи мударрислардан бири сифатида кўрганларининг ва

бошқаларнинг кўзи илғамаган нарсаларни сезганинг ҳамда шахсий таассуротларининг баёни эди. Таассурот ва маърифий йўл кўрсатиш қаҳрамонлар образларида аниқ-тиник аён бўлади. Янги ҳаётга дуч келадиган авлоднинг, янги таъсис этилган давлатнинг келажагини баён қилишдир. Бу давлат ислом меросини ўзига дастурул-амал, ҳаёт қомуси қилиб танлайди, унинг тамойиллари келгинди ажна-бий тамойиллардан фарқ қиласди. Шунингдек, араб инсони ҳам турк халифалигидан сўнг ўз аслига, ўз илдизларига қайтади. У янги асосларда янги образ яратишга муҳтождир.

Ал-Анзорий Мадинаи Мунавварадаги шарият билимлари мактабида адабиёт ўқитувчиси эди. Айни пайтда у ҳам давлат хизматчиси ва журналист эди. Турли лавозимларда меҳнат қилган ал-Анзорий кўплаб ижтимоий муаммолар билан яхши таниш эди. У турли вақтларда ва турли вазиятларда халқнинг ҳар хил табақаси билан учрашарди. У турли мавзуларда ёзган Жустрофия, тарих, археология ва адабиёт мавзуларида китоблар чиқарган. У илк ижодида шеър ҳам битган. У ўзининг сермаҳсул ижодий фаолиятида турли ҳолатларни бошидан кечирди. Ал-Анзорийнинг нотик-лик қобилияти ҳам кучли эди. У тил, археология ва адабиёт соҳасида кўплаб маърузалар қилган. Ал-Анзорийнинг бу қиссани ёзишдаги саргузаштлари унинг тарихий қиймати сабабли муаллифга шуҳрат келтирди. Унинг араб тилини ва мусулмон ёшларида соғлом ақидани сақлаб қолишга бўлган саъй-ҳаракати туфайли бу иши амалга ошиди. Унгача араб-ислом оламида асрлар давомидаги саводсизлик келтириб чиқарган хурофотларнинг жамиятда таъсири бор эди. У ёшларга йўл-йўриқ кўрсатишда, уларнинг ижобий ёки салбий томонга

кетишиларида романнинг буюк роли бор эканлигини яхши тушунди. Ёшларни адаштиришга етакловчи, мураккаб ва нафис услубда ёзилган европа романлари кенг тарқалган эди. Бу ҳақда ал-Ансорий шундай дейди: “Шарқнинг кўп мамлакатларида, айниқса, араб-мусулмон мамлакатларида европа ташвиқоти кенг тус олди, у кўплаб ёшларга, ҳам зиёлиларга таъсир қилди, охир оқибатда улар европа ташвиқотининг мақсадлари, режалари ва фояларининг қурбонига айланди”¹.

“Эгизаклар” китобини ёзишдан мақсад чет эл мактабларининг, Фарбга ўқишига бораётган ёшларга маданий миссионерларнинг салбий таъсирини кўрсатиш эди. Бу ёшларнинг ҳаётда тажрибалари йўқлигини, улар ўзлари келган муҳитдан фарқ қилувчи муҳитда яшаётганликларини таъкидлаш жоиз. Кўшимишча равишда маданиятлар фарқи ва уларнинг ҳали ёш эканликларини айтиш жоиз.

Романнинг сюжети, агар шундай деб айтиш тўғри бўлса, бир ёши катта кишининг турмуш ўртоғи туққан эгизаклар билан боғлиқ, уларнинг бири Рашид – араб-ислом мактабига ўқишига боради, иккинчиси – Фарид, норасмий гарб мактабига боради. Рашид ўқишида муваффақиятга эришиб, ўз умматига нафи тегадиган, фаол шахс бўлади. Фарид эса “европалашиб”, ўқишида муваффақиятсизликка дуч келади, сўнг юртига қайтади. Кунлар ўтиб, у Парижга қайтишга мажбур бўлади ва хилватхоналардан бирида ўлади. Бу ишни заарли оқимларга қарши курашда исломий иш деб айтишга етарли эмас. Фарбий Европа илмий тараққиётининг таъсири, шу жумладан, замонавий жанрларда ҳам кучли эди. Биз бу ерда юқорида зикр қилинган сабабларга

¹ “Эгизаклар” Муқаддима.

кўра бу масалани, шу жумладан, нима учун ал-Ансорий ўз асарини “роман” деб атаганини исбот этдик. Ундан бошқа бу асарда роман тузилиши бўйича ҳеч нарса йўқ.

2 - §. АҲМАД АС-СИБАЙИ (1901-1984) ФИКРА (1947)

Қисса оламида ал-Ансорий тақдим этган ишдан бошқа “роман” деб аташ мумкин бўлган асар 1947 йилгача, Аҳмад ас-Сибай “Фикра” романини¹ нашр этгунга қадар пайдо бўлмади. Бу асар ҳам муаллифнинг таълим ва тарбия борасидаги шахсий фикр-мулоҳазаларидан, тараққиёт ва ривожланишнинг ягона йўли ривожланган замонавий илмий асосларга қурилган таълим қиймати ва сифатига боғлиқ деган хulosаларидан иборат. Бу асослар бутун оламга ҳуррият ва етуклик йўлларини кўрсатган шонли араб-мусулмон ўтмишини ва ҳозирини боғлаб туради, деб хулоса қиласи муваллиф. Роман муаллифининг жамият маданиятини оширишга бўлган кучли хоҳиш-истагини ифодалайди. У ўзи яшайтган жамиятнинг Европа ва ривожланган араб мамлакатлари етган даражага етиб боришлигини, ўзларининг табиий бойликлари ва ғоявий ресурсларидан фойдаланишларини истайди.

Муваллиф ўз фарзандлари Зухайр ва Усамага ушбу романнинг муқаддимасида шундай деб ёзади: “Бу қиссамда ҳаётимнинг узоқ босқичлари орқали етиб келган баъзи фикрларни ўқийсизлар. Мен улар ҳақида доим орзу қиласи эдим, бироқ бу орзу-

¹ Аҳмад ас-Сибай. “Фикра”. “Дар ал-китаб ал-арабий” нашриёти, Қохира. 1947 й.

ларим ушалмаган. Чунки мен мавжуд бўлган шаротлар уларни амалга оширишга тайёр бўлишимга йўл қўймаган”¹.

Роман муаллифнинг фикри ёки ўзи айтганидек, гояси бўйича “мелодрама” бўлиб, унда тарбиявий-дидактик мақсад сентиментал рамзлар билан уйғунлашган. Роман қаҳрамони бадавий қиз, унинг исми оиласига ва қабиласига боғлиқ бўлмай, унинг ҳаётдаги иши ва рисоласи билан боғлиқ. Фикра уни тарбиялаган ёши катта киши билан яшаган, у қишлоқдаги “куттаб” мударриси бўлиб, Қуръони Карим, тарих, тил ва адабиётдан дарс берган. Қишлоқ Тоиф минтақасидаги қишлоқлардан бири. Мударрис Фикрага турли соҳаларда тўлиқ дарс берган: тил, шеърият, афсоналар, тарих ва бошқа турли маданиятларга оид нарсалардан ўқитган. Асар қаҳрамони бир қатор мамлакатларга сафар қилган. Шайхининг кўп дўстлари бўлиб, уларнинг Миср, Италия, Туркия ва бошқа давлатларга сафар қилишлари ва кезиб юришлари учун ёрдам беришган. У бир куни кечки пайт “ёмғирли қоронғу оқшомда” қишлоқда қайтишдан олдин Солимни учратади. Солим маккалик тадбиркор, тижоратчи бўлиб, Тоифга келаётib йўлдан адашади. Фикра унга таом бериб, ёмғирдан ва совуқдан ҳимоя қилиниши учун гордан бошпана беради. Солим Фикра билан бирга горда бўлган пайтида ундан кўп нарсалар ўрганади, қиз ўз устозидан ўрганган нарсалари, сафарлари чоғида ўргангандалири ҳақида сўзлаб беради. Қиз йигитга у аввал билмаган нарсалари ҳақида сўзлаб, ўзига мафтун этади. Фикрлашдаги журъати, фикрларини эъзозлаши билан ҳайратга солади. Илгари бундай хис-

¹ “Фикра”. Муқаддима.

латни бирорта аёлда учратмаган Солим уни севиб қолади. Бироқ унинг муҳаббати бир томонлама эди. У севгисига жавобан севги ололмайди. Қиз бир кўришдаги муҳаббатга ишонмайди. Муҳаббатни авлодлар хатоси деб ҳисоблайди. Улар бу хатоларнинг жамиятнинг нотўғри урф-одатларидан мерос қилиб олганлар ва мана шу мероснинг қурбонига айланганлар, дейди. Охири Солим Маккага қайтади. Фикра эса ўзининг ҳаётига, тоглар ва водийлар оғушига қайтади, Макка ва Тоиф ўртасида кезишга қайтади. Кейинроқ у Маккага ҳаж фарзини адо этиш учун борганида, кўчалардан бирида Солими учратиб қолади. У билан иккинчи марта учрашиб туриши эди. У жуда ажойиб ҳолатда унинг ўз синглиси эканлитини таниб қолади. Бир пайтлари оиласи ёзда дам олган Маккадан Тоифга кетаётган пайтида кичкина қизалоқ бўлган йўқолиб қолган бўлади. Энди Солим ҳам, Фикра ҳам учрашганларидан баҳтли эдилар. Икковлари ҳам сирдан воқиғ бўладилар. Икковлари ҳам бир-бирларининг акаси ва синглиси бор эканлигини ўйламас эдилар. Солим қиз билан биринчи марта танишганда, узоқ пайтлар йўқолиб қолган синглиси ҳақида ўйламаган, қизнинг қишлоқ шайхидан бошқа, устозидан бошқа қариндоши борлигини билмас эди.

Ас-Сибай тасвирлаган муаммолардан бири икки бош қаҳрамонни тенг фикрли қилиб тасвирланган. Бу гояни адабий уйғониш бошланишида ундан бошқа зиёлилар ҳам кўтарган эдилар. Жамиятда аёлнинг роли заиф ёки баъзи ижтимоий табакаларда умуман йўқ эди. Шунинг учун муаллиф бу мувозанатни бошқа томонга ўзгартирмоқчи бўлади. Фикра қайсар қиз, ўзини эъзозлайди, қишлоқда тарбия топган. Солим қандайдир даражада заиф шахс, шаҳарда тарбияланган, шаҳарнинг юмшоқ

ҳаётидан таъсирланган, түқликда ўсган, мўл-кўлчиликка ўрганган, маишатга ва ҳар хил хурсандчиликларга берилган, фазилатли хусусиятларга эга эмас. Муаллиф унинг кучли шахс эканлигига аниқ далиллар келтирмайди. У Фикрадан устун тура олмайди, Фикра эса йўл бошловчи ва яхши фазилатларни ва янги юксак қадриятларни ўргатувчи муаллим ролини ўйнайди.

Дарҳақиқат, янги уйғониш даврининг бошланиши билан ҳар нарсани Фикра ўзининг башпоратли ролини бажариши учун бўйсундирди, у ҳозирги замон имконияти билан ўтмиш шон-шуҳратини қайтариши керак. Фикра араб-мусулмон умматининг фарзандлари байробини кўтарган илмий уйғонишининг рамзиdir, у адабий меросни бугунги кун шароитига мослаштиради. Бу асарнинг роман сифатидаги хатоси эҳтимолликлар ва фаразлардир. Бу хатоликларнинг энг буюки – Фикра йўқолганлиги сирининг узоқ вақт сақланиши (муаллиф буни қасддан қилган ёки бундай мақсади бўлмагандир), aka йўқолган синглиси ҳақида билмаслиги, шу қиз унинг синглиси эканлиги ёки синглиси эмаслиги ҳақида ўйламаслигидир. Бунинг устига у синглиси бор ёки йўқлигини ҳам билмайди. Йўқолганми ёки йўқми, ёки ота-онаси йўқотганми? Романда қизнинг ота-онаси уни қидирганлиги ҳақида ҳеч бир жойда эслаб ўтилмайди. Агар муаллиф бу ерда араб-мусулмон фикр-гояларининг қолоқлиқ даврида йўқолганлигига рамз қилиб олаётган бўлса, араб фикр-гоялари ҳали ҳам оғир аҳволда қолиб, қаршилик кўрсатмоқда. Лекин жаҳолат ва хурофот уни бутунлай заифлаштириб юборган.

Бунга қўшимча равишида қизнинг сафарларида замон ва маконга боғлиқ бўлган маҳаллий, араб ёки ҳалқаро миқёсдаги маълумотлар қўшилади. Солим

Маккага қайтар экан, қизни иккинчи марта кўришини тасаввур ҳам қилмайди.

Бу ўз ўрнида ҳикоя этиш жараёнига маърифий-дидактик йўналтириш ва уларнинг асар охиридаги учрашувларида тез бошланиб, тез тугаган содда романтизм қувватини беради. Бу муаллиф Журжи Зайдон асарларидан таъсирланганидан далолат беради. Адабий оқимларда романтизм ва реализм ўртасида конфликт (зиддият) бор. Роман бадиий-шаклий жиҳатидан камчиликлари бўлса-да, у қизиқарли ва халқчил ҳисобланади. Бу асар (ўша давр танқидчилиги одатига кўра) Аҳмад Абдулғафур Аттор¹ томонидан жуда қаттиқ танқидга учраган эди. Унинг фикрлари объектив танқид эмас эди. Шу билан бирга ас-Сибайининг мақсадлари ва орзулари амалга ошмаган бўлса-да, у уриниб кўрган эди. Ас-Сибай бошлангич мактаб ўқитувчиси бўлгани учун ҳам мамлакатдаги таълимнинг бошланишига у замондош бўлган. Матбуотнинг бошланишида ишлаганлар қаторида бўлган. У ҳаётининг сўнгги пайтларигача ҳам сермаҳсул ижод қилган, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз фикрини билдирган.

1984 йили Аҳмад ас-Сибай адабиёт ва таълим соҳасидаги меҳнатлари учун давлат мукофотига сазовор бўлган. У шу муносабат билан ўтказилган телевидениедаги учрашувда шундай деганди: “Мен ўша пайтда тўлиқ маънодаги роман ёзиш ниятим йўқ эди. Мен ўз фикрларимни ўқувчига очик-ойдин етказиб бериш мақсадида қисса шаклидаги китобда баён этишни истаган эдим”². Бу иш ёшлиарга илм ўрганиш, интилиш руҳини бериш, бу ёшлиаримизга - ўғиллари-

¹ Аҳмад Абдулғафур Аттор. “ал-Байан”. Қохира. 1950 й.

² “Ал-Араб” журналидаги кириш сўзи. 1984 й., январь сони.

миз, йигитларимиз билан бир қаторда қизларимизга ҳам қаратилган тарбиявий ишдир.

Бу икки иш Саудия Арабистонида роман жанри пайдо бўлишининг бошланишидаги бир йўлда, бир мақсадда амалга оширилган ишдир. Гарчи уларнинг яратилиш пайтида фарқ бўлса-да, услуги бир хил бўлган. Бу услугуб тарбиявий услугуб бўлиб, ижтимоий масалалар билан боғлиқдир. У жамиятнинг юриш-туриши ва унга йўл-йўриқларни бадиий шаклда баён этади. Ҳар икки асарда яратилган образларни ҳар ҳолда суратли, кўринишли образлардан ортиқроқ деб айтиб бўлмайди. Улар муаллиф томонидан таълим-тарбиявий мақсадда ёки воқеъликни ўқувчига ҳис этиладиган шаклда тасвиrlаш учун қўлланилган.

Дастлабки ёзувчилар ичида йўқотилган воқеъликни тараққий этган халқлар ва миллатлар орасида ўз ўрнига эга бўлиш учун излаган, ҳақиқий саудиялик образини яратганлардан учинчиси Муҳаммад Али Мағрибий эди.

3§. Муҳаммад Али Мағрибий (1915-1996)

“УЙГОНИШ” (1948)

Муҳаммад Али Мағрибий роман яратишда биринчи голиблардан бўлган эди, у тўлиқ маънодаги роман дейиши мумкин бўлган ижодий ишни, гарчи бу ишни бадиий-техник жиҳатдан мос бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар саудия ўқувчиси қўлига тутқазган биринчи саудия ёзувчиси эди. Мағрибий бу ишини тақдим қиласар экан, унинг гояси кузатувчиларга ҳам ҳали яққол намоён бўлмаган эди. Уни ривожланган мамлакатлар билан қиёслаганда мавжуд бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эди. Ас-Сибайи романидан кейин бир йилга яқин вақт

ўтар-ўтмас 1948 йили нашрдан чиққан “Уйғониш” асари бу адабий турдаги ягона уриниш әди¹. Мағрибий араб адабиёти учун, хусусан саудия адабиёти учун бундай асар яратиш ҳали ҳам долзарб деб ҳисоблар әди. У яраттан образи ҳақида шундай деган әди: “Бу мавжуд бўлмаган, ўйлаб топилган образ. Ҳикоя қилинаётган ҳодисалар ҳам юз берган воқеалар эмас. Қиссанинг мақсади ёшларни уларга ҳаётларида йўл кўрсатувчи, йўл бошловчи бўлиши учун, янги давлат келажагини тасаввур қилишлари, унинг кишилари бўлишлари учун, келажак уфқларини очиш учун рағбатлантиришдан иборат”².

“Уйғониш” – романнинг номи Қуръони Каримда зикр қилинганд “Каҳф” қиссасидан олинган. Бу номни муаллиф Тавфиқ ал-Ҳаким “Рухнинг қайтиши” пьесасида айтиб ўтганидек, бир неча асрлар давомида жаҳолат ва қолоқлик таъсирида қолиб кетган араб умматининг шон-шуҳратини янгидан уйғотиш рамзи қилиб олган³.

Нима бўлганида ҳам, “Уйғониш” романнинг ечими, биз буни қўйида кўрамиз, асар қаҳрамони Усама аз-Зоҳир бошидан кечирган воқеалар гирдобида айланади. Бу ҳижозлик йигит Ҳиндистонга ота-онаси ўртасидаги келишмовчилик ва муаммоларнинг ортиб бориши ва уларнинг ажрашиши натижасида мубтало бўлган “ад-даран” – сил қасаллигидан даволаниш учун боради. Қисса қаҳрамоннинг Жидда портида Ҳиндистонга йўл олаётган кемага чиқишини тасвирлашдан бошланади. Қўл-

¹ Мұхаммад Али Мағрибий. “Уйғониш”. “Дар ал-кутуб ал-арабия” нашриёти. Қохира. 1948 й.

² Иброҳим ал-Фавзан. Ҳижоз адабиёти анаъна ва янгиланиш. 306-бет. “Дар ал-Халижий” нашриёти. 1981 й.

³ Тавфиқ ал-Ҳаким “Рухнинг қайтиши”. Қохира. 1936 . “Каҳф ҳоридагилар” (“Ахл Каҳф”). Қохира. 1942 .

ларини силкитиб хайрлашаётган турли миллат ва ирқларга мансуб кузатувчилар, улар орасида Усама ва уни кўзида меҳр-шафқат ёши билан кузатаётган муштипар онаси, порт, кемалар, қирғоқдаги йўловчиларни кемага элтувчи катерлар, турли тилларда сўзлашувчи йўловчилар тасвириланади.

Усаманинг қўлида отаси узоқ давом этадиган денгиз сафарида фойдаланиши ҳамда гурбатда бўлганида ўзининг ислом тарбияси ва хулқ-автори ни сақлаб қолиши учун берган диний мавзуулардаги бир қанча китоблар бор эди. Усама биринчи марта (ва бир мартағина, холос) европалик йўловчиларни учратади. Бу овқатланиш залидаги бу учрашув фожеали тугайди. У муомала услубини, суҳбатлашиш ва овқатланиш усуулларини билмайди. У суҳбат нима ҳақида бўлаётганини тушунса-да, улар билан суҳбатлаша ва баҳслаша олмайди. Муаллифнинг таъбирича, “У бироз инглиз тилини тушунар, улар Усаманинг одатларини, айниқса, овқатланиш пайтидаги ўзини тутишини танқид қилишаётганини фахмлар эди. Ҳар ҳолда у ўша пайтда қўлидан келганича жавоб қайтарганди. Сўнг Ҳиндистонда ҳаж амалларини бажаргани келган кекса ёшли киши билан учрашади, у муқаддас ерда яшовчи ёш мусулмон йигит жамоа бўлиб намоз ўқиш учун таклиф қилганида хурсанд бўлади. Намоздан сўнг, мусулмонларнинг наздида муқаддаслиги учун эъзозланган Ҳижоздан бўлган бу йигитга ҳурмат ва эҳтиромини билдиради. Шу лаҳзадан бошлаб, Усама ўзига муносиб бўлмаган ишлардан узоқ бўлиши зарурлигини ва ўз масъулиятини ҳис қиласи.

Кема Адан портига етиб келганида, у ўзи ўрганган оламдан мутлақо фарқ қилувчи оламта дуч келади. Бу дунёнинг турли бурчакларидан келган жамоалар кўп нарсалар билан ўзига жалб этарди.

Бу ерда Шайх Усмон маҳалласида аёлларни, айникиса, ҳижоб ўрамаган ва эркаклар билан аралашиб кетган аёлларни кўриб лол қолади. У Ямандаги Шайх Усмон маҳалласида Эрондан, Нубиядан ва бошқа юртлардан келган аёлларни кўради, турли тиллар ва лаҳжалар, умумий одоб маданиятидаги эркинликларга дуч келади. У ҳаётида бунга қадар очик юрган аёлларни учратмаган эди. Уни шу минтақа аҳолисидан бири Жиддадаги катта тижоратчилардан бири номидан меҳмондорчиликка таклифнома келтиради. Унинг шарафига ташкил қилинган меҳмондорчиликка бориб, у ердаги зиёфатда аёллар ҳам борлигини кўриб ҳайрон қолади, бундан ташқари бу ердаги рақс ва қўшиқлар ва бошқа ўйин-кулгулардан ҳайратга тушади¹.

Муаллиф бундай бузуқчиликларнинг барчаси учун масъулиятни Британия оккупантлари зиммасига юклайди. Улар бу ишларни бу ватан фарзандларини жиддий ишлардан, мустамлакачиликдан халос бўлиш ҳақида ўйламасликлари учун эътиборларини чалғитиш мақсадида ташкил қилишган, улар босиб олган ерларидан бу каби воситаларни олиб келар, ўзлари хоҳлаганларини қилишлари учун керакли шароит яратишарди, дейди.

Ҳиндистонга кетаётган кема йўлда Мукалла шаҳридан ўтади, сўнг Зинжибарга боради ва охирни Бомбайга етиб келади. Аҳолиси зич бўлган бу мамлакатдаги тараққиёт ва ривожланишини кўриб

¹ Д-р Мұхсин ал-Айний француз табибаси Клаудия Фаяннинг 1945 иили Парижда китоб холида нашр этилган хотираларингинг таржимасида (Араб тилига таржима 1973 иили Байрутда “Дар ал-Авда” нашриётида чоп этилган) айтиб ўтишича Шайх Усмон маҳалласи Жанубий Яманинг эркин фарзандлари учун қалъя бўлган, француз муаллифаси айтгандек у ерда иславотхона бўлмаган). Қаранг: “Мен Яманда врач бўлгандим”. Клаудия Фаян. Араб тилига Мұхсин ал-Айний таржимаси.

ҳайратланади. Бу юртларни кезиб, уларни кўриб ўз юрти билан таққослаганида ҳайрати янада ошади. Бу ҳолатда муаллифнинг умидлари унинг келажакка қараашлари роман сатҳидан ўча бошлайди. У бевосита ўз юрти Саудия Арабистони манфаати учун келажакни тасвирлай бошлайди. Ҳаётида биринчи марта кўрган воқеа уни қаттиқ ўйга толдирди. Кўча ўртасида электр билан бошқарилаётган, юриб кетаётган поезд, яъни трамвайнин кўриб ўйланниб қолади. Бундай тизимда ҳавода осилиб турган иккита симга томидаги таёқ билан уланган трамвайнини, аҳён-аҳёнда электрдан чиқаётган чақмоқча ўхшаган учқунни, бу ердаги ёриттичларни кўриб, қандай қилиб ҳам уларни Маккадаги ҳожиларнинг ҳаж мавсумида Мино ва Арафотда кетаётганларидаги йўлларини “керогаз” билан ёритилишини қиёслай оларди. Мисрликлар Наполеон келганидаги техникалар – ёзув машинкалари, лабораториялар ва таҳлиллар марказларини кўриб қандай мафтун бўлган бўлсалар, Усама ҳам бу нарсалардан шундай мафтун бўлганди.

Усама бир шаҳардан иккинчи шаҳарга мажбуран боришидаги сафарларини ташкил қилишда унга ҳамроҳ бўлган табибларнинг қилган ёрдамларига, бунинг асносида орттирган тажрибаларига қарамасдан, у ўз шаҳри ва ўз юртидаги катта шаҳарлар билан бу шаҳарлар ўртасидаги катта фарқларни яққол сезди. “Агар Ҳижознинг барча аҳлини тўпласак ҳам бу кўчалардан бирортасини ҳам тўлдира олмайди,” – дейди Усама. Унга ҳамроҳи жавоб беради: “Мана шу бойлик билан камбағаллик ўртасидаги фарқ”. Ёзувчининг қаҳрамон орқали етказилаётган фикрлари ва foялари бойлик ёки камбағаллик ҳақида эмас эди. Асосий foя таълим ва жаҳолат эди. Илм орқали турли касалликларни енгиш мумкин,

шу жумладан, камбағалликни ҳам. Уни ҳамроҳи яна шундай дейди: “Мана шу ишлаб чиқариш, яратувчанлик, бунёдкорлик билан қурғоқчилик, ҳосилсизлик, саҳро ўртасидаги фарқ. Бизнинг юртимиз қашшоқ, ҳосилсиз, саҳро, чунки унда роҳат ва ривожланиш сабаблари энди ривожлантириляпти”. Усама ва унинг ҳамроҳи ўртасидаги бу суҳбат унинг (Усаманинг) қалбида ўз асарини қолдирди. Бу суҳбат қиссани шахсий хотираларни баён этиш, саёҳатчилар эсдаликларини сўзлаш каби усул қотиб қолганлик доирасидан олиб чиқиб фаоллаштиради. Бу каби суҳбатлар роман техникасида ўз қийматига эга. Бироқ агар қаҳрамонни бир марта шу тиқилинчда йўқолиши, кейин яна ўз йўлини топиши тасвирланганида, сўнг у ўз кўрган-кечирганлари, таассуротларини ҳикоя қилиб берганида романнинг ечими кучайтирилган бўларди. Нима бўлганида ҳам, муаллиф томонидан баён этилган бу муқаддималар ва фикрлар ёзувчи ўз олдига қўйган мақсади - ривожланиш ва тараққиёт фикрига олиб келишда ўз вазифасини бажарган. Муаллиф буни қаҳрамон образида мужассамлаштира олган. Мазкур мақсадларга фақатгина ёзувчи орзу қилган мунтазам, тизимли таълимни йўлга қўйиш орқалигина эришиш мумкин. Ривожланган мамлакатларни кўриш, улардан олган таассусуротлар билан қиёсланадиган тасаввурларни амалга ошириш, орзуларга эришиш йўлида зарур бўлган таълимни бошланиши қийин бўлишини идрок этади. У ўз ватанини ана шу ривожланган мамлакатлар орасида муносиб ўрин олганини кўришга интилади. Барча соҳаларда тараққиёт сари узоқ йўлни кўради. Бироқ буларнинг барчаси мана шу юрт аҳли томонидан амалга ошириладиган, улар эгаллаган илмий-техникавий билимлар асосида, уларнинг йўналтиришлари ва назоратлари остида-

гина амалга оширилиши мумкин. Айниқса, жаҳолат ва қолоқликка қарши курашда тарбия ва таълимни мустаҳкам эгаллаш керак. Магрибий сўзлаган таълим ўша пайтдан бошланди. Мамлакатнинг ҳар бурчагида мактаблар ташкил қилинди, бу таълимнинг самараси натижасида онг ўси, саноат тараққиёти ва тижорат ўз йўлини топди.

Муаллиф қисса учун чизиб берган чизифи биз муҳокама қилган баъзи нуқталарда тўхтагандан сўнг яна тикланиб давом этади. Усама ва унинг ҳамроҳи Каракига малакали табиб ҳузурига ҳинд қишлоғидаги хусусий шифохонанинг тавсиясига кўра борадилар. Хусусий шифохонада у мана шу шифохонада ҳамшира бўлиб ишлаётган Кэти исмли ҳинд қизини севиб қолади. Усама бу ерда ёши катта бир киши билан ҳам танишиб, у билан узоқ вақт суҳбатлашади, улар Маккага ҳижрат қилиш имкониятини муҳокама қиладилар.

Усама қишлоқ шифохонасида реабилитация муддатини ўтар экан, у севиб қолган қиз Кэти ҳақида кўп ўйлади. Усаманинг қалбида илдиз отган муҳаббат кучаяди, қизнинг насроний динига эътиқод қилиши эса уни янада кўпроқ ўйлантиради. Бу хавотирлик баъзан баланд келса, баъзан уни қамраб олган ғам-қайғу баланд келарди. Баъзи бу иккиси teng келса, баъзан бири иккинчисидан устун келарди. Бир сафар завқ-шавқи уни қамраб олиб, у билан бирга суҳбат қурганидан хурсанд бўлса, баъзан ғамга ботиб, унга муҳаббатини ошкор этади. Йигит қизнинг ислом динига киришини хоҳлайди. Бу конфликт ундан мойиллигини ўзига тортаётган икки муаммо ўртасида иккиланаётган образни яратади. Муаллиф эса бу ерда миссионерлик ташкилотларининг камбагалларга, беморларга моддий ва маънавий ёрдам бериб, муаммоларини ҳал қилишга

кўмаклашиш орқали қилаётган саъй-ҳаракатлари-га эътибор қаратади. Кэти ва унинг онаси ҳам улар орасида. Бундай вазифалар мусулмонларга яқин-дир, мусулмонлар бу каби вазифаларни бажармоқлари, муҳтоҷ бўлганларга ёрдам бериш орқали уларни исломга жалб қилишлари лозимдир. Усама Кетини исломга даъват этиб, унинг мусулмон бўлишига ҳаракат қиласди.

Муаллиф қаҳрамонни муҳаббат саргузаштига олиб кирад экан, қаҳрамонни севги азоби қамраб олади. Қаҳрамоннинг биринчи муаммоси – таълим масаласи билан қоришиб кетади. Роман ўз йўлидан бошқа томон қараб оғиб кетади. Асардаги романтизм куйининг ўзгариши билан қаҳрамон образи ўзгармайди, бироқ тез орада у ўзининг оддий йўлига тушади. Ҳар ҳолда муаллиф ўзининг асосий гоясини кучайтиришда давом этади, қаҳрамоннинг қизиқиши ва ҳис-туйғусининг кучлилигини ўз гоясини кучайтиришга восита қилиш қолади.

Қаҳрамоннинг Саудия Арабистонига қайтиши, отасидан мерос қолган уй-жойни сотиб, ундан келган маблагни таълим лойиҳасига йўналтириши турғунлик ва қолоқлик даврининг тутатилиши, ўтмиш шон-шуҳратига ва ҳозирги замон имконияти асосига қурилган гуллаб-яшнайдиган давр бошлинишининг рамзидир.

Усама қайтиб келганидан бироз вақт ўтгач, ёзги дам олиш учун Тоифга кетаётган пайтида бу ватанинг табиатига ва унинг аҳлига лойиқ бўлмаган нарсаларни кашф этади. Бу муаммо кўпларни ранжитади. Бу тижоратнинг кўп турлари четдан келган бир киши томонидан монополияга айлантирилгани эди. Улар тез фойда кўриш манбани излаб, ўзгalarning ҳис-туйғулари билан ҳисоблашмас эдилар. Улар ўзлари хоҳлаганларича нарх белгилар эдилар.

Товар-маҳсулотларда фирромлик қиласылар. Улар бу мамлакат ва унинг ахлини ўзларига муҳтож деб ҳисоблайдилар. Улар бу ерда тоабад қолишлари тақозо этилади, деб ҳисоблайдилар. Ҳатто баъзилири агар улар бу жойни тарқ этиб ўз юртларига кетсалар, бу ердагиларни кийинтириш учун ишлайдиган ҳеч ким қолмайди ва одамлар күчада ялангоч юришларига тұғри келади, деб ҳисоблайдилар!

Муаллиф шу масалани ва кичик ҳунармандчилик билан боғлиқ бүлган бошқа масалаларни муҳокама қиласы. Ҳунармандчилик билан мана шу юрт ахли ўрганиб, шуғулланиши мумкинлигини, четдан келиб, бу юртнинг мол-мулкини олиб кетаётганлар ўрнини әгаллаши мумкинлигини муҳокама қиласы. Чунки улар олиб кетаётган бойликлар четда сарф қилиниб, бу юртга фойда келтирмаслиги ҳақида қайфуради.

Муаллиф қаҳрамон билан бирга Тоиф минтақасыда бўлар экан, ўша пайтда бу ватанга ва унинг фуқароларига тегишли бўлган бошқа муаммолар муҳокамасига ўтади. Бу минтақадаги бадавийлар фарзандларининг араб тилида маҳоратлари туфайли ўқишига қобилияtlари аъло даражада эканлигини сезганини баён әтади. Улар буни ўз аждодларидан мерос қилиб олган эдилар. Муаллиф бу ёшларга яхши таълим шароитлари яратиб берилса, улар учун ёрқин келажакни кўра билади. Улар ўз юртларини ривожлантириш учун фаол ҳисса қўша оладилар деб фикр билдиради ва шунинг учун у ана шу бадавийлар учун мактаблар қуриш кераклигини жиддий ўйлайди. Улар бу ватан шон-шуҳратини уйғотиш ўйлидаги әзгу умиддирлар. Чунки улар шу ватан фарзандлари, унинг ривожланиши йўлида заҳмат чекишига тайёрдирлар. Асар қаҳрамони, биз юқорида эслаб ўтганимиздек,

отасидан мерос қолган уйни сотиш ва унинг маблаги билан ўша лойихани молиялашириш учун Жиддага етиб келади. Лекин тез орада у ана шу бадавийлардан бирининг қизини севиб қолади. Қизнинг исми Балқис бўлиб, Усаманинг биринчи севгилиси Кәтини эслатар, иккалалари ўртасида кўп ўхшашликлар бор эди. У қизни унаштириш учун мурожаат қилганида, отаси жуда катта маҳр сўрайди. Бу унинг мактаб қуриш учун тайёрлаб қўйган маблағига teng әди. У энди қизнинг таъмагир отасини деб қизнинг маҳри учун шунча маблағни берадими? У мактаб қуриш фикридан қайтади ва Балқисга уйланиш фикридан ҳам қайтади. Жиддага яна қайтиб кетади. Муаллиф бу ерда иккита ёки кўпроқ қиссани аралаштириб юборган. У Ҳиндистонда юз берган жуда жўн, содда муҳаббат қиссасини бу ерда Тоифда ҳам такрорлайди. Гарчи бу очкўзлик, жаҳолат ва ёмон тасарруф рамзи бўлса-да, у асосий мақсадни йўқотади ва хуносага келмайди. Бу ҳодисадан сўнг ўша бадавийлар таълими масаласига қайтмайди.

Қаҳрамон Балқисга уйланишдан умидини узгач, Мисрга сафар қилишга қарор қиласди. У мисрлик терифуруш тижоратчи билан учрашганида, шу пайтгача қурбонликка сўйиладиган қўй-молларнинг бекор кетаётган терисидан фойдаланиш учун тери ошлайдиган завод қуришга ёрдам беради. Бу тижорат ташқаридан келтирилаётган маҳсулотлардаги етишмовчиликни тўлдиришга ёрдам берадиган фойдали тадбиркорлик бўлади. Ҳар йили ҳаж мавсумида сўйиладиган қўй-молларнинг терилари бекор кетарди. Бир неча шартномалар орқали амалга оширилган бу фикр муаллифнинг зеҳнида миллий иқтисодни кучайтиришга йўналтирилган гоя сифатида шаклланади. У мувафф

фақият қозониши кафолатланган, миллий манфат келтирувчи бу лойиха миллий ресурслардан фойдаланишни назарда тутади.

Роман ҳар қандай баҳт-саодатдан ошиб тушадиган даражада баҳтли равищда тугайди. Бу баҳт-саодатнинг бир неча жиҳатлари бор. Булар орасида: Балқис исмли қизга уйланишдан умидини узгач, бадавийлар учун мактаб қуриш лойиҳасини амалга оширмай, Тоиф минтақасидан кетиб, тери ишлаб чиқариш заводини қуришнинг амалга оширилиши. Лекин унинг баҳтиёрглигини оширган нарса бу Кәти ва унинг онасининг ҳажга келиши. Бу, албатта, кутилмаган воқеа. Бу Усама билан шифохонада бирга бўлган, Маккага кўчуб келишни орзу қилган, кекса ҳинд Саййид Акбарнинг рағбатлантириши билан юз беради. Кәти ва онаси исломни қабул қиласди ва шу сабабли шифохонадан ҳайдалади. Шайх Саййид Акбар уларга ҳаж амалларини бажаришга ёрдам беради. Кәти исмини “Балқис” деб ўзгартиради, бу жуда гаройиб ҳолат.

Муаллиф ўзининг тавсифловчи романни ниҳоясида хотима ёзади, бу умуман қисса ёзувчилари учун ва, хусусан, роман ёзувчилари учун файриодатий нарса. Муаллиф ўқувчиларга бу ишни ёзишдан мақсадини, уни бу ишга ундан шароитни, бу тасаввурлар ортидан юз берган ўзгаришларни тушунтиради. Биз бу иш ҳақида қанчалик гапирамайлик, у бадиий-техник “роман”ни англатувчи тўлиқ маънодаги роман эмас. У сентиментал ҳикоя ва “таълимий хотиралар дафтари” шаклидаги хотиралар ўртасидаги иш бўлиб, баъзан биринчи ва иккинчиси орасидаги мақсадни йўқотади. Бири иккинчисидан устун келади. Ва ниҳоят, Мағрибий охири ватани учун истаган ривожланиш ва тараққиёт ҳақидаги фикрларини нашр қилишни

хоҳлаганини очиқ баён этади. Мансур ал-Ҳозимий муаллифнинг “роман” сўзининг тўлиқ маъносидаги асар ёзиш нияти бўлмаганлиги ҳақида фикр билдириб, шундай дейди: “Бу китобда хотиралар услуби яққол билиниб туради, унда таржимаи ҳолнинг унсурлари жуда кўпdir”¹.

Муҳаммад Али Мағрибий таниқли тадбиркор бўлиб, у таълимнинг ташаббускорларидан эди. Иброҳим ал-Фавзан эслаб ўтганидек, у Саудия Арабистонининг ривожланиши ва тараққиёти ҳақида орзу қиласиди. “Мана кўринг, - дейди Мағрибий, - орзу ҳақиқатга айланди”².

Биз нима деганимизда ҳам, биздан олдин бу уч адабий ишни ўрганиб чиққан тадқиқотчилар нима деганида ҳам мазкур асарлар маърифий бўлиб, улар техник жиҳатлардан холидир. Лекин улар саудия романи ёзувчилари учун услугуб жиҳатидан ҳам, роман тузилиши жиҳатидан ҳам йўл очиб берди. Кейинчалик улардан роман ёзувчилари фойдаландилар. Ўқувчи эса бу ишларни қабул қилди, саудия зиёлилари ҳам уларни яхши қабул қилдилар, қисқа фурсатда бу китоблар сотилиб кетди.

Бу асарлар роман жанрининг келиб чиқишига йўл очиб берганидек, саудия адиллари ва бу ерда яшаган араб адиллари амалга оширган таржималар роман жанри тушунчасини ривожлантириди³, биз булар ҳақида кейинги бобларда тўхталамиз. Биз юқорида эслаб ўтган ва кейинроқ эсга оладиган ёзувчилар ва бошқалар қандай турда бўлса ҳам

¹ Мансур ал-Ҳозимий. Ҳозирги замон саудия адабиётида кисса жанри. (“Фанин ал-қисса ал-қасира фи-л-адаби ас-саудий ал-ҳадис”). “Дар ал-улум” нашриёти. Риёз. 1981 й.

² Муҳаммад Али Мағрибий билан ўтказилган интервьюдан. 1991 й.

³ Каранг: “Қавафил” (“Карвонлар”) журнали. 4-жилд, 7-сон. 1417 ҳ.й. раби ус-соний. 1996 й. 13-36-бетлар.

роман деб аталадиган жанр пайдо бўлишида катта роль ўйнадилар. У ёзувчилар ўз фикрларини етказдилар, ўз даврлари ҳаётидаги муаммоларни тасвирлай оладиганлари даражасида баён этдилар, қисқа саъй-ҳаракатлари билан катта интилишларини ифода этдилар.

Инглиз танқидчиси Перси Лубок (Percy Lubbock) айтадики: “Ҳаётини ҳарфган етказиш бўлиши мумкин эмас... Роман бу бир суратдан ёки лавҳадан иборатdir, унутмаслигимиз керакки, бу лавҳа ичида ўхшашликлар қамраб олиши мумкин бўлган кўп нарсалар бор”¹. Биз саудия романи умрининг эрта даврларидан пайдо бўлган бу ижодий ишларга қайтадиган бўлсак, баъзилар жамият ҳаётининг салбий ёки ижобий томонларини тасвирлаб берадиган реалистик романнинг муҳим унсурларидан бири бўлган ҳарфган етказиб беришдан бирор асар ҳам томаймиз. Бироқ у ёзувчиларнинг хаёл (фантазия) лари ўзлари яшаган замонларида кутилганлардан ошибб кетди. Бу эса адабий ва илмий соҳа ўша пайтда маданий ва маърифий йигилмалардан холи бўлмаганлигига муҳим далилдир. Бир гуруҳ зиёлилар кўшни араб мамлакатлари тажрибасини ўзлаштирадилар, бу мамлакатлар ва ривожланган мамлакатлар ўртасида маърифат ва таълим соҳасида тўсиқларни бартараф қила олган эдилар. Адабиёт соҳаси баъзи ҳикоя ва қиссалардан ҳам холи эмас эди, уларнинг муаллифлари роман соҳасига эсланадиган саъй-ҳаракатлар билан ҳисса қўшишга уринардилар. Роман тушунчаси эса ҳали замонавий адабий тадқиқотлар доирасида белгиланмаган эди ва кейинроқ ўтган асрнинг ўттизинчи, қирқинчи

¹ Перси Лубок. Роман яратиш. 20-бет. Бағдод. 1981 й. Абдусаттор Жавод таржимаси.

Йилларида нашр этилган ҳикоялар тұпламларининг ҳошияларидан пайдо бўлди. Булар орасида Муҳаммад Саид Дафтардорнинг “Йўқолган мажидий ва Фалҳа хожи” қиссалари ва Абдулла Малибарининг “Қуёш ботди” романи ва бошқа асарларини айтиб ўтиш мумкин. Ҳошим Дафтардор “Уруш ва тинчлик” (“ал-Ҳарб ва-с-салам”) номли қиссани ёзди. Бу номда рус ёзувчиси Лев Толстойнинг асари билан ўхшашликни топгач, арабча “тинчлик” (“ас-салам”) ни сўзининг синоними (“ас-силм”) и қўллаб, қисса номини (“ал-Ҳарб ва-с-силм”) деб ўзгартириди. Бу асарлар кам бўлса-да, ёш қобилиятларнинг отилиб чиқишига сабаб бўлган саудия таълим ривожланиши билан қиёслаганда, унча узоқ бўлмаган вактдан сўнг пайдо бўлган саудия роман жанрининг шаклланишида ғоятда аҳамиятли эди. Шу билан бир қаторда саудия роман жанри араб олами вакиллари бўлган қисса ва роман ёзувчилари асарларидан ҳам таъсиrlанди. Уларнинг таъсири мақолалар, ижодий ишлар ва турли тиллардан амалга оширилган таржималар орқали юз берди. Турли араб мамлакатларида зиёли машҳур бўлган замонда унинг ўқувчилари кўп эди. Аҳмад аз-Зият томонидан Қоҳирада нашр қилинадиган “Роман” (“ар-Ривая”)¹ журнали бу жанрни танитишда биринчилардан эди, унда роман номи билан ҳикоя, қисса ва бошқа насрый асарлар ва турли таржималар нашр қилинар эди. Айни пайтда устоз аз-Зият машҳур “ар-Рисала” журналини ҳам нашр этарди. Бу журналда буюк адиллар ва танқидчилар ижодлари нашр этилар ва

¹ Мисолар, Нажиб Махфуз, Шукри Аббад, Тавфик ал-Ҳаким. Дрейний Ҳашаба. Иброҳим Абдулқодир ал-Мозиний. Қаранг: 16-сон, 10-рекаб 1356 ҳ.й. / 16 сентябрь 1937 й. 982-1001-бетлар.

Қаранг: 11-сон, 22-рабиу-с-соний 1356 ҳ.й./* 1 июль 1937 й. 687, 664, 704-бетлар.

журнал Ҳижознинг катта шаҳарлари ва Баҳрайнга келтирилар әди. (Биз бу ҳақида тадқиқотимизнинг биринчи бобида тұхталдик.)

Бу журнал араб давлатларидағи қисса ҳаёти-нинг, у ижодий бұладими ёки таржимами, дастлаб-ки даврларида күплаб ёзувчилар ижодига таъсир күрсатди. Келгуси бобда араб таржимонларининг услубда, асар қурилиши ва техник шаклида саудия таржимонларига таъсирини күриб чиқамиз. Қисса яратищдаги бир қиёслаш орқали уларнинг күплари ўртасидаги фарқ ва ўхшашликтар бизга аён бўлади.

Иброҳим Абдулқодир ал-Мозиний ёзган “Худайдада” ҳикояси 1937 йили “Роман” (“ар-Ривая”) журналида нашр этилди. Ушбу ҳикоянинг Ҳамза Мұҳамад Буқарий ижодига таъсирини унинг 1955 йили ёзган “Нима ишлаб чиқаралади?” деган ҳикоясида яққол күришимиз мумкин. Бу ҳикоялар ва таржималар ҳақида кейинги бобда батафсил тұхталамиз.

Бу ярқираган сарлавҳалар ва номлар саудия романи ҳақида билмасдан, бу жанр туғилишидан бошлаб унга замондош бўлган саудия тадқиқотчилари томонидан түғри йўл күрсатилмасдан у билан шуғулланган күплаб тадқиқотчиларни то сўнгги ўн йилликларгача янглиштириди. Тадқиқотчи аввалги тадқиқотчилар изидан бориб, ижодий ишни адабий жанр меъёрлари ва ўлчовларига солмасдан, уни чуқур тадқиқот орқали ўрганмасдан, бу жанрнинг турини кашф этмасдан, сўнг эса уни мантиқий тасниф этмасдан қолаверди. Агар араб мамлакатларидаги адабий асарлардан умуман таъсирланган дастлабки ишлар кейинчалик ўз характери ва хусусиятларига эга бўлган маҳаллий роман келиб чиқишининг илдизларини ундириди, унинг тамал

тошларини қўйди десак, муболага қилмаган бўла-
миз. Бу адабий йўналишдаги биринчи уринишлар
деб ҳисоблаганимиз ишлар қаторида Муҳаммад
Умар Тавфиқ 1950 йили ёзган “Хотин ва дўст”
 (“аз-Завжга ва-с-садиқ”) қисссасини эслаб ўтиши-
 миз мумкин. Баъзилар уни саудия романи қато-
 рида тасниф қилганлар. Шунингдек, Абдуссалом
 Ҳошим Ҳофизнинг 1955 йили нашр этилган “Ҳи-
 жозлик Самра” (“Самрау-л-Ҳижказия”) асарини
 ҳам роман деб тасниф этилган. Биз юқорида эслаб
 ўтганимиз Ҳошим Муҳаммад Дафтардорнинг 1955
 йили “Фарнатага” (“Ила Фарната”) номли қисса ёз-
 ган. Бу асарларнинг барчаси қисса, баъзилари эса
 ҳикоя бўлиб, ундаги иншо услуби ёзувчининг¹ фи-
 крларини баён этишдан иборат бўлиб қолган бўл-
 са-да, улар адабиёт соҳасида шубҳасиз ўз изини
 қолдириди.

¹ Муҳаммад Умар Тавфиқ. “Хотин ва дўст” (“аз-Завжга ва-с-са-
 дик”). “Дар Мемфис” нашриёти. Кохира. 1950 й.

- Абдуссалом Ҳошим Ҳофиз. “Ҳижозлик Самра” (“Самра-ал-Ҳижазия”). “ал-Эътимад” босмахонаси. Кохира. 1955 й.

- Ҳошим Муҳаммад Дафтардор. “Фарнатага” (“Ила Фарната”). “Дар ал-Инсоф” нашриёти. Байрут. 1955 й.

- Ҳошим Муҳаммад Дафтардор. “Уруш ва тинчлик” (“ал-Ҳарб ва-
 с-салам”). “Дар ал-Инсоф” нашриёти. Байрут. 1955 й. Иккинчи нашри:
 “Уруш ва тинчлик” (“ал-Ҳарб ва-с-силм”).

**ТҮРТИНЧИ БОБ
БАДИЙ РОМАНЧИЛИККА
КИРИШ
1954 - 1959 ЙИЛЛАР**

**ЎТИШ ДАВРИ
БЕВОСИТА ТАЪСИР (ТАРЖИМА)
БИЛВОСИТА ТАЪСИР (УСЛУБ)**



IV БОБ. БАДИЙ РОМАНЧИЛИККА КИРИШ 18. ЎТИШ ДАВРИ

Саудия романи пайдо бўлганидан бошлаб, ўзининг шаклланишида уч тарихий хронологик даврни босиб ўтди:

1. 1930-1948 йиллар.
2. 1959 – 1979 йиллар.
3. 1979 йилдан ҳозиргача¹.

Биринчи босқични “таълим” романлари босқичи деб аташга келишиб олдик. Бу босқичда Абдулкүдус ал-Ансорий, Аҳмад ас-Сибай ва Муҳаммад Али Магрибийларнинг асарлари яратилди. Бу романлар услуглари ўша пайтдаги ўқувчилар дидларига муносиб ва мос келар ва муаллифларининг фикрларини ифодалар эди. Саудия ўқувчисининг бу фикрларга ва тарбия тажрибаларига этиёжи бор эди. Бу даврнинг зиёлилари тарихий шарт-шароит талаб этган ва улар учун бўлган долзарб хоҳишни қондиришни истардилар. Улар қиссани ўқувчига етиб боришнинг энг муносиб йўли деб ҳисобладилар. Ўша ёзувчилар ўз романлари билан, гарчи улар тақлидий маданиятдаги зиёлилар томонидан қисса каби қабул қилинмаса-да, саргузаштга қўл урдилар. Зиёлилар наздида бу асарлар уларнинг илмий мақомларига муносиб келмасди. Бундай реакция (муносабат) уларнинг маҳаллий қиссачилик

¹ 3 – босқич 1979 йилдан 1989 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. (*Таржимон изоҳи*).

ҳақидаги билимларидан келиб чиққанди. Улар бу қиссаларни илмий ҳақиқатларга ёки техник дидларга асосланмаган, ўз моҳиятига кўра мураккаб ҳикоялар ёки эртаклар деб ҳисоблар ва уларни қишлоқларда, турар-жой мажмуаларида, кўнгилочар кечаларда ва бадавийлар ийғинларида ҳикоя этилади, деб ўйлардилар¹. Ҳар ҳолда, биринчи ва иккинчи босқичдаги қиссанавислик ҳам кўнгилочарлик жиҳатдан кенг маънода, жумладан биринчи навбатда ижтимоий масалалар билан боғлиқ мавзуларни, тарбиявий жиҳатдан эса уларни ҳал этишни иккинчи навбатда ўз ичига қамраб олди. Қисса ёзувчилари бу услубларни ислоҳ қилишини хоҳлаган танқидчиларни ишонтириш учун, уни янги техник жиҳатларга йўналтиришга бўйсунмадилар. Муаллифлар бу услублар билан танқидчиларнинг фикрларини эътиборга олишни эмас, балки ўқувчилар дидларини рози қилишни ўз вазифалари деб билдилар.

Масалан, Иброҳим Ҳошим Фаллалий олти қиссасидан ташкил топган “Шайтон билан” китоби ҳақида шундай дейди: “Эҳтимол, қисса жанри бу олти ҳикоянинг бу жанр доирасига киришига рози бўлмас, лекин бу ҳикоялар ўқувчини рози қиласди”².

Ёзувчилар романнинг адабий жанр сифатида маъносини тушунмаган ўқувчилар учун ёзардилар ва ўз асарларини бевосита йўл-йўриқ кўрсатиш ва ўқувчиларга бевосита тааллуқли бўлган баъзи ишларни ислоҳ қилишнинг турлари деб ҳисоблардилар. Икки давр ўртасида юзага келган бу

¹ Юсуф Аззиддин. “Ирокда роман” (“ар-Ривая фи-л-Ирок”). Кохира 1956 й. 125-бет. Каранг: Абдулло Аҳмад. “Ирокда қисса ва роман” (“ал-қисса ва-р-ривая фи-л-Ирок”). Кохира. 1972 й. .

² Иброҳим Ҳошим Фаллалий “Шайтон билан” (“Маъа-ш-шайтан”). “Дар Миср” нашриёти. Кохира. 1951 й. 10-бет.

асарларда бадиий шакл сари янгидан йўл олиниши назарда тутилиши керак эди. Бундан агар ўз хоҳишларини қондирадиган нарсалар топса, ўқувчи ҳам рози бўларди. Лекин бу асарлар бадиий роман пайдо бўлиши учун муқаддималар ва пойдеворлар бўла оладиган даражадаги адабий савияга кўтарилими. Бу ёзувчилар муайян тоифа ўқувчилар учун ижод қилаётганларини, уларни танқидчилар ва юксак адабиётдан завқланувчилар қизиқтирмаслиги ҳақидаги фикрни маҳкам ушлаб олдилар. Ана шу ёзувчилардан бири – Амин Солим Рувайхий 1954 йилги мақолаларидан бирида шундай деб ёзади: “Келинглар, оммага ҳукм чиқаришга имкон берайлик, чунки у энг сўнгги ҳал қилувчи ҳукм чиқариш ҳаққига эга бўлга ягона ҳакамдир, ажиб нарса ажаблантирумайдиган озчиликини ташкил қиливчи бир тоифанинг раъида ҳеч қандай ибрат йўқ”¹. Рувайхий бир қатор ҳикоялар ёзган, уларда ўз замонининг ижтимоий муаммоларини кўтарган эди. Унга ва у каби бир қатор ёзувчиларга нисбатан мадҳ сўзлари битилган бўлса, улар қиссани умумий шаклда юзага келтириб бадиий роман пайдо бўлишининг муқаддимасини яратган эдилар. Бироқ улар икки йўналишдан бирини, таълим асари ва бадиий асар йўналишидан бирини тутишлири керак эди. Уларда мисрлик романнавислар ва қиссанавислар йўлини тутиш, уларнинг асарларига тақлид қилиш имконияти бор эди. Чунки мисрлик адиларнинг асарлари Ҳижозга осонлик билан келтирилар эди. Муҳаммад Али Мағрибий айтганидек, ар-Рувайхийнинг асарлари таълим қиссаси қолдиқлари ва foявий ўзига хослиги билан ажра-

¹ Амин Солим Рувайхий. “Бизнинг адабиётимиз ва қисса адабиёти” (“Адабуна ва адабу-л-қисса”). “ал-Билад ас-Саудия” газетаси. 05.08.1954 й. 4-бет.

либ турувчи ўқувчиларнинг ортиб бориши натижасида пайдо бўла бошлаган ва ўзининг мавжудлигини исбот эта бошлаган бадиий ижоддан дарак берди. Бу уларни бадиий-техник асар сари кетаётган ва ёзувчидан бошқаси моҳиятини билмайдиган илмий жиҳат каби ҳикоя этишини қабул қилишдан узоқлаштириди. Бу гоявий-фикрий ўзига хослик биринчи бадиий-техник романлар пайдо бўлиши билан бирга юзага келди. Бу романлар жанрни ўз манбаларидан сугорган ёзувчилар қалами остида пайдо бўлди. У ёзувчилар (мен бадиий-техник роман пайдо бўлишидан олдинги ёзувчиларни назарда тутяпман) “жанр”ни билар, лекин унга жиддий қарамас эдилар. Бир сабаб туфайли унга мурожаат қилмас эдилар, у ҳам бўлса, унинг муваффақият қозониши ёки қозонмаслигидан ҳайиқиш эди. Бунга киришни эса унинг оқибатидан қўрқиш керак бўлган саргузаشت деб ҳисоблардилар. Улар, ўз рисолаларини биринчидан, кўнгилочарлик, иккинчидан, ўқувчиларининг маданиятини ошириш билан чекланади, деб ҳисоблардилар. Ҳар ҳолда улар ана шу ўқувчиларининг хоҳишлирага эргашар эдилар. Матбуот органи санъат кейинроқ келади, деб айтарди. Бу фикр тадқиқотимизнинг иккинчи бобида кўриб чиққанимиздек, таълим-тарбия ёзувчиларининг фикридан узоқ эмас.

Аҳмад Муҳаммад Жамол ўзининг “Саад менга айтди” номли китобида шундай дейди:

“Биз Саад ҳақида ҳикоя қиласидиган бу қиссаларимизда замонавий ёзувчилар қиссаларида учрайдиган бадиийлик бўлмаслиги мумкинлиги сабабли азиз ва муҳтарам ўқувчиларимиздан олдиндан узр сўрашни афзал билдик. Биз, худога шукрки, қиссани ўқишида ва ёзишда, қисса эгалари тавозеъ қилиб, ёки тавозеъ қилдим, деб хаёл қилиб, унинг

шарт-шариотларини, ёки шарт-шароитлари деб хаёл қилинадиган унсурларини таъминлаб берадиганлардан эмасмиз. Биздаги қисса ибтидоси ва интиҳоси мавжуд бўлган ҳикоя – сўзлаб беришидир. Унда тушунарли рамз ва қўлимиздаги ибрат бор. Бу “Санъат – ҳаётта” деган шиорни илгари сурган адабий оқим фараз қилган ғоядир. У тушунарли фикрни ислоҳ қилиш учун ёзиладиган туфма хусусият эмас.

Мана, Иброҳим ан-Носир узоқ кураш ва қайта-қайта тажрибалардан сўнг роман соҳасида катта муваффақиятга эришди. У ўз ижодий фаолиятини ҳикоя ёзишдан бошлаб, кейинчалик ўзини романнавис сифатида кўрсатди. Иброҳим ан-Носирнинг ҳақиқий ижодий фаолияти 1960 йили “Ҳадя” (“ал-Ҳадия”) номли ҳикоясидан бошланади. Биз бу ҳикояни муҳокама қилар эканмиз, унинг писиқ-пухта ва етук асар эканлини кўрамиз. У оила тизими ҳақида сўзлайди, оилада аввал катта қиз турмушга чиқиши, кичик қиз унаштирилган бўлса ҳам, каттасининг тўйи бўлмагунча, кичик қиз турмушга чиқа олмаслиги ҳақида. Ота боши берк кўчага кириб қолади, катта қизига совчи келмайди, лекин кичик қизни сўраб келган совчиларнинг кети узилмайди. Катта қиз синглisisининг турмушга чиқиш йўлида тўсиқ бўлиб қолади. Ота эса қизини калажаги барбод бўлишидан қўрқади. Ўғли ўзининг дўсти бўлган, уйланиш учун қиз қидираётган, лекин ёши катта ва бадавлат бир кишини тавсия қиласди. Ўғилдан отага мактуб келиши билан ота ҳам, катта қиз ҳам рози бўлади. Ёзувчи келин бу бой киши учун совфа бўлганини ҳикоя қиласди¹.

¹ Иброҳим ан-Носир. “Ҳадя” (“ал-Ҳадия”). “Курайш” журнали. 25.01.1960 й. 11-бет.

Бу даврда адабиёт саҳнасига кириб келган, 50-йилларда етук ривожланган услубда ҳикоя ёзиб танилган ёзувчилар гоявий-фикрий жиҳатдан етуклика эришгач, саксонинчи йилларда бадиий роман унсурларини ўз ичига олган асар яратдилар. Бу ёзувчилардан бири Ҳамза Мұхаммад Буқарий, 1955 йили “Нима ишлаб чиқарамиз?” ҳикоясини ёзган. Бу ҳикоя бир камбағал кишининг хотини касал бўлиб қолиши ҳақида. Мана шу ўтиш даврида у ёзган энг етук ҳикоя ҳисобланади.

Ҳамза Буқарий Қоҳирада ўқиди, инглиз тилини мукаммал билиши, жаҳон адабиётини ўзлаштиришга ва таржима қилишга имконият ва қудрат берди. Ҳар ҳолда бу ҳикоя мана шу муҳим даврга мансуб бўлган ҳикояядир¹. Агар бошқа адабиётлардан араб тилига умуман таржима амалга оширилмаганида бу мумкин бўлмаган бўларди. Шунинг учун у Саудия Арабистонига ўз йўлини Миср ва Ливан орқали топди. Саудия ёзувчилари ўзларини ўша “бадиий-техниклик”ка мосладилар. Етмишинчи йилларда ижод қилган ўша ёзувчилар уч тоифага бўлиндилар. Биринчиси, бир дона роман ёзиб, сўнг тўхтадилар ва ўзларини ижоддаги бу янги тўлқинга тайёр эмас деб ҳисоблаб, адабий тадқиқот сари йўналдилар. Иккинчилари, дастлаб эски услубда ёзиб, кейинчалик янги услубларда ёзишга мослашдилар ва муваффақият қозондилар. Учинчилари эса бошиданоқ янги услубда ижод қилдилар. Улар кўпинча Саудия Арабистонидами ёки хориждами бошқалардан кўра кўпроқ ва яхшироқ таълим олган, улар жаҳон адабиёти билан аслиятда ва таржима асарлари орқали танишиб чиққан эдилар. Ва ниҳоят, улар ўз савия-

¹ Ҳамза Буқарий. “Нима ишлаб чиқаралади?” (“Маза йуснау”). “Радио” (“ал-Изаъа”) журнали. 16.10.1955 й. 115-бет.

ларини яхшилаш учун хорижга сафар қилишга имконият топган әдилар. Мұхаммд Диб саудия романы кечикишининг сабаби “чет әл адабиёти билан кам танишиш ва бу жаңрдаги бошқа халқлар тажрибасидан кам фойдаланиш” деб айтган әди¹. Бу нотұғри мұмлыштирма, чунки саудиялыклар ҳозирги замонда үз жуғрофий мавқеъларига, илмий тараққиёт ва халқаро алоқаларига күра әнг күп үқийдиганлардан ҳисобланадилар.

28. БЕВОСИТА ТАЪСИР

ТАРЖИМА

Роман Саудия Арабистони адабиётида янги жанр, деб юқорида айтдик. У Европадан XX асрда бевосита әмас, балки Миср ва Ливанда күплаб романлари инглиз ва француз тилидан араб тилига таржима қилиниши орқали кириб келди².

Бу таржималарнинг күп бўлиши ва уларнинг тарихи XIX аср ва XX аср бошларидан бошланишига қарамай, улар Саудия Арабистонида Иккинчи Жаҳон Урушидан кейинги давргача маълум әмас әди. Шунинг учун саудия ёзувчилари уларни шу даврда үқидилар ва үз ижодларида уларга тақлид қилдилар.

Ҳикояни таржима қилиш, уни жамият ижтимоий ва бадиий әхтиёжларига мослаб үзгартириш роман таржимасидан осонроқ. Бунинг сабаби тил ёки бадиийлик жиҳатидан әмас, балки ҳажм ва уни нашр қилишдадир. Матбуот, шу жумладан, газета ва журналлар нашр қилиниши билан

¹ Мұхаммад Диб. “Саудия Арабистонида роман жанри” Қохира. 1989 й. 385-бет.

² Ҳусайн Али Ҳусайн. “Иброҳим ан-Носир билан интервью. “Миллий гвардия” (“ал-Харас ал-Ватаний”) журнали.июнь. 1990 й. 47-бет.

унинг ўқувчилари ва ҳикоялар таржималари бозори пайдо бўлди. Ҳикоя ёзиб юрган ёзувчилар романнависга айландилар ва ҳикояга бўлган қизиқишиларини ташладилар. Ўз услубларида ана шу ёзувчиларнинг ижод услубларини ўзлаштирилар. Фарб адиллари ижодлари билан танишган ёзувчилар уларга мослаштирилар ва асар ечими ва образлар яратишда гарб усуулларини ўзлаштирилар, уни шарқ шарт-шароитлари ҳамда араб муҳитига мослаштирилар. Ривожланган гарб техникасидан фойдаландилар. Бу таржималар йўқ жойдан келиб қолмаган эди. Миср ва Ливанда нашр этиладиган арабча журналлардаги буюк адиллар ва ижодкорлар қиласмига мансуб таржималарни саудиялик ўқувчилар ўқиши натижаси эди. Шу билан бирга “ал-Ҳилол”, “ар-Ривая” ва “ар-Рисада” журналларида ҳам таржима қилинган романлар нашр этилди.

Иброҳим ан-Носир шундай дейди:

“Роман бизнинг адабиётимиз учун янги адабий жанр. Биринчи авлод учун у нотаниш эди. Назаримда, Кўрфаз араб давлатлари биздан омадлироқ эмас эди. Бизга роман етиб келиши, унинг нашр қилиниши ва эълон қилинишидан олдин ҳикоя аввалроқ келиши табиий ҳол эди. Уларнинг иккаласи бир-бири билан боғлиқ ва бир йўналишга мансуб. Бизнинг унча-мунча ёмон бўлмаган уринишларимизга қарамасдан, биз етукликни даъво қилмаслигимиз керак, маҳлиё бўлиб қолишга шошилмаслигимиз керак. Олдимиздаги йўл узоқ ва мушаққатлидир. Қандай бошлишни билган эканмиз, биз, албатта, бир кун келиб мақсадларимизга етамиз”¹.

¹ Ҳусайн Али Ҳусайн. Аввалги манба.

Таржима фаолияти Саудия Арабистонида ўт-тизинчи йиллардан бошлаб қабул қилинди ва ҳозиргача давом этмоқда. Ана шу ёзувчилар орасида таржима билан шуғулланиб, у ёки бу шаклда профессионал таржимонларга айланганлар ҳам бор, улар асл тилидан масалан, инглиз ёки француз тилидан Аҳмад Ризо Ҳуҳу кабилар орқали араб тилига таржима қиласар эдилар. Жазоирлик Аҳмад Ризо Ҳуҳу Саудия Арабистонига икки жаҳон уруши ўртасида ишлаш учун келган эди (у ўша пайт почта бошқармасида француз тили таржимони бўлиб ишлаган эди).

Муҳаммад Олим ал-Афғоний Афғонистонга келган, ўқитувчи ва журналист бўлиб ишлаган. Булардан ташқари бир қатор саудияликлар ўқиш учун хорижий давлатларга боргандар, улар ҳам таржимани касб қилиб олдилар, газета ва журналларда таржималарини эълон қилдилар.

Абдулжалил Асъад қўйидагиларни таржима қилди:

А) “Бахил”. Машҳур француз ёзувчиси Мольернинг (Moliere L'avre) ҳикояси, француз тилидан таржима, 1939 й.

Б) Мистер “Панталон ва мато”. 1949 й. Француз ёзувчиси де Мопассаннинг қиссаси. Аслиятдаги номи: “La bête mait Belhoom “De Maupassant”.

В) “Ой нурида”. 1954 й. Француз ёзувчиси де Мопассаннинг қиссаси. Аслиятдаги номи: “Clair de Lune” “De Maupassant”.

Г) “Туш эдими?” 1961 й. Бу ҳам француз ёзувчиси де Мопассаннинг қиссаси. Аслиятдаги номи: “Lamorte”. Бу эслаб ўтган ҳикояларимизнинг барчаси француз тилидан инглиз тилига таржима қилинган эди. Бу ҳикоялар бевосита француз тилидан қилинганми ёки инглиз тилиданми, таржимон уни

имкон борича, құлидан келганича араб мұхитига яқынлаштиришга ҳаракат қылған. Бизнинг фикримизча, таржимон уни инглиз тилидан таржима қылған, чунки инглиз таржима сарлавҳаси “Was it a dream?”, француз тилида эса “Lamorte”¹ бўлган. Нима бўлганида ҳам, бадиий таржима натижасидан қатъий назар, у таҳсинга сазовор ишни амалга оширган.

Аҳмад Бу Шанақ номаълум турк ёзувчисининг 1094 йил “Эй, у катталар” номли ҳикоясини таржима қылған. Биз бу ҳикоянинг муаллифини икки сабабга кўра аниқлатига муваффақ бўлолмадик. Биринчиси, турк тилини билмаслигимиз, иккincinnси асар муаллифи номаълум бўлганлиги турк, тилини билувчиларга мурожаат қила олмадик. Муҳаммад Олим ал-Афғоний ҳам машҳур рус ёзувчиси Антон Чеховнинг “Мен уни ташлаб кетдим”² ҳикоясини 1948 йили таржима қылған. Бу ҳикоя инглиз тилидан таржим қилинганлиги эҳтимол қилинади. У инглиз тилига эса француз тилидан таржима қилинган эди. Чунки Чехов асарлари аввал француз тилига таржима қилинган ҳикоя топмадик. Эҳтимол, у таржимон томонидан ўзгартирилган бўлиши мумкин. Ҳикояни юксак даражада аниқ ва бадиий таржима қилғанлар орасида Ҳамза Муҳаммад Буқарийни алоҳида таъқидлаб ўтиш лозим. Буқарий француз ёзувчиси Мольернинг “Муҳаббат табиби” ҳикоясини таржима қылған. Бу

¹ Абдулжалил Асьад. А) “Савт ал-Хижоз”. 22.10.1939 й. 5-бет.

Б) “ал-Билад ас-саудия”. 28.02.1949 й. 4-бет.

В) “ал-Билад ас-саудия”. 14.10.1954 й. 4-бет.

Г) “Оказ”. 15.07.1961. 5-бет.

² Муҳаммад Олим ал-Афғоний. “ал-Билад ас-саудия”. 26.05.1948 й. 4-бет.

ҳикоя Мольер (Moliere) нинг инглиз тилига ўтирилган асарларидан олинган, французча аслиятда “La mour medicinе” (1954) эди. Бу ҳикоя бошқа таржималар билан бирга “Тихама” нашриётида 1981 йили чоп этилган, улар орасида машҳур инглиз ёзувчиси Сомерсот Моэм (Somerset Maigham) нинг ҳам ҳикояси бор эди. Таржимон Сомерсот Моэмнинг “Тамаки сотувчи” ҳикояси сарлавҳаси китобнинг номи қилиб танлаган эди¹. Буқарий, шунингдек, рус ёзувчиси Антон Чеховнинг “Қимматли дарс” ҳикоясини ҳам 1955 йили таржима қилган. Буқарийнинг таржималари дастлабки аниқ бадиий таржималардан ҳисобланади, унинг инглиз тилини мукаммал билиши бунга қўл келган, арабча шакл беришида ва адабий руҳини сақлаб қолишда бу соҳадаги қўплаб уринишларининг ва қўп мутолаа қилишларининг натижаси бўлган².

Муҳаммад Али Қутб энг фаол таржимонлардан ҳисобланади, у қуидагиларни таржима қилган:

А) Хитой ёзувчиси Чунг “Chung”нинг “Америкалик қизга уйланмоқчиман” (1956 й) ҳикояси, унинг асл манбаи, қайси тилдан таржима қилингани кўрсатилмаган. Ҳикоя ҳам, муаллифи ҳам номаълум, қисқаси, бу тил кенг қўлланилмайди, унда сўзловчилардан бошқа бу тилни биладиганлар кам.

Б) Инглиз ёзувчиси Телмок Блокнинг ҳикояси. Бу муаллиф номаълум, унинг исми ва ким эканлиги ҳақида ҳам, ҳикоя ҳақида ҳам кўп тахминлар бор. Ҳикоянинг номи: “Борса қайтмас”, 1958 й. “Ғазаб бошлари “The grapes of the wrath” номли роман муаллифи, машҳур америкалик ёзувчи Жон Стейнбек (John Steinbeck) ка замондош бўлган бир

¹ Ҳамза Муҳаммад Буқарий. “Тамаки сотувчи ва бошқа ҳикоялар” (“Баиъ ат-тибр ва қисас ухра”). “Тихама” нашриёти. Жидда. 1981 й.

² Ҳамза Муҳаммад Буқарий. “ал-Билад ас-Саудия”. 25.10.1954 й. 4-бет. ва 14.08.1955 й.

америкалийк ёзувчи бор, унинг исми Толемач Паул (Tollemache Powell). Бироқ унинг асарлари рўйхатида бу ҳикоя йўқ. Эҳтимол, шу бўлиши мумкин, эҳтимол, таржимон асар номини ўзгартирган бўлиши мумкин.

В) Муҳаммад Али Қутб, шунингдек, инглиз ёзувчиси Чарльз Робертс (Charles Roberts) нинг “Ўлжа” (The Prey) номли ҳикоясини ҳам 1960 йили таржима қилган.

Г) Испан ёзувчиси Филипп Алфонинг “Тиланчилар” ҳикоясини (1960 й.) таржима қилган. Бу ҳикоя ҳам номаълум ҳисобланади. Бунинг сабаби биз испан тилини билмаганимиздан бўлиши мумкин.

Д) Инглиз адабаси Элайн Янг (Elain Young) нинг ҳикоясини 1962 йили таржима қилган. У танилган, машҳур ёзувчи ҳисобланади. Лекин ҳикоя унинг асарлари рўйхатида йўқ. “Фаройиб бошпана” номли бу ҳикоя унинг оз сонли асарлари рўйхатидан ўрин олмаган. Бироқ унинг баъзи пьесалари қаторида “Strange infirmary” бор.

Е) 1963 йили “Қотил” номли ҳикояни таржима қилиб, унинг муаллиф сифатида Марк Брендлни (Mark Brandle) ни кўрсатган. Бироқ унинг асарлари орасида бундай ном йўқ, асарлар номларида ўхшашлик бўлиши мумкин.

Ҳар ҳолда Муҳаммад Али Қутб ўз таржималари орқали замонавий адабиётга катта хизмат кўрсатди. Унинг таржималаридан кўплаб ўқувчилар ва адабиёт мутахассислари баҳраманд бўлдилар. У жаҳон адабиёти билан танишиш учун катта имконият яратди¹.

¹ Муҳаммад Али Кутб. А) “ал-Манҳал” журнали. 04.11.1956. 140-бет.

Б) “Оказ” газетаси. 23.04.1957 й. 5-бет.

В) “Оказ” газетаси. 03.09.1960 й. 5-бет.

Г) “ал-Манҳал” журнали. Июнь 1957. 633-бет

Мұхаммад Али Құтб чет әл адабиётидан қылған таржималарининг аслиятлари баъзан маълум эди ва ундан кўпчилик баҳраманд бўлди.

Азиз Зиё жаҳон адабиёти дурдоналаридан, асосан, инглиз адабиётидан бадиий таржималарни амалга оширди. Улардан учтаси машҳур инглиз ёзувчиси Сомерсот Моэм (Somerset Maigham) нинг ҳикоялари:

- А) “Туш” – “The Dream”, 1957 й.
- Б) “Хазина” – “The treasure”, 1958 й.
- В) “Ҳаёт фактлари” – “The Facts of Life” 1961 й.

Сўнг у Жорж Оруэл (George Orwell) нинг “Саксон тўрт”¹ романини таржима қилди. Бу таржима энг гўзал адабий таржималардан ҳисобланади. Бу роман муаллифи Оруэл 1984 йили нима юз беришини хаёл қылған фантастик асардир. Ўша йили, яъни 1984 йили муаллиф вафот этади. Бу роман бир неча таржимонлар томонидан араб тилига ўтирилган.

Таъкидлаш жоизки, Оруэлнинг барча асарлари, энг сўнгисидан бошқа барчаси араб тилига таржима қилинган. Энг сўнгти (Came up to the Fresh air) асарини у Жазоирда эканлигига 1982 йили ёзган, эҳтимол у ҳам таржима қилинса керак. Умар Бурҳон Идрис Пушкиннинг “Бола” исмли асарини таржима қилган².

Мұхаммад Абдулқодир Аллоқий “Ватандош аёл” номли ҳикояни таржима қилган. Ҳикоя Элин Партис (Elaine Parties) га мансуб дейилади. Лекин

Д) “ар-Роид” газетаси. 06.08.1962 й.

Е) “ар-Роид” газетаси. 28.08.1962 й.

¹ Азиз Зиё. А) – “Арафот” 14.04.1957 й. 7-бет.

Б) “Арафот” 14.07.1958 й. 5-бет.

В) “Оказ”. 19.07.1961.

Г) “Тихама” нашриёти. Нашр этилган асарлар маълумотномас. 1984 й.

² Умар Бурҳон Идрис. “Ар-Роид”. 06.03.1960 й. 5-бет.

инглиз ёзувчилари ичида бу исм билан машхур адабани тинимайман. Эҳтимол, исмни ёзишда ноаниқликка йўл қўйилган бўлиши мумкин, бу инглизча исмларни ёзишда, шунингдек, адабий асарлар номларини ёзишда ҳам жуда муҳимдир. Бу таржи-ма 1963 йили нашрдан чиққан.

Саҳмий Можид ал-Ҳожирий ўзининг “Саудия Арабистонида ҳикоя” китобда араб тилига таржима қилинган ишлар ҳақида эслаб ўтади Уларнинг чет тилидаги асл манбаларини кўрсатмай, таржимонларнинг қайси халқقا мансублигига ишора қилиш билан чекланади, масалан, америка ҳикояси, индонезия ҳикояси ва ҳ.к. Бироқ бу ерда савол туғилади: У асарни индонезия ёзувчиси ёзганми ёки у Индонезия ҳаётиданми? Ҳар ҳолда, бу унинг соҳаси эмас, у адабиётга ва бу тадқиқотта ҳам хизмат қилмайди.

Саудия Арабистонидаги ҳозирги замон адабиёти, умуман, пайдо бўлишидан бошлаб, чет эл адабиёти мутахассислари эътиборида бўлди. Уни саудия ёзувчилари ва зиёлилар умуман яхши қабул қилдилар. Таржималар орқали у адабиётлардаги образларни дикқат билан ўргандилар. У адабиёт ёзувчиларидан, уларнинг роман қурилиши, ҳикоя ва қисса қурилиши услубларидан таъсирландилар. Саудиялик ёзувчилар, шунингдек, сафар қилиш қудратидан ҳам фойдаландилар. Бу уларга кўплаб араб ва ажнабий адабиётлар билан танишиш имкониятини яратди. Бу сафарларнинг бошида Мисрга сафар тураг әди, бунинг сабаби масофанинг яқинлиги ва алоқа ўрнатишнинг қулайлиги әди. Шунингдек, ўқиши сабаби ҳам бор әди. Биринчи ёзувчиларнинг аксарияти Саудия университетлари ташкил қилинишидан аввал Миср университетларида ўқидилар, шунингдек, бу ерда тил омили ва маданият марказлари ҳам муҳим роль ўйнади.

Жаҳон адабиётлари таржималаридан фойдаланган, баъзилар уни маданий мансублик натижалари деб ҳисоблайдиган. Таржималар орқали маданий ва илмий алоқалар амалга оширилди, миллатлар ўзаро маданият алмашдилар. Қадимдан юонон, форс, ҳинд адабиётидан бошлаб то араб адабиётигача улар ўртасида маданий кўприклар ўрнатилган. Мана шу маданий алоқалар орқали баъзилар мана ушбу таржималар сабаб бошқа маданиятлардан таъсиrlандилар.

Инглиз ёзувчиси Даниель Дефо (1660-1739) Ибн Туфайл (581 ҳ.й./ 1185 й.в.э.)нинг Ҳайй ибн Яқзан қиссасидан таъсиrlаниб, шу йўсининг машҳур Робинзон Крузо романини яратган ва у “London Post” газетасида бир неча серияда чоп этилгач, 1719 иили Лондонда нашр қилинган. 1993 иили чоп этилган нусхада ноширнинг кўrsatiшicha¹, у етти юз марта нашр этилган. Даниель Дефо ҳинд афсоналари асосига қурилган қиссадан таъсиrlанган эди. Араб тили орқалими ёки ҳинд тили орқалими (ҳинд тили аввалроқ) таъсиr юз берган эди. Ҳар ҳолда, Европа адиллари Европа Уйғониш даврининг бошланишида шарқ таржималаридан фойдаланганлар, ва бу ҳол ҳозиргача давом этмоқда. Масалан “Минг бир кечা”, ал-Ҳаририй мақомалари, ал-Жоҳиз асарлари, турли ҳинд ва форс адабиёти асарларидан таъсиrlангандар. Табиийки, таржималар ҳар қандай асар ва ҳар қандай даврнинг бошланишида катта роль ўйнайди. Аббосийлар давридаги араб-мусулмон уйғониши ҳам таржималар асосига қурилган, Европа уйғониш даврида араб, юонон, шарқ таржималари муҳим роль ўйнаган. Араб уйғониши ҳам мана шу унсур замирига қурилди. 1897 йилдаги Франция-

¹ Wordsworth Edition Limited – London. 1993.

нинг Мисрга юриши натижасида юз берди. Араблар ўз тараққиёти ўзга ривожланган маданиятлар билан танишмасларидан, уларнинг илмий ва адабий тадқиқот ютуқларини ўзлаштирмасларидан юз бериши мумкин эмаслигини тушундилар. Шунинг учун мисрликлар француз юриши натижаларидан таъсирландилар, қўшимча равишда Шом ўлкаларидан келган муҳожирларнинг ажнабий тилларни, биринчи навбатда француз тилини билишлари ҳам фойдали бўлди. Таржималар таржима қилинаётган адабиётлар тилини мукаммал биладиган шу юртнинг фарзандлари қўлидагина бажарилиши мумкин.

Таржима ва зиёлилар табақаси бир танганинг икки томонидан иборатdir. Саудия Арабистонида икки табақа таржимонлар пайдо бўлдилар. Биринчи табақа булар баъзи ҳукумат идораларидан етишмаётган хизматчилар ўрнини тўлдириш учун келганлар. Улар ўз юртларида чет тилларни уларнинг юртлари чет эл мустамлакаси бўлгани ва ана шу тилда ўқиганлари учун яхши билганлар. Мустамлакачилар умумий стратегиянинг бир қисми сифатида дарсларни ўз тилларида олиб бора дилар. Адабиёт соҳасида ана шундай вакиллардан кўзга кўрингани Аҳмад Ризо Ҳуҳу эди. У 1943 йили Жазоирдан келган, Мадинаи Мунавварадаги шариат мактабида ўқиган, сўнгра шу мактабда мударрис бўлиб ишлаган. Кейинчалик почта бошқармасида таржимон бўлиб хизмат қилган. Француз тилини билиб, француз адабиёти билан танишиб, ундан таъсирланган Аҳмад Ризо Ҳуҳу ҳозирги замон адабиёти, айниқса, ҳикоя жанрининг келиб чиқишида муҳим роль ўйнаган.

Шом ўлкаларидан келган муҳожирларнинг ҳам ҳикоя жанри пайдо бўлишида роли биринчилар қатори муҳимдир. Улар аввал эслаб ўтганимиз, Аҳмад Бу Шанақ каби ҳозирги замон адабиёти пайдо

бўлиши билан матбуот саҳифаларидаги таржималар ёки ўзга тиллардан таржима қилган саудия таржимонлариdir. Уларнинг аксарияти ўша пайтда Миср университетларида ўқигандилар. Баъзилари эса ишларида чет тиллари, масалан, инглиз тили билан муомала қилишлари зарурлигидан ўргангандар. Муҳаммад Абдулқодир Аллоқий Ташқи ишлар вазирлигига хизмат қилгани учун кўплаб хорижий давлатлардаги элчихоналарда ишлаган. У Қоҳира университети битириувчиси. Эллигинчи-олтмишинчи йилларда таржималар кўп бўлгани учун биз бу ерда баъзиларини эслаб ўтдик холос, чунки уларнинг оз қисмидан бошқа ҳаммаси ҳам адабий таржима эмас. Таржима ижодидир, у бадиий асарга янги шакл беради. Шу маънода ҳар қандай чет тилини билган ёки икки тилни билган шахс адабий ижодий таржимани бажара олмайди. Шу даврда саудия таржимонлари орасида иккитасидан бошқа адабий таржимани маҳорат билан амалга оширганларни топа олмаймиз. Булар – Ҳамза Буқарий ва Азиз Зиё. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам тилни, ҳам ижодни яхши билган. Адабиёт таржимаси бадиий ижод қобилиятини талаб қиласди. Биз кўриб чиққан таржималар ичida адабий шаклда амалга оширилган, ҳам шакл жиҳатидан, ҳам мазмун жиҳатидан асл матн билан мувофиқ келадиган, бошқача қилиб айтганда, ижодий ишни ўша ижодий иш каби қайта ифодалайдиган ишлар жуда кам.

38. ТАЪСИР ЭТИШ ВА ТАЪСИРЛАНИШ

УСЛУБ

Икки хил: бевосита ва билвосита таъсир инсон ер юзида пайдо бўлганидан буён мавжуд бўлган ҳодиса. Биринчи таъсир ота-онанинг одатлари ва

юриш-туриши, инсон яшаётган жамият тили таъсири ҳисобланади. Кўп сўз юритиш мумкин бўлган бу масалада ўзимизга керак бўлганидан ортиқча узоқ тўхтамоқчи эмасмиз. Бизни қизиқтирган нарса бу ерда таъсирланишнинг биринчи қисми, яъни бевосита таъсир. Биз бу ҳақда қисқа тўхталиб ўтгандик. Саудия ёзувчилари ҳам бошқа ёзувчилар каби иккала таъсирга баравар учраганлар, бироқ бевосита таъсир кучлироқ бўлган. Бу жиҳатнинг ўз сабаблари ва шарт-шароитлари бор эди, булар ҳақида кейинроқ бироз батафсил тўхталамиз. Мавзуга киришдан аввал ўзларидан ёш жиҳатидан катта ва жанр (санъат) жиҳатидан аввалроқ ижод қилган адиблардан таъсирланган жаҳон миқёсидағи ёзувчилардан баъзилари ҳақида тўхтаб ўтсак. Бу таъсир бир ёзувчига бошқа ёзувчига нисбатан фарқли бўлади. Эҳтимол, у узоқ давом этиши ёки муайян вақт ичida тўхташи мумкин.

Биз аввалроқ инглиз ёзувчиси Даниель Дефонинг Ибн Туфайлдан (улар ўрталаридаги замонда катта фарқ бўлса-да) таъсирланганига ишора қилган эдик. Таъсир бевосита бўлмаган бўлса ҳам, замон фарқига қарамай ижодий иш ўхшаш бўлган эди. Аммо биз бу ерда назарда тутганимиз – ҳикоя оламида асар тузилиши ва услубидан бевосита таъсирланишdir. Бу ҳақида Жазоирда туғилиб, француз мактабида ўқиган, шу ерга мансуб бўлиб яшаган француз ёзувчиси буюк романнавис Альбер Камю (1913-1960)дир. (У француз ёзувчиси Андре Мальро ва Андре Жидлардан таъсирланган, айниқса, Жиднинг услубидан ва асар тузилиши йўлларидан таъсирланган)¹.

¹ Қаранг: Ахмад Толиб ал-Иброхими. “ал-Ҳилал” журнали. Сентябрь 1972 й. 80- ва ундан кейинги бетлар.

Агар биз саудия романчилигининг 1959 йил Ҳомид Даманхурийнинг “Қурбонлик қиймати” романни билан бошланган иккинчи босқичига назар солсак, у тадқиқотимизда ўрганилаётган бевосита таъсирнинг кўламини бизнинг роман ўқувчиларимиз ва адибларимиз унинг маъносини англаб, ҳазм қилгандаридан ва ҳозирги замон адабиётида бу адабий турнинг бор бўлиши зарур эканлигини англағанларидан сўнг кўрамиз.

Агар хорижий адабиёт ижоди ва таржималари бўлмаганида, бу ҳодиса юз бермаган бўларди. Шу билан бирга жиддий адабиёт ва ҳазил-хузул адабиёт ҳамда заиф афсонавий мерос ўртасидаги тўсиқ синди.

Кимки бирорта ҳалқнинг маданияти у қадимий бўладими ёки замонавийми бошқа бир ҳалқда мавжуд бўлган санъат(жанр)дан холи деб ўйласа, у хато қиласди. Ҳар бир ҳалқнинг ўзи мерос қилиб олган санъатлари бор, ҳалқ рақслари ва ҳикоялари, қўшиқлари, шеърлари ва бошқалари каби.

Агар юнонлар ва римликлар театр санъатида моҳир бўлган бўлсалар, унинг учун қалъалар тайёрлаб, шаҳарлар қурган бўлсалар, бу уларнинг ўқиш ва ёзиши эртароқ билганликлари сабабли юз берди, арабларда эса бу нарса фақат тор доирада мавжуд бўлган эди. Лекин улар бошқа санъатлар мавжудлиги билан шеъриятга бепарво бўлмаганлар, масалан, юон тарихини шеърда ёд билганлар. Араб миллатининг бошқа ҳар қандай миллат каби бундай санъатларда ўз насибаси бўлган, улар учун шеъриятга қизиқиши бошқа ҳар қандай санъатдан кўпроқ сақланиб қолган. Улар ҳатто “шоир миллат” деб аталган. Бу ўқиш ва ёзиш сабабли, шунинг учун арабча шеърнинг мусиқавий ритмлари, уни такрорлашнинг осонлиги, шеър ўқиш ёки уни куйлаш

имкониятинг қулайлиги натижасида шеърга та-янган. Ҳатто ровий ривоят қилаётган асарни ўзгартирса ҳам, бу ўзгартериш унга бирор зарар қилмаган. Агар маъно ёки мусиқий тузилиш фарқланса, сезилиб қолган. Шунинг учун арабларнинг шеърий мерослари ҳар қандай бошқа санъат меросларидан кўпроқдир. Шунинг учун ҳикоя роли оқшом сухбатлари, жанглар ва қаҳрамонлик қиссалари, Қуръони каримдаги мавъиза ва ибратлар шаклидаги миллий янгилик даражасида бўлмаган. Шу билан бирга қисса умумий тушунчаси бўйича араб мероси китобларида келтирилган. Масалан, ўқиш ва ёзиш асридан кейинги китобларда қиссалар бўлган, унда одамлар ўртасидаги мисоллар рамзлар орқали ифодаланган, у рамзли қисса бўлган. Масалан, Ад-Думайрийнинг “Ҳайвон” китоби, ал-Жоҳизнинг “Ҳайвонлар китоби”, Ибн Муқаффа форс тилидан таржима қилган ҳинд файласуфи Байдабаунинг “Калила ва Димна” китоби, шунингдек, ал-Балазурдийнинг ва ат-Табарийнинг китоблари ва бошқалар.

Бу мерос китобларидан қандайдир даражада таъсирланган китобларни кўриб чиқар эканмиз, бир савол туғилади: “Ҳозирги аср ёзувчилари Араб Шарқидаги ёки Яқин Шарқдаги ўша гуллаб-яшнаган асрлар ёзувчиларидан таъсирланганми?” Бу саволга “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб беришдан аввал XX асрда нашр этилган баъзи романларга қайтсак, ўша дастлабки асрларда – IX-XI асрлар оралигида араб мамлакатларида яратилган романлар билан рамзий қурилишдаги ўхшашликни кўрамиз. Кўп мисоллар ўрнига битта мисол келтириш билан кифояланаман. Асли инглиз бўлган, Ҳиндистонда туғилган романнавис Жорж Оруэл “George Orwell” (1914-1984) ўзининг “Ҳайвонлар фермаси” (“The Animal Farm”) романини 1960 йили ёзган. Бу

китобида у коммунистик партиянинг ёмон ниятларига рамзий ишора қиласди. Асли ўзи коммунист бўлган бу ёзувчи кейинчалик коммунистик партияга қарши чиқади. Уларнинг ҳар бири бошлиқ бўлишни хоҳлашини рамзий ифодалайди. Юқорида айтганимиздек, Оруэл Шарқда тугилиб, аввал Шарқда, кейин Испанияда яшади. У араб ва шарқ маданиятидан кўп таъсирланди ва бу унинг ижодида акс этди. Бу таъсирнинг билвосита эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу “турлар ўртасидаги адабий боғланиш” дейилади. Бироқ “Нима учун XX асрда ҳурмат қилинган, эъзозланган бу адабий тур қадимий асрларда ҳурмат қилинмаган, эъзозланмаган?” деган савол долзарблигини йўқотмайди. “Нима учун араблар насрдан кўра кўпроқ шеърни ҳурмат қилганлар? Улар айни пайтда фикъхий матнларни, тарихий ва насаблар ҳақида ги матнларни ҳурмат қилганлар!” Мен шу каби саволларни бир қатор тадқиқотчилар, олимлар ва зиёлиларга бердим. Олинган жавоблар деярли бир-бирига яқин ва баъзилари бизнинг қилган хулосаларимизни таъкидларди. Бу жавобларни учтоифага бўлган ҳолда хулосаладим:

1. Қиссани ривоят қилиш, уни баён этиш оғзаки йўл билан бир сабабга кўра амалга оширилиб, ҳужжатланмайди. Бу ҳам бўлса – гарчи ҳодисалар, воқеалар бир хил бўлса ҳам, ровийлар услубларининг ҳар хиллиги. Баъзи ҳолларда ровий воқеа-ҳодисани ўзгартириши мумкин, масалан, Абу Зайд ал-Ҳилолий қиссаси, аз-Зийр Солим (ал-Муҳалҳил) қассаси каби. Бунинг устига ҳикоя ва қисса ровийларининг масъулиятлари ҳадислар ровийлари даражасида эмас. Жамият булардан бадиий-техник жиҳатдан эмас, балки тарихий ва ижтимоий жиҳатдан фойдаланишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Наср хужжатлаштириш жиҳатидан шеъриятнинг аксидир. Қасидани баҳр, вазн (шеър ўлчови) ва қоғия меъёрлаштиради.

2. Араб шеъри мусиқавий ритми билан характерланади. Шунингдек, юқорида айтиб ўтганимиздек, унинг ёдлаш учун осонлиги ва салоҳияти бор.

3. Араб кишиси шеърни унинг қуввати, қоғия ва вазндан гўзаллиги учун эъзозлаган, ҳикояни эса аёллар ва болаларга бўш вақтларида дилхушлик қилишлари ва овунишлари учун қолдирган, чунки у эркак киши учун муносаб эмас эди. У ёлғоннинг йўлларидан бири эдики, ҳатто баъзи минтақаларда авом халқ “фалончи фалончига ҳикоя қилибди” дердилар, яъни “ёлғон гапирибди”, “алдаб кетибди” деган маънода ишлатардилар. Бу, албатта, йўқ жойдан, ўз-ӯзидан келган эмас. Авом халқ оми бўлганига қарамай, улар тажриба асосида гапирадилар. Ёлғончи ёлғонни ҳикоя қолипида ясайди. Бу романтизм оқими, воқеъликка асосланмаган хаёлий оқим. Улар воқелик билан муомала қилганларида ҳам ёлғонни қўлладилар. Бундай фикрни тўлиқ қабул қилиб бўлмайди. Фантастика ҳам воқеликдан холи эмас. Унинг бир қисми ёки ҳаммаси кейинчалик юз бериши мумкин. Хаёл ёзувчининг башорат қила олиш қуввати қўламига асосланади.

Олимлар ва ёзувчилар баъзи ихтиrolарнинг мавжудлиги сабабли илмий фантастика қиссалари шаклида башорат қилдилар. Бу башорат ҳақиқатан ҳам юз берди. Аҳмад ас-Сибайй аёл таълими бўлмаган замонда, ҳатто баъзилар буни жиноят деб ҳисоблаган замонда ўқиётган ва ёзаётган аёлнинг одамларга дарс бераётганини ва уларни ўқитаётганини башорат қилди. Бу таълимдаги ривожланиш ҳақиқатан юз берди. Ас-Сибайй вафотидан бир неча йил аввал қизлар мактабларида

бунинг шоҳиди бўлди. Ал-Мағрибий таълим, саноат ва тижоратдаги тараққиётни башпорат қилди. Бу ҳақиқатан амалга ошиди. Бу эслаб ўтганларимизнинг барчаси бу юртга қўшни мамлакатларнинг таъсири эди.

Ҳикояларнинг илм ва адабиёт кишилари томонидан қабул қилинмаслиги ҳақида бу юзаки қаражни баён этганимиздан сўнг айтиш жоизки, уларнинг бу ҳақида фикрлари ўзгара бошлади. Бу ўзгариш, албатта, биринчи замонавий роман пайдо бўлиши, унинг адабий жанр сифатида ўз асослари ва компонентлари борлигини исботлаганидан сўнг юз берди. Саудия ўқувчисида ҳикоя ва роман обўёсини ўзгартирган бадиий роман оламига кириш ёки бошланиш бўлган мавзуга қайтамиз, у бошқа араб давлатларидағи ёзувчиларда ҳам бу тушунчани ўзгартирган эди. Ўша пайтларда Саудия Арабистонида университет бўлмаганлиги сабабли Миср университетларига ўқишига юборилган ёшлар қайтиб келгач, роман “таълим романи”дан “бадиий романга” ўзгарди. Роман ёзувчилари ҳозирги замон бадиий романни ёзувчиларидан таъсирландилар. Бу байроқни Ҳомид Ҳусайн Даманҳурий ўзининг “Қурбонлик қиймати” номли романини яратиб, баланд кўтарди. Барча тадқиқотчилар унинг миср ёзувчиси Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкалнинг “Зайнаб” романидан таъсирланганни ҳақида бир хил фикр билдирадилар. Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкал эса ўз навбатида Францияда ўқиб юрган пайтида француз ёзувчиларидан таъсирланган эди, у ерда ўқишини 1911 йили бошлаган эди. Чунки иккала роман воқеалари урф-одатлари, анъаналари бир-бирига ўхшаш бўлган араб муҳитида юз беради. Шунинг учун ҳам бир жойда таъсир ўтказиш ва таъсирланиш осондир. Бунинг устига

Даманхурий Мисрда XX асрнинг 40-50-йилларида ўқиши билан бирга унинг ёзувчиларидан араб уйғониши авжига чиққан пайтда таъсирланди¹.

Агар Даманхурий ўша пайтда Ҳайкалдан ва бошқа миср ёзувчиларидан таъсирланган ва ўша пайдаги воқеъликни қамраб олган бўлса, айни пайтда бошқа ёзувчилар ҳам пайдо бўлган, улар орасида бу ўзгаришларга мослашганлар ҳам бўлди ва анъанавий услубда давом этганлар ҳам бўлдики, уларда ҳеч қандай бадиий-техник ривожланиш юз бермади.

Иброҳим ан-Носир бироз муддат Ироқда ўқиди 50-йиллар бошидаги ижодкорларга замондош бўлди, уларнинг баъзилари билан мулоқотда бўлиши натижасида унинг қобилияти ва маҳорати ошиди. Ироқликлар ҳам, Жамил Сайднинг таъбирига кўра, саудийлар каби ва бошқа араб мамлакатидагилар каби мисрликлардан таъсирлангандилар.

Иброҳим ан-Носир роман ёзишдан бир йил аввал ҳикоя жанрида ижод қилишни бошлади. У биринчи романини 1961 йили нашр этди. Иккинчи романини эса 1969 йили, учинчисини – 1977 йили, тўртинчисини – 1988 йили ва бешинчисини – 1991 йили нашр этди. У иккинчи романидан бошлаб ўз йўналишига эга ижодкор сифатида шаклланди.

Биринчи гурӯҳ ёзувчилари (ал-Ансорий, ас-Сибайи, ал-Мағрибийлар) 40–50 йилларда саудия “таълим” романчилигига асос солдилар. Даманхурий ва ан-Носир олтмишнчи йилларда бадиий-техник романга асос солдилар. Ана шу икки босқич – биринчи ва иккинчи босқич ўртасида восита босқичи – ўтиш босқичи юз берди. Бу босқич ҳозирги замон саудия адабиётида, хусусан роман жанрида энг муҳим ва

¹ Sabri Hafiz/ @The Egyptian novel in the Sixties. Journal of the American Literature. VII. 1976.

аниқ босқич ҳисобланади. Бу даврда Ливан ва Мисрдан келган таржималар билан бир қаторда саудия таржималари, шунингдек, ҳикоялар ва саудия ёзувчилари тажрибалари пайдо бўлди. Бу 1960 йилдан аввал юз берди, бу даврда қисса ҳам пайдо бўлди. Саудия бадиий романнинг мана шу икки ёзувчиси билан бир қаторда бошқа ёзувчилар ҳам адабиёт саҳнасига кириб келдилар. Биз саудия романчилиги тарихидаги муҳим босқичда бундай ёзувчилар етишиб чиқишлари сабаблари ҳақида тўхталиб ўтгандик. Баъзи тадқиқотчилар бу асарларни ўрганар эканлар, уларнинг муқоваларидағи номлар ва ёзувлар қадимда ҳам, ҳозирги замонда ҳам адаштирган эди ва улар биз юқорида айтганларимизни исботлашди.

Муҳаммад Зореъ Уқайл 1960 йили “Мұхабbat амири” номли роман ёзди, у “ал-Манҳал” журналиниг бир неча сонларида босилиб чиқди. Асарнинг услубидан ҳам, тузилишидан ҳам муаллиф Журжи Зайдоннинг тарихий роман ёзиш услубидан таъсирангани яққол сезилиб туради. 1988 йили Уқайл “Икки авлод ўртасида” номли бошқа китоб нашр этди. Бунда ҳам унинг биринчи китобида бўлгани каби Журжи Зайдоннинг услубидан фарқ қиласиди.

Журжи Зайдон услубидаги фикрлар Тоҳир Аваз Солимнинг 1980-1986 йилларда яратган туртта асарида кетма-кет келади. Саудия романни босқичларининг учинчи босқичи таълим, нашриёт ва босмахона ривожланиши каби бир қатор омиллар ёрдамида ижодий асарларга бой бўлди. Бу ёш ёзувчилар ижодида аниқ давом этиб келмоқда. Лекин у шаҳобчаларга бўлиниб, Араб дунёсининг бошқа қисмларини ва баъзи Европа мамлакатлари, жумладан, Британия ва Францияни ўқувчилари борлиги сабаб қамраб олди. Ҳақиқий романчилик асосларига қурилган, унинг унсурларига амал қилиб ҳақиқий роман ярат-

ган ёш қобиляятли ижодкорларда Зайдон услуби кузатилмайди. Лекин баъзи ёзувчилар роман деб ўйлаб ўз иншо фикрлари ва таъбир эҳтиросларини ўз ичиға олган ишларини китоблар деб номлаган ижодларда бу услугуб сақланиб қолди.

Ушбу таъсир кейинги асарларида ҳам мустақил образлар яратмаган баъзи ёзувчиларнинг ижодий ишларидаги ҳам услугуб жиҳатидан, ҳам асар тузилиши жиҳатидан аниқ сезилади.

Эллигинчи йиллардаги романнавислар ижодида услубий таъсирни кузатишимииз мумкин. Тоҳо Ҳусайн ва Иброҳим ал-Мазинийлар услубининг Муҳаммад Али Мағрибий асарларига таъсирини аввал эслагандик. Тавфиқ ал-Ҳаким услуби унинг “Үйғониш” (“ал-Баъас”) романидаги ҳам сезилади. Иброҳим ал-Мазинийнинг “Ёзувчи Иброҳим” романни услубининг таъсири Ҳамза Буқарийнинг “Сафо айвони” (“Сағифат ас-Сафо”) романидаги кўринади. Нажиб Маҳфуз асарлари услубини Абдулазиз Мишарий, Амал Шата ва Абдулло Жефрида, ат-Тойиб Солиҳ услуби эса Султон ал-Қаҳтоний ва Сафих Анбарда кўринади.

Ража Олим шаклчилардан ва қоронғу мавҳумийлик (бемаъни алжираш) услубидан таъсирланган. Баъзилар бу таъсирни, бевосита ва билвосита таъсирни ижодкорнинг камчилиги деб ҳисоблайди. Лекин воқеълик ундаи эмас. Ушбу тадқиқотда биз кўриб чиқаётган таъсир анъанавий таъсир эмас, балки у қобиляят қурилишига ёрдам берувчи шаклий таъсирдир. Ёки биз айтиб ўтганимиз, зайдончилардаги салбий таъсир ёки у ижобий таъсир бўлиб, жаҳон адабиёти дурданалари билан боғланишга ижодга ва адабий образлар мустақиллигига тўсқинлик қилмайди. Уларнинг кўпчиликлари йирик халқаро мукофотларга сазовор бўлганлар.

Мисол тариқасида улар орасида Нобель мукофоти, Британининг “Букер” мукофоти соҳиблари борлигини айтиб ўтмоқчимиз. Америкалик ёзувчи Ральф Эллисон (1914-1994) нинг романи 1952 йили Америкада катта шов-шувга сабаб бўлди, у биринчи бор америкалик қора танлиларнинг муаммоларини кўтариб чиқди. Бу ёзувчи ўзининг мазкур романида Даниель Дефодан таъсирланди, биз у ҳақида тўхталиб ўтдик. Даниель Дефо Ибн Туфайлдан таъсирланган, у эса эҳтимол ҳинд афсоналари таъсирiga тушган бўлиши мумкин.

Ўзини Бен Окри деб атаган нигериялик ёзувчининг “Маъбуда даҳшати” (“Даҳшат ал-аалиҳа”) номли романи инглиз тилида нашр этилади ва у 1991 йили Букер мукофотини олади. Бу испаниядаги Сервантес, Франциядаги француз забонлар учун мукофот каби бўлиб, дунёдаги энг катта халқаро мукофотdir. Асар ёзувчиси америкалик ёзувчи Эллисоннинг кучли таъсири остига тушган. Икковлали ҳам бир ғояни, қора танли аёлнинг йўқолиши муаммосини кўтарадилар. Худди шулар каби америкалик адабиа Тони Моррисон (Tony Morrison) ҳам айнан шу муаммони кўтарган ва у “Маҳбуба” (“We Loved”) романи учун 1992 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган эди.

Демак, Фарбда жанрнинг пайдо бўлиши, унинг Шарққа кўчиб ўтиши билан биринчилар бу оқимга қараб кетганлар, кейингилар уларга әргашганлар. Тадқиқотчилар ва адабий мунаққидлар қадимда ҳам, ҳозирда ҳам ундан бирорта айб топмаганлар. Факат таъсир олинган асар нусха бўлмаслиги шарт қилиб белгиланган. Жон Ҳалпериннинг (John Halperin) “Канъон” журналидаги “Роман ва унинг мунаққидлари” мақоласида шундай дейилади: “Асримизнинг Венц Жеральд, Вульф, Уикенс ва Ҳемингуэй каби

романнавислари ижодларининг ўзидаги хаёл суриш ва фантазия усулларидан таъсирангандар¹. Яна шундай дейди: “Аммо таъсири жуда хатарли деб ҳисобламайман, ҳукмрон романчилик назариясининг машҳур романнавислар ва тажриба қилувчиларга яққол кўриниб турадиган таъсири йўқ”².

Саудия романчилиги оламини тадқиқ этишда бу жуда содда, жўн киришидир, чунки биз тадқиқотимизни соддалаштириш ва академик мураккабликни енгиллаштириш йўлидан олиб боришимиш, саудия адабиётида роман мавжудлиги ҳақиқатан амалга ошганлининг жиддий кўрсаткичидир. Бу мавжудлик ижтимоий, ахлоқий ва тоявий фам-ташвишларни баъзан бадиий асар орқали баён этишда сезиларни тафовут билан ифодаланади.

Саудия романчилиги уч асосий босқични бошидан кечирди. Бу босқичларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида ажралиб турувчи характерларига эга эди. Биринчи босқич – 1930–1948 йиллар. Бу бошланиш босқичи, унда роман ўзининг бошланғич, таълимий характерини касб этди, ўша пайтда ҳукмрон бўлган фикрий-тоявий ўзгаришга иштиёқ билан интилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш яққол ифодаланди. Роман тушунчаси ҳали насрый адабиёт тушунчалари ажратада олмайдиган адабий танқидчилар ва тадқиқотчилар учун эмас, ҳаттоқи роман ёзувчиларининг ўзи учун ҳам аниқ эмас эди.

Романнавислар қаторида безатиш усулларини ҳаддан ошириб юборган ёзувчилар ҳам пайдо бўлдилар, улар ал-Манфалутий, ал-Мувайдифий каби мазмун ҳисобига шаклга аҳамият берган аср ёзувчиларидан таъсирандилар. Уларга бадиий-тех-

¹ Карапт: Жон Ҳалперин. Роман назарияси. Мухийиддин Субхий таржимаси. 155 б.Дамашк. 1981 й.

² Ўша манба.

ник гоялар хиёнат қилгани каби ҳикоя тили ҳам хиёнат ва асарлари ё содда, жүн хотиралар, ё тонг отиши билан кучини йүқотган орзу-хаёл каби бўлиб қолди.

Адабиёт сахнасида бундан кейин роман пайдо бўлгунича, биз ҳозиргина айтиб ўтган услублардаги ва тадқиқотчилар роман деб ҳисоблаган асарлар юзага келгунича ўн йил ёки ундан сал кўпроқ вақт ўтди. 1959 йили янги босқичдан дарак берувчи Ҳомид Даманҳурийнинг “Қурбонлик қиймати” романни нашр қилинди ва бу асар билан саудия романчилиги оламига кирди.

1961 йили Иброҳим ан-Носирнинг “Тун зулматидаги ёруғлик” романининг пайдо бўлиши билан бу чегара мустаҳкамланиб, унинг кучи ошди. У ўз бошланишида тилининг ёмонлиги билан биз юқорида айтиб ўтган таъсирнинг натижаларидан бири ҳамда ижодий тажриба орқали мустаҳкамланган роман жанри ривожи учун йўл очиб берган романлардан эди.

Ан-Носирнинг ижодий маҳсули ортган сари етукланишиб борди. Ҳар сафар саудия романни ҳақида сўз кетганида тилга олинадиган саудия романчилиги асосчиси Ҳомид Даманҳурий вафотидан сўнг ан-Носир қолган эди. Мана шу икки ёзувчи қалами билан романнинг бадиий жиҳатдан ўсиши, гарчи саксонинчи йилларда саудия романчилиги учинчи босқичга кирганида бироз чекиниш юз берган бўлса-да, мамлакатдаги ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган моддий ва маънавий ривожланиш шароитида юз берди.

Тадқиқотчи учун бу босқичдаги ажойиб аралашма, маҳсулотнинг, яъни асарларнинг кўплиги ва уларнинг турлари (хиллари)нинг камлиги кутилмаган ҳол бўлади. Кўплаб роман ёзувчилари

пайдо бўлган бўлса-да, бу фикрий-гоявий (муҳим воқелик)дан узоқ эдилар. Роман соҳасида фақат оз сонли ёзувчилар ажралиб турадиган даражага етдилар. Тадқиқотчи ёзувчилар ўртасида уч табақани таснифлаши мумкин.

Биринчи табақа, Маҳмуд Дарвиш айтганидек, қайнаётган табақа. Бу тоифага кирувчи ёзувчилар юксак қобилиятга эга эдилар. Улар ёзишда, бадиий ўқишида яхши тажриба ортирган эдилар. Уларнинг асарлари катта ёзувчилар асарларига teng келадиган даражада эди. Шу сабабдан уларнинг асарлари бошиданоқ пухта ва етуқ асар сифатида ўрин олди ва ривожланиш йўлидан борди.

Иккинчи табақадагиларнинг қобилияти озроқ ва уларнинг роман ёзищдаги тажрибалари ҳам кам эди. Бироқ уларда яхши фикрлар мавжуд эди. Агар улар бадиий-техник жиҳатдан функционаллаштирилганда, яхши натижага эришилиб, яхши романлар яратилган бўларди.

Учинчи табақа ёзувчиларига уларнинг асарларининг “нол”га teng деб баҳолаган француз адабий танқидчиси Ролан Партинг фикрини татбиқ қилиши мумкин¹.

Бу табақадаги ёзувчиларда бир вақтнинг ўзида қобилият ҳам, тажриба ҳам йўқ. Уларнинг асарлари ёзиб олишга асосланган содда, жўн таҳлил, ё бўлмаса, хаёлпараст романтизм бўлиб, улар қирқинчи йиллар ёзилганлардан фарқ қилмайди. Шунингдек, буларнинг баъзилари ўз фикрларини образларга мажбуран юклар, образлар учун бундай ишлар мақсад йўлига мос келмас, улар бу юкни ва мажбурий услубни ўз зиммаларида кўтара олмас эдилар.

Бу бобни якунлашдан аввал тадқиқотчилар эъ-

¹ Карапанг: Холид ал-Каркарий. “Иорданияда роман”.

тибор қаратиши лозим бўлган икки нуқта ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчиси, баъзи ёзувчилар модернизм адабиётидан таъсирландилар-ки, бу араб жамияти учун на унинг маданиятига, на унинг тилига ва бу жамият аъзоларининг динига мос келар эди. Бу кўр-кўронга эргашиш ва унинг натижаси йўқ бўлишига олиб келади.

Иккинчиси, адабий мунаққид асар муаллифи ким бўлиши ва адабий оқимнинг қандай бўлишидан қатъий назар, матнни кўриб чиқаётганидаги обьектив, жиддий ва нейтрал танқидчиликнинг йўқлиги. Бу эса мазкур соҳа заифлигининг сабабидир. Роман ўзининг шонли нуқтасига келиши фараз қилинган саксонинчи йиллар учун хосдир. Нашр қилишга шошилиш, адабий, ғоявий фикри ва ижтимоий месросни яхши билмаслик, танқидчининг квалификациясининг йўқлиги ҳам муаммони келтириб чиқарган омиллардандир.

БЕШИНЧИ БОБ

1959-1979 ЙИЛЛАРДАГИ РОМАНЧИЛИК

- Ҳомид Даманҳурий
- Даманҳурий ва Ҳайкал
- Иброҳим ан-Носир
- Ҳинд Солиҳ Ба Ғаффор
- Оиша Зоҳид Аҳмад
- Худа ар-Рашид
- Абдулла Жўмъян
- Голиб Ҳамза Абул-Фараж

В БОБ РОМАН ЖАНРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ (КИРИШ)

Аҳмад ас-Сибайининг ҳаёт, жамият ва унинг ҳар кунги муаммолари ҳақида кунлик хотиралар тарзида ёзган “Менинг кунларим” китоби саудия ёзувчиларининг роман ёзиш услубига айнан шу ёзувчининг “Фикра” романидан кўра кўпроқ таъсир қилган деб ҳисобланади. Гарчи, бу роман ҳозирги замон роман ёзиш асослари ва тамойилларига қурилмаган бўлса-да, бироқ ас-Сибайининг саудия матбуотида ўз фикрларини нашр қилишни бошландан буён бир томондан сатирик-кинояли услуби тузилишига, бошқа томондан муаммоларни ҳал қилишни ўзлаштириш, ана шу муаммоларни ўзига хос услугуб ва йўл билан баён қилиши сабабли ўз ўқувчилари ва издошларига эга бўлди. Шу сабабдан кейинчалик умумий тушунчадаги ҳикоя ёзгандарнинг кўпчилиги ана шу услубдан таъсирланди. Бу мемуарлар муаллифнинг шахсий образини ифодалайди, қўйилган мақсадга мос келадиган кинояли кулгу унсурларига асосланади. Ўзига жалб этувчи, қизиқиши уйғотувчи ва фикрлашга ундовчи унсурларни қамраб олади.

Дилхушлик ва таълимий романчилик эса бу босқичга келиб ортга чекинди, энди булар ўттизинчи ва қирқинчи йилларида бўлгани каби адабиёт саҳнасида мавжуд бўлмай қолди. Бу оқимдаги аввалги ёзувчиларнинг нашр этган китoblари бу

босқичда бадиий етуклигидан ўтган ўқувчилар авлодига муносиб бўлмай қолди. Ўша таълимий асарлари тўлалигича инкор этилмаган бўлса-да, унинг ўтган ва ҳикоя жанри мавжудлиги билан пайдо бўлган ҳозирги авлод орасида ўқувчилари бўлса-да, бу босқичдаги ўқувчилар бадиий таркибга эга бўлган асарларни танлаб ўқийдиган бўлдилар.

У ёзувчилар дастлаб араб маданиятига чет эл адабиётининг кириб келишидан қўрқар эдилар. Лекин таржимонлар яхши намуналарни тақдим қилганларидан кейин, улар қабул қилишлари осон бўлиб қолди. Шу билан уларнинг хаёлларидан янги адабиёт ҳақидаги ваҳималар кетди, уни ўз муҳитларига мос равишда, меростга ва эътиқодларга зид келмайдиган равишда яхши қабул қила бошладилар.

Аксарият тадқиқотчилар ва танқидчилар Ҳомид Даманҳурийнинг “Қурбонлик қиймати” романни жанр талабларига жавоб берадиган, романнинг барча унсурларини бўлмаса ҳам, аксарият унсурларини ўз ичига олган биринчи саудий романни деган фикрга қўшилдилар. Бунинг исботи сифатида унинг тадқиқотларда ўрганиб таҳлил қилинганидан ташқари бир неча жаҳон тилларига таржима қилинганини айтишимиз мумкин¹. Қисса бош қаҳрамони ўз жамиятининг фаол аъзоси сифатида ватанида қолиши ва ўша пайтда мамлакати учун керак бўлган илмий таҳсил олиш мақсадида ўқишини давом эттириш учун ихтиёрий муҳожирликни, ўз туғилган еридаги унаштирилган [консерватив] қайлифига бўлган севги ва унаштирилган қайлигининг акси бўлган, гўзал, бой ва юқори ижтимоий мавқели

¹ Бакри Шайх Амин. “Саудия Арабистонида адабий харакат”. Байрут. 1982 йил. 475-479-бетлар.

қизга бўлган севгисидан бирини танлаш каби ички низоси шаклида ифодаланган.

Биринчи қиз ўқимаган, онасидан ўрганган уй ишидан бошқа нарсани билмайдиган, иккинчиси эса ҳуқуқшунослик факультети толибаси, отаси Қоҳира шаҳрининг мартабали инсонларидан.

Бош қаҳрамон ичидаги кураш ҳолати унинг олдидиа бир неча саволларни қўяди, уни воқелик ерида ўйлаш йўлига, баҳтли ҳаётни амалга оширадиган ишнинг муқаррарлиги ва унинг таъсири, урф-одатлар ҳамда ички ҳиссиётларини ҳисобга олган ҳолда ўз қалбига нисбатан ростгўй бўлишга чорлайди. Жамиятнинг ривожланиши ва тараққиёти учун баъзан ана шу ривожланиши йўлида турган урф-одатлар сабабли “катта бож” тўлайди.

Ёзувчи жамият учун урф-одатларни кафолатлайдиган ва айни пайтда унга таълим ва ривожланиш йўлини тайёрлайдиган бу масалаларни тенглаштиради ва баъзи интилишларидан воз кечади, ана шу қурбонлик қийматидир.

ҲОМИД ДАМАНҲУРИЙ (1922-1965)

Ҳомид Даманҳурий, юқорида айтиб ўтганимиздек, Саудия Арабистони бадиий романининг отаси ҳисобланади. Ҳомид Даманҳурий 1945 йили Искандария университетидаги ўқишини битириб қайтиб келгач, талабаларни хорижга ўқишга юборишга тайёрлаш мактабига ўқитувчи бўлиб ишга киради. Бу мактаб талабаларни Миср университетларида ўқишга тайёрлар эди. Қисқа муддатдан сўнг Тоифдаги намунали ўрта мактабда дарс бериш учун ишга ўтди. У ерда ҳам кўп фурсат ишламай, у Маккага Подшо Абдулазизнинг Ҳижоздаги ноиби девонига тафтишчи бўлиб ишга ўтди. Сўнг у Маориф

вазирлигига ишга кирди ва у ерда вазирнинг идора ишлари бўйича муовини бўлиб вафотига қадар ишлади.

Даманҳурий 1959-1963 йиллар орасида иккита роман, бир қатор тадқиқотлар ва қасидалар нашр этди. 1959 йили унинг биринчи романи “Қурбонлик қиймати” нашр этилди, 1963 йли эса “Ва кунлар ўтди” (“Ва мэррат ал-айям”) романи нашрдан чиқди. Ҳомид Даманҳурий, юқорида айтиб ўтганимиздек, Саудия Арабистони бадиий романчилигининг отаси ҳисобланади. Ҳар икки роман Даманҳурий хаётининг бир босқичини ифодалайди. Биринчи асарда унинг Қоҳира университетидаги талабалик ҳаёти, сўнг Искандария университетидаги ўқишини тугаллаши, университетдаги мисрлик ва саудиялик талабалар ўртасидаги дўстлик ва курсдошлиқ алоқалари ва шунингдек, ўша пайтдаги Миср маданий муҳити ҳақида ҳикоя қилинади. Бу биринчи томондан, иккинчи томондан эса ватанга ва оиласига бўлган соғинч, улар орасида ўқишга кетиши арафасида унаштирилган қайлиғига бўлган соғинчи ифодаланди. Роман умуман бадиий сўзлаб бериш доирасида баён этилган таржимаи ҳолдан иборат.

Иккинчи роман эса Даманҳурий ҳаётининг иккинчи босқичидан иборат. Бу ўқишдан кейинги ҳаёти босқичи, бошқа маънода, амалий ҳаёт, келажакни қуриш босқичи. Ё озгинага қаноат қилиб, дам олиб тинч яшайверади, ё ҳаётдан унинг ширин меваларини узиш умидида аччиқ қийинчилклари га қарши курашади. Тадқиқотчи Ҳомид Даманҳурийнинг биринчи романида у Миср маданиятининг 20-30-йиллардаги уйғониши ва ривожланишидан таъсирланганини сезиш мумкин, айниқса, биринчи миср ёзувчиси Мұхаммад Ҳусайн Ҳайкалнинг ва биринчи авлод ижодкорлари Нажиб Маҳфуз каби

бир қатор ёзувчиларнинг ижодидан таъсирланган. Ҳомид Даманҳурий “Қурбонлик қиймати” романи тузилиши ҳамда унда кўтарилган масала ва ечимида Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкалнинг 1919 йили нашр қилингандан “Зайнаб” романидан таъсирлангани яққол сезилиб туради. Шунингдек, унда Нажиб Маҳфузнинг дастлабки асарларининг таъсирини ҳам яққол сезишимиш мумкин.

Мансур ал-Хозимий “Қурбонлик қиймати” ва “Зайнаб” ўртасидаги нафақат ўхшашлиқ, балки роман ечимида жуда яқинликни таъкидлайди¹. Лекин бу борада Муҳаммад Солиҳ ан-Шантыйнинг фикри бошқача, у Даманҳурий Нажиб Маҳфузнинг 1956 йили нашр этилган трилогиясига кирувчи романларидан қаттиқ таъсирланганини айтади. Лекин у бу асарлар ва Даманҳурий ишидаги ўхшашликлар ҳақида далил-исбот келтирмайди ва қаҳрамонлар исмларидаги ўхшашлиқ билан чекланади². Бу эса амалий жиҳатдан исбот ҳисобланмайди, исмлар такрорланиши мумкин, лекин у ҳар бир ишда бошқа-бошқа маъно ва мазмунга эга бўлади.

Даманҳурийнинг табиий қобилияти ўша пайт араб оламида деярли ягона бўлган Миср университетларида ўқиётган даврида сайқалланди. Ўз навбатида у ерда Европа университетларида таълим олиб қайтган мисрлик катта ёзувчилар ва адиблар томонидан кўтарилган мавзуларнинг муҳокамаси бўлар эди. Шунингдек, унга ўша пайтда араб тилини яхши билиши билан бир қаторда инглиз тилини ҳам мукаммал билиши кўп асқотди. Унинг кўп му-

¹ Мансур ал-Хозимий. “Ҳозирги замон саудия адабиётида ҳикоя жанри”. “Дар-ал-улум” нашриёти. Риёз. 1981 й. 48-бет. Яхё Соатий. Иккинчи нашр. 1980 й. 6-бет. Риёз адабиёт клуби.

² Муҳаммад Солиҳ аш-Шантый. “Ҳозирги замон саудия адабиётида роман жанри”. Жазан адабиёт клуби. 1990 й. 50-юет.

толаа қилиши, адиблар, тадқиқотчилар ва танқидчилар билан баҳс олиб бориши, адабий ва илмий соҳалардаги тажрибаси ва ижодий ишлар ёзиши билан жилоланган бадиий етуклиги ҳам унга ёрдам берди¹. У ижодий ишларини нашр қилишга шошилмади. Унинг биринчи асари университетни битирганидан ўн беш йил ўтганидан сўнг нашр қилинди. У ана шу давр ичидаги ҳаёт тажрибасига эга бўлди, у ўз асарини ўқиди, ўзгартириш киритди ва адабий вазнга ва қийматга эга бўладиган даражага етиб келгунча қайта ишлади. Аммо биринчи ва иккинчи ижодий иши ўртасидаги вақт уч йил ёки ундан сал кўпроқни ташкил қиласиди.

Даманҳурий саудия адабиёти қиёфасини анъ-анавийликдан замонавийликка, ҳаётийликка ўзгартира олганлардан ҳисобланади. У Саудия Арабистонида ҳозирги замон адабиёти ҳақида, роман олами ҳақида яхши тасаввур берди. Унгача адабиёт оламида эски услубларга асосланган қадимий ҳикоя қилиши қадриятига кўра бунга худди ноқонуний туғилган фарзанд каби қаралар эди.

Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкал Миср муҳитини ўзига хос қарашлари билан кўтариб чиқди. Даманҳурий эса саудия муҳитини кўтариб чиқишида унга тенг кела олди. Ижод янги изга тушдики, кейинги ёзувчилар уни намуна қилиб олдилар, у янги бадиийлик оламида тўлиқ маънодаги янги бошланиш нуқтасига айланди².

¹ Абдулло ал-Жаббор. “Курбонлик қиймати” романига муқаддима. 1959 й. Биринчи нашр.

² Мансур ал-Хозими. “Курбонлик қиймати” романни. Иккинчи нашр муқаддимаси. 1980 й. Мансур ал-Хозими. Адаюбиёт факултети журнали. 1973 йил. 85-бет. Иззат Иброҳим. “ал-Файсал” Журнали. 1978 йил октябрь ойи сони. Набила Иброҳим Солим. “Аалм ал-Кутуб” журнали. 1-жилд. 1981 й. 81-бет.

“ҚУРБОНЛИК ҚИЙМАТИ”

Роман воқеалари Макка ва Қоҳирада юз беради. Роман қаҳрамони Аҳмад – Қоҳира университетининг тиббиёт факультети талабаси, ўқишидаги курсдоши Муҳаммад Лутфийни кўргани боради. Ўртоги ровийнинг таъбирича машҳур адвокат Лутфий-бейнинг ўғли. Зиёрат пайтида ўртоги Мустафонинг синглиси Фоизани кўриб қолади, у ўн олти ёшда, гўзал ва маданиятли. Аҳмадни унинг чиройи ва одоби мафтун этади. Бундай сифатлар Аҳмаднинг қўплаб дўстлари ва курсдошларида мавжуд эмас. Унинг дўстлари ва курсдошлари кўп, лекин уларнинг жуда оз қисми Мустафо ва унинг синглиси каби ўқимишли ва маданиятли. Бундай сифатларни у Фоизада учратади ва Фоиза ўз жозибаси билан уни ўзига мафтун этади. Унинг ичидаги кучли кураш келтириб чиқаради. У соатлаб ва кунлаб вақтини шу ўйлар билан ўтказади. Чунки ўз ватанида амакисининг қизи Фотима билан тақдири боғланган, унга унаштирилган. Ўрта мактабда ўқиётган пайтида ўқишини Қоҳирада университетда давом эттириш каби катта интилиши бор эди. Лекин отаси унинг Қоҳирага ўқишга боришини хуш кўрмайди, ўрта мактабдаги ўқиши битиришини етарли деб ҳисоблайди. Чунки у оилада ягона ўғил, отаси меҳнатга қодир бўлмай қолганида унинг зиммасига оила тижоратини бошқариш масъулияти тушади. Аҳмад ўқишга бора олмаслик умидсизлиги туфайли қаттиқ бетоб бўлиб қолади. Шундан сўнг отаси ушбу ҳолатни кўриб, унинг ўқишига рози бўлади. Ўқишига қузатиш муносабати билан катта зиёфат беради, ўқишига бориши учун Абдураҳим амакисининг ягона қизи Фотимага унаштиришни шарт қилиб қўяди. У Мисрда ўқишида олти йил вақт ўтказади, шу пайтда Абдураҳим амакисининг вафот этгани ҳақида хабар

келади, амакисининг вафоти муносабати билан отасига ва Фотимага таъзия билдириш учун Маккага қайтиши ўз бурчи деб ҳисоблайди. Аҳмад шу пайт ҳақиқатан ҳам ҳар доимидан кўра кўпроқ оила олдидаги масъулиятининг юксаклигини ҳис қиласди, чунки бугун Фотима етим қолди. Аҳмад илмий даража олгач, Саудияга қайтиб келади ва Фотимага уйланади. У энди Фоизада мавжуд бўлган хислатлар – гўзаллик, бойлик ва маданият ҳақида ўйламайди, у оила олдидаги бурчини бажариш ҳақида ўйлайди, мана шу у қилган қурбонлик қиймати эди.

Даманҳурний Мисрдан энг яхши зиёлилардан бири бўлиб қайтди. У энди тамаддун ва тараққиётдан ортда қолган ватанини қуришда ўз ўрнини эгаллаши керак. Ўқишидаги натижаси ва ҳаётдаги тажрибаси туфайли унинг бу соҳадаги иштироки фаол бўлди. У ҳозирги замон адабиёти яратилиши ва ривожланиши учун янги фикрлар олиб келди. У ўз ватанига ва аҳлига катта фойда келтирди.

Даманҳурнийнинг ижодий ишлари Ҳижоз муҳити учун яққол из қолдирди, ёзувчи бу муҳитни шундай яхши тасвирладики, уни зиёрат қилмаган ўқувчи ҳам яхши тасаввур қила оладиган бўлди. Бу – оила ҳаёти, халқ хурофотлари, Сувейқадаги савдогарларнинг келишувлари ва келишмовчиликлари, ижаралар, эркин савдо, Иккинчи Жаҳон Уруши туфайли маҳсулот импортининг тўхтаб қолишидан қўрқиш, бунинг акси сифатида урушдан сўнгти ривожланиш ва гуллаб-яшнаш? ва албатта, таълимнинг зарурлиги, унга келажак қуроли сифатида қараш, мамлакатнинг саудия ёшлирга эҳтиёжи, уларнинг келажакда табиб, муҳандис, иқтисодчи бўлиб етишишлари, бу йўлда улар бошлиридан кечиришлари мумкин бўлган муаммолар ва тўсиқлар, масалан, хотин-қизлар ўқиши, чун-

ки мамлакатда бу ҳол аввал бўлмаган, хорижга сафар қилиб, хотин-қизларнинг астойдил таълим олаётганлирининг гувоҳи бўлишлари каби масалалардир. Шунинг учун ҳам саудия ёшлигининг кўпчилиги ўқимаган саудия қизларидан кўра ўқиган қизларга уйланишни афзал қўрадилар, улар таълимнинг, илм ва маърифатнинг ҳаётдаги ролига, авлодлар келажаги ва уларнинг тарбиясидаги ролига ишонадилар.

“ВА КУНЛАР ЎТДИ”

Бу романнинг воқеалари қуйидагича: бир факир киши вафот этади, унинг хотини иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлади, аёл ўз ҳаётини ана шу икки фарзанди учун бағишлайди, уларни боқиши учун аёллар кўйлаклари тикадиган чевар бўлиб ишлайди, улар учун барча нарсани қурбон қиласди, соғлиғи ёмонлашади.

Катта ўғли Исмоил онасига ва укаси Мансурга ёрдам бериш учун, укаси ўқиши давом этириши, онаси меҳнат мاشаққатларидан бироз дам олиши учун ўқиши ташлаб, иш қидиришга қарор қиласди. Унинг дўсти Камол – бой оила фарзанди, дўстининг ўқиши ташлашига қаршилик қиласди. Бу фикрга қарши туради, лекин Исмоил ўз фикрида қаттиқ туради ва молия вазирлигидан иш топади. Вазирликнинг кадрлар бошқармасининг бош мудири Исмоилнинг отаси билан аввалдан дўст эди. Исмоил бу ерда турли савиядаги ва турли кучқудратли мутахассислар қоришмасига дуч келади. Баъзилари ишига бепарволик билан қарап, баъзилари ўз вазифасини қўл учida бажарап эди. Лекин Исмоил хизмат вазифалари масъулиятини ҳис қилиб, пок виждан билан ишлай бошлайди. Шунинг учун у кадрлар бошқармасининг бош муди-

ри котиби вазифасига тайинланади. Бу лавозимга бошқалар эриша олмаганига қарамай, И smoилнинг интилишлари бундан баландроқ эди. Бир куни у Жиддада истикомат қиласидиган ливанлик тохир Набил Тавфиқ билан учрашади. У Молия вазирлигига иш юзасидан келган эди. Набил Тавфиқ И smoилни тижорат ва эркин тадбиркорлик белгиланган маош олиб ишлайдиган ҳукумат идорасидаги лавозимдан афзал эканлигига ишонтира олади. И smoил Набил Тавфиқнинг фикрига ишонч ҳосил қилгач, ҳукумат ишини ташлаб, унинг тижорат ҳамкорига айланади ва бузилган машиналар жиҳозлари билан шуғулланади ва тижорат маркази бўлган Жидда шаҳрига кўчиб ўтади. У ерда Набилнинг қизи Салва билан учрашади. Салва бу ишни давом эттиришга ва келгуси беш йил ичида тижорат ва тадбиркорликдаги муваффақиятга эришишини рағбатлантиради.

И smoилнинг Маккада яшаган пайтида қўшниси ва синфдоши Камолнинг синглиси Самира га нисбатан муҳаббат қиссаси бор эди. Лекин у қизни отаси Риёзда яшайдиган ўзидан катта кишига мажбурлаб турмушга беради. И smoил энди укаси Мансурни Қоҳира университетига бошқарув мутахассислигини ўрганиши учун ўқишга юборди. У ердан бошқарувнинг янги усулларини ўрганиб, ўқимишли бўлиб, қайтиб келгач, унинг тижорат ишларини давом эттиришда ёрдам беради. Бу, шунингдек, унга таълим олишдаги камчилигини қоплашда ёрдам беради. И smoил онасини Маккадаги эски маҳаллада тор қўчада жойлашган эски кичкина уйидан Жиддадаги катта қасрга кўчиришга қаттиқ туради. У ер катта ва хизматкорлар бор. Лекин она бу қарордан хурсанд эмас. У ёши катта бўлганлигини ҳис қиласи, бу нарсалар унинг учун

кеч келганини, янги ҳаёт услубига кўнишишга энди кеч бўлди деб ҳисоблайди.

Набил оиласи билан Байрутга қайтади. Исмоил ширкатдаги унинг улушкини сотиб олади. Салва унинг севишига қарамасдан, унга уйланиш масаласига жиддий қарамайди. Лекин у ҳаётида икки қизни – Салвани ва Самирани йўқотади. У ҳалигача Салвага Байрутта хат ёзар, лекин ундан жавоб келмас эди. Мансур Қоҳирада ўқишини тамомлаб, юқори малака эгаси бўлиб қайтгач, Исмоил ўз ишини Риёзга кўчиради ва Жиддадаги филиалда Мансур қолади. Ўша куни у Набилдан хат олади. У Салванинг вафоти ҳақида хабар қилади. Салва бир муддат бемор бўлади, ливанлик табиблар даволай олмагач, Набил уни Европага даволаш учун олиб боради, бу ҳам фойдасиз тутгайди. Касаллиги туфайли соғлиги ёмонлаша боради. У ота-онасидан Исмоилга уни хафа қиладиган бирор нарсани эшитишни хоҳламас эди. Ўлим тўшагида ётганида отаси Набилни ёнига чақириб, Исмоилга вафоти ҳақида хабар қилишни сўрайди.

Исмоил янги офиси жойлашган бино олдида вақти-вақти билан Самирани эслатувчи қизалоқни кўрар эди. У қизча йўлакда ўйнар, баъзида бирор ширинлик илинжида унинг олдига кирап эди. Бир куни у Мансурнинг келишини кутиб ўтирас экан, Мансур кеч қолганлиги сабабли ўйга ботиб ўтирган чогида, бир киши эшикни тақиллатиб қолади. Қараса, у Камол экан. Исмоил уни ўн йил мобайнида қўрмаган эди. У тасодифан Мансурни Жиддада кўриб қолади ва Риёзга Исмоилни кўргани келади. Учрашув пайтида Исмоил Самирани эслатувчи қизалоқ ҳақида айтади. Камол бир йил олдин Самира эри ва қизи билан шу ерда, айнан мана шу бинода яшаганини, ҳозир эса эридан ажраганини ва Жиддада онаси билан яшаётганини айтади.

Камолнинг отаси узоқ вақт давом этган касаллиқдан сўнг вафот этганини, оила бойлиги унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун сарфланганини, лекин Аллоҳнинг қудрати ва иродаси ҳамма нарсадан устун эканлигини гапириб беради, Камол бойлик тугагач, уларни боқиши учун ишлаётганини айтади.

Суҳбат пайтида Мансур етиб келади. Икковлари Исмоилнинг шунча пайт уйланмай юргани етарли экани, унинг уйланиши зарурлигини айтадилар. Исмоил: “Энди вақт кеч бўлди”, – дейди. Охири роман ечими Исмоил ўзи учун ёзган шахсий хотираларига бориб тақалади. У ҳаётнинг бир қисмини қуриш учун иккинчи қисмини барбод қилган шахснинг таржимаи ҳоли шаклида баён этилган эди. У пул топиб, бойлик йига олди, лекин ҳаётнинг бошқа томонини, оила қуриш масаласини унутди. Бу таржимаи ҳолни Мансур онасига ўқиб беради. Онанинг кўз ёшлари дув-дув тўкилади. Исмоил эса Мансур ва Камол билан учрашгандан сўнг номаълум томонга қараб жўнаб кетади. Шу билан роман ўз ниҳоясига етади.

Даманҳурий ўзининг “Ва кунлар ўтди” романнда Макка ва Жиддадаги ҳаётни жонли суратларда тасвирлаган, воқеалар ва образларни аниқ ва батафсил тавсифлаган, ундан, шунингдек, тарихий ҳужжатли тасдиқланган ва тасдиқланмаган ҳисоботлардан фойдаланган. Романдаги ҳикоя этиш орқали Жидда шаҳрини Ҳижознинг порт шаҳри сифатида ўзининг кўчалари, парклари, тижоратчилари, замонавийлиги билан ажralиб турдиган турар-жой бинолари мисолида Маккадан кўра кўпроқ ривожланган ва тараққий этган деб тавсифлайди. Макканинг ҳам ўзига хос хусусиятларини, унинг кўплаб маҳаллалари, аш-Шомия

ва ал-Боб маҳаллалари, Ажяд күчаси, Пошо тор күчасини тавсифлайди. Макка ҳокими аш-Шариф Ави қасри олдида куй чаладиган ҳарбий мусиқа оркестрини тасвирлайди, уни асрдан сүнг то шомгача тұпланған одамлар тинглаши ҳақида ёзади.

Даманхурий романни жуғрофий ва тарихий тавсиф билан бир қаторда ижтимоий масалаларни тасвирлаш билан күчайтиради, масалан, турмуш қуриш урф-одатлари ҳақида ёзан әкан, у баъзи оталарнинг қизлари учун ниҳоятда катта маҳр сўрашларини, натижада куёвнинг ким эканлиги, унинг хислат-фазилатларига қарамасдан қизларини чорва моли нархидা сотишларини, оқибатда у бахтсиз аёлларнинг талоқ бўлишлари ёки қари қиз бўлиб ўтириб қолишлари ҳақида ўйламасликларини куюниб ёзади. Шунингдек, ёзувчи бу консерватив жамиятдаги бева аёлнинг ҳолатини ҳам эътиборга олади, у нима иш билан шуғуллана олиши, масалан, аёллар кийимларини тикувчи чевар бўлиб ишлаб, болаларини боқишишга ризқ топиши ҳақида ёзади.

Романда Саудия Арабистонига келган араблар учун кенг ўрин ажратилган, уларнинг бир қатор соҳалардаги тажрибалари, жумладан тижоратдаги тажрибаларини ва мамлакат фарзандлари салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини кўрсатади. Ана шуларнинг вакили сифатидаги Набил образи, у Исмоилни ширкат тузиш учун шерик сифатида жалб этади, катта бойлик тұплайды, Исмоил ҳам ватан фарзандлари гафлатда бўлган пайтларида Набилнинг тижоратдаги тажрибасидан фойдаланади. Бу Саудия Арабистони үйғониш даврининг бошланишидаги рамзидир, ўшанда араб мамлакатлари фарзандлари тажрибаларидан, турли соҳа-

ларда ривожланиш учун ва таълим масалаларида фойдаланганлар¹.

Роман унинг асосини ёки ўқини ташкил этувчи, унда фаол ўрин тутган образлардан холидир. Ҳатто Исмоилнинг ўзи ҳам, биз бош қаҳрамон деб аташимиз мумкин бўлган бу образ атрофида бошқа образлар хатти-ҳаракатлари содир бўлади. У қабул қиласа бўладиган сабабга кўра Маккани ташлаб Жиддага кўчиб ўтади, лекин у оиласи билан алоқани деярли узай дейди. Ёзувчи Исмоилнинг Жиддага кўчишига тижорат билан шуғулланиш билан бирга ҳиссий сабаб туфайли Маккадан қочаётган қилиб кўрсатади. Бу Самиранинг отаси унга уйланишига қарши чиққанлиги эди. Сўнг Исмоил Маккага қайтиб келиб, онасини Жиддага қасрга кўчиради, кейин эса уни ташлаб Риёзга кетади, у энди гўё онасидан қочаётгандек эди. Даманҳурний бу асарида бир қатор структурал хатоларга йўл қўяди, яъни моддий манфаатга эришиш ва сентиментал ўсмирлик ўртасидаги танлов мақсади тушунарсиз эди. Даманҳурний ижодини ўргангандек тадқиқотчи унинг асосни яратишдан олдин чўққида чордона қуриб ўтирганини кўради. Бу нарса унинг иккинчи романи “Ва кунлар ўтди”да биринчи романни “Қурбонлик қиймати”дан кўра камроқ ёки унда мантиқий боғланиш камроқ Исмоил Жиддага кетганида Самирани тамоман унутди ва тижорат билан машғул бўлади. Сўнг иккинчи муҳаббати Салвани ҳам бирор ақл бовар қиладиган сабабсиз унутади. Роман ўйланмаган йўл билан тугайди.

Шунга қарамай, Даманҳурний мураккабликдан холи сухбат ва содда услугуб яратишда ўзининг техник қудратларини қўллай олди. Энг янги замонавий

¹ Бакри Шайх Амин. Ўша манбаъ. 485-бет.

оқимларда “техника” (“Technique”) истилоҳида ақлий мантиқ ва кенг суҳбатни топамиз. Қўшимча рашишда ички монолог унинг ҳар бир асарида ажраби туради. У қаҳрамонларни ўз ҳолларига қўяди, режаларини чизишларида ташқаридан бирорвнинг аралашисиз, уларнинг фикрига қўшилишлари ёки қарши чиқишларисиз ўз фикрларини баён этиб, ўзи билан ўзи муҳокама қилади. У қаҳрамонни ҳаёт муаммоларига дуч келтириб, ўз фикри асосида қилиётган хулосасига кўра ҳал қилишига қўйиб беради. Бу билан у қаҳрамонга ва ўқувчиларга ёзувчи ўз фикрини бевосита мажбуран ұтказиши учун аралашмасдан драматик масалаларни ҳал этишда таклиф қилинаётган фикрни ҳосил қилишлари учун имконият яратади. Муаллиф ўқувчини бош қаҳрамон ҳаётини ва бош қаҳрамон атрофидаги бошқа образлар ҳаётини ўзи ҳис қилишини хоҳлайди.

Бакри Шайх Амин шундай дейди: “Ҳомид Даманҳурийнинг услуби “ички монологга” асосланади, бу психологлар тили билан айтганда “ўз-ўзини таҳлил қилиш” демакдир, яъни ташқари хавфсизлиги учун барча нарса ичкаридан чизилади. Гарчи бу услуг Саудия Арабистонидан ташқаридан маълум бўлса-да, саудия адабиёти учун бу янги нарсадир. Бундан ташқари муаллифнинг араб тилиси кучли, бадиий ва равондир. Бу хусусияти билан Даманҳурий Саудия Арабистонида ягонадир, аввал у кабиси бўлмаган, ундан кейин ҳам ҳозирги кунгача бундай чиқмади”¹.

Бакри Аминнинг етмишинчи йилларда ёзган тадқиқотидаги ушбу сўзларига шарҳ сифатида айтишимиз жоизки, саксонинчи йиллар бошларидан бошлаб вазият тамоман ўзгарди. Ушбу тадқиқоти-

¹ Бакри Шайх Амин. Ўша манбаъ. 488-бет.

мизда саудия романи сахнасига күплаб қобилиятли муаллифлар кириб келганини күрамиз. Даманҳурийни саудия романи қули деб аташимиз мумкин, чунки у ана шу романини ёзишда, уни қайта күриб чиқишида, маромига етказишида узоқ вақт сарфлади, шеърият қуллари шундай қилар эдилар¹. Баъзи тадқиқотчилар уни ўзининг адабий романнавислик услугубида Нажиб Маҳфузга ўхшатадилар². Бундай фикр адабий таъсирланишни баҳолашда гаройиб туюлади. Даманҳурий биринчи ижодий асарида миср новатори Мұхаммад Ҳусайн Ҳайкалдан таъсирланганига қарамасдан саудия романчилигига биринчи новатор ҳисобланади. Биз ушбу тадқиқотда ҳар иккалаларини қиёслаганда бу масалани ёритамиз. Агар Даманҳурийнинг умри узоқроқ бўлганида, у янада етукроқ асарлар яратган бўларди. Лекин унинг ижодини баҳолашда баъзи тадқиқотчилар томонидан ошириб юбориши саудия роман адабиётини таржима қилинган қиссалар йўл очиб бергани, янги адабиёт ҳақида яхши тасаввур ҳосил қилганидан сўнг янги йўлга солиб юборишида биринчи бўлганилигига бориб тақалади. Шу билан ўқувчидага саудия адабиёти араб ва жаҳон адабиётининг бир қисми деган холоса ҳосил бўлди, биз учун ҳам жаҳон ёзувчилари орасида ўрин олиш вақти келди.

ДАМАНҲУРИЙ ВА ҲАЙКАЛ

Ҳомид Даманҳурий Мисрдаги Қоҳира университетининг “Дар ал-улум” ва Искандария университетининг адабиёт факультетларида ўқиди. У Мисрда ўқиган даври – XX асрнинг қирқинчи

¹ Бакри Шайх Амин. Ўша манбаъ. 489-бет.

² Мұхаммад Солих аш-Шантый. Аввалги манбаъ. 62-бет.

Йилларида ҳозирги замон миср адабиёти билан чуқур танишиб, ундан қаттиқ таъсирланди. Ана шу таъсирланиш саудия адабиётида ўз натижасини берди. Ўқиши пайтида ўзлаштирган билими ва орттирган маданияти, бадиий асарларни мутолаа қилиши, уларни мисрлик адиллар ва адабий танқидчилар билан муҳокама қилишининг ижобий натижаси ва маҳсули сифатида ўз романи “Қурбонлик қийимати”ни нашр этди. Бу роман у ўқишидан қайтгандан сўнг бир неча йил ўтиб чоп этилди, унда Ҳайкал ижодидан таъсирланганни кузатувчилар учун яққол намоён бўлди.

Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкал 1911 йил ўқиши учун Францияга борди¹. У ўқиши даврида ўша пайтда араб адабиётидан илгарилаб кетган француз адабиётини ўқиди. Ҳайкал янги адабиёт характеридаги асарларини чоп этган кўплаб француз адиллари, танқидчилари ва романнавислари билан учрашди. Сўнг у Мисрга яхши адабий билим-кўникма билан қайтди. У пайтда мисрлик ёзувчиларга замонавий роман тузилиши ва услубида бундай малака етишмасди. Даманҳурий, юқорида айтиб ўтганимиздек, Мисрда 1940-1945 йиллар орасида яшади. У Қоҳира ва Искандария университетларида араб тили ва адабиётини ўқиди. Ўша пайтда у ерда араб маданияти ҳам мерос қилиб олинган қадимий услугуда, ҳам Европадан кириб келган янги услугуда гуллаб-яшнаган эди, Европага йўлланма билан ўқишига борган тадқиқотчилар ва ўқувчилар қайтиб янги усулни араб услугуга мослаган эдилар. Шунинг учун унга ҳам миср адабиёти билан бир қаторда Европа адабиётини ҳам аслиятда, ҳам араб тилига қилинган

¹ Taha Husayn. “The Future of Culture in Egypt”. Trans. Sidny Glazer, Washington, American Council. P (1) 86 (and Hamdi Sakkur “The Egyptian novel and its main trends”.

таржималар орқали ўқиши имконияти яратилган эди. Яна қўшимча равишда, аввал эслаб ўтганимиздек, у ўша пайтда янги араб адабиётининг Тоҳо Ҳусайн, Нажиб Маҳфуз ва Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкал каби буюк намояндалари билан мулоқотда бўлиш баҳтига сазовор бўлган эди¹.

Шундай қилиб, у Саудия Арабистонига замонавий араб романи борасида яхшигина тажраба соҳиби бўлиб қайтди ва орадан анча вақт ўтгач, ўзи ҳам олий маданият ва тажрибалар билан сайқаллашган роман ёзиш қобилияти билан шу соҳада қалам тебратди.

“ЗАЙНАБ”

Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкалнинг “Зайнаб” романнида икки нуқта бор, уни психология фанида “маънолар чақириғи” деб аталади. Бунда икки нарса ёки икки шахс бир-бiriга жуда боғланган бўлади, бири тилга олинса, иккинчиси эсланади. Агар бошқа шахс билан кучли боғланган бир шахсни кўрсак, иккинчи шахс ҳақида сўраймиз. Мана шу жиҳат “Зайнаб” романидаги қаҳрамон ва Ҳомид ўртасида юз беради. Ҳомид романдаги муҳим учликдан бири, Қоҳирада ўқийдиган талаба, қишилогига қайтиб келиб, ёзги таътилда отаси ёнида яшайди. Қаҳрамоннинг фикри бу ерда Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкалнинг ўзининг фикри билан жуда кўп жиҳатдан мос келади. Икки қаҳрамон тез фурсатда учрашадилар ва ўртада бир кўришда муҳаббат юзага келади. Зайнаб ниҳоятда гўзал, қишлоқ қизи, Ҳомиднинг отаси әгалик қиласидиган далада ишлайди. Дарҳақиқат, у Ҳомиднинг ҳаётидаги бу

¹ Менга бу ҳақида 1943 иили Искандария Университетида Ҳомид Да-манхурий билан бирга ўқиган доктор Ҳасан Зозо гапириб берганди.

қадар ёққан ва бу қадар севган биринчи қиз. Ҳомид Қоҳирадалигига амакисининг қизи Азизага уйланиш ҳақида сўз очганида, унинг бошқа йигиттага унаштирилганини эшитиб, умиди пучга чиққан эди. Азиза қишлоқдаги йигитлардан бирига турмушга чиқади.

Ҳомид негадир бу қиз ўзиники деган умид билан яшар ва авваллари Зайнаб ҳақида ўйламас эди. У Қоҳирадан ота-онасига пучга чиққан умиди битилган мактуб йўллайди, у руҳий зарбага учраган, энди қандай қилиб амакисининг қизи каби турмуш ўртоғи топиши мумкинлиги ҳақида қайгуриб ёzáди. Бу аслида Мұхаммад Ҳусайн Ҳайкалнинг шахсий муаммоси эди. Охири у Зайнаб ҳақида бошқатдан ўйлай бошлайди, лекин бу сафар у аввалгидек шунчаки ёққан бир қиз ҳақида эмас, балки анча жиiddий ўйлайди. У ота-онасига бу ҳақида хабар қилади ва улар фикрини маъқуллайдилар. Айниқса, бу қиз анча пайтлардан буён улар билан яқин алоқада, у ҳақида ҳамма нарсани биладилар, у қиз оиласининг бир қисми. У қиз ҳақида жиiddий ўйламаганидан ўзини ёмон ҳис қилади, лекин бу ҳиссиёт яхши ҳиссиёттага айланади, Ҳомид Қоҳирадан қайтгач, Зайнабга уйланади.

“ҚУРБОНЛИК ҚИЙМАТИ”

Биз юқорида Ҳайкалнинг романи икки жиҳатга ёки икки нуқтага асослангани ҳақида сўз юритган эдик. Бироқ унда Азизанинг ўрни роман тузилишида шаклан бош қаҳрамон атрофида айлананаётган образ каби муҳимлиги билан аҳамияттага эга эмас эди. Лекин роман қурилишида шакл ва мазмун жиҳатидан Ҳайкалдан таъсирланган Даманҳурийнинг романнида уч жиҳатга қурилади: Аҳмад – романнинг бош қаҳрамони; оиласи билан Маккада яшайдиган

амакисининг қизи Фотима; Қоҳирада яшайдиган, университетдаги курсдошининг синглиси Фоиза. Аҳмад Қоҳирага ўқишга кетишидан олдин амакисининг қизи билан унаштирилган эди. Курсдошининг уйига зиёратга борганида уни кўриб, кучли муҳаббат чақмогида ёниб, унга ошигу бекарор бўлиб қолади, чиройли, маданиятли қиз, ҳар жиҳатдан ҳам у Фотимадан батамом фарқ қиласиди. Аҳмад Қоҳирада ўқир экан, Абдураҳим амакиси, Фотиманинг отаси вафот этади. У оиласи олдида масъулиятни ҳис қилиб, Фоизадан алоқасини узади, ўқишни тутгатгач, қайтиб келиб, Фотимага уйланади, у мансабни, бойликни, маданиятни қурбон қилиб, пароканда бўлай деган оилани ўз замхўрлиги остига олади.

“Қурбонлик қиймати” кўп жиҳатдан “Зайнаб”-га ўхшаб кетади, – дейди Мансур ал-Ҳозимий. Ҳа, бу ерда роман ечимида ҳам, иккала муаллифнинг ҳаётий тажрибасида ҳам, кўринишларни ва ҳаётни кунма-кун тавсифлашда ҳам катта ўхшашлик бор. Ҳар ҳолда икковлари ҳам ўз таржимаи ҳолларини ёзадилар. Нима бўлганида ҳам, Даманҳурийнинг “Қурбонлик қиймати” романидаги ички куранш Ҳайкалнинг “Зайнаб” романида мавжуд эмас.

Яхё ибн Жунайд романнинг иккинчи нашрига ёзган муқаддимасида шундай дейди: – “Даманҳурий Ҳайкалдан қарздор, лекин бу қарз уни кўмиб юбормайди”¹.

ИБРОҲИМ АН-НОСИР

Иккинчи ёзувчи – **Иброҳим ан-Носир** (1933-2013) 40-50-йилларда Ироқда адабиётни эрта му-

¹ Яхё Соатий. Муқаддима. Ҳомил Даманҳурий. “Қурбонлик қиймати”. Иккинчи нашр. 8-бет. 1980 й.

толаа қилиши натижасида бу соҳада замонавий билимларга эга бўлди. Бу даврда Ироқда ҳозирги замон назмий ва насрй адабиёти Миср ва Ливандан келиб чиқиб, бутун араб ўлкаларига ўз нурларини сочаётган эди. Европада таълим олиб қайтган тадқиқотчилар ва таржимонлар, бир гуруҳ зиёли ёшлар илҳомланиб, қадимий араб адабий меросини сақлаган ҳолда уни мослаштириб, ўзлаштирилар, гарб ва шарқ адабиёти ўртасида мувозанатни таъминлаб, ўз адабиётларида мавжуд бўлмаган янги шаклларни топдилар. Бу ҳикоя ва роман жанрлари бўлиб, иккинчи романнавис Иброҳим ан-Носир ўз ижодий маҳсулоти билан саудия романни қўринишини таълим ва йўл-йўриқ қўрсатиш романидан миллий мерос ва хусусиятларини сақлаган ҳолда замонавий роман асосларига қурилган бадиий романчилик сари ўзгартира олди. Иброҳим ан-Носир айнан Даманҳурий йўлидан борди, лекин у Даманҳурий ёзганидан бошқа давр ҳақида ёзди. Ан-Носир ишчилар табақаси, уларнинг жамиятда қандай қилиб пайдо бўлгани, уларнинг ижобий ва салбий роллари ҳақида ёзди. Уларнинг турли ҳолатларини ва умумий муҳитга таъсирини кўтариб чиқди. Унинг ҳамма асарларида бош қаҳрамоннинг роли аниқ ва фаол, бош қаҳрамон атрофида айланнаётган иккинчи даражали образларга ҳам аҳамият беради. Бу қаҳрамон учун унинг ёнидаги фаолият олиб бораётган гуруҳнинг иш-ҳаракатидан келиб чиқадиган ҳодисалар билан муомала қилишда куч-қувват манбани беради.

Иброҳим ан-Носир ўзининг биринчи романи - “Тун зулматидаги ёруғлик”¹ асарида бир қишлоқ оиласини, унинг урф-одатлари ва қишлоқ анъана-

¹ “Тун зулматидаги ёруғлик”. (“Сукб фи рида ал-лайл”). Қохира. 1961.

ларини тасвирлайди. Урф-одатлар ва анъаналар шаҳардан кўра қишлоқ оиласида мустаҳкамлиги, шаҳарги шарт-шароитлар сабабли бундай алоқалар кун сайин заифлашиб бораётганини баён этади. Ёзувчи бу оиланинг ҳолатига шаҳар ҳаёти таъсири натижасида юзага келган қурапш ҳолатини тасвирлайди, унда икки масала қурашади: қишлоқ меросини сақлаб қолиш ва шаҳар ҳаётига аралашиб кетиш. Иккинчи масала бу оилага кўнгилсизлик олиб келади. Шаҳар ҳаёти оиланинг катта фарзандини ўз домига тортади, ўзига жалб этувчи салбий жиҳатлар гирдобига тушган йигит наркотиклар ва наркотик сотувчиларнинг ўлжасига айланади, шундай оила ўғлини ва унинг обрўсини қутқариш учун яна қишлоққа қайтишга қарор қиласиди. Ан-Носир ўз асарларидаги баъзан бир-бирига яқин турган, баъзан бир-бирига номувофиқ бу унсурлар орқали қаҳрамон ва атроф-мухит ўртасида мувозанат яратишга ҳаракат қиласиди, воқееликни тасвирлашда баъзан муболага бўлишига қарамасдан ана шу воқеъликка алоқадор тарздаги бадиий суратлар билан унга ишора қиласиди¹. Иброҳим ан-Носир ўзининг ижодий ҳаётини ҳикоя ёзувчи сифатида бошлади, 1960 йили унинг “Ҳадя” (“ал-Ҳадия”) ҳикояси нашр этилди. У, шунингдек, роман ижод қилишига киришишдан олдин саудия журнallарида қатор мақалалар ёзди.

Иброҳим ан-Носир иккинчи асари “Ўлниклар кемаси” (“Сафинат ал-мавта”) романини 1969 йили нашр этиди. Ушбу асар 1989 йили бошқа ном – “Йўқотиш кемаси” (“Сафинат ад-дийаъ”) номи билан қайта нашр этилди. Ушбу романнинг мақсади

¹ Солих Жавад ат-Туама. “ан-Носир – ҳикоянавис”. “Китоблар олами” (“Аалам ал-кутуб”) журнали. 1-жилд. 1981 й.

олтмишинчи йилларда мамлакатдаги ривожланиш натижасида юз берәётган ижтимоий соҳадаги, шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида ўқувчига тасаввур бериш эди. Бу даврда мамлакатда, бозорларда ўз ўрнини эгаллаётган тез ўзгаришлар, одамлар аҳволи, ишга жойлашиш, ҳукумат вазирликларини Жидда шаҳридан пойтахт Риёзга кўчирилиши, саудия ишчилари билан бир қаторда ишлаш учун араб ва мусулмон ўлкаларидан ишчи кучларининг келтирилиши, катта маош олиш учун кучли рақобатнинг йўқлиги, соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлар, уларнинг ривожланиши ва бошқаларни баён этади.

Риёздаги марказий шифохона ушбу романдаги воқеалар юз берадиган асосий жойдир, воқеалар шу ердан бошланиб, ташқарига чиқиб, яна қайтиб келади. Ундаги ҳаёт шифохона ташқарисидан секин-аста силжиб, яна шифохонага қайтганида қаҳрамон ва бошқа образлар тушкунликка тушади. Ан-Носирнинг бу романи биринчисидан фарқли равишда етукроқ туюлади. Икки роман ўртасидағи вақт фарқи олти йил эди. У ўша жойдаги жамият ва муҳитнинг ижобий ва салбий томонларини аниқ-равшан ифодалаб берди. Унинг ичидаги ҳаёт ўлиқ, ташқаридаги ҳаёт эса ундан батамом фарқ қиласиди, бир жойдан иккинчи жойга, бир маҳалланан иккинчи маҳаллага яхшиланади, бир бозордан бошқа бозорга ёмоналашади.

“Ал-Вазир” (ҳозирги Подшо Файсал) кўчасидаги ҳаёт чиройли, бу кўчада юрганлар, савдо дўконлари мижозлари юқори табақа одамлари, “ал-Убайд” маҳалласида юрганлар ва у ерда яшайдиганлар камбағал табақа одамлари, уларнинг сиҳат-саломатлик даражаси талабдан паст даражада, щунинг учун бу ердаги нархлар ҳам арzon ва паст.

Асар қаҳрамон Исо – ёш йигит, шифохона мудирининг ёрдамчиси, ақллилиги билан юртнинг турли соҳалардаги ривожланиши ва тараққиётига ҳисса қўшишга тайёр, лекин уни қандай қилиб амалга оширишни билмайди, кўп ўқийди, у кела-жакни кўра олади. Ўз хонасида кўплаб китоблар сақлагани учун уйдаги ҳамкаслари уни “файлласуф” деб атайдилар. Ҳар кунлик иши бир хил давом этади, уйда оғисга, оғисдан уйга (уйдан ошхонага, ишхонадан уйга), эрталаб саккиздан, тушдан сўнгги учгача. Бу эса унинг сиқилишига сабаб бўлади. Абир – чиройли қиз, шифохонада ҳамшира бўлиб ишлайди, у Исонинг холис ва содик дўсти, улар икковлари бир-бирларини яхши тушунадилар. Икковларининг шароитлари бир-бирлариникига жуда ўхшаб кетади. Улар бир кўришдаёқ бир-бирларининг муаммолари ва ҳиссиятларини дарров тушундилар. Қиз йигитнинг кўплаб фикрларига қўшилади.

Дўстлари доимо унга ҳазил қиласидилар: - “Сен ва Абир охири турмуш қурасизлар, у қиз сени сева-ди”¹. Исонинг севги бобида муваффақиятсизликка учраган кечмиши бор. У Абир билан танишишидан анча олдин Муфида исмли қизни севар эди. У қиз бошқа инсонни танлагани сабабли Исонинг қалбида битмас жароҳат қолдирди. Шу сабабдан Исо уни бутунлай хаёлидан чиқариб ташлашга қарор қиласиди. Абир эса уни вақти-вақти билан зиёрат қилиб турдиган дўстидан ортиқроқ бўла олмайди.

Зиёратларининг бирида уни ўйга толган ҳолда кўради. Қиз уни чақирганида, Исо уни умидини узганлигига қарамасдан хаёлидан чиқариб ташлай олмаётган собиқ севгилиси Муфида деб ўйлайди.

¹ Роман. 7-бет.

- Хайрли оқшом, - деди Абир.
- Ким бу ? Абир, сенмисан? Қаердан пайдо бўлиб қолдинг?! Сен ростдан ҳам жинсан, менинг изтиробли фикрларимни ўқиётганмидинг?"

Қиз йигитнинг олдига фақат ўзи ўқиганларини, қизиқишиларини муҳокама қилгани ва унинг шеърлари ҳақида сўрагани келган эди. Йигит қизга шеър ёзишга ҳаракат қилаётгани, лекин ишидаги шароит кўп вақтини олиб қўяётганини, шеър ёзишга вақти бўлмаётганини айтади. Шунингдек, у шеър ёзишдан ҳикоя ёзиш осонроқ деб билди, баъзида ҳикоя ёзиз туради, баъзида роман ёзиш устида ишлайди, унда турли ижтимоий масалаларни, унга таъсир этувчи омилларни кўтаради.

Исони ҳамкаслари ҳурмат қиласилар, у зиёли ва фикрлайдиган йигит, уларда бундай хислат йўқ.

У ва Абир роман қаҳрамонларидан тузилган пойдевордир, бошқа образлар эса ана шу икки қаҳрамон атрофида айланади. Жамил Зоҳир романдаги образлардан бири, у Исонинг бутунлай акси, ичи қора, шайтон, жоҳил.

Ҳамза Ҳасан қора танли киши, лекин қалби пок, Исонинг дўсти. Бу гуруҳдаги учинчи шахс – Қандил Шаннон, шифохонадаги оддий хизматчи.

Бу романда яна бир қаҳрамон пайдо бўлади, гарчи у асосий бўлмаса-да, унинг роли фаолдир. У – Нўймон Атоулло, кадрлар бўлими бошлиғи, ёши катта инсон, Исонинг яқин дўстларидан. Исо унинг ёрдамчиси бўлиб хизмат қиласиди. Атоулло у билан кўп масалаларда, иш юзасиданми, шахсий масалалардами маслаҳатлашишга иккilanмайди. Бу уларнинг икковларининг ўрталаридаши шу бўлимда ишлайдиган бошқалардан кўра кўпроқ ишонч туфайли.

Бир муносабат билан Атоулло Исони кечки таомни бирга тановул қилишга даъват этади ва

у билан оиласига боғлиқ баъзи шахсий масалани муҳокама қилмоқчи бўлади, у Исодан баъзи муаммларини ҳал қилишда маслаҳат сўрайди. Эллик ёшлардаги Атоулло йигирма ёшли қизга уйланган, у қизни жуда севади, қизнинг барча хоҳлаганини муҳайё қилган, лекин у муҳаббатига жавоб қайтармайди, сабаби уларнинг фикрлашларининг бир-биридан узоқлигидир. Шу сабабларга кўра Исо жаноб Нўмон Атоуллога фойдали маслаҳат бера олмайди.

Нўмон Атоулло яна бир марта Исони кечки овқатта даъват қилади ва яна шу масалани кўтари迪, айнан шу масалада маслаҳат сўрайди. Лекин бу сафар унинг бошқа муаммоси ҳам бор, яъни нафақага чиқиш муаммоси. Шифохона мудири унинг нафақа ҳақидаги аризасини қабул қилган, лекин унинг ўзи эса бу аризасидан қайтмоқчи. Кечки овқатдан сўнг, ялпизли чой ичиб ўтиришганида, Атоуллони кучли юрак хуружи тутиб қолади ва тез ёрдам уни шифохонага олиб боради ва реанимация бўлимига олиб киришади, лекин у уч соат ичиди вафот этади.

Атоуллонинг вафотидан сўнг Исо кадрлар бўлимининг бошлиғи этиб тайинланади. Шифохонадаги фаррошлар маошларини оширишни сўраб ишдан тўхтайдилар. Исо бу масалада ишчиларнинг ёнини олиб, шифохона раҳбарларига қарши чиқади.

Фаррошларнинг иш ташлаши масаласини ўрганиш учун ташкил этилган комиссияда Исонинг масаласи ҳам кўрилади, унинг ишчиларга алоқаси суриштирилади, шу билан у вазифасидан бутунлай озод этилади.

Бироқ у ишини йўқотганидан афсусланмайди, у ўша ойлик маошларига бор-йўғи 10 риёлдан қўшиб беришларини талаб қилган ишчилар томонида,

уларга ёрдам қилишга қарор қилған әди. Бу ишчи-лар оиласындаға йүқчилик ва әхтиёждада ёрдам бўлиши учун юртларига юборишарди.

Исо иш қидириб Шарқий минтақага сафар қилишга қарор қилади. У ерда кўплаб ширкатлар бор, иш топишда ҳеч қандай қийинчилик бўлмайди. Лекин шундай бўлса-да, у Абирни ташлаб кетганидан хурсанд әмас, иш топгач, қайтиб келиши ҳақида унга ваъда беради.

У сафарга чиқиши ва темир йўл вокзалига бориш учун нарсаларини йигиб чемоданига жойлаётганида унинг олдига Абир йиглаб келади. Исо унинг олдига қайтишини ва Абирни “ўликлар кемаси”да ташлаб қўймасликка ваъда беради.

Биз Иброҳим ан-Носир ўз асарида жойга катта аҳамият қаратишини кўрамиз. Турли асрларда ва турли жойларда жуда кўп жаҳон адиллари шундай йўл тутганлар. Энг яхши мисол сифатида Дикенсни келтиришимиз мумкин. У жойни шу қадар тасвирлайдики, ўқувчи ана шу воқеаларни гўёки ўз бошидан кечираётгандек ҳис қилади. Шундай қилиб, бош қаҳрамон ҳатти-ҳаракатларини белгилайдиган жойни батафсил тасвирлаш орқали макон ва ҳодисалар унинг учун маълум бўлиб қолади¹.

Муаллиф ўқувчи учун қадимги шифохонани батафсил тасвирлаб, кўп маълумотлар беради, дорилар ҳиди, ташқи пациентларни қабул қилувчи клиникалар билан боғлиқ масалалар, узун навбатда табибларнинг қабулини ҳам оғриқ-алам, ҳам зерикиш билан кутиб турган беморлар, уларнинг кўпи Риёздан ташқаридан келганлар, у ерларда шифохоналар у ёқда турсин, ҳаттоқи кичикроқ поликлиника, тиббиёт маркази ёки тез ёрдам пунктлари

¹ Philipp Hobsbawm. Essential of literary criticism. London. 1983 /

йўқлиги сабабли дардларига даво излаб, умид билан шу ерга келганлар.

Риёздаги марказий шифохона – роман воқеала-рининг бошланиш жойи, Риёз – иккинчи жой. Бу ерда замонавий бинолар қурилган, янги савдо марказлари очилган, юқори даражадаги ҳаёт ва порлоқ келажак ери.

Иброҳим ан-Носир ушбу асарнинг номи ўзгартирилган иккинчи нашрида китобнинг ниҳоясида қуидагиларни ёзиб қўйди (биринчи нашр ротопринт услугуда нашр этилгани учун жуда ҳам чекланган нусхада эди):

“Ушбу романни 1963 йили (1383 ҳ.й.), яъни чорак асрдан кўпроқ вақт олдин ёзиб тутатдим. Мен аввал эслаб ўтган сабабларга кўра чоп қилинмай ва тарқатилмай қолди (у Байрутда чоп этилар, босмахона уруш пайтида вайрон бўлган эди).

Баъзи дўстларим мен кейинги ижодий ишларимда бу босқичдан ўтганимни айтиб, бу романни қайта нашр қилмасликни маслаҳат бердилар.

Мен уларга шундай жавоб бердим: Танқидчи, ҳар қандай танқидчи ҳар қандай ёзувчининг ишини ўрганар экан, унинг ақлий ўсишини, унинг ишларига, унинг араб даражасида бўладими ёки жаҳон даражасида бўладими, ҳозирги ҳолатигача таъсир қилган омилларни эътиборга олиши керак. Ушбу романни қайта нашр қилишимнинг бошқа сабаби кўплаб университетлар ўз талabalariдан менинг дастлабки асарларим ҳақида ёзишлиарини талаб қиласилар, мен ўзим бу романнинг кутубхоналарда йўқлигидан ва китоб дўконларида тугаб қолганлигидан ноқулай аҳволга тушдим”.

Ан-Носир биринчи ва иккинчи иши ўртасида ўсанлиги, айниқса, у 1989 йили янги ном билан нашр қилинганида яққол кўзга ташланади.

Унинг тили, услуби, мавзуни драматик баён этиши унинг бадиий жиҳатдан етуклигидан далолат беради.

1969 йилдан 1972 йилгача бўлган вақт орасида адабиёт саҳнасида “роман” деб аташ мумкин бўлган, хоҳ бадиий бўлсин, хоҳ бошқа роман пайдо бўлмади.

1972 йили адига Ҳинд Солиҳ БаFaффорнинг “Йўқотилган айбисизлик” (“ад-Бараа ал-мафқуда”) номли романи нашр этилди. Бу қоҳиралик бир қиз қиссаси, у дугонасининг ўлимидаги айбланади. Муаллиф саудиялик бўлса-да, воқеалар Мисрда юз беради. Саудия романи ёзувчиларидан фақат (кам сонли) баъзиларининг асарларида воқеалар қисман ёки тўлалигича ё қаҳрамоннинг эҳтиёжларидан келиб чиққан шарт-шароитлар ёки ёзувчи шу билан тез тарқалишини истагани учун Саудия Арабистонидан ташқарида юз беради. Шуларни эслаб ўтамиш.

Уларнинг барчасини санаш мақсадида эмас, балки мисол тариқасида Султон Саад ал-Қаҳтонийнинг 1981 йил нашр этилган “Қанотсиз қуш” (“Тоир била жанаҳ”), Сафих Анбарнинг “Кечирасиз, эй Одам” (“Афван, яа Адам”) (1986), Исон Ҳуқайрнинг “Сенюра” (“ас-Синйур”) (1980) асарларини келтиришимиз мумкин. Мазкур муаллифларнинг барчаси яна бошқа асарлар яратдиларки, уларнинг воқеалари саудия ерида юз беради ёки уларнинг она ватанлари билан алоқада бўлади. Биз Ҳинд Солиҳ БаFaффорнинг асари (уни кейинроқ батафсил кўриб чиқамиз) ҳақида қисқагина тўхталганимизнинг сабаби Иброҳим ан-Носирнинг баъзи асарларига тарихий жиҳатдан алоқаси бўлгани учун эди.

Иброҳим ан-Носир асарларини кўриб чиқиша давом этамиш.

У 1977 йили учинчи романи – “Гурбатдаги бокира” (“Азра ал-манфа”) нашрдан чиқди. Бу роман умуман аёлнинг аҳволи, шарқ әркаги билан муносабати ҳақида. Бу әркак киши қандай шароитда бўлса ҳам ўз маданияти, урф-одатларига эга, бу ҳолат уни аёл кишини ҳурмат қилишга ундейди. Эркакнинг у билан яратилишда, тузилишда, куч-қудратда фарқ қилувчи аёл билан муносабати ҳақида, гарчи аёл зиёли бўлса ҳам, әркак даражасида эмас, чунки у урф-одатлар ва анъаналар бўйича фарқ қиласиди.

“ГУРБАТДАГИ БОКИРА”

Бу романда икки қаҳрамон Зоҳир ва Бусайна Ҳамза навбатма-навбат алмашади. Зоҳир – ёш йигит, у әрталаб хусусий ширкатда ишлайди, кечки пайт журналист бўлиб ишлайди. Журналистика соҳасида маҳорати билан ажралиб туради. Унинг бошлиғи – бош муҳаррир унинг ишидан ва сидқидиллигидан яхши таассуротда. Шунинг учун ҳам Зоҳирдан эндиғина Байрутда ўрта мактабни битириб келган қизи Бусайна билан бирга ишлашни сўрайди. Отаси Бусайнага у ерда ўқишини давом эттиришга рухсат бермайди, ундаги журналистика соҳасига мойилликни сезиб, журналнинг хотин-қизлар бўлимини беради ва Зоҳирдан ушбу руқнни таҳрир қилишда уни жалб этишини сўрайди.

Бусайнанинг отаси университетда ўқишини давом эттириши учун Байрутга қайтишига розилик бермайди, ўз юртида қолишини афзал кўради. У қиз бола учун шунча ўқигани етади, деб ҳисоблайди. У саудия қизлари муҳитида ишлайди ва яшайди, айни пайтда ўзи ишлаётган лавозим топшириқларини бажаришга тайёр, чунки журналистика учун қобилият ва ақл керак. У хотин-қизларнинг журналистикада бажариши зарур бўлган ўз ўрни

бор, бунинг жамиятга таъсири бўлади, деб ишонади. Зоҳирнинг онаси журналнинг хотин-қизлар бўлимидағи бегона муҳаррир аёл киши билан бирга ишлашига рози бўлмайди. Лекин у онасини бунга ҳақиқатан ҳам кўндира олади. У озми-кўпми вақт журналда бирга ишлаганларидан сўнг ўрталарида ўзаро севги алоқалари пайдо бўлади ва улар турмуш қуришга қарор қиласидилар ва турмуш қурадилар. Бусайна Байрутда ўқиши вақтида олти йил яшаган эди. Ўша пайтда унинг бошидан мұваффақиятсиз севги қиссаси ўтган эди, У Зоҳирга бу ҳақида очиқ айтмоқчи бўлади, шу сабабдан унга бу қиссанинг тафсилотлари Байрутда асал ойини ўтказаётган пайтларида сўзлаб беради. Бироқ Зоҳир бу қисса тафсилотларини эшитишдан, ўтмиш ҳақида билишдан ҳам хурсанд бўлмайди ва хотинидан кўп шубҳа қила бошлайди. Саудияга қайтгач, у ажрашишга қарор қиласиди ва ажрашади.

Ан-Носир бу романда қаҳрамон қиз образини ривожлантириб, уни кучли образга айлантиради, у очиқ, ўқиган ва ниҳоят тўғрисўз аёлга айланади. Қаҳрамон эса оддий, факир, чаласавод шахс. Бу унинг ўтмиши бир омадли инсон сифатида очиб бериш учун керак, у бир ёши катта инсонга яқин бўлади, унинг кичик дўкони бўлар эди, унинг исми Муслиҳ Мустафо эди.

Унинг Бусайнага уйланиши манфаатдан келиб чиққан эди, чунки у бош муҳаррирнинг қизи, ишлатётган журналида катта мавқега эга. Лекин уйланиш чин муҳаббатга асосланган келажаги бор турмуш қуриш эмас эди¹.

Роман ўз қурилишида диалогга асосланади. Қаҳрамонлар томонидан ижро этилаётган монолог-

¹ Мухаммад Солих аш-Шантый. “Роман жанри”. 146-бет.

лар эса ролларни ривожлантиради. Асарни қизиқарли қиласы, бу роман ечими ташқарисида бир қатор масалалар – күпкірралы яширин маърифий томонлар, саудия романнависларида бўлган анъанавий ижтимоий саволлар, саудиялик аёл ва эркак ўртасидаги келишмовчиликни кучайтирувчи саудия аёлининг муаммолари, бой ва камбағал, ижтимоий мавқе ва бошқа масалалар қўтарилиганд. Ушбу асарда замонавий романчиликка хос бадиий-техник унсурлар жуда мўлдир. Муаллифнинг ушбу асари ва аввалги асарлари ўртасидаги бу фарқ яққол кўзга ташланади. Ан-Носирнинг бу иши таҳсинга сазовордир, у Саудия Арабистонида ҳозирги замон романи ёзувчилари учун биринчилардан бўлиб йўл очиб берди. Унга Ҳуда ар-Рашид, Амал Шата, Абдулло Жефри каби ёзувчилар тақлид қиласидилар.

ХИНД СОЛИХ БА ФАФФОР

“ЙЎҚОТИЛГАН АЙБСИЗЛИК”

Бу асар – бирга ўқийдиган курсдош дугонаси кўз олдида ўлдирилганининг гувоҳи бўлган бир қизнинг қиссаси. Қотил қочади ва маҳалла аҳлини чақиради, улар келиб қизни ушлайдилар ва уни қотилликда, дугонасини ўлдирганликда айблайдилар. У ўзини оқладиган далил-исботта эга бўлмагани учун, полиция келгунича қочишга қарор қиласиди. У доим бир жойдан иккинчи жойга қочиб юради, ҳар сафар у қонундан қочишга ҳийла ўйлаб топади. Роман (қисса)нинг воқеалари Мисрнинг турли жойларида, хусусан Қоҳира университетида юз беради. Асар қаҳрамони Фурба исмли қиз – Қоҳира университетининг толибаси, отаси билан яшайди. Унинг Шахризод исмли энг яқин дугонаси бор. Дугонаси оиласининг (ота-онаси ва акасининг) дўст-

ларини зиёрат қилишга кетишганида уникида қолишига чақиради. Икковлари қизнинг уйидагилар қайтиб келгунигача бирга дарс қилишмоқчи бўлади. Шахризод Фурбага телефон қилиб, унинг тезроқ келишини илтимос қиласди, у қўшнининг ўғли Муҳийиддиндан қўрқаётганини айтади, чунки у кўп марта уни ўпмоқчи бўлган эди, уни қаттиқ севишини айтган эди. Фурба таксида уникига келаётганида, бу пайтда Шахризод ошхонада чой қўйиб, бироз овқат тайёрлаётганида Муҳийиддин бостириб кириб, уни зўрламоқчи бўлади. Қиз пичоқни олиб, ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлганида, Муҳийиддин қизнинг қўлидан пичоқни тортиб олиб, бўйнига санчиб қўяди.

Шу лаҳзада Фурба дарвозадан уйга кириб келади ва дугонасининг қонга беланиб ётганини кўради, уни қутқармоқчи бўлиб, ёрдамга шошилади ва пичоқни суғуриб олмоқчи бўлади. Лекин Шахризод ўлади. Муҳийиддин ҳовлидаги деворнинг устига чиқиб, баланд овоз билан қўшниларни чақиради, Қўшни қизни ўлдириб қўйган бу қотил қизни ушланглар деб бақиради. Одамлар тўпланганида Фурбанинг қўли қонлигини ва Шахризоднинг ўлиб ётганини кўрадилар. Фурба ўзининг боши берк кўчага кириб қолганини тушуниб, қаттиқ қўрққанидан қочишга қарор қиласди.

У Искандарияга қочишга қарор қиласди. У ерда яшайдиган аммаси ва унинг эри воқеани тафсилотлари билан эшитиб даҳшатга тушадилар ва Фурбага уйларида қолишини айтадилар. Полиция уни ҳар қаерда қидирап эди. Улар қизнинг отасини қамоқча оладилар, унинг ўзи полициячи эди.

Икки кун ўтгандан сўнг Фурба бошқа жойга кетишга қарор қилиб Искандарияни тарк этиб, Ҳулвонга иш қидириб кетади. У Ҳулвонда бир меҳмонхонада тўхтайди ва эртасигаёқ бир ресторонда

ҳисобчи бўлиб ишлай бошлайди. У ерда икки ҳафта ишлайди. Ресторан эгаси Фурбани бошқа бир ҳашаматли ресторанга кечки овқатга даъват этиб ва унга турмушга чиқишига таклиф этади, қиз рад этганида, унинг қотилилликда айбланаётганини эслатиб, у билан савдолашади (шантаж қиласиди). Ресторан эгасининг полиция марказига у ҳақида хабар бергани кетганини эшитибоқ, у ердан қочади, меҳмонхонадан чиқиб, Асвонга кетади.

Асвонда ўзини энди Тавба Мужиб деб таништиради. У ҳар сафар ҳар ерда ўзини бошқа исм билан таништиради. Асвондаги шифохоналардан бирида ҳамшира лавозимида иш топади. Бир куни шифохона мудири Камол-пошонинг уйига боришини, унинг кўзи ожиз бўлиб қолган ўғлига ҳамширалик қилиш кераклигини айтади. Унинг ўғли Бурҳонни кўрганида йўл ҳодисаси туфайли кўзи ожиз бўлиб қолган бу беморни руҳий тушкунлик ҳолатидан олиб чиқиш зарурлигини, уни ўзига ишонадиган қилиш кераклигини тушунади. Кўз касалликла-ри хусусий шифохонаси жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун борганида, Фурба беморга маҳсус ҳамшира сифатида ҳамроҳлик қиласиди. Амалиёт муваффақиятли чиқиб, у яна кўра бошлайди ва қизни севиб қолади. Қизни эса полиция ҳали ҳам қидирар эди. Унинг Асвонда эканлигидан хабар топиб, полиция унинг кетидан тушади. Бурҳон уйга келиб, бу ҳақида эшитади ва укаси билан бирга уни темир йўл вокзалига олиб бориб қўяди, қиз яна қочади. Бу сафар Рас ал-Барга қочади.

Рас ал-Барга этиб келади, лекин бу ерда ҳеч кимни танимайди. У соҳил бўйлаб кетар экан, бир оиланинг – ота, она ва боланинг денгизда фарқ бўлаётганларини кўриб қолади, ҳеч иккиланмай, сувга ўзини отиб, уларни қутқаради. Қиз бу оила билан

танишади, улар ҳам қизга ёрдам берадилар. Оила бошлиғи – ота Рас-ал-Бардаги ягона бошлангич мактабнинг мудири, унинг ҳолатини, бу ерда ҳеч кими йўқлигини билгач, унга мактабдан иш таклиф қиласди. Қиз шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашга рози бўлади.

Бу мактабда Лайлло исмли ўқувчи ўқийди у онаси томонидан бувиси билан бирга яшайди (ота-онаси Қоҳирада яшайди). Бу ўқувчи қиз ўқитувчиси Гурбани яхши кўриб қолади, у билан жуда дўстлашиб, яқин бўлиб қолади. Фурба бу ерда исмини Судфа деб таништирган эди. Лайлонинг отаси полицияда ишлар, Фурбанинг иши унга топширилган эди. Рас ал-Барга қизини кўргани келган отаси унинг мактабдан чиқишини кутиб туради ва қизи билан бирга келаётган ўқитувчининг Фурба эканлитини таниб қолади. Дарров тўппончасини чиқариб, уни қўрқитиб қўлга олмоқчи бўлади. Лекин унинг қизи ундан ҳам тезроқ ҳаракат қиласди. Дарров мактаб томига чиқиб, агар уни қамоқча олса, ўзини ўлдиришини айтади. У “Судфа”га ҳеч бўлмаса, қочиб кетишига имконият беришини, машинасининг калитини беришни сўрайди. Фурба полиция офицерининг машинасида темир йўл вокзалига йўл олади, ундан Исмоилияга кетаётган поездга минади.

Исмоилияга келганида, тўқимачилик комбинатида иш топади. Бу сафар исмини Фадва деб ўзгартиради. Комбинат эгасининг ўғли Сафват уни ёқтириб қолади, сўнг севиб қолади. Бироқ қиздан рағбат топмайди. Савфатнинг отасининг компаньюнинг ўғли Али Қоҳирадан келади. У ҳам тезда бу қизни яхши кўриб қолади. Унга турмушга чиқишини таклиф қиласди. Қиз эса одатдагидек рад этади. Қиз билан яқин танишгач, унга Қоҳирага кўчиб кетишини, комбинатнинг бош корхонасига ўтишини таклиф

қилади. Буларнинг барчаси Алиниңг амакисининг ўғли Сафватнинг жаҳлини чиқаради. У қизнинг кўчиб кетишига эътиroz билдиради. Полиция яна Фурбаниңг кетидан тушади, лекин қиз бу гал ҳам уларни чалғитиб кетишини уддалай олади. У поездга миниб, Матруҳ порти томон йўл олади.

Матруҳ порти шаҳридаги кўчаларда кетар экан, ёнгин чиқаётган уй ёнидан чиқиб қолади, уй ичida ёши катта киши қамалиб қолган эди. Уни хотини қутқаришга уринарди. Фурба уйга қириб, мўйсафидни қутқариб олиб чиқади. Бу киши ва унинг хотини таътил пайтларида Қоҳирадан дам олишга келишган эди. У Қоҳира университетида дарс беради. Фурба одатига кўра бу ерда ҳам исмини ўзгартиради, унинг исми энди Шукрон. Лекин катта ёшли киши унинг газеталардаги сурати орқали таниб қолади. Шунинг учун қиз унга бор ҳақиқатни айтади. У кишининг ва унинг хотинининг Фурбага раҳмлари келади. Чунки у турмушга чиқиб, ҳозир Байрутда эри билан яшаётган қизлари “Амал”га ўхшар эди. Катта ёшли киши доктор Абдураҳмон уни гримм қилиб, кўринишини ўз қизлари Амалга ўхшатади. Сўнг уни хотини билан бирга Қоҳирага ўқишини давом эттириши учун олиб кетади.

У университеттага Амал образида қайтади. Амални танийдиган ака-укалари ва синглиси Матруҳ портида таътилни қандай ўтказганини сўрашади, у университетда ўқишини давом эттиради. Университет ректори қиздан талабалар театрида роль ижро этишини сўрайди, чунки Амал ҳар доим театр фолиятларида иштирок этар эди.

У дастлаб рад этади, лекин ректор астойдил таклиф қилганидан сўнг рози бўлади.

Спектакль намойиши пайтида полиция офицерларидан бири ҳам ҳозир эди. У қизни таниб қолади,

чунки қизнинг шакли ўйнаётган роль ўзгартириши учун гримм қилинганида аввалги ҳолатига қайтган эди. Ҳар ҳолда қиз яна қочади, бу гал уни севиб қолган университетдаги устоз Мулҳим ёрдам беради. У қиз ҳақидаги ҳақиқатни биларди, чунки унинг оиласи ҳам ҳақиқатни билган эди. У Қоҳирага келганидан бүён вақти-вақти билан бориб, уларни (полициячи отасидан ташқари) кўриб турарди.

Бу гал Фурба Асютга қочади. Асютда хизматкор сифатида иш топади, у асютлик оилалардан бирида ногирон онага қарайдиган хизматкор бўлади. Бир куни шу онага дори келтириш учун аптекага боради ва уни ходимлардан бири таниб қолиб, дарҳол полицияга хабар қилади. Полициячилар уни ушлагани келишганида қочишга ултурган эди, у қочаётиб жароҳат олади ва чидаб уйгача етиб олади. Уйдагилар унинг жароҳатини даволайдилар. Сўнг у ердан қочишга қарор қиласиди ва Даманҳурга жўнайди, у ерда бой оиласида хизматкор бўлиб ишлайди. Бу оиласининг фарзанди қизга ошиқу беқарор бўлиб қолади. Бир куни у уйига Қоҳирадан дўстларини меҳмонга чақиради. Уларнинг орасида қиз севган Мулҳим ҳам бор эди. Мулҳим уни Қоҳирага олиб кетади ва унга ҳақиқий қотил Муҳими эканлигини, унинг Искандарияда яшаётганлигини айтади.

Фурба Қоҳирада Мулҳимнинг бувиси билан яшайди, у Искандариядан қайтгунга яшайди. У, Фурбанинг акаси ва синглиси Самира, Муҳимини тузоққа тушириш режасини тузадилар. Самира унинг севиб қолганини айтиб, унга яқинлашади, у билан турмуш қурмоқчи бўлади, у ҳақида ҳар куни Фурбага хабар етказиб туради. Унга мақсадга яқинлашётгани ҳақида хабар қилиб туради. Бу орада полиция Фурбанинг суратларини ҳар кун-

лик газеталарда нашр қилишни давом эттиради. Бир куни Фурба синглиси Самирадан келган хатни эшик ортида туриб олаётганида унинг ким эканлигини почта хизматчиси таниб қолади ва полицияга хабар қиласди. Лекин бу сафар у қочиб кетишга қодир эмас. Уни отаси ва бир қанча полициячилар қуршаб оладилар. Улар қизни қўлган олиб, ҳибсга қўядилар. Эртаси куни маҳкамага жўнатмоқчи бўладилар. Бу пайт Искандарияда Самира Мухйиддинга ҳақиқатни айттиришга эришади ва унинг овозини яширин ёзib олади.

Шу сабабдан Мухъи ўша заҳотиёқ қамоққа олинади ва Қоҳирага судга олиб келинади. Судда Фурбанинг айбизлигини кўрган ягона гувоҳ сифатида бўйнига олади.

Қиз озод қилингач, Мулҳим қизнинг қўлини отасидан сўрайди, у ўша заҳотиёқ рози бўлади.

Биз “Йўқотилган айбизлик”да бадиий романдан жуда узоқда эканлигимизни ҳис қиласмиз. Барча даражалар бўйича қараганимизда, уни роман деб аташимиз ёки муҳокама қилишимиз учун мутлақо асос йўқ.

Муаллиф ушбу асарни биринчи адабий ижодий иш деб билиб, уни роман оламидаги уринишидаги “биринчи уруғ” деб онасига бағишлайди. Ҳар ҳолда, унинг роман ёзиш тажрибаси деб ҳисоблаши аниқ эмас эди.

Ечим – кулгили ва аҳмоқона, қаҳрамон қиз ҳар сафар қандай хоҳласа, шундай келиб, шундай кета олади. Уни қўлга олиш учун кўрилган ортиқча чораларга қарамасдан полициячилар қўлидан ажойиб тарзда қутулиб кета олади. У гаройиб қаҳрамон тарзида пайдо бўлиб, масъул шахсларни ҳам қонунга қарши сафарбар қила олади. Бунинг устига у баъзи ишлар учун ўргатилмаган, шунга қа-

рамай турли ишлар (лавозимлар) топа олади. Бир қарасангиз, у ҳамшира бўлиб қолади, лекин ҳамшираликни ўрганганига бирорта ишора йўқ. Сўнг у қаерга борса, исмини ўзгартира, иш берувчи бу ҳақида сўрамайди, шахсини исботловчи ҳужжат талаб қилмайди.

Биз бу ишни жаҳон адабиётида фантастик асарлари ёзувчилар яратган образларга тақлид деб айтишимиз мумкин. Масалан, “Детектив” образидаги Шерлок Хольмс ёки Сэнди Арбутнот ёки Ҳаукшоу (Hawkshaw) образлари каби.

Айни пайтда, ҳар сафар яширинганида ёки йўқолиб қолганида, яна бир марта қочишини режалаштиргандан олдингина танилиб қолади. Бу асарда қаҳрамон ажralиб турадиган образ эмас, фантастик қиссада амалга ошириладиган ишнинг далили каби унга нисбатан холис бўлиш учун оқлайдиган ёки далил бўладиган унсур йўқ. У қайси йигитни учратса, у йигит қизга мафтун бўлиб қолади, қизни ҳеч қандай муқаддима ёки сабабларсиз севиб қолади.

Ёзувчи бу образни ўта гайриоддий қилиб тасвирлаган, унга шарқ адабиётларидан таъсирланган Европа адабий уйғониши давридаги ёзувчиларнинг қаҳрамонлари - фантастик рицарларга хос бўлган кўплаб қобилият ва жасоратни мелодрамма асарларида учрайдиган шаклда ёпиштирган. Бир қарасангиз, чўкаётган оилани қутқариб қолади, бир қарасангиз, кекса ёшли одамни ёнгиндан қутқариб олиб чиқади. Айни пайтда жароҳатларни даволайди. Буларнинг ҳаммаси кутилмаган ҳолда, бирданига юз беради, денгизда бўладими, шаҳарда бўладими, жабрдийдаларнинг бундан бошқа халоскори бўлмайди. У танимаган одамлари учун, уларни қутқариб қолиш учун ўз ҳаётини хатарга қўйиб, ўзини ўтга, сувга отади ва яхши мукофот

олади. Шу билан бирга бир қатор ақл бовар қилмайдиган хатоликларга йўл қўйилган ва улар бир неча жойда тақрорланади. Масалан, университет ректори театрда роль ўйнашни, спектаклда иштирок этишни қиздан шахсан илтимос қиласди, спектакль намойиши пайтида полиция бошлиғи ҳозир бўлади ва қиз билан тўқнаш келади.

Сўз аср ўлчовлари билан ўлчанадиган замонда ақлий тушунчаларнинг бундай қоришмаси бўйсунмайдиган қайсар хаёлга бориб тақалади, ёзувчи ўз асарида бундай ривожланган замонда фантастик ёзувчиларга тақлид қиласди, полиция ва жавфсизлик ходимлари осонлик билан ҳал қилиши мумкин бўлган ишни асосга айлантириб, барча саргузаштлари унинг атрофида юз берадиган қиласди. Уларнинг ҳаммаси бирор мантиқий муқаддимасиз, оқловчи сабабларсиз бошланади. Ҳаттоқи қаҳрамонни Шахризоднинг ўлимида айبلاغанларида ҳам, шу ерда қолиб, ҳақиқий қотил Муҳий эканлигини таъкидлаши, бу билан вақт ва саъй-ҳаракатни тежаган бўларди ҳамда ёзувчи асар учун адабий қийматга эга бўлган ечим топган бўларди.

Бу асарда алмаштириш мумкин бўлган нарса бу яхши суҳбат тури, гарчи у баъзан, муболага сари кетса-да, у ҳар ҳолда ёзувчининг роман яратишдаги муваффақиятсизлигининг ўрнини босмайди. Бу кўпроқ мақома жанрига мос дейилса, тўғри бўлар эди. Биз қадимий матнларни ўқиши натижасида унга қасддан ёки хоҳламаган ҳолда тақлид қилиш хақида ишора қиласган эдик. Уйғониш даврининг бошланишида испан адабиётида “пикареска” жанрини мисол қилиши мумкин. Улар шарқдаги мақома шаклида бўлиб, бир-бири билан мутлақо боғлиқ бўлмаган саргузаштлар ёки муаммолар туркумидир. Унда “пикаро” қаҳрамони ўзини бир муаммо

кетидан бошқа муаммога ташлайди, ўртадаги борликлик эса йўқотилган¹.

Ёзувчи бу жанр асарлари билан танишган ёки танишмаганлигидан қатъий назар ўз асарини драматик қурилиш ва роман тузилиши унсурларига қарамасдан, бадиий мантиқдан узоқ бўлган хаёлидан ёзган. Оқибатда у таъсирланиш омилларига таслим бўлган ва қисса ўз асиридан бошқа асрда келган.

ОЙША ЗОҲИР АҲМАД

“КЎЗЁШЛАРИКЎЛЛАРИДАГИТАБАССУМ”, 1979²

Бу роман воқеалари Жидда ва Риёзда бўлиб ўтади. Қисса бир қиз ҳақида, унинг отаси онаси ни қўйиб юборади, қизни ўзи билан Жиддадан олиб кетади. Онаси Жиддада яшайди. Отаси бошқа аёлга уйлангач, ўтай она қизни кундошининг боласи бўлгани сабабли ёмон кўриб, азоблашни бошлайди, шу сабаб отаси ҳам қизини азоблашда онасидан қолишмайди. Қиз отаси вафотидан сўнг Жиддага қайтади.

Қиссада ҳаммаси бўлиб уч қаҳрамон бор, улар – Афнан исмли қиз, унинг отаси Маҳмуд ва ўтай она.

Афнаннинг отаси хотинини қўйиб юборади ва уни ўзи билан олиб кетади, у отасининг иккинчи хотини билан яшайди, отасининг вафотидан сўнг эски уйи вайрон бўлгач, унга васийлик қилиш ўтай она қўлига ўтади ва қизни у ўзидан бир неча ўн ёш катта бир кишига турмушга чиқаришга уринади. Ўз онаси ва онасининг ўғли қиз ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Қиз уларга хат ёзиб вазиятини ва шароитини тушунтиришга муваффақ бўлади. Шунинг

¹ Gerald Brenan. The Literature of the Spanish People. London 1979. (Picaresque novel). Penguin Books P. 162.

² Ойша Зоҳир Аҳмад. Кўз ёшлари кўлларидағи табассум (“Басма дин буҳайрат ад-думат”). Жида адабиёт клуби. 1979 й.

учун Мазин Риёзга түйни тұхтатиш учун шошиб етиб келади ва қизни олиб, ўзи ва ўз онаси билан бирга яшашы учун Жиддага олиб кетади.

Роман талоқ билан бошланиб, охирида хоҳланмаган никоҳдан олдинги талоқ билан тугайди. Бу асарда вертикал ёки горизонтал шаклда воқеалар содир бўлиши мумкин бўлган аниқ роман ечи-ми йўқ. У бизга Журжи Зайдоннинг “Карбалолик қиз” (“Faaddat Karbala”) ва “Севувчилар кураши” (“Жиҳад ал-Мухиббийн”) романини эслатади. У ўз одатига кўра асарда жамиятнинг муайян табақасини тасвиirlайди ва роман тузилишисиз ёки роман асосларига қурилган ташхиссиз қаҳрамонлар тилини фамгин юксак балогат сўзлари ва ифодалари билан зийнатлайди¹.

1961 йили инглиз танқидчиси ва тадқиқотчиси Хиллари Килпатрик араб романчилиги ривожланиши ҳақида савол бериб, “Арабларда роман борми?” – деб савол беради.

Айнан шу саволни мана шу каби роман ҳақида 1979 йили ҳам беришимиз мумкин. Бу содда жүн ҳикоядан бошқа нарса эмас. Унинг баъзи қисмлари юз бериши мумкин, баъзи қисмлари эса ҳикоя этиш табиатига мос келмаганлиги учун юз бериши амри маҳол. Адиба эса жаҳон адабиёти билан умуман таниш эмасдек туюлади. У агар ўқиши ва машқ орқали сайқалланадиган қобилиятни истисно қиласак, роман тузилиши ҳақида фикрга эга эмас. Агар бунга татбиқ этилганини бу каби бошқаларга замон оқимида (йўналишида) татбиқ әтсак, унда бу асарнинг нефть ва унинг натижасида мамлакатда юз бераётган тараққиёт замонида, хусусан,

¹ Ахмад Али Жавбалий. “Севувчилар кураши” романи юзасидан тадқиқот. “Дар ал-Хилол” нашриёти. Кохира. 1983 й.

Саудия Арабистонидаги жамият ҳаёти услубидаги ривожланишда юзага келганига қарамасдан макон ривожланишидан асар ҳам бўлмайди. Муаллиф ўз романида қўллаган бу қадимий услугуб (курс) Тоҳир Аваз Саломнинг 1980 йили нашр этилган “Илонлар ертўласи” (“Қабв ал-Афаъа”) романида қўлланган услубдан ортиқ бўлмайди (Биз бу ҳақида кейинроқ тўхталамиз). Унда услубда ҳам, образларда ҳам ўхшашлик мавжуд, ҳар иккисида ҳам қўш хотин ва қиз муаммоси, биринчи аёл талоқ қилинади, иккинчиси қизни азоблайди.

ХУДА АР-РАШИД

“ЭРТАГА ПАЙШАНБА БЎЛАДИ”¹

Бу романнинг бошланиши, ундаги воқеалар араб мамлакатларидан бирида бўлиб ўтади. Ундаги воқеалар юз берадиган, қаҳрамонлар ҳаракатланадиган ажралиб турувчи макон мавжуд эмас, баъзибир жуда оддий рамзлар эса ҳар қандай араб муҳитига татбиқ этиш мумкин бўлган умумлашмалардан иборат.

Асар қаҳрамони Навал, журналист бўлиб ишлайди ва отаси билан яшайди. Ишхонадаги ҳамкаслари доимо ўзларининг ака-укаларидан бири билан турмуш қуришни таклиф қиладилар. Дугоналарининг ҳар бири уни жуда яхши кўради ва ҳар бири ўз акаси ёки укасига турмуш ўртоғи бўлишини хоҳлайди. Лекин у бу таклифни рад этади ва уларнинг истакларини бажо келтиrolмаслигидан узр сўрайди.

У юксак маданиятли қиз, жуда кўп фикрлари бўлиб, уларни араб аёлининг аҳволини яхшилаш,

¹ Худа ар-Рашид. “Эртага пайшанба бўлади”. “Рўз ал-Юсуф” босмахонаси. Қоҳира. 1979 й.

унинг ўрни ривожланган мамлакатлардаги аёл ўрни каби бўлиши учун жамиятда татбиқ этишни, тарқатишини хоҳлади.

Дўсти ва дугонаси бўлмиш Ламия уни эндиғина Америкадан қайтиб келган, оиласининг дўсти бўлган Аҳмад билан таништиради. Аҳмад бошқарув соҳасида докторлик даражасига эга бўлиб қайтди.

У кўп ваъдалар бериб, вафо қилмаган бир киши билан муаффақиятсиз ўтмишига қарамай, Аҳмадни ёқтириб қолади, тўғрироғи уни севиб қолади. Чунки уларнинг фикрлашлари бир жойдан чиқади. Уни ҳар қуни кўриб туради ва улар турмуш қуришга келишишади.

Қизнинг онаси бетоб бўлиб, шифохонага ётқизилганида, Аҳмад қиздан онасини бориб кўриши мумкинми деб сўрайди, қиз бу фикрни қўллайди ва унинг зиёратидан жуда хурсанд бўлади.

Аҳмаднинг икки синглиси қишлоқдан уни зиёрат қилиш ва қизлардан бирининг турмушга чиқиши муносабати билан тайёргарлик кўриш учун шаҳарга келишиади. Аҳмаднинг сингиллари шаҳар ҳаётини билмаганликлари ва ҳар нарсада унинг ёрдамига муҳтож бўлганликлари учун бутун вақти давомида машғул бўлиб қолади.

Бу ҳолатда у ёш бола бўлган пайтидаги отасининг онасига бўлган муомаласини эслайди. Хаёлидаги ушбу хотиралар салбий роль ўйнайди. Қишлоқ аёли ёш болалар каби муомала қилади, улар қандай жазолангандар, қачон ва нимага жазолангандарни унутадилар. Бу фикрларнинг барчаси уни худди денгиз сувининг кўтарилиши ва қайтиши орасида қолдиради.

Аҳмад қишлоққа синглисисининг тўйига тайёргарлик қилишга ва тўйни ўтказишга кетади, бу эса у Навалга унинг қийин аҳволда қолганида ёнида бўла

олмаслигини ва ёрдам бера олмаслигини англатади. Навалнинг онаси тўсатдан вафот этади. Аҳмад унга таъзия телеграммасини жўнатади, лекин бу етарли эмас эди. Навал унинг ёрдамига муҳтож эди, унинг ўз ёнида бўлишини, онаси вафотидан сўнг фам-қайтуга ботган чогида, инқирозга тушган пайтида ёнида бўлишини истар эди.

Аҳмаднинг гарбий маданиятга эга бўлишига қарамай, ибтидоий қадриятларга таслим бўлиши Навалнинг унга бўлган умидини пучга чиқаради. Аҳмад қайтиб келгач, Навал билан кўришишни ва муносабатларини тиклашни сўрайди, лекин қиз йигитни алдади деб ҳисоблаб, рад этишга қарор қиласади.

Аҳмаднинг яқинда турмушга чиққан синглиси эри билан шаҳарга келади, тезда шаҳар ҳаётига кўникади, қисқа фурсатда шаҳар ҳаётининг услубига мослашади. Ўз эҳтиёжлари бўйича бирор жойга боришдан, шаҳар ҳаётидаги фаолиятларга қатнашишдан ўзини бахтли ҳис қиласади, бирор одам унинг ишини қилиб беришига эҳтиёжи бўлмайди. У таълимга эҳтиёжи бўлишига қарамай, шаҳар жамиятига акасидан кўра яхшироқ мослашиб олади.

Ушбу роман етмишинчи йиллар романлари ичидаги бадиий қурилиши жиҳатидан яхши роман бўлиб, унда образлар, бадиий диалоглар ва бадиий тузилиш пухта ишланган. Роман нашр қилинганида тадқиқотчилар ва танқидчилар томонидан олқишиланди. Муҳаммад Алаван ушбу роман ҳақида “ал-Ямама” журналида таҳлилий мақола чоп этди ва уни шакл ва мазмун жиҳатидан янги замонавий роман деб тавсифлади. Ёзувчи Ҳомид Даманҳурӣ ва Иброҳим ан-Носир руҳини тамсил қиласди¹. Булар

¹ Муҳаммад Алаван. “Зиёли қиз инкирози”. “ал-Ямама” журнали. 467-сон. 1979 йил.

икковлари эллигинчи йиллар охирларида бадиий роман уругларини әккан әдилар. Лекин ўша пайтдан буён етмишинчи йилларда бу роман чиққунга қадар ушбу жанрни олға сурадиган бирорта асар бўлмаган эди.

Бу асар пайдо бўлишидан йигирма йил олдин бошланган йўналишни қайтадан жонлантириди. Биринчилар хорижга ўқишга бориб ўқиган, ўргангандарини ўзлаштирилар, уларни буюк ёзувчилар, танқидчилар ва тадқиқотчилар билан муҳокама қилдилар, яратилган имконият туфайли тажрибалар орттирилар. Ўқишга бориб келган бу авлод саудия уйғониши доирасини таълимда, маърифий зиё тарқатишда, янги ҳаётнинг ривожланган тизимида, ривожланган мамлакатлар таъсири билан ўз ўрнини эгаллаётган ўзгаришлар орқали кенгайтиришга ҳисса қўйди. Бу авлод илм ва маърифатнинг асосларини ана шу мамлакатларда ўзлаштириб қайтди.

Роман умид билан бошланди, баъзан умиднинг пучга чиқишига қарамай, масалан, асардаги қаҳрамон қизнинг зиёли йигит билан муносабати орқали урф-одатлардан эркин бўлиши ҳақида-ти орзузи ушалмаганлиги, бу муносабатнинг мувваффақиятсизлигига қарамай, роман умид билан тугади. Кўплаб араб мамлакатлари фарзандлари уйғониш даврида улар учун яратилган имкониятлардан фойдаландилар, лекин баъзилар бунга эриша олмади¹.

Буни улар ана шу ҳукмрон урф-одатлар чегарасидан чиқиб кетишга қодир эмасликлари, улардан қутулиш қийинчилиги билан тушунтириш мумкин.

¹ Mark Tyler Day. "Contemporary writers of Saudi fiction". College of Arts, University of Riyadh. Vol. 7. 1980.

Бу романда ва кейинроқ муҳокама қиласигани-
миз бошқа романларда бадиийлик сифатлари, янги
авлод муаммоларини муҳокама қилиш мавжуд бўл-
ди, уларнинг ана шу тараққиётдаги умидлари араб
доирасида амалга ошиди. Роман бу ном билан кел-
гусига умидни башорат қилиб, уни амалга ошира-
ди. “Эртага пайшанба бўлади” – тўй ва хурсандчи-
ликлар муносабатларининг тақлидий куни. Адиба
“агар бир марта омад юз ўгирса, иккинчи уриниш
учун фурсат бўлади” дейди.

АБДУЛЛА ЖАМЪАН

Саудия адабиётида Абдулла Сайд Жамъан 1957
йилдан буён ҳикоянавис ва романнавис сифатида
танилди. У учта ҳикоялар тўплами нашр этди.

“Водий қизи” (“Бинт ал вадий”) – 1969 йили “ал-
Жайш” босмахонасида нашр этилди.

“Йўлакдаги киши” (“Раждудун ала ар-расиф”) –
1977 йили Тоиф адабиёт клуби томонидан нашр
етилди.

“Ўтиш чиптаси” (“Тазкират убур”) – 1988 йили
Тоиф адабиёт клуби томонидан нашр этилди.

У 1980 йили саудия радиоси учун “Салма” ном-
ли пеъса ёзди ва у “драмалаштирилган роман” деб
танилди. Шунингдек, саудия телевидениеси учун
1982 йили “Жанублик чавандоз” номли тарихий
сериал ҳам ёзди.

Роман жанридаги ҳиссаси иккита роман балан
чекланади:

- “Қасос” (“ал-Қасаас”).
- “Нодиянинг тўй оқшоми” (“Лайлут ирс Надия”)
1990 йил нашр этилган. Биз бу асарларни кўриб
чиқамиз.

“Қасос”, 1979 йил

Ушбу романнинг воқеалари Саудия Арабисто-

нининг жанубидаги Захрон ўлкасидан бўлган қизга нисбат қилинади. Бу қиз асарда асосий ўчоғ бўлиб, воқеалар унинг атрофида юз беради.

Воқеалар Риёзда Подшо Сауд Университети талабаларининг битирув кечаси тадбирларидан бошланади, қишлоқ хўжалиги талабалари дипломларини оладилар. Битиравчилардан бири уйланиши муносабати билан курсдошларини тўйга мамлакатнинг Захрон ўлкасидаги қишлоқлардан бири “Фидда” (“Кумуш”) га таклиф қиласди. Тўйга келган меҳмонлардан бири қишлоқнинг нима учун бу ном билан аталишини, “бу ерда кумуш моддаси бўлгани учун ҳам қишлоқ шундай номланганми?” - деб сўрайди.

Шу қишлоқ аҳолисидан бири эътиroz билан жавоб беради: “Қишлоқ ўз қизларидан бирининг номи билан шундай аталган”, - дейди. Сўнг ўтирган жойида қаддини ростлаб, қиссани ҳикоя қилиб беради.

“Фидда” (“Кумуш”) шу қишлоқда туғилди. Отаси билан Тоифга кўчиб ўтди. Онасининг вафотидан сўнг муаллималар институтида ўқиди, битириб ўқитувчи бўлди. Лекин у шаҳар ҳаётини хоҳламас, доимо отасига қишлоққа қайтишни айтар эди. Отасини дўстларидан бирига трумушга чиқиб, қишлоққа қайтиб келади ва қишлоқдаги ягона бошланғич мактабда муаллима бўлади. Отаси вафот этади. Отасининг вафотидан сўнг эри касал бўлади ва кўп ўтмай у ҳам бу дунёдан кўз юмади.

Бева бўлгач, аммаси ва унинг ўғли билан яшайди. Солиҳ дехқон бўлиб кун кўради. Муҳаммад ҳарбий ҳаво кучларида учувчи, у яқинда Америкада малака ошириш курсларини тамомлаб қайтди.

Кумушга кўп совчилар келади, лекин у рози бўлмайди, уларнинг бирортаси билан ҳам турмуш қуриш ҳақида ўйламайди. У оиласидаги ягона савод-

ли инсон, аммасининг Мұҳаммадға хатларини ёзиб берарди ва Мұҳаммаднинг онасига ёзган хатларини ўқиб беради. Айни вақтда у Мұҳаммадни севади ва аммаси ҳам унга турмушға чиқишини хоҳлайди. Кумушға қишлоқдагилардан бири совчи қўйгандан, у ҳеч иккиланмай, Мұҳаммаддан маслаҳат сўрайди. Бу ерда яширин тушунча бўлиб, Кумуш у билан турмуш қурмоқчилигини билдиromoқчи бўлади. Бироқ Мұҳаммад бунга эътибор бермайди ёки Кумушға Аҳмад билан турмуш қуриб баҳтли бўлишини тилаганини онасидан яширади. Аҳмад шу қишлоқдаги бошлангич мактаб ўқитувчиси.

Кумуш Аҳмадга турмушға чиқади ва у билан баҳтли бўлади, улар ўғил кўрадилар ва исмини Ториқ деб қўядилар. Улар Жиддадан қайтаетганларида Тоиф ва Захрон ўлкаси орасида йўл-транспорт ҳодисасига йўлиқадилар. Аҳмад ҳодиса юз берган жойда ҳалок бўлади. Кумуш иккинчи марта бева бўлиб қолади.

Яна бошқатдан унга совчилар кела бошлайди, у ҳаммага рад жавобини бериб, ҳаётини ўғли Ториқнинг тарбиясига багишламоқчи бўлади. Уни ўқитишни, қишлоқ аҳлига ёрдами тегадиган зиёли қилиб тарбиялашни хоҳлайди. Мана шу ҳолда бир неча йил давом этади.

Аммасини ўғли Солиҳ бошқа қишлоқдаги киши билан бир можарога тушиб қолади. У киши қўйларини Солиҳнинг даласига қўйиб юборади. Ва қўйлар экинларини еб, пайҳон қилиб ташлайди, Солиҳ уларни уриб, қувиб юборади. Эртаси куни ҳалиги киши келиб, Солиҳ билан жанжал қиласиди ва Солиҳни ўлдириб қўяди.

Мұҳаммад Даммамдаги ҳарбий ҳаво базасидан қишлоққа келади ва ўз қабиласига қўшилиб, Солиҳнинг қотилидан ўч олмоқчи бўлади. Кумуш, ал-

батта, бундай тасарруфга ва муносабатларни қадимий мантиқ асосида ҳал қилишга қарши чиқади. Бу ишни тұхтатишига ҳаракат қилиб, уни давлатдаги масъул шахслар томонидан суриштирув-текширув олиб боришга, совуққонлик билан ҳал қилишга, жамоасини тұғри йүл тутишга күндиради.

Оила аъзолари томонидан бу ҳал құлувчи қарор қабул қилингач, Риёзда қишлоқ хұжалиги факультетида үқиётган Ториқ азада иштирок этиш учун етиб келади. Қумуш ўғлининг юзида ғамгинликдан күра күпроқ нарсаны күради. Охири у ғамгинлик-нинг сабабини онасига айтади. У Солиҳнинг вафтидан ташқари, қотилнинг қизи билан ўрталарида муҳаббат муносабати борлигини хабар қиласы.

Қотил ҳибсга олинади. Мұхаммад энди Қумушни яхши күришини айтади ва унга турмушга чиқиши таклиф қиласы. Қумуш уни ҳали ҳам севар эди, лекин бахтга қарши икки марта турмушга чиқиши тажрибасига эга бўлганини, икки эрни кўрганини, энди учинчи турмуш билан ўз қалбини қийнашини хоҳламаслини айтади.

Мұхаммад ҳарбий ҳаво базасига қайтади. Бир муддат ўтгач, оиласига хат ёзиб, Мисрга миср ҳарбий ҳаво қучлари билан Исройлга қарши ҳужумда қатнашиш учун кетаётгани хабар қиласы. У шу куни ёк, яъни суд қотилни ўлим жазосига маҳкум қилган куни ҳалок бўлади.

Солиҳнинг отаси қотил устидан қасос ҳукмини ижро этиш жараённанда иштирок этгани Тоифга келади. Уни ҳар ҳолда Мұхаммад ва Қумуш қотилни кечиришга уринишига ишонтира олишган эди ва қотилни кечиради.

Энди барчанинг нигоҳи қишлоқдаги тўйга қайтади, роман шундан бошланган эди. Қишлоқнинг нега бу ном билан аталишини сўраган меҳмон энди Ториқ

қиссаси нима бўлганини сўрайди. Қишлоқ йигити жавоб беради. Бу тўй – Ториқнинг тўйи. У ўқишини тутатди ва қишлоққа агроном бўлиб ишлаш учун қайтиб келди. Келин – Солиҳни ўлдирган қотилнинг қизи, анави ерда турган гўзал хоним – Қумуш.

“Қасос” романидаги асосий фоя таълимнинг ва ўқимишилларнинг аҳамияти ҳақида. Масалан, Қумуш ўқиган аёл, бошлангич мактабда дарс беради, ўз қишлоғи фарзандларига ёрдам беради, оиласининг ўқимаган аъзоларига тўғри йўл кўрсатади. У қадимий ибтидоий одатларга кўра қасос олиш керак деган тушунча бўйича катта фитна юз беришини тўхтатиб қолади. Қишлоқ аҳлини суд маҳкамасига мурожаат қилишига, жиноятчига нисбатан қасос ҳукмини ижро этиш масаласини масъуллар қўлига топширишга кўндира олади. Сўнг билвосита, Муҳаммад орқали Солиҳнинг отасига таъсир қилиб, жиноятчидан қасос олиш ҳаққидан кечишига эриша олади.

Кумушнинг иккинчи эри ўқитувчи бўлиб ишлайди. Муҳаммад ҳарбий учувчи бўлиб, ватан ҳимояси масъулиятини ўз бўйнита олган. Ториқ қишлоққа агроном бўлиб қайтиб келади ва қишлоқ аҳлига университетда олган билимлари асосида замонавий қишлоқ хўжалиги усусларини тақдим қилаади. Уларнинг ҳаммалари масъулиятни жиддий равишда ўз бўйниларига олганлар, шахсий манфаат ҳақида ўйламайдилар. Эҳтимол, ёзувчи учун оми дехқон Солиҳ кўп маънога эга, у шафқатсиз зўравонлик қурбони бўлган, унинг отаси ҳам бағрикенг, оддий инсон сифатида тасвирланади ва ҳукмни ижро этиш куни уни кечиришга кўндира олишади.

Бу роман яратиш хусусида кўплаб мулоҳазалар бор. Хақиқий бошланиш ҳодисаларнинг олдиндан яратилиши натижасидаги ниҳоядир. Ундаги воқеа-

лар табиатдан ёки бош қаҳрамон томонидан амалга ошириладиган инсоннинг табиий хулқ-авторидан, ҳодисага муносиб равишда алоқадор бўлган ёрдамчи образлар келиб чиққан мантиқий ривожланиши асосида эмас, балки ёзувчининг хоҳишига кўра юз беради. Бу шахслар ҳодисаларда фаол иштирокчи бўлиш учун эмас, кўпроқ таълим воситаси бўлиш учун яратилганлар ёки бошқача қилиб айтганда, ёзувчи уларни ана шу мақсадда яратган. Улардан бири ўз ролини бажаради ва воқеалар саҳнасидан йўқолади. Шунингдек, асарда бир қатор зиддиятлар ва роман саҳналарининг ниҳояларида йўқотишлар бор.

Романнинг “Қасос” деб номланишининг ўзи ёзувчининг мақсадини ифодалашдаги ана шу кенг тарқалган хатоларданdir. Бу билан ёзувчи саудия жамиятидаги ўзгаришлар ортидан кўрган ёки кўришни истаган икки авлод ўртасидаги фарқлар ва ўзгаришларни ифодалашни хоҳлайди. Уларнинг ҳар бири ўз муносиб ўрнини эгаллаганини, буларнинг барчасининг манбаи таълим эканини таъкидламоқчи бўлади. Кўплаб саудия ёзувчилари бу ўзгаришлар ҳақида, авлодлар ўртасидаги кураш ҳақида меросни саклаб қолишини хоҳлаб ва ўзгаришлардан ҳайиқиб ўз услублари билан ёзганлар¹.

Ҳар ҳолда, ҳақиқий маълумотларга қарамай, бу “Қасос” бадиий асари ва биз ўйлаганимиз янги роман тузилишига ва жонли образларга эга бўлган роман ўртасида катта жарлик бор. Бу асар билан мана шу даврдаги биз кўриб чиқадиган ёки кўриб чиққан кўплаб ижодий ишлар ўртасида фарқлаш учун етарлича бадиий-техник унсурлар мавжуд.

¹ Муҳаммад Зориъ Ақил. “Зулматдаги тун”. 1961 й. “Икки авлод орасида”. 1981 й.

“НОДИЯНИНГ ТҮЙ ОҚШОМИ”, 1990 ЙИЛ.

Бу асар фақир инсоннинг ҳаётини тасвирлайди. У кейинчалик бойиб кетади. Роман қаҳрамони Ҳамза – ҳукумат идорасидаги хизматчи, уйланган, уч фарзанди бор. Икки ўғил ва бир қиз. Қизнинг исми Нодия.

У омадини тижоратда синааб кўради ва Аллоҳ ишларини юриштириб, қисқа фурсат ичида катта ютуққа эришади. Сўнг хотинига нисбатан муомаласи фожиавий тарзда ўзгаради, уни қалтаклар ва турли азобларга дучор қиласарди, бечора аёл охири вафот этади ва уч фарзанди – Ҳолид, Ҳасан ва Нодия қолади. Ҳолид мусиқани ёқтиради, Ҳасан футболни. Ҳолид автомеханик бўлишни истайди. Лекин отаси уни тижорат оламига жалб қилмоқчи бўлади. Ҳолид отасини бу талабини рад қилганида, уни уйдан ҳайдайди. Ҳолид аммаси Умм Ҳананнинг олдига боради ва уникида қолади. Профессионал-техника билим юртининг автомашиналар қисмига киради ва автомеханик бўлиб етишади. Доим тижорат ишлари юзасидан сафарда бўлган отасининг назаридан четда қолган Ҳасан гиёҳфурушлар чангалига тушади ва гиёҳванд бўлиб қолади. Наркотик сотувчиларнинг баъзилари катта уйларда хизматчи бўлиб ишласа, баъзилари тозалаш, боғбонлик ишлари учун келиб-кетиб турадиганлардан бўлади. Ҳамза ўз ишлари билан машғул экан, Ҳасан руҳий касалликлар шифрохонасига тушади.

Бу воқеаларнинг барчаси Ҳамзанинг кўз ўнгигда юз беради. У Нодиянинг тўйи муносабати билан гулдаста сотиб олмоқчи бўлиб, машинасини ҳайдаб, гул сотувчисининг олдига боради.

Шу орада эски дўстларини эслайди, айниқса, балиқ сотувчи яхши инсон доимо у ҳақида сўрар эди.

Нодия отасидан ана шу дўстларини тўйга таклиф қилишини сўрайди.

Ҳамза ўзининг ҳашаматли машинасини кичик ифлос кўчада тўхтатади. Эски маҳаллада эски дўстининг уйини қидиради. Унинг уйини топгач, у билан тижоратга оид анча масалаларни муҳокама қилади ва уни тўйга таклиф қиласди. Ундан кейин бир ошхонага боради, у ерда бир гурӯҳ одамларни учратади, ҳаммалари фақир, лекин яхши инсонлар. Кетмоқчи бўлганида чўнтағидан пул тушиб қолади. Ошхонадагилардан бири ўрнидан туриб, пулни олади ва унинг кетидан етиб бориб, пулни беради.

Бу одамлар у ва унга ўхшаш тадбиркор ва тижоратчилар каби таъмагир эмаслар, муаллифнинг тили билан айтганда, “турли йўллар билан пул тошишга интиладиганлардан эмаслар”.

У машинасини ҳайдаб кетар экан, кўрганларидан ўйга чўмади ва йўлда кетаётган машина билан тўқнашиб кетади. У машина эгасининг машинадан тушиб олдига келаётганини кўриб, товон талаб қиласа керак, деб ўйлайди, лекин у жилмайиб кўришади. Ҳамза машинага етказилган заарни қоплаш учун деб бироз маблаг бермоқчи бўлади, лекин у киши олмайди ва саломат бўлинг, деб дуо қиласди.

Ҳамза Нодияга гулдаста сотиб олиш учун гул сотувчисининг дўконига кирав экан, кимдир чақираётганини эшпитади. У собиқ қайлигининг овози, унга турмушга чиқмоқчи бўлганди, лекин Ҳамзанинг ваъдаси чўзилиб кетганидан сўнг қиз уни ташлаб бошқасига турмушга чиқкан эди. Бу ерда яна кимнингдир дўкон ташқарисида чақираётган овози келди. У аёлнинг қизининг овози эди.

Ўйига кетаётib анча вақтдан буён синглиси Умм Ҳананинги зиёрат қилмаганини эслади. Шунинг учун машинасини синглисисининг уйи томон бурди. Лекин

шу пайт катта ўғли Ҳолид уйни ташлаб кетганидан буён у ҳақида ўйламаганини ҳам эслади. Ҳолид ҳам уни кўргани бормаган эди. Ҳамза ўғли Ҳолид ишлайдиган машиналар тузатадиган катта устахона томон борди ва ўғлининг эркин тадбиркорликда ҳақиқатан ҳам муваффақиятта эришганининг гувоҳи бўлди. Улар ярашиб олдилар ва ундан синглисинг тўйига келишни талаб қилди. Яна ундан уйланиш нияти ҳақида ҳам сўради. Шунда Ҳолид аммасининг қизи Ҳананини яхши кўришини айтди. Отаси унга ҳозироқ Ҳананинг уйига бориб, ота-онасидан қизининг қўлини унинг учун сўрашини айтди.

Ҳамза Ҳолиднинг устахонасидан чиқиб, Ҳананинг ота-онаси уйига қараб улар учун кутилмаган катта хабар билан йўл олади. Улар ҳам Ҳамзани анча вақтдан бери кўришмаган эдилар, унинг бу ташаббусини қутлаб, Ҳананинг Ҳолидга турмушга чиқишига розилик билдирадилар.

Ҳамза энди уйига қараб йўл олди, у қизига турмушга чиқиши муносабати билан ҳадясини бермоқчи, лекин у ҳали ҳам уй-фикрларига гарқ бўлган, бу сафар у ўғли Ҳасаннинг тақдирини ўйлади, у ҳали ҳам руҳий касалликлар шифохонасида. Шу пайт у хизмткорларидан биридан шубҳа қила бошлиди, чунки у наркотик тарқатувчилардан бўлиши мумкин эди. Шунинг учун у уйга боришдан олдин полиция участкасига боришга қарор қилди, шу ўйлар билар кетар экан, у яна йўл қоидасини бузди. Йўл ҳаракати хизмати полициячиси уни тўхтатди. Полиция участкасида у масъул зобит билан учрашишни талаб қилди. Зобитга уйида бўлаётган ишлар ҳақида айтмоқчи бўлганида, зобит ундан олдинроқ хизматкорлари ҳақида ҳамма гапдан, уларнинг жиноятлари, қилмишлари ҳақида хабардор эканликларини айтади. Унга режа бўйича жиноий

тұданинг барчасини құлға олгунларигача буни сир тутишни тайинлайды.

Охири у уйга етиб келади, Нодия уни кутаёттан, хизматкорлар түй тайёргарлиги билан машғул әділар. Хушбүй ҳид тутатадиган идишдан келаётган ҳид бутун атрофга анқир әди. Машинанинг ичида шунча вақтдан бери турған гуллар сұлиб қолған әди. Шунинг учун у гуллар сұлиғандан Нодия олдидә хижолат бўлди. Лекин қизи унга раҳмат айтиб, гулларни сувга солиб қўйишини ва улар яна жонланиб қолишини айтади. Ҳамза хижолат бўлиб қизидан “улар яна жонланиб, тирик гул каби бўлиши мумкинми?” деб сўрайди. “Ҳар биримиз тўғри йўлга қайтишимиз мумкин” деб жавоб беради. Шу сўзлар билан унинг қалбига ўз ҳаётини, оиласвий шароитини қайта баҳолашга (қадрлашга), барчанинг мол-мулк тўплашдан муҳимроқ бўлган муҳаббат ва садоқатнинг соғлом асосларида бўлган тўғри йўлга қайтишига умид уйғотади.

Тўй маросимидан сўнг Нодия Ҳамзанинг катта уйини ҳувиллатиб эрининг уйига кетди. Ҳамза ёлғиз қолиб, ҳаётини ўзgartиришга, ичкиликни ташлашга қарор қилди, ҳамма ичкилини денгизга олиб бориб улоқтирди, тонгга яқин бомдод намозига азон чақирилаётган пайтда уйга қайтади. Масжидга йўл олади, имонидан ҳаловат топганини, Аллоҳ Субҳаноҳу ва Таоло тавбасини қабул қилишига, аввалги барча хатоларини афв этишига ишонади.

Абдулла Саид Жамъяннинг икки романи нашр қилиниши орасида анча вақт бўлиб, у ўн бир йилни ташқил қиласди. Иккинчи романнанда биринчисига нисбатан бадиий жиҳатдан ривожланиш сезиларли даражада кузатилади. У тор доирада кўплаб воқеаларни жамлашга уринган бўлиб, воқеаларнинг бир-бирига таъсири баъзиларининг бадиий қийма-

тини чеклайди, бир мавқедан кейин иккинчиси тез суръатда кетма-кет уланиб кетиши ўқувчи учун бир мақедан кейингисига ўтишидан олдин тұлғы үзлаштиришга имконият қолдирмайды. Шунингдек, ҳикоя этиш услуби ҳам ҳикоя яратиш услубига яқинроқ шакл касб этади, шу сабабдан воқеанинг кутилган фойдаси амалга ошмайды. Бу ерда тұғридан-тұғри йўл-йўриқ кўрсатувчи насиҳатлар ҳам, ёзувчи бирор нарсани кўзда тутиб қилган ишоралари ҳам мавжуд. Ёзувчи баъзи ички кечинмаларини очиқ айтса, баъзиларини яширин ифодалаган.

Икки роман нашр қилиниши ўртасидаги вақт ўтиши билан Жамъан роман яратиш санъатини үзлаштириб олди деб айта оламиз, у кўп нарсаларни татбиқ этишга қодир бўлиб қолди, гарчи бу қудрат асарнинг шаклида бадиий роман ҳикоя этишининг етарли даражасида ривожланмаган бўлса ҳам, икки роман ўртасидаги фарқ аниқ кўринади¹.

ФОЛИБ ҲАМЗА АБУЛ ФАРАЖ (1931-2006)

Абул Фараж 1977 -1982 йиллар орасида бешта роман нашр этди.

1. “Қизил шайтонлар” (“Аш-Шайатийн ал-хўумр”). Қоҳира, 1977, 1982.
2. “Йўқотишийиллари” (“санаватад-дийаъ”). Тунис, 1980.
3. “Ватансиз ғариблар” (“Фураба била ватан”). Байрут. 1981.
4. “Байрут ҳам ёнди” (“Ва ихтарақат Байрут”). Байрут. 1982.
5. “Яшил юриш” (“ал-Масират ал-Ҳажра”). Байрут, 1982.

Ушбу романларининг воқеалари ҳам, қаҳрамонлари ҳам Саудия Арабистони билан боғлиқ эмас, ле-

¹Каранг: Mark Tyler Day. “Contemporary writers of Saudi fiction”. College of Arts, University of Riyadh. Vol. 7. 1980.

кин мualлиф саудия ёзувчиси бўлгани учун бу асарлардан утасини жуда қисқа равишда кўриб чиқамиз.

“Қизил шайтонлар (“Аш-Шайатийн ал-ҳумр”) асари 1976 йили араб давлатлари нефть вазирларининг Венада ўғирлаб кетилиши ҳақида. Уларни мафия гурӯҳи Жазоирга олиб кетади. Муаллиф узоқ вақт матбуотда журналист бўлиб ишлаш тажрибасига эга бўлганлиги учун қиссадаги ҳодисаларни журналистикага мойил ҳисоботлар тарзида баён этади. Ёзувчи барча эътиборини террор масаласига қаратган, дунёдаги террористлар ҳаётини уларнинг ҳаёти ҳақидаги хабарлар орқали кузатади, бадиий жиҳатларига камроқ аҳамият беради. Ёзувчи ушбу асарида кунлик ҳисоботни бериб боради, террорчи ўғрилар тўдаси ҳақидаги хабарлар ҳар кунги матбуот ҳисоботлари шаклида батафсил бериб борилди, уларнинг хавф-хатарини баён этади. Ушбу тўданинг бошлиғи Карлос қандай қилиб бу саргузашт жиноятнинг режасини амалга оширганини баён қилиб беради.

Ёзувчи бошқа образлар – Нотаниш, Ҳайдовчи, Чикинди, Азиз Дўст, Малласоч қиз ва бошқаларни тасвирлаб, уларнинг ҳар бири ҳақида ва шунингдек, турли мамлакатлар фуқаролари бўлган бу шахсларнинг ҳар бирининг қилган ёрдамлари ҳақида умумий лавҳа (картина)ни тасвирлайди. Ёзувчи шунингдек, фаластин муаммоси ва исломий ҳаракатларнинг таъсири ва дунёдаги энг катта нефть экспорт қиливчи Саудия Арабистони томонидан Исроилга таъсир ўтказиш мақсадида нефть экспорт қилишни тўхтатиши натижасида юзага келган қийинчиликлар ўртасида қиёслашни тасвирлайди. Муаллиф ҳар бир ўғирланганларнинг қиссасини бoshидan бошлаб, то улар Жазоирда озод қилингунларигача кузатиб боради.

Абул Фаражнинг иккинчи асари “Ватансиж гариблар” Қоҳирада муҳожиротда яшайтган араб ва бошқа давлатларнинг сиёсатчиларига бағишлиданади. Ушбу асарда роман ечими мавжуд эмас (баъзилар уни бироз ошириб “роман” деб атаган). Бунинг асосий сабаби намойиш этилишидадир. Саудия ёзувчилари қаламига мансуб бўлган асарлар ҳақида тўхталиш уларни баён этиш ёки чуқур ўрганишни англатмайди, муаллифларнинг баъзилари ҳозиргача ҳаётлари ва ижодларини давом эттироқдалар, улар умуман араб адабиётига ва хусусан саудия адабиётига хизмат қиласидан янги романлар яратадилар деб умид қиласиз. Муаллиф ушбу асарида бир мақоладан иккинчисига ўтиш каби аралашиб кетишларга йўл қўйган, масалан, 1973 йилги Миср армиясининг ҳолати ва Истроилнинг бошқа араб давлатлари билан алоқаларини тасвирлаш кабиларга йўл қўйилган.

Биз яна қисқача тўхталилиб ўтишни хоҳлаганимиз муаллифнинг учинчи асари “Яшил юриш” – Африканинг шимолидаги давлатлар: Мағриб, Жазоир, Испания, Мавритания ўртасида халқаро муносабатлар ҳақида бўлиб, унда ҳам аввалги асарлар каби услугуб айнан қўлланилган. Ҳикоя қилинаётган образлар воқееликка алоқадор бўлиб, унда ҳам ҳикоя этиш, сухбат жараёнида матбуот ҳисоботлари шаклидаги услугуб қўлланилади. Муаллиф яна бир марта сиёсий масалаларга дуч келади, уларни таҳлил қилишда журналистик маҳоратини ишга солади. Унинг баён этиш услуби, одатдагидек, юксак маҳорат билан бажараётган журналистик фаолиятни акс эттиради.

Абул Фаражнинг ҳозиргача биз кўриб чиққан асарлари саудия адабиётига тасодифан кириб қолган асарлардан бошқа нарса бўлмай, улар Саудия Арабистонидаги роман соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшмади.

ОЛТИНЧИ БОБ

**1980-1989 ЙИЛЛАРДАГИ
РОМАНЧИЛИК**

1.	Мұхаммад Абдо Яманий	Хоиллик қиз	فتاة من حائل	1980
2.	Тоҳир Аваз Салом	Күмилган сандық Яна тонг отади Илонлар ертұласи Ёнган ҳиссиётлар	الصندوق المدفون فاتحـرـقـ من جـديـدـ قبـوـ الأـفـاعـيـ عواـطـفـ محـترـقةـ	1980 1982 1983 1986
3.	Султон Саад ал-Қаҳтоний	Оқшом зиёратчиси Қанотсиз қүш	زائرـ المسـاءـ طـائـرـ بلاـ جـناـحـ	1980 1981
4.	Амал Мұхаммад Шата	Әртага унутаман Қалбим яшамади	غـداـ أـنـسـيـ لاـ عـاشـ قـلـبـيـ	1980 1989
5.	Исом Ҳуқайр	Гирдоб Сеньюра Хотиним ва мен	الدوـمـةـ السـتـيـرـةـ زوـجـتـيـ وـأـنـاـ	1980 1980 1983
6.	Сайфуддин Ашур	Алвидо дема	لاـ تـقـلـ وـدـاعـاـ	1981
7.	Фуад Содиқ Муфти	Заифлик лаҳзаси Йүқ, бу туш әмас	لحـظـةـ ضـعـفـ لاـ مـيـدـ حـلـماـ	1981 1986
8.	Фуад Абдулҳамид Анқовий	Төғ остида соя йүқ	لاـ ظـلـ تـحـتـ الـجـبـلـ	1983

9.	Ҳамза Мұхаммад Буқарий	Сафо айвони	سـقـيـفـةـ الصـفـاـ	1983
10.	Ҳасан Носир ал- Мажраший	Буюк мұҳабbat	الـحـبـ الـكـبـيرـ	1983
11.	Абдулло Абдураҳмон Жефрий	Тушнинг бир қисми Бизга лойиқ замон	جزـءـ مـنـ حـلـمـ زـمـنـ يـلـيقـ بـنـاـ	1983 1989
12.	Абдулазиз Мишарий	Еқимтойлик Булутлар ва күчатлар	الـوـسـمـيـةـ الـغـيـومـ وـمـنـابـتـ الشـجـرـ	1985 1989
13.	Сафия Абдулҳамид Анбар	Кечирасиз, эй Одам	عـفـواـ،ـ يـاـ آـدـمـ	1986
14.	Абдулазиз ас-Сақъабий	Күмир ҳиди	رـانـحةـ الـفـحـمـ	1988
15.	Иброҳим ан-Носир	Куз булутлари	غـيـومـ الـخـرـيفـ	1988
16.	Абдулазиз ал-Мұханна	Икки хизматкор ва устоз Кувайтлик қиз	الـخـادـمـتـانـ وـالـأـسـتـاذـ غـادـةـ الـكـوـيـتـ	1988 1990
17.	Үсмон ас-Сувайний	Насик күз ёшлари Олтин хазина	دـمـوعـ نـاسـكـ الـكـنـزـ الـذـهـبـيـ	1988 1988

VI БОБ. 1980-1989 ЙИЛЛАРДАГИ РОМАНЧИЛИК.

ХОЗИРГИ ЗАМОН РОМАНЧИЛИГИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ (КИРИШ), САКСОНИНЧИ ЙИЛЛАР РОМАНЛАРИ (ТАДҚИҚОТ ВА ТАХЛИЛ)

КИРИШ

XX асрнинг саксонинчи йилларида кўплаб ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди, ана шу ўзгаришлар билан бир қаторда саудия жамияти табақаларида фикрлаш услубида ҳам, мазкур ўзгаришларга муносабатда ҳам кўплаб ижодий ва гоявий-фикрий ўзгаришлар амалга ошиди. Юқори малакали саудия ёзувчилари бу ўзгаришлар натижасида ва гарбий адабий ижодиёт тадқиқотлари ва танқидчилигидан таъсирланиб, жамият тараққиётида муносиб ҳисса билан иштирок этдилар. Янги авлод муаммоларини кўтариб чиқишида замонавий йўлларни қўллади. Бу йўллар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмади, балки улар ана шу асрдаги изланишлар ва тажрибаларнинг натижасидир. Улар ҳозирги замон роман жанри барқарорлигидан сўнг, Европа шарқи, Араб шарқи ва Европа гарби ўртасидаги илмий тадқиқотларнинг натижалари ҳамда Америка танқидий янгиланишининг (замонавийлашувињинг, модернизмлашувињинг) пайдо бўлиши билан ўзлаштирилган тажрибалар натижасидир. Бу авлод олдинги авлоддан фарқ қиласиган йўлни танлади,

мавзуларни күтариб чиқищдаги әмас, балки уларни баъзи адиллар томонидан бадиий шакллантиришда, матн услубидаги бадиий йўналишлар ва тил қурилишлари ҳам аввалги авлоддан фарқланадиган бўлди. Айни пайтда олтмишинчи йиллар ёзувчиларининг баъзилари роман тузилиши меъёрини сақлаб қолиб, унга баъзи бадиий услубий янгиликлар киритдилар. Мана шу ўтган йигирма йил ичдаги тарихий давр ёзувчиларидан бўлган Иброҳим ан-Носир тарихий воқеалар ва ижтимоий бадиий ўзгаришлар билан ҳамнафас бўлиб, роман жанри ривожига чиндан ҳисса қўшди. Саудия ёзувчиси ва мутафаккири илмий изланишлар орқали жаҳон танқидчилик муҳитидан, илмий-бадиий ривожланишдан ажралиб қолмади. Ёзувчиларнинг икки тоифага бўлиниши, икки гуруҳга асос солиниши ва унинг адабий ва фалсафий жиҳатдан ўзаро таъсирлашиши орқали буни шубҳасиз исботлади.

Биринчи гуруҳга киравчи адиллар Журжи Зайдон оқими ва услубидан тўлиқ таъсирландилар ва улар XIX асрдан мерос қилиб олинган эски йўл (услуб) да ижод қилишда давом этдилар, унинг хатоларини ўрганмадилар ва янги танқидий тамоийилларни ўрнатмадилар. Баъзи бир ёзувчилардаги таъсирланиш XX асрнинг олтмишинчи йилларидан бери Зайдон оқимиidan бевосита таъсирланган саудия ёзувчиларидағи ўзлаштирганлик даражасида бўлмаслиги мумкин. Ана шундай таъсирланганларнинг энг биринчиси Муҳаммад Зориъ Ақил 1960 йили “Муҳаббат амири” (“Амир ал-Ҳубб”) романини яратди. У ушбу асарда ўз ижоди учун материалларни ислом тарихидан олувчи, уларга иншо услубига ўхшаш шакл берувчи Журжи Зайдон услубига қандайдир даражада тақлид қилди. Ақил 1988 йили “Икки авлод орасида” (“Байна жилайн”) номли асар

ёзди. У ҳар икки асарда тарихий воқеаларга асосланиб, уларни тайёр қолипгага солиб, ҳодисаларни тарихий хотирадан олинган ҳақиқий образларда талқин қилди.

Саксонинчи йилларда Тоҳир Аваз Салом мана шу услугга эргашди, Саудия тарихига у яратган тўрт асарнинг муқовасига ёзилган йилларнинг гина алоқаси бор, холос. Биз бу асарларни таҳлил қилар эканмиз, улар содда тарихий ҳодисалар асосига қурилган бўлиб, ҳақиқий тарихий ҳикоя этиш ва романтизм ўртасида яратилганини кузатамиз. Ушбу тўрт асар 1980-1986 йилларда нашр этилди. Мазкур асарларда услуг жиҳатидан ривожланиш юз берган бўлса-да, образ яратишда ва ҳодисаларни ҳикоя этишда муаллиф Зайдон услубининг асири бўлишда давом этган. Шунга қарамасдан, Тоҳир Аваз Салом ҳодисаларни бошқара олиш, ўзидан аввалгилардан кўра роман тузилиши мувозанатини сақлаш қудратига эга. Лекин қисса унинг олдиндан белгиланган фикрларини ифодалайдиган бўлиб, бадиий-техник доирадан шахсий хотиralар ёки ижтимоий мавзудаги мақола даражасига чиқади.

Фуад Анқовий 1983 йили “Тоғ остида соя бўлмас” (“Ла зилл тахта ал-жабал”) романини нашр этди. У Макка мұхитидаги турли тарихий воқеаларни ҳикоя этади ва (1330-1370 ҳ.й.) 1911-1950 йилларни ўз ичига олади. У ҳодисаларни ифодалаш учун турли образлардан фойдаланди. Ана шу давр ичида маккалик оила ҳаётининг барча босқичлари тасвирланади. Ота – заиф шахс, отанинг хотини – худбин аёл, муомала қилишда ёмон характерли. Ушбу қиссада онадан етим қолган икки бола ҳақида, улардан бири ақлли, дарсларини қунт билан ўқииди, иккинчиси ёввойисифат қайсар бола.

(Ҳикоя этилаётган матн бўйича). Аксарият ҳодисаларнинг саҳнаси Маккан мукаррамада юз беради.

Бу гуруҳнинг сўнгтиси ўз асарларидан бирини “Кувайт гўзали” (“Faaddat al-Kuvait”) деб атаган Абдулазиз ал-Муҳанна ва уни 1990 йили нашр этган. Мазкур асар Журжи Зайдоннинг 1945 йили нашр этилган “Карбало гўзали” (“Faaddat al-Karbara”) асарига китобнинг номидан ҳам бевосита тақлид этилган асар. Бироқ ҳозирги замон адабий танқидчилиги меъёрлари билан ўлчаганда, XX асрда роман жанридаги ривожланиш нуқтаи назаридан драматик воқеаларнинг баён этилишини эътиборга олмаган ҳолда ҳам Зайдоннинг услуби, унинг ҳикоя этиш тили ал-Муҳаннанинг ҳикоя этиш тилидан устун туради.

Бир қатор романнавислар услубда ҳам, роман қурилишида ҳам Зайдон боғланиб қолган әмаслар. Биз биринчи гуруҳда уларнинг баъзиларини эслаб ўтдик. Улар асар учун материални тариҳдан олдилар, лекин уни бадиий ифода этишда эса муваффақият қозонмадилар. Лекин иккинчи гуруҳ ёзувчилари биринчи гуруҳ каби ёзишда давом этдилар, шу сабаб уларнинг асарларида эсга олишга арзигулик ривожланиш бўлмади, ҳали ҳам ўз ўринларидан силжимай турибдилар. Улар роман техникасини, ёзиш услубларини, бадиий хусусиятларини ривожлантирумадилар. Ушбу гуруҳ асарларида тил жиҳатидан ҳам, асар тузилиши жиҳатидан ҳам олтмишинчи йиллар романидан таъсирланиш аниқ-равшан кўринади.

Исом Ҳуқайр 1980-1983 йилларда учта роман нашр этди. Унинг яхши ижтимоий ғоялари бўлишига қарамай, шунингдек, бир интервьюда айтиб ўтгани – француз адабиётини ўқиганига қарамай,

адабий қобилияят етишмаслиги сабабли бу фикрларни “бадиий” услубда ривожлантира олмади.

Фуад Содиқ Муфтий икки асар – “Заифлик лаҳзаси” (“Лаҳзат ад-дуъф”) ни 1981 йили ва “Йўқ, бу орзу эмас эди” (“Ла, лам йауд ҳулман”) ни 1986 йили нашр этди. Ҳар икки асарда ҳам роман тузилиши талаб даражасида эмас, ҳозирги замон романни унсурлари билан таъминланган, янги иш ижод қилиш учун етарли бўлган ҳикоя этиш ва фантазия мавжуд бўлса-да, зиддиятлар кўп, асар тузилиши тартибланмаган.

Мухаммад Абду Яманий 1980 йили “Хоиллик қиз” (“Фатат мин Ҳайл”) асарини нашр этди. Бу асар ёзувчи фикридан иборат бўлиб, таржимаи ҳолга асосланган. Унда роман тузилишига алоқадор бўлмаган бир қатор исмлар жамланган, аксарият фикрлар йўл-йўриқ кўрсатувчи фикрлардир.

Иккинчи гуруҳ адиблари адабий тактикани араб ва жаҳон адабиётидаги буюк адибларнинг, замонавий адабий жанр жиловини тутган романнавислар ижоди ва таржима қилинган асарларини ўқиб, ўргандилар. Бу гуруҳ икки қисмга бўлинади. Бир тоифа ёзувчиларнинг адабий малакалари бадиий шакл беришда, образларни яратишда, ҳодиса ва воқеаларни кўтариб чиқишида, асар тузилишининг техникасини бошқаришда бадиий шакллардаги фарқларини ҳисобга олган ҳолда сайқалланди. Булар орасида Ҳамза Мухаммад Буқарий, Фуад Содиқ Муфтий, Ҳуда ар-Рашидни айтиб ўтишимиз мумкин. Булар гарб адабиётини, хусусан, ҳикоя жанрини аслиятда ўқидилар ва унинг натижаси бу ёзувчилар асарларида, саудия адабиётида мисли кўрилмаган тарзда янги усувлар билан кўринди, айниқса, бу саудия адабиётининг олтмиш йиллик тарихи давомида роман жанрида сезилди.

Иккинчи тоифа ёзувчилари хорижий адабий асарларни ўз тилида, баъзилари таржима қилингани асарларни етмишинчи йилларда, ўз ижодлари бошланишида ўқидилар. Масалан, Амал Муҳаммад Шата, Султон Саад ал-Қаҳтоний, Абдулла Жефри, Абдулазиз Мишарий, Сафия Абдулҳамид Анбарларни айтишимиз мумкин. Буларнинг роман жанридаги асарларига хорижий адабиёт билан бир қаторда Нажиб Маҳфуз, ат-Тойийиб Солих, Юсуф Идрис ва Ҳанна Мина каби араб ижодкорининг таъсири ҳам бўлди.

Султон Саад ал-Қаҳтоний икки роман нашр қилди. Биринчиси – “Оқшом зиёратчиси” (“Заир ал-маса”) 1980 йили нашр этилди. Бу романда муаллиф ўқиб чиққан биринчи араб романнависларидан бўлмиш Муҳаммад Абдулҳалим Абдулладан таъсирлангани яққол сезилади¹. Иккинчи асар – “Қанотсиз қуш” (“Тоир била жанаҳ”, 1981 й.) романини яратишида у ат-Тойийиб Солихдан, аниқроғи, унинг 1972 йили нашр этилган “Шимолга ҳижрат мавсуми” (“Мавсим ал-ҳижра ила аш-шимал”) асаридан таъсирангган.

Амал Шата биринчи асар – “Эртага унутаман” (“Фадан анса”) романини Тавфиқ ал-Ҳаким асарларидан, айниқса, 1938 йили чоп этилган “Шарқ қуши” (“Усфур мин аш-Шарқ”) романидан илҳомланиб ёзган. Унинг биринчи ишидан бошлаб ижод усули ажралиб туради. У романчилик доирасида ҳаракатланувчан инсон намунасини, кучли фантазияларини намойиш қилди, у образларини кучли бадиийлик билан яратиб, замонавий роман тузилиши хусусиятларига амал қилди.

¹ Юсуф Нофал. Муҳаммад Абдулҳалим Абдулло. “Ҳаёти ва ижоди” (“Ҳайатуху ва адабуху”). 9-бет. Риёз Университети босмахонаси. 1980 й.

Амал Шата 1989 йили нашр этилган иккинчи изходий иши – “Қалбим яшамади” (“Ла аша қалби”) романида биринчи типдаги романнавис сифатында үсганини күрсатди. Унинг услуби ва қобилияти роман тили билан муомала қилишида кўринди. Бу қобилият биринчи изходий ишига қарагандা етуклигига шак-шубҳа қолдирмайдиган даражада ривожланди. Бу бадиий-техник ривожланишнинг сири эканлигини ҳозирги замон танқидчилари ва тадқиқотчилар таъкидладилар¹. Биз юқорида эслаб ўтган ушбу асарлардаги таъсир баъзан шакл жиҳатидан, баъзан мазмун жиҳатидан, баъзан эса муваммоларни кўтариб чиқишдаги таъсиrlанишдан ошмаса-да, улар аввалги ёзувчиларда бўлгани каби соддагина тақлид қилиш эмас эди. Лекин кўплаб саудия романларидан шакл, услуб, асар қурилиши жиҳатлари бўйича аниқ (бевосита) таъсиrlанишни Нажиб Маҳфуз услугуга мойил бўлган Абдулла Жефрийда кўришимиз мумкин. Шунингдек, Абдулазиз Мишарийнинг трилогиясида ҳам ушбу ҳолат кўзга ташланадаи. Бироқ ундаги бошқарув бироз камроқ, Мишарий Нажиб Маҳфуз ўз трилогиясида яратган образи каби образ ярата олди. Мишарий ўз трилогиясини кейинчалик тўртлик даражасига олиб чиқди (Уни тадқиқотимиз даври қамраб олмагани учун кейинчалик мустақил тадқиқот доирасида кўриб чиқамиз). Биз тадқиқотимиз доирасида Миширийнинг фақат икки асари устида тўхталамиз. Биринчиси 1985 йили, иккинчиси эса 1988 йили нашр этилди. Бу икки асар саксонинчи йиллар асарлари орасида ажralиб турувчи асарлардан. Мишарийнинг “Ёқимтойлик” (“ал-Васмия”) романи тўртликнинг биринчи асари бўлса, иккинчиси “Булутлар

¹ Қаранг: Бернард Шелендер. Маҳмуд Жал ар-Раб таржимаси. 200-бет

ва күчатлар” (“ал-Гүйум ва манабит аш-шажар”) романы эса ҳодиса ва воқеаларнинг давомийлиги сифатида тўртликнинг иккинчи асаридир. Бу икки асарда Саудия Арабистонининг жанубий минтақасида қишлоқлар, у ердаги урф-одатлар, анъаналар ҳамда воқеа ва ҳодисаларга асосий эътибор қаратилади. Муаллиф унда авлодлар кураши назарияси, ижтимоий тараққиёт, маданият даражаси, ҳалқ мероси масалаларини баён этади. Худди Нажиб Маҳфуз ўзининг трилогиясида Қоҳира маҳаллаларидан биридаги шу масалаларни кўтаргани каби. Мишарий учинчи романини нашр этишни ваъда қилган эди. Учинчи роман аввалги икки асарнинг давоми бўлади¹.

Ўша ёзувчилар ўз адабий ҳаётларида араб ва жаҳон миқёсидаги етук асарлар услубига эргашдилар. Уларнинг баъзилари ўз асарларидаги адабий техникани ривожлантира олдилар, бошқалари эса аввалги ишларига тақлид қилишга ҳали ҳам уринмоқдалар. Яна баъзилари ўзларининг услубларини ривожлантириш қобилияятга эга эмасликлари ҳақидаги шубҳага ўрин қолдирмасликларини исбот қилдилар, бошқача қилиб айтганда, улар ўзларини такрорлашда давом этмоқдалар². Ўз замонида ҳукмрон услугуб бўлган Журжий Зайдоннинг услуги жуда кўп асарлардаги алоқалар асосини услубий жиҳатдан белгилаб қелмоқда. Ҳаттоқи бу нарса ўз асарларида Зайдон кўтариб чиққан муаммолардан бошқа муаммоларни кўтарган, унинг асарлари мавзуларидан бутунлай узоқ мавзуларда ижод қилувчи ёзувчиларда, улар Зайдоннинг услуби жуда кўп асарлардаги алоқалар асосини услубий жиҳатдан белгилаб қелмоқда.

¹ Абдулазиз Мишарий. “Қальъа” (“ал-Ҳасун”). Дар ал-ард” нашриёти. Риёз. 1992 йил.

² Иброҳим ан-Носир билан сұхбат. 1990 й. Каранг: Анвар ал-Маъдомий. “Адабиёт ва танқидчиликнинг жанр намуналари” (“Намазиж фанния мин ал-адаб ва ан-нақд”). 73-бет. Қоҳира, 1961 й.

дон ўзи учун чизган чизиқдан фарқланувчи чизиқ эгалари бўлсалар ҳам кузатилади. Ёки улар Зайдоннинг асарларини чуқур ўрганиб чиқмаганлар. Бу жиҳат образлар яратишда, сўзлар ва иборалар ишлатишда, яъни ҳикоя қилиш тилида яққол сезилади¹. Бу ҳолатда роман материали сифатида таржимаи ҳолни қўллаш. Бу албатта, романдағи бадиий ижод учун заарлидир. У гарчи муҳим таркибий қисмлардан бўлса-да, икки томонли қуролдир. Агар яхши қўлланилмаса, ҳодисалар ва образларни тарих кишсанларига боғлаб, кунлик ҳикоялар чегарасидан чиқмасликка мажбур қиласди. Ҳодиса асарнинг бадиий-техник қурилиши билан боғлиқ тўлиқ табиий мағзига асосланган бўлиши даркор. Бу соҳада Ҳамза Муҳаммад Буқарий каби кўплаб адиллар ижод қилдилар.

Саудия адабиётига умуман биринчи ҳақиқий таъсир этувчи омил уйғонишнинг бошланишидаги миср адабиётидир. Миср адабиёти нафақат саудия адабиётига, балки биз тадқиқотимизда айтиб ўтганимиздек, бошқа араб халқлари адабиётига ҳам таъсир кўрсатди. Бу таъсир этувчи омиллар ўз ўрнида ҳозирги замон миср адабиётига европа адабиётидан Наполеон босқини давридан бошланиб, кейинчалик Миср ёшлиарининг Европада ўқишилари орқали, ундан кейин европа мустамлакаси ва шомлик зиёлиларнинг ҳижрати орқали кириб келди. Шомлик зиёлилар Мисрни адабиёт учун, ҳозирги замон матбуотини таъсис этиш учун ҳосилдор замин деб билдилар. Матбуот ва ахборот воситалари орқали ёзилган, тасвирга туширилган фикр ва

¹ Аҳмад Али Жавбалий. “Журжий Зайдонинг “Севувчилар кураши” романи бўйича тадқиқот”. 5-бет. Қохира, 1985 й. Қаранг: Махмуд Раддовий. “Тоҳир Аваз Саллом” асарлари бўйича тадқиқот”. “ал-Жазира” газетаси. 3.4.1407 х.й. / 06.12.1986 й. 8-бет.

гоялар Саудия Арабистонида Миср ва Арабистон ярим ороли ўлкалари орасидаги масофа яқин бўлгани учун тез тарқалди. Бу таъсир, энг аввало, Ҳижозда вакиллар орқали, яъни саудия зиёлилари гурӯҳи, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ҳукумат идораларида ишлаш учун келган мисрликлар орқали ўз ўрнини яратди.

Ҳижоз иқлимида қадимда Байтуллоҳга ва Масжид ан-Набавийга қўшни бўлиш учун келган муҳожирлар мавжудлиги туфайли ўзига хос маданият мавжуд бўлган. Ҳижознинг Миср билан алоқаси ушбу омилларнинг биринчилариdir. Саудия Арабистонининг бошқа минтақаларидан кўра кўпроқ ҳижозликлар миср маданиятидан таъсирланганлар. Бундай шароитда агар Ҳижоздаги саудия романнависларининг аксарияти, улар билан бирга таълим ва матбуот байробини кўтарган биринчи зиёлилар миср университетларининг битириувчилари эди десак, муболага бўлмайди. Саудия уйғонишининг бошланишидан Ҳомид Даманҳурий, Исом Ҳуқайр, Амал Шата, Фуад Анқовий ва Ҳамза Буқарий шулар жумласидандир.

Мисрлик зиёлилар Саудия Арабистонига (ва бошқа араб мамлакатларига) мактаблар ўқитувчилари, университетлар устозлари, врачлар ва бошқалар сифатида келдилар¹. Мансур ал-Ҳозимий шундай дейди: “Миср ҳали ҳам шу ролни бажариш вазифасини ўзида сақлаб келмоқда. Миср ёлғиз ўзи ўтмишда барча араб мамлакатларини озиқлантиргди, у ушбу юкни қўтариб келишда ва бу ролни бажаришда давом этмоқда”².

¹ Мухаммад Али Мағрибий юбилан сұхбат. “ал-Мадина” газетаси . 8-бет. 27.03.1984 й.

² Мансур ал-Ҳозимий. “Танкидий фикрлар” (“Мавакиф нақдия”). 289-бет. “Дар ас-Сафий” нашриёти. Риёз. 1990 й.

Рожер Аллан шундай дейди:

“Арабийзабон оламда романчилик анъанасини ривожлантириш учун Миср намуна сифатида танланган эди, бу ҳақда эслаб ўтиш жоиз, чунки биз томонимиздан кўриб чиқилаётган даврда тарихий, жуғрофий ва маданий омиллар биргаликда уни хронологик жиҳатдан энг пешқадам ўринга қўяди”¹.

Яна бир ўринда миср романни пешқадам бўлиши ҳақида, унинг дастлабки ўн йилликларда устун бўлишининг сабаблари ҳақида шундай дейди:

“Хронология ва маҳаллий хусусиятлар ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, аммо асосий кетма-кетлик бир хил эди: биринчидан, таржима ёки арабийлаштириш; иккинчидан, тақлид қилиш ёки мослашиш, сўнгра маҳаллий ижод”².

Миср адабиётига ва миср адиларига ҳурматимизни билдириб, миср ва ливан романчилигининг пешқадамлигини ва уларнинг араб романчилигига таъсирини эътироф этган ҳолда, Мансур ал-Ҳозимий ва Рожер Алланга ҳурмат-эҳтиромимизни билдириб, уларнинг ўз китобларидағи саъй-ҳаракатларини муносиб баҳолаган ҳолда, таъкидлашимиз жоизки, саудия адабиёти ва хусусан саудия романчилиги ўз табиати (*характерига*) ва ўз мухитига эга бўлди, саксонинчى йилларда уларнинг ўз пешқадамлари пайдо бўлди. Бу уларни бошқалардан ажратиб турадиган бўлди. Бунга зид келадиган бирор фикр ёки буни таъкидламайдиган ҳар қандай бошқа фикр эски нуқтаи назарга асосланган тадқиқот ҳисобанади. Адабиёт ва фикр у араб бўладими ёки ажнабийми бир-биридан воз кечча олмайди. Ҳар бир адабиётнинг ўз хусусиятлари мавжуд бўлиб, у ана шу хусусиятларни ўз ичи-

¹ Roger Allan. “The Arabic Novel: An Historical and critical introduction”. University of Manchester. p. 41. 1982

² Ibid. p.52

да күтариб чиқади. Мана шу сүнгти фикрга энг яхши мисолни Абдулла Жефрий ижодида топамиз. Унинг ижоди саксонинчи йилларда саудия ёзувчиси учун нашр қилиш ва тарқатиш имкониятлари яратилгач, пайдо бўлди. Энди ёзувчилар асарларини чет элларда чоп этишга мажбур бўлмай қолдилар. Шунга қарамай, бу ёзувчи ҳали ҳам миср ёзувчилари услубий таъсири остида қолмоқда. Масалан, монолог – ўзига ўзи хитоб қилип, диалог – суҳбатни қўллаш, бунда, айниқса, баъзан Жидда шевасини, баъзан эса Қоҳира шевасини қўллаши, бу ҳижоз ва миср шеваларининг қоришимаси шахсий ҳолатнинг руҳий жиҳатини белгилайди. Баъзан маҳаллий воқеликдан узоқлашиб, ўз муҳитидан узоқ бўлган жаҳон адабиёти оқимига қўшилиб кетади. Оқибатда роман умумий меъёрларида белгиланган, талаб қилинган мақсадга олиб келмайди¹.

Бу авлод ёзувчилари ватанларининг муаммоларини ўз ҳикоялари ва романлари орқали кўтардилар. Бу авлоднинг ижоди йўқ жойдан пайдо бўлиб қолмади, адабий образнинг номаълум жиҳатларида тентираб юргани йўқ, балки жаҳон романини ўқиши орқали, жаҳон адабиётидан ўз илдизларини олувчи етук араб ижодиёти билан танишиш орқали бошлианди. Бу гапни барча роман ёзувчиларига татбиқ этиб бўлмайди. Лекин мен бу ерда роман майдонида ўзларининг мавжуд эканликларини исботлай олган ёзувчиларни назарда тутяпман. Баъзилар дастлабки ижодларида ўзгаларга тақлид қилган бўлсалар, кейинчалик ўсиб, ўз услубларига, шакл ва мазмун жиҳатидан ўз адабий образларига эга бўлдилар ва уларнинг ўзларига хос ажralиб турувчи услублари пайдо бўлди.

¹ Юсуф Нофал. "Саудиялик адиблар" ("Удаба мин ас-саудия"). 16-бет. "Дар ал-улум" нашриёти. Риёз, 1983 й. Қаранг: Мухаммад аш-Шувейир. "Абдулла Жефрий". "Маданият ва санъат" журнали. 42-бет. Май 1982 й.

САКСОНИНЧИ ЙИЛЛАР РОМАНЛАРИ (ТАДҚИҚОТ ВА ТАҲЛИЛ)

Саксонинчи йилларда пайдо бўлган романлар улар пайдо бўлган даврнинг тарихий шароитидан ҳам кўпроқ муаллифларининг йўналишларини ифодалайдиган мажмуя ҳисобланади. Уларнинг баъзилари босиб чиқарилган даврни тамсил қилимайди, баъзи образларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, воқеалар ва ҳодисалар ишора қилган макон ва муносабатларни ҳам ифодаламайди. Биз аввалроқ роман, қисса ва ҳикоя тушунчаси ҳақидағи ноаниқликлар ҳақида сўзлаган эдик. Бу шакллар ўртасидаги ноаниқликлар баъзи ёзувчиларда ҳалигача мавжуд. Бу тушунча китоб муқовасига ёзилган “роман” сўзидан нарига ўтмайди ва баъзилар жанр ҳақидағи тараққиётга қарамасдан уни исботсиз қабул қилинган қоида деб оладилар. Баъзан эса аввал танқидчилар ва тадқиқотчилар белгилаган роман шарт-шароитлари мавжуд бўлмаган асарларни бизга тарихий шароит мажбуран қабул қилдиради, уларни роман ўрганиб чиқилаётган тадқиқот доирасига қўшамиз ва бу роман жанрига тасниф қилинган асарларга кирмайди, лекин у ёзувчининг фикрини ифодалайди деб кўрсатиб ўтамиз. Биз уларни қўйидаги таҳлилларда учратамиз.

**МУҲАММАД АБДУ ЯМАНИЙ (1940 й.т.)
“ҲОИЛЛИК ҚИЗ” (“ФАТАТ МИН ҲАИЛ”), 1980**

Муҳаммад Абду Яманий 1974-1983 йиллари Саудия Арабистони Ахборот вазири лавозимида ишлабган. У ўзининг вазирлик мақомида, кейин университет ректори лавозимида етуклик ўз самарасини бераётган уйғониш жараёнида ўзининг муносиб

ҳиссасини қўшишни хоҳлаган эди. Мана шу фикр билан у ўзининг “Ҳоиллик қиз” (“Фата мин Ҳаил”) китобини нашр қилиди. Бунда у саудия ёшлирига мурожаат қилиб, уларни ўз ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб тўғри йўлга бошлаб, уларга ҳаётда учрайдиган баъзи амалий ва ижтимоий муаммоларни ечишда насиҳатлар қилмоқчи бўлди. Булар орасида баъзилар ким ўзарга қилаётган маҳрларнинг ҳаддан зиёд ошиб кетаётганини мисол қилиб келтирди. Агар Яманий ушбу муаммони етмишинчи йиллар охирида, саксонинчи йиллар бошларида кўтарган бўлса, унга қадар бошқа романнавислар ва ҳикоянавислар бу мавзуни турли йўллар билан кўтариб чиққан эдилар. Уларнинг баъзиларини, масалан, олтмишинчи йиллардаги Ҳомид Даманҳурий ва Иброҳим ан-Носирнинг асарларини ушбу тадқиқотда кўриб чиқдик¹.

Яманийнинг ушбу асари ўз шаҳридан ёки ўз қишлоғидан ташқарида ишлашни рад этган бир ёш йигит ҳақида, шу сабабга кўра у ишдан айрилади ва ишсиз бўлиб қолади. Бошқарлар эса шаҳарларидан узоққа бориб ишлаб, ўзлари учун яхши келаҗакни таъминлайдилар.

Баъзилар роман деб атаган ушбу асар жуда оддий хотиралар бўлишдан нарига ўта олмайди. Муаллиф дастлаб Подшо Сауд Университетидаги устозлик тажрибаси ҳақида сўзлайди. Жамол Абдул Носир Миср Президенти бўлган пайтида Саудия Арабистони ва Миср Араб Республикаси ўртасида келиб чиққан инқироз натижасида мисрлик устозлар мамлакатни тарқ этган эдилар. Универ-

¹ Ҳомид Даманҳурий. “Ва кунлар ўтди” (“Ва маррат ал-айям”). “Дар ал-илм лил-малайн” нашриёти. Байрут. 1963 й. Қаранг: Иброҳим ан-Носир. “Ўлниклар кемаси” (“Сафитнат ал-мавта”). Ал-Анвар босмахонаси. Риёз, 1969 йил.

ситетда уларнинг ўрни бўш бўлиб қолганди. Натижада университетда ўқитувчилар етишмай қолди, бир қатор зиёлилар ана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида университетга дарс беришга отландилар. Муаллифнинг ўзи ҳам ана шулар орасида бор эди.

Мазкур асарнинг мана шу қисмида у ўз исми ни тилга олмай, ўзи ҳақида сўзлайди, Университет ҳаётидаги бу инқироз даврида фидокорлик қилган ҳамкасларини тилга олиб, уларга миннатдорчилик биладиради. Улар орасида Абдулваҳоб Абдулвосиъ, Абдулазиз ал-Хувайтири, Носир ал-Манқур, Аҳмад Закий Яманий, Ҳишам Нозир, Алавий Дарвиш Кайял, Ҳасан ал-Мишарий, Умар Фақиҳларни айтиб ўтади. Муаллиф бу исмларни асарнинг иккинчи қисмида ҳам, Мудофаа ва авиация вазири қаҳрамоннинг саъй-ҳаракатларини тақдирлаб, унга автомашина совға қилганида тилга олади.

Юсуф Аззиддин роман деб атаган ушбу асар ҳақида “Китоблар олами” (“Аlam ал-қутуб”) журналида ёзган мақоласида фикр билдириб, у ердаги таникли шахсларнинг номлари эмас, лавозимлари орқали амалга оширган ишларини айтиб ўтишни лозим деб топади, Аззиддин: “Уларнинг исмларини хотираларида эслаб ўтса яхши бўлар эди, чунки уларниг исмларини эслаб ўтиш роман жанрига фойда бермайди, буни шахсий хотиралар китобида келтириш ўринли бўлар эди”¹ дейди.

Асарнинг иккинчи қисмини биринчи қисм билан ҳеч нарса боғлаб турмайди. Муаллиф ушбу асарнинг қаҳрамони деб атаган образ пайдо бўлади. У ҳарбий хизматга кириб, мамлакатнинг шимолига, аниқроғи, Ҳоил шаҳрига боради. У шаҳарда ўз орзу-

¹ Юсуф Аззиддин. “Мухамад Абду Яманийнинг “Холилик қиз” романи”. “Китоблар олами” (“Аlam ал-қутуб”) журнали. 532-бет. 1981 йил.

сидаги қиз Ҳаё билан учрашади. Маккага қайтгач, у ўз ҳаётини Ҳаё билан боғламоқчи бўлганини, унга уйланмоқчи эканлигини онасига айтади ва бу билан онасининг жаҳрини чиқаради. Онаси ўғлининг ёлғиз ўзи бундай қарор қабул қилиши бундай муносабатлардаги одатта тўғри келмайди, ўғлига келин танлаш фақат онанинг ҳаққи деб ҳисоблайди. Шунга қарамай, ҳаҳрамон шу қизга уйланади ва у билан бирга Америкага ўқишига кетади. Дастрлаб ўқишини эплай олмайди, лекин қизнинг қўллаб-қувватлаши билан ўқишини давом эттириб, муваффақият қозонади ва магистрлик даражасини олади. Саудияга қайтиб келиб, ҳарбий хизматга киради. Парвоздардан бири чоғида ҳарбий самолёт двигателларидан бири ишдан чиқади, бу муаммони у кучли имон билан қарши олади, дўсти эса имони заифлиги сабаб қўрқувдан мусибатга учраб, бемор бўлиб қолади. Қаҳрамоннинг бу шижоати учун Мудофаа вазири уни автомашина билан мукофотлайди.

Муаллиф ушбу содда жўн ишни роман деб атайди. Унда сюжет ва ечим йўқ, у ўз фикрларини, ўй-хаёлларини билдириш учун қўлланилган бирикмадир. Унда бирор мантиқий боғлиқлик билан боғланмаган турли мавзулар жамланган. Биз буни роман доирасидаги ҳалқалар, сериялар де-йишимиз мумкин. Бу асар у ер, бу ерда сочилиб ётган фикрлар қоришмасидан иборатdir. Бунда ўз шаҳридан узоқда ишлашни ёқтирмайдиган ёшлар муаммоларидан ҳарбий хизматга кириш афзаллиги ҳақида ва бошқа диний мавъизалар тўпланган. Мавъизалар юриш-туриш ҳақида бўлиб, улар тарбиявий аҳамиятта эга. Тўпланган ҳодисалар бир неча томондан очилган. Ўз шахсий қараши асосида бир образни, сўнг бошқа нуқтаи назардан бошқа образни очиб беради.

Асардаги образлар ҳақида чиқарилған ҳүкмлар олдиндан тайёрланған ҳүкмлар, уларни ўқувчиларга тақдим қилинар әкан, уларни огохлантириб, маслаҳатлар берилади. Булардан ташқари муаллиф дин ва имон аҳамияти ҳақида астайдил жон күйдириб гапиради. Турли ўринларда Қуръон оятларидан иктибослар келтиради. Бу, албатта, мақтовга лойиқ иштедір. Агар уларни юксак романчилик услубида тақдим қилганида янада яхшироқ бұлар зди.

Бу асар таржимаи ҳол, жамият ва дин, у ер бу ерда сочилған ҳар кунлик муаммолардан ортиқ нарса бұла олмайды, уни заиф қисса табақаси ўраб турғандек бұлып қолған¹.

Мана шу давр ичида пайдо бўлган дастлабки асарларнинг ҳаммаси ҳам саудия романчилиги ривожига ҳисса қўшмаганлитини исбот қилдик.

ТОҲИР АВАЗ САЛОМ (1934 – “КЎМИЛГАН САНДИҚ” (“АС-СУНДУҚ АЛ МАДФУН”), 1980

Бу жазанлик қиз Салманинг қиссаси. У қудукдан сув олиб келаётганида Ҳассон исмли деҳқон томонидан зўрланади ва ҳомиладор бўлиб қолади. Иложи қолмай, Салма Ҳассондан уйланишни талаб қилади. Лекин у амакисининг қизи Зайнабни яхши кўришини айтади. Салма қочишга қарор қиласди ва аммаси Афронинг олдига бошпана излаб боради. Аммаси ўғли Ҳамдон билан маслаҳатлашиб барча йўллар билан ёрдам беришга ҳаракат қиласди. Ҳамдон уни иккинчи хотин қилиб олиш йўли билан ҳимоя қилмоқчи бўлади. Унинг хотини чиройли ва одобли аёл Фотима вазиятни тушуниб, бу хайр-

¹ Мухаммад Солих ап-Шантий. Ҳозирги замон аудия адабиётида роман жанри”. (“Фани ар-ривая фил-адаб ас- саудий ал-муасир”). 229-бет, Жазан адабиёт клуби. 1990 йил.

ли ишга рози бўлади. Улар Салмани бу ноқулай аҳволдан қутқаришга келишадилар. Салма муқаррар ӯлимдан қутулиш учун иккинчи хотин бўлиб турмушга чиқади.

Салма ўғли туғилгач, Жобир деб исм қўяди. Сўнг Ҳамдонни кўндириб, болани унинг ҳақиқий отаси Ҳассонга әлтиб беришни сўрайди ва ўзини водийдаги сел келганда тўладиган анҳорга ташлаб, ўз жонига суиқасд қилмоқчи бўлади. Ҳамдон ва Фотима ўзлари билган ҳамма жойдан Салмани қидиришиади, лекин ҳеч натижা чиқмайди. Салма ўз жонига қасд қилишга ҳаракат қиласди, лекин ҳар сафар бу нияти амалга ошмайди. Сел тўлқинлари уни водий қирғоғига чиқариб ташлайверади. Водийда канал бўйида бир мусоғир туясини етаклаб кетаётган бўлади, унинг ҳушсиз ётганини кўриб қолиб, қутқаради, туясига юклаб, уни ўз аҳли олдига олиб кетади ва шифо топгач, унга уйланади.

Ҳамадон болани онасининг васиятига кўра Ҳассоннинг олдига олиб боради. Ҳассон уни қабул қилмайди ва уни онаси Умм Ҳассонга олиб боришни айтади. Умм Ҳассон ўғлининг қилган иши ҳақида ҳеч нарса билмайди. Кечки пайт Ҳассон уйига қайтгач, қилган гуноҳини ҳис этиб, вижданни қийналади, лекин тезда ўзини бўлиб ўтган ишга алоқаси йўқ деб ишонтира олади. Тез кунларда унинг онаси вафот этади. Ҳассон дала ерини сотишга қарор қиласди, уни сотиб пулини тиллага алмаштиради ва сандиққа солиб уйининг ҳовлисига кўмиб қўяди. У кўмилган жойни белгилаб, схемасини чизади. Сўнг ўғлини олиб қишлоқдаги солиҳлиги ва тақводорлиги билан танилган Салман ва унинг рафиқаси Ҳазронинг уйи олдига васият билан қолдиради ва қочиб кетади. У ҳам Салма каби ўз жонига қасд қилиб, қилган хатосини тузатмоқчи бўлади.

Жобир Салмоннинг болалари Ҳасан ва Зуҳра билан ўсади. Салмон ва унинг хотини Жобирга бошқа исм бериб, уни Ҳусайн деб атайдилар. У етти ёшга тўлганида, қишлоқ аҳлидан у Салмоннинг ўғли эмаслиги, Салмон топиб олиб, тарбиясига олган “ташландиқ” эканлигини эшишиб қолади. Шунинг учун қишлоқдан бошқа ёққа қочиб кетишга қарор қиласди. У йўлда кетаётганида бир мусофирлар жамоаси учратиб қолади ва уни олиб, бошқа оиласа беради. Бу оила – Абдулло ва Саъдия бўлиб, уларнинг икки қизи Лайло ва Сакина бўлади, Жобир–Ҳусайнни улар ака қилиб олишади ва унга Фоним деб исм беришади.

Катта қиз Лайло турмушга чиқади. Сакина Фонимни яхши кўриб қолади. Қабила шайхининг ўғли Ҳоди Сакинага уйланмоқчи бўлиб, совчи қўяди. Лекин Сакина уни рад этади, у Фонимни севади ва унга турмушга чиқмоқчи бўлади. Бундан жаҳли чиқиб, ҳамманинг олдида ким Сакинага уйланмоқчи бўлса, унга беш минг риёл тўлаши кераклигини эълон қиласди. Фоним қишлоқдан шаҳарга талаб қилинган маблагни йиғиш учун пул топгани йўл олади. У Мадинадаги Солиҳ исмли тижоратчилардан бирининг қўлида иш топади. У билан етти ой ишлайди. Солиҳ унга мол бериб, қишлоғига олиб бориб сотишни ва Ҳоди билан муаммосини ҳал қилишни топширади.

У ўз қишлоғига кетаётиб, Шиаб қишлоғидан ўтади ва у ерда қўл-оёғига кишан солинган бир маҳбусни кўради, у синглисини зўрламоқчи бўлган кишини ўлдириб қўйган бўлади. Фоним ва Шиаб қишлоғидаги қабила шайхи Исо ўлдирилган киши учун товон тўлаб, маҳбусни озод қилишмоқчи бўлади. Товон учун қишлоғида сотгани олиб кетаётган молларни беради. Бу дегани энди у Солиҳнинг олдига бўш қўл билан қайтиб боради. Солиҳ унинг уз-

рини эшитгач, беш минг риёл Ҳодига тўлаши учун қарз беради, ундан сўнг оиласи билан Мадинага қайтиб келиб, у билан, яъни Солиҳ билан ишлашда давом этишини айтади.

У ўз қишлоғига кетаётган йўлида Шиаб қишлоғига кириб, ҳамма молларини бериб, қамоқдан қутқариб қолган йигитни кўрмоқчи бўлади. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқади, у қутқариб қолган йигит Салмон ва Ҳазронинг ўғли, әмикдош акаси Ҳасан бўлиб чиқади. Фоним бу оиласини олиб иккинчи оиласи Абдулло ва Саъдиянинг олдига олиб бормоқчи бўлади, лекин тез орада маълум бўладики, Саъдия бу Салма, яъни Фонимнинг ҳақиқий онаси. Абдулло эса Салмани қутқариб олиб кетган мусофир бўлиб чиқади. Бу учрашувдан сўнг Салмон Фонимдан кўнгли хотиржам бўлади ва тилла қўумилган жой кўрсатилган схемани беради ва Ҳассон қўумиб кетган сандиқнинг жойини тушунтириб беради. Фоним Ҳасан билан бирга сандиқни излаб боради ва улар ҳақиқатан ҳам тилла тўла сандиқни топадилар.

Жобир-Хусайн-Фоним барча оила аъзоларини олиб Мадинага боради, бирга ишлаётган савдогар Солиҳнинг қизи Жамилагага уйланади, чунки Сакина бир онадан бўлган синглиси. Салма-Саъдия тушунарсиз сабабга кўра Абдуллани ташлаб, аммасининг ўғли Фотиманинг эри Ҳамданнинг олдига бирга яшагани кетади.

Бу асар жуда ҳам ажойиб романтизмнинг аралашмаси. Бундан ташқари воқеалар ҳақиқий ҳисобланади, муҳит эса жойларнинг номлари билан таниш. Умумий ҳаёт ҳалқ характеристига эга бўлиб, унда ҳикоя этиш усули оқшом эртаклари-ю, ҳалқ хурофтлари тузилишига ўхшаб кетади. Бироқ муаллиф ҳалқ меросини тўғри шаклда яхши бадиий-техник қурилишда ишлатади.

Муаллиф муқаддимада қиссадаги барча образлар ва воқеалар ҳаётий деб баён этади. Лекин масаланинг гаройиб томони, кейинчалик юз берган зиддиятлар ва баъзи сабаблар уни хаёлий деб ўйлашга йўл қўймайди. Шулар орасида сананинг эслаб ўтилиши: “1350 йил куз кунларидан бирида Ҳассон ўғлини бериб қўйиш учун Салмоннинг эшигини тақиллатди”¹. Муаллифнинг бу асардаги ва ундан кейин тўртта асарида воқеалар ва уларнинг тузилиши Зайдон услубида берилган. Америкалик тадқиқотчи Рожер Аллан Журжи Зайдон ҳақида шундай деб ёзган эди: “Журжи Зайдоннинг аксарият романлари замонавий ҳинд фильмларига ўхшаб кетади, унда ҳар нарса бор: қотиллик, алдов, муҳаббат ва рақс...”².

“ЯНА ТОНГ ОТАДИ”, 1982

Бу асарнинг қаҳрамони Асма исмли қиз кичкиналигида отасидан айрилган бўлади. Кейин онаси Алия шу қиздан бошқа ҳеч қандай мерос қолдирмаган эрининг вафотидан сўнг турмушга чиққан иккинчи эри жаноб Яҳёнинг қўлида катта бўлади. Асма ишчи табақасида бўлган йигитга турмушга чиқишини орзу қилади. Бу оила аъзоларидан бири – Солим, Яҳёнинг амакисининг ўғли, ёшлигига отасини йўқотган. У ҳам Яҳёнинг қўлида ўсиб, улгаяди. Риёз университетининг қишлоқ хўжалиги факултетида ўқииди. Ўқиши тутатгач, шу муносабатни оила аъзолари билан нишонлаш учун қишлоғига қайтганида, Яҳё амакиси унинг Асмага уйланиши учун тўй тайёргарлигини кўриб қўйгани кутилма-

¹ Роман. 44-бет.

² Roger Allan. The Arabic Novel. p.27 and 46 (2).

ган хабар бўлади. Бу режада бўлмаган иш эди, Солим бу таклифни рад этади, барчалари бир уйда катта бўлганлари учун уни синглисидаи ҳисоблаб, турмуш ўртоги бўлишини ўйламайди. Асма ҳам Солимга турмушга чиқишини хоҳламайди, чунки унинг ҳам ҳиссиётлари шундай, фикрлари ҳам бир хил.

Солимнинг бу иши Яҳёнинг жаҳлини чиқаради, чунки у рад этиладиган иш деб ўйламас эди. Яҳё Солимдан умид қиласар, агроном бўлиб, катта дала хўжалигини бошқарадиган унинг ўнг қўли бўлишини хоҳлар эди. Газаб устида унинг қишлоқдан кетишини буюриб, уни қайта кўришни хоҳламаслигини айтади. Солим қишлоқни тарк этиб, Жиддага иш излаб кетади.

Яҳё Асмадан Солимга турмушга чиқишини рад этгани учун ўч олишга қарор қиласади. Уни ўз йўлида хўжаликни бошқараётган Қосим исмли фақир кишига турмушга беради. Яҳё Қосимга аванс тариқасида ўн беш минг риёл пора беради. Буни Асмага маҳр учун беришини айтади ва унга совчи жўнатишини буюради. Яҳё қизни ва онасини кўндиришга уринади ва розиликларини олади.

Асма Қосимга турмушга чиқади ва у мискиннинг уйига боради, уй бир хонадан ва ошхонадан иборат бўлиб, унда тўшак маъносидаги кўрпа-тўшак ҳам бўлмайди.

Яҳё Асмадан ўч олиш ва кўпроқ азият етказиш учун уни ҳайдаб юборади ва Қосимни ишдан бўштади, Асмага маҳр учун тўлашга берган қарзини астойдил талаб қила бошлайди. Асманинг онаси Алия Яҳёнинг бундай мутаассиблик ишларига қарши чиқади. Яҳёнинг газаби қўзғаб, уни ҳам уйдан ҳайдайди, у қизининг ва куёвининг уйига кетади.

Яҳё Қосимга зулм ўтказиша давом этади, бу ишига Яҳёнинг ўрнига дала хўжалиги бошлиги этиб

тайинлаган Фаражни жалб қиласи. Қосимнинг қўшнисининг хотини Ҳадижа уларга қўшни бўлган биринчи кундан бошлаб ёрдам бера бошлиди. Фараж Қосимга қарши макр-ҳийла тузофини қўйишни режалаштиради. Даала хўжалигида ўғирликда айблайди. Яхё бу ҳақида хабар беради. Қосимни қўлга оладилар, Фараж тайёрлаб қўйганлар гувоҳлик берадилар. Алия Солимни дўсти, қишлоқда ёшлигидан бирга ўсган ўртоғидан хат ёзиб беришни, унда Яхё ва унинг одамлар ўйлаб топган уйдирма орқали дуч келган муаммони тушунтиришни илтимос қиласи. Юсуф бу ишни қилишидан олдин Ҳадича гувоҳларни қишлоқ шайхининг олдига олиб келади. Шайх уларни сўроқ қилиб, ёлғон гапираётгандарини аниқлайди, улардан маҳкамага бориб даъволарини қайтиб олишларини ва Қосимни оқлашларини талаб қиласи. Ҳақиқатан ҳам Қосим озод этилади.

Яхё ҳайдовчиси билан Абҳага сафар қиласи, йўлда даҳшатли йўл-транспорт ҳодисасига дуч келиб, оёғи синади. Сўнг шифохонага олиб кетилади. Фаражнинг хотини Лайло уни Қосимга ёмонлик қилишни тўхтатишга кўндиради. Қосим уни кечиради. Ундан аввал Салмон қишлоққа қайтиб, у билан Яхёнинг аварияга учрашганини оиласа хабар қиласи. У Яхёнинг ҳайдовчиси бўлиб, авариядан омон қолган эди. Яхёнинг шифохонада эканлигини ва улардан қилган ёмонликлари учун узр сўраб, кечиришларини сўраётганини айтади. Оила Абҳага бориб, уни шифохонада зиёрат қиласи, унинг аҳволидан афсус қилишаётганини айтишади ва қилган ишлари учун уни кечиришади. У йиғлайди, бор мол-мулкини Асма ва Алияга мерос қилиб беради ва вафот этади.

Бу асаддаги воқеалар мамлакатнинг жанубидағи Жазан минтақаларидан бири – Сабияда бўлиб ўтади. Муаллифнинг барча асаллари воқеалари шу

ерда юз беради. Қисса аксарият бобларида батамом тасодифга асосланган, воқеа ва ҳодисалар ҳам түсатдан юз берган ҳодисалардир. Таҳлилдан күриниб турганидек, образнинг ўсиши ҳам файриоддийдир, ривожланиш йўқ, бадиий ижодийлик қобилияти ҳам шундай. Ёзувчининг услуби унинг биринчи асари “Қўмилган сандик” билан солиштирилганда, айниқса, диалоглар қисмида, образларни тасвирлашда, ҳар кунлик ҳаракатда, жой танлашда, мана шу ўлкадаги жамиятнинг умумий ҳаётини тасвирлашда ўзгармайди¹.

“ЁНГАН ҲИССИЁТЛАР”. 1986

Бу Тоҳир Аваз Саломнинг тўртинчи асари. Муаллиф Жазан минтақасидаги бошлангич мактаб ўқитувчisi, асли шу ерлик. Ўз мулоҳазаларини, ҳамкаслари ва ўқувчилари билан суҳбатларини ёзиб олган. Мана шу суҳбатлардан ва мулоҳазалардан” асарда фойдаланган, лекин бу нарса асарга бадиий жиҳатдан путур етказган. Бу асар бундан унча кўп бўлмаган вақт аввал нашр этилган уч асардан сўнг юзага келди. Муаллиф таълим соҳасида тажрибага эга бўлди, лекин қобилият ҳали етук бўлмаганлиги асарнинг муваффақиятли чиқишига тўсиқ бўлди. Бу бир оила қиссаси бўлиб, уни муаллиф роман қолипига солмоқчи бўлди.

Асарнинг бош қаҳрамон Аҳмад исмли йигит, отаси вафот этган, онаси унинг ўсиб-улғайиши, юқори даражада зиёли бўлиши учун меҳнат қилиб, курашади. У билан бирга асарнинг бошқа қаҳрамонлари – синглиси Зайнаб ва акаси Жаъфар. Тоҳир Аваз

¹ Ҳассан Мұхаммад Абу Савсайн. “Илонлар ертўласи” романи. Муқаддима. 109-бет. “Дар ал-Умайр” наприёти, Жидда. 1983 й.

Саломнинг бошқа асарларида бўлгани каби роман воқеалари Жазан минтақасида бўлиб ўтади, у Сомита шаҳридан бошланади.

Аҳмад Сомитадаги бошлангич ва умумий ўрта мактабни битиради, сўнг лицейда ўқиш учун ёлғиз ўзи Жазан шаҳрига кўчиб ўтади ва Муаз ибн Жабал номли мактабда ўқиёди. Бу шаҳарда у мактабнинг рўпарасидаги уйда яшайди. Бу уй Жазаннинг оқсоқоли Маҳмуднинг уйи рўпарасида бўлади. Аҳмад оқсоқолнинг қизи Каримани севиб қолади. Бир куни қиз эрталаб мактабга кетаётib ўгринча кўриб қолади ва у ҳам Аҳмад каби ҳиссиётга берилади. Ўқишининг биринчи курсини тугатгач, ёзги таътилни ўтказиш учун ўз шаҳрига кетади. У ерда онаси Амина ҳали ҳам турмушга чиқмаган холаси Марям билан яшайди, Марям акаси Абдуллонинг хотини билан урушиб қолгани учун уни уйдан ҳайдаб юборган, Марям у уйни ташлаб келган, Абдулло бир онадан бўлган синглиси Аминани отасининг вафотидан олдин унда ёлланма ишчи бўлиб ишлайдиган Омирга турмушга чиққанлиги учун ҳам ёмон кўрарди. Омир Абҳа минтақасидан. Омир Абдуллонинг синглисига уйланишидан олдин ҳам икковларининг келишмовчиликлари бор эди.

Аҳмад ёзги таътилдан қайтаётганида Марям унга ёрдам бериб, ёлғизлигига қараб туриш ва овқат тайёрлаб бериш учун у билан бирга кетишга қарор қиласди. Каримани яхши кўришини билганидан сўнг оқсоқолнинг оиласи билан дўстлик алоқасини ўратади. Кариманинг опаси Кавсар билан яқинлашади. Аҳмад Каримага уйланишида Маҳмудни кўндиришга Кавсар ҳаракат қилиши мумкин.

Абдулло ҳам Каримага уйланмоқчи бўлади, у Маҳмудга яқин бўлади, У Маҳмудга қарз беради, тўйга рози бўлиши учун олдиндан аванс деб кўн-

диришга ҳаракат қиласы. Лекин Карима ва онаси бу фикрга мутлақо қарши бұлладилар. Абдулла талаби рад этилганини билганидан сүнг, бошқача йўл тутиб, ўғли Ториққа унаштиришни сўрайди. Лекин Ториқ аммасининг қизи Аҳмаддинг синглиси Зайнабни яхши кўради ва ундан бошқа ҳеч кимга уйланнишни хоҳламайди. Ториқ мактабни битириб, Риёз университетига, аниқ фанлар факультетига ўқишга боради. Ўқиш пайтида у доим Аҳмад билан хат ёзишиб, ўз шароитларидан хабардор қилиб турар, қишлоғини, оиласини ва қариндошларини соғинаётгани ҳақида ёзib турар эди. Оиласидан биринчи марта узоққа кетган ҳар бир талабанинг аҳволи шундай. Марям Кариманинг Аҳмад билан турмуш қуришларини қанча сўрамасин, уни амакисининг ўғли Ҳусайнга унаштиришади. У Аҳмаддинг синфдоши эди. Бу хабардан сүнг Аҳмад тушкунликка тушади.

Абдулла ақлдан озади, бутунлай соғлиғи ёмонлашади, шу сабаб оиласи уни Тоифдаги руҳий қасалликлар шифохонасига олиб боришга қарор қиласы. Уни Аҳмад ва Ториқ у ерга олиб боришади. Улар Тоифдан Жазанга қайтиб келаётисиб, дўстлари Абҳага зиёратга таклиф қилишгани учун у ерга боришади. Тасодифан у ерда Аҳмаддинг отаси Омирнинг амакисининг ўғли Ҳоди билан учрашишади. У оиласа озиқ-овқатдан ёрдам бериб турар, ойлик харажатлар учун эшик ортидан пул ташлаб кетиб турарди. Мана энди у Аҳмадни оиласига таништиряпти. Аҳмад оиласи ҳақида ҳеч нарса билмас, ҳатто қаердан келганликларини ҳам билмас эди. Сүнг Аҳмад ва Ториқ Жазанга қайтиб келадилар ва Ториқ Зайнабга уйланади. Бу асар, муаллифнинг тили билан айтганда, бахтли якун билан тугайди. Аҳмад Каримани қўлдан чиқаргани учун ҳали ҳам қайфуда, Абдулло ҳам ақлидан, ҳам молидан айрил-

ди, бойлик оилага тарқатилди. Шунга қарамай, биз ушбу тадқиқотимизда мазкур асарда Тоҳир Аваз Саломнинг аввалги асарларига нисбатан ривожланиш борлигини кузатдик. Лекин у ҳали ҳам бадиий роман усулларидан, романнинг бадиий тузилишидан хабардор эмас. У ҳали ҳам бадиий техникадан холи бўлган эски усуlda, аввалги уч асарида ёзгани каби ижод қилиб келмоқда. Тўрттала романнинг сюжети бир-бирига жуда ўхшац, айниқса, ёвуз образ, заифлик ва зулм, биз буни “Кўмилган сандиқ”да ҳам кўргандик. Ҳассан Салмани зўрлайди, лекин унга уйланишдан бош тортади, охирида эса мол-мулкини ундан бўлган ўғлига васият қиласиди. Яхё Асмага уйланишни ҳоҳламаган Солимни ёмон кўради, хотинини уйдан ҳайдаб юборади, ўз ҳимоясига олган шахсни ўзи азоблайди ва охирида барча бойлигини оиласига беради ва ўлади.

“Илонлар ергўласи”да эса, бу роман учинчи асар, 1983 йил¹, биз уни бир сабабга кўра бу ерда таҳлил қилмаймиз, у ҳам бўлса, образлар ва воқеаларнинг такрорланишидир. Бу асарнинг қаҳрамонлари: Сафия, бой-бадавлат, худбин таъмагир ва очкўз аёл, эрининг ўғли Муҳаммадни, яъни ўтгай фарзандни ва унинг тарбиячисини азоблайди. Охири эса фазилатли аёлга айланади, аввалги қилмишларидан афсусланиди, барча йўллар билан гуноҳини ювишга ҳаракат қиласиди ва ўтгай ўғлига мулојим муюмала қиласиди.

“Ёнган ҳиссиётлар”да, 1986 йил, Абдулло синглисини у ёқтиргмаган кишига турмушга чиққани учун ёмон кўради, хотинини уйдан ҳайдайди. Иккичи синглиси Марямни ҳам. Охирида ақлидан озиб, молидан маҳрум бўлади. Бойлик оилага қолади².

¹ Тоҳир Аваз Салом. “Илонлар ерзўласи” (“Қабв ал-афаъа”). “Дар ал-Умайр” нашриёти, Жидда, 1983 й.

² Муҳаммад Шокир.”ал-Жазира” газетаси. 17.04.1407 х.й. / 19.12.1986 й.

Бу сохта түқилган сюжет мазкур асарларни исмлар, жойлар номлари келтирилишига қарамасдан воқеликдан узоқлаштиради. Замон ва макон қанча ўзгармасин, қаҳрамон ўша-ўша. Ҳодисалар бир-бира га яқин: муҳаббат, айрилиқ, умид, тушкунлик, сўнг тавба ва ўлим.

Биз яхшилик омилини, ёмонлик омилини инкор этмаймиз. Лекин тавба қилиб, ҳаққа қайтиш, ботилнинг давомийлиги зарурат эмас. Бу асарлардаги образлар ривожланмаган, улар воқелик билан бирга ўсиб бормаган. Маркиз айтганидек, бу на романнинг йўналишини аниқлашда, на ривожлантиришда ва на уни бойитишда сезилади. Абдураҳмон Абу Авф ўзининг “Ҳозирги замон араб романини ўқиб” китобида (19-бет) ёзганидек, “Тоҳир Аваз Салом Саудия Арабистонидаги ҳалигача биринчи қадамларини ташлаётган романнавислик ҳаракатига ҳисса қўшиди. Бу ҳали ҳам ўрганиляпти, бадиий меъёрларга ва тажрибаларга бўйсундириляпти. Маҳмуд Рабдовий буни саудия романчилигининг муваффақиятсиз намуналари” деб атаган эди¹.

СУЛТОН СААД АЛ-ҚАҲТОНИЙ

“ОҚШОМ ЗИЁРАТЧИСИ”, 1980²

Бу роман етмишинчи йиллардаги Саудия Арабистони моддийлик даврига кирган пайтда пайдо бўлган асарлардан бири. Инсон қадриятлар ва жиддий воқеий қарааш ўрнига рақамларни меъёр қилиб олган, ҳамма нарсадан кўра бойликни устун

¹ (Қаранг: “ал-Жазира” газетаси. 5180-сон, 8-бет. 03.03.1407 х.й. / 06.11.1986 й.; шунингдек, Маҳмуд Шокир Саид, “ал-Масайя”, 28.04.1408 х.й. / 20.12.1987 й., 12-бет.

² Султон Саад ал-Қаҳтоний. “Оқшом зиёратчиси” (“Заир ал маса”). “Дар ал-фикр ал-арабий” нашриёти. Коҳира. 1980 й.

қўядиган, асл мерос ва юксак қадриятларга эътибор бермайдиган пайт бўлган эди. Бу роман муаллифнинг биринчи асари бўлиб, у жамиятда бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишдаги ижтимоий ва моддий ривожланиш таъсирида пайдо бўлаётган ўзгаришларга жавоб тариқасида яратилган эди. Муаллиф ўз асарига турли масалаларни ўз ичига оладиган муаммони ҳимоя қиласидаги фалсафий жиҳатларни киритмаган, лекин муаммони оддий қилиб ифодалашда жиддий қадам ташлаган. Ёзувчи уни муҳокама қилишни ўқувчига қолдирив, бир вазиятда қийин, хавотирли аҳволга тушиб қолган шахслар ва айнан шу вазиятни ўзларининг фойдалари учун суистеъмол қилган бошқа шахслар образларини драманинг мувозанатли бўлиши учун асарнинг умумий рамкасида яратади ва улар ҳақида ҳукм чиқаришни ўқувчининг ихтиёрига беради¹.

Бу қисса Нура исмли қиз ҳақида, отаси Абдулла қишлоқ темирчиси, болалигига қизнинг онаси вафот этган ва у отасининг қўлида катта бўлган. Улгайиб, кичкина қишлоқ яқинида қўй боқади. Замонавий саноатлар ривожланиши натижасида анъавайи хунармандчилик раҳобатга бардош бера олмайди ва отасининг ҳунари касодға учрайди. Асадаги бошқа образ – қўшни шаҳардаги катта дўкон эгаси Солих, дўқонининг мижозларидан насияга олинган молларнинг пулини йигиштириб юради. Қишлоқ аҳлининг аксарияти каби Абдулла ҳам ундан керакли озиқовқат маҳсулотларини насияга харид қиласиди. Абдулланинг иши юришмагач, насияга олган моллар ортидан тўпланиб қолган қарзни уза олмайди. Со-

¹ Муҳаммад Солих аш-Шантый. “Хозирги замон саудия адабиётида роман жанри”. (“Фанн ар-ривая вилл-адаб ас-саудия ал-муасир”). 166-бет.

лиҳ бу вазиятни ўз манфаати учун фойдаланишга фурсат деб билади ва қарздан кечиш эвазига қизини унга турмушга беришни талаб қиласди. Рози бўлса, ўз дўконининг бу ерда бир филиалини очиб, уни тижоратга шерик қилишини, йўқотилган ва бугуниги кунда фойда келтирмайдиган ҳурнармандчилиги ўрнини қоплашини айтади. Абдулла бунга дарров рози бўлади, устахонасини бекор қилиб, уни озиқовқат сотадиган бақчоллик дўконига айлантиради. У қизи Нураги кўндиради, чунки бунинг ортидан касод бўлган темирчиликни ташлаб тижорат билан шуғулланиш орқали ижтимоий ва молиявий ҳолатини ўзгартириши мумкинлигини айтади. Нура моддий аҳволи ёмонлашган отасига ёрдам бериш мақсадида рози бўлади. Тижорат соҳасида етарлича тажрибага эга бўлмаган Абдулланинг иши юришмайди, бу эса Солиҳни ғамга ботиради ва ишни юритиш учун пул беришни тўхтатиб қўяди. Солиҳнинг биринчи хотини унинг Нурага уйланганини билиб қолади ва унга босим ўтказади, Солиҳ Нурага уйлангач, уни отасининг уйида қолдиради ва қайтиб келмайди. Солиҳ айлантираётган мол ўзиники бўлмай, хотинининг моли эди. Хотини агар Нураги талоқ қилмаса, ёрдам бермаслигини айтиб таҳдид қиласди. Агар айтганини қилмай, қайсарлик қилса, эрига шерик сифатида берган ваколатини бекор қилишини айтади. Шунинг учун Солиҳ биринчи хотини билан тижоратдаги шерикликни афзал кўриб, Нураги талоқ қиласди. Нура ҳомиладор бўлиб қолган эди. Нура ажрашган ёлғиз аёл бўлиб қолади. Айни шу пайт қазо қилган отасининг вафотидан сўнг ўғил кўради ва исмини Абдулла деб атайди. Солиҳ эса тижорат манфаати деб уни қурбон қиласди.

Нура ўғлининг тарбияси деб, унинг барча эҳтиёжларини қондириш учун, таълими учун ке-

ракли бўлган ҳамма нарсани таъминлаш йўлида жон-жаҳди билан курашади, Нуранинг ягона умиди фарзанди Абдулладан эди. У ҳақиқатан ҳам ўқишини давом эттиради ва кўз шифокори бўлиб етишади. Бир куни унинг олдига бир киши келади, у кўролмай қолган эди. Абдулла уни даволаб, зудлик билан бир кўзини операция қилиш зарурлигини маслаҳат беради. Бемор амалиётга рози бўлади. Абдулла амалиётни муваффақиятли бажаради. Бироқ Абдулла бу bemор ҳақида клиникасига даволаниш учун келган мижоз эканлигидан бошқа ҳеч нарса билмайди. Реабилитация вақтида bemорнинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмаганини кўриб ҳайрон бўлади. Чунки барча bemорларни яқинлари келиб, ҳолидан хабар олишади, фақат бу bemор олдига ҳеч ким келмайди. На оиласи, на дўстлари хабар олади. Бу ҳақида у онасига сўзлаб беради. Унинг қандай эканлиги тафсилотлари билан айтиб бергач, унинг отаси Солиҳ эканлигини ўзича тахмин қилади, лекин ўғлига ҳеч нарса демайди. Ўғли у ҳали қорнида эканлигига отасининг вафот этганлиги ҳақида айтган эди. Ўғли Абдулладан бу кишини зиёрат қилишга олиб боришни сўрайди. Зиёрат пайтида унинг Солиҳ эканлигига ишонч ҳосил қиласиди. Солиҳ аёлга ўз қиссанини, хотинини талоқ қилганини, унинг ўғли Абдураҳмон Америкага ўқишга борганини, у ерда ишларни бошқариш соҳасида ўқиганини, қайтиб келиб муваффақиятли тадбиркор сифатида ишлаётганини ва Солиҳ васий бўлган барча молларини тортиб олганини айтиб беради. Нура ўғли Абдуллага унинг мижози бўлган бу bemор кишининг сирини очиб, унинг отаси эканлиги ва у вафот этмаганлигини айтади.

Абдураҳмон Солиҳни ўзининг отаси деб биларди, лекин онаси унга болалик чогида отаси авари-

яда вафот этганини, сўнг Солиҳ унга уйланганини ва Абдурамон унинг тарбиясида катта бўлганини айтади. Солиҳ шифохонадан чиққач, Абдулла билан яшай бошлайди. У энди фақир бир кимса. Хотини аввалги эридан мерос қолган барча молни тортиб олган, ўвли эса энди бу молларнинг эгаси.

Роман сюжети нефть даври ва уйғониш асидан бошланади ва айнан шу даврда келиб чиққан муаммолар билан бөглиқ. Бу даврда кўплаб одамлар бой бўлиб кетамиз, деб ўйлар эдилар. Бу орзу етмишинчи йилларда кўпчиликнинг хаёлида эди. Бу фикр йўқ жойдан пайдо бўлмаган. Баъзилар кечагина фақир бўлган кимсаларнинг ўрта ҳол бўлиб, бугунги кунга келиб бойиб кетганларини кўрдилар. Ҳақиқатан ҳам бу муаммолар саудия жамияти та бақаларига таъсир қилди ва муаллиф бу муаммолга биринчи бўлиб эътибор қаратганлардан бўлди. Бу асар кўплаб тадқиқотчилар томонидан танқидга учради. Улар бу асарда муаммоларнинг кўтарилишини ва ҳал этилишини заиф деб баҳоладилар. Уларнинг фикрича, бу асарда бадиий-техник усуллардаги ечимлар амалга оширилмаган, роман жанрининг тузилиши, бадиий услублари каби унсурлари мукаммаллаштирилмаган. Ҳар ҳолда бу асар айнан шу масалани кўтариб чиқиши йўлининг бошланиши бўлди. Муаллиф бадиий тўқимани ва ҳодисани воқеий тарзда баён этишга, анъанавий ҳунармандчилик эгалари ва тиҷоратчилар ўтасида мувозанатни таъминлашга эришиб, бу образлар орқали қисса ортидаги воқеий фикрларни ифода эта олди¹.

Саудия жамияти табиий бойликларни каашф этиш, қазиб чиқаришдаги катта ривожланишнинг

¹ “ал-Файсал” журнали. 116-сон, 48-бет.

мантиқий натижаси сифатида кўп жаҳатдан ўзгарди. Роман икки нуқтани ўз ичига олади: саудия жамиятида юз берган ўзгаришлар¹ ва бу жамиятда аёлларга таълим олиш имконияти яратилган ҳолда ҳам уларнинг ўз бошларидан кечираётган муаммолари кўтарилган. Аёл оила қурища турмуш ўртоги танлаш ихтиёрига ҳам эга эмас. Қизнинг келажагини, унинг кимга турмушга чиқишини оила белгилайди. Бу бевосита ёки билвосита кўндириш йўли билан амалга оширилади, баъзан у турмушга чиқишига мажбурланади. Бу романни әртаклар қоришимаси деб ҳам аташди. Бу намунадаги образлар: хотин бор куч-қуввати билан ҳукмронлик қиласиди; она ўғлига вафодор ва ихлос қиласиди, ота золим тижоратчи, аёл мазлум ва ҳ.к².

Муаллиф ушбу намуналарни қандай курса, шундай тасвиirlади, ўзгаришларни қандай кўрган бўлса, шундай ифодалади. Шу сабабдан у вазиятларга қисса шаклини беришга уринди. Натижа эса Саудия Арабистонида саксонинчи йиллар бошларида бадиий роман яратишдаги биринчи уринишларга ўхшайди.

“ҚАНОТСИЗ ҚУШ”, 1981

Бу роман муаллифнинг иккинчи асари, у ўз қурилиши буйича Шарқ ва Farb ўртасидаги қиёслаш фалсафасига, унинг ривожланишига алоқадор бўлган баъзи тушунчаларни ёзib олишга асосланади³. Бу Сайд исмли кекса киши қисссаси бўлиб, у ёшлигига Яманнинг Бано водийсидаги қишлогини тарқ этиб, ризқ излаб Аданга боради ва меҳмон-

¹ Юсуф Нофал. “Оқшом зиёратчиси”. Муқаддима. 1980 йил.

² Мухамад Солих аш-Шантый. “Роман жанри”. 168-бет.

³ Мухамад Солих аш-Шантый. “Роман жанри”. 25-бет.

хоналардан бирида хизматкор бўлиб ишлайди, бу Британия мустамлакаси замони эди. Ундан кейин бир неча давлатда хизматкор бўлиб ишлаган. Яманликлар мамлакатнинг ичкарисида ҳам, хорижда ҳам ишлашлари билан танилганлар. Саид ўз меҳнат фолиятини Адандаги меҳмонхонада бошлайди ва шу ердан бошлаб дунё кезади. Меҳмонхона мижозлари британиялик муҳим шахслар, юқори лавозимли амалдорлар, кема капитанлари, маърифатнинг турли соҳаларидағи мутахассислар. Меҳмонхонанинг сиёсати ана шу муҳим мижозларга маҳсус хизмат кўрсатиш, шунинг учун уларнинг ҳар бирига меҳмонхонада туриш вақтларида маҳсус хизматкор бириктириб қўйилади. Саид кема капитани жаноб Эдвардга хизмат қилиши керак бўлади. Яхши хизмат қилгани, розилигига ва таҳсинига сазовор бўлгани сабабли у кетишидан, дengiz safariga чиқишидан олдин меҳмонхона мудиридан Саидни сафар чоғида унга хизмат қилиши учун шахсий хизматкор сифатида сўрайди. Мудир Саиддан бу таклифга розилиги ва хоҳиши ҳақида сўраши унинг учун кутилмаган таклиф бўлади, чунки у меҳмонхонада ишлайдиганларнинг барчаси бундай ишни, сафар чоғида дунё кезиши имкониятига эга бўлишни орзу қилишини яхши билади. Шу сабабдан у ҳеч иккиланмай дарров рози бўлади.

Умрида биринчи марта кемага минганида, кема экипажи аъзоларидан бири жаноб Майкл араб тилини билиши туфайли у кема капитани ва хизматчи ўртасидаги интизом нуқтаси эканлигини англайди. Кема дengiz сари йўлга чиқиб, кўп масофа ўтмасидан Саид инглиз тилида гаплаша олиши маълум бўлади. У меҳмонхонага тўхтаган меҳмонлар ва бирга ишлайдиган ҳамкасларидан биридан ўрганганди эди. Саиднинг жаноб Эдвард билан дўсто-

на муносабати хизматкор ва хўжайин муносабати чегараларидан чиқади. Жибутидан бир неча мил узоқликда Европага йўл олаётган кеманинг Қизил дengiz сари йўлида кемада носозлик юз беради. Ҳаммани Британияга юборишади. Фақат Сайд кема созлангунга қадар Жибутида қолиб, иш қидириб ўз омадини синаб кўрмоқчи бўлади. Эдвард бу кемани тузатиш учун камида бир йилча вақт кетишини айтади. Лекин Сайд иш топа олмайди. Британияга кетаётган кемалардан бирида иш тошлигандан, кетишга қарор қиласди. Капитан Эдвард кетишидан олдинроқ Сайдга Британиядаги ўз манзилгоҳини берган эди. Сайд Британияга келиб, жаноб Эдварднинг уйида бир неча ой меҳмон бўлади. Шу тариқа хориждаги тажрибасини орттиради. У Жибутига иш қидириб қайтишидан аввал Шарқ ва Farb ўртасидаги бир-бирига мос келадиган ва бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатлар билан танишади. Қайтиб келгач, шаҳардаги меҳмонхоналардан бирида иш топишида тажрибаси ва инглиз тилини билиши қўл келади.

Меҳмонхона эгаси яманлик муҳожир, у узоқ вақтдан буён шу ерда яшайди. Бир сафар Аддис-Абебада истиқомат қилаётган оиласини зиёрат қилишга кетаётиб, Сайдни ўзи билан олиб кетади ва уни оиласи билан танишириади. Унинг икки ўғли ва бир қизи бўлади. Сайд у қизни кўрибоқ севиб қолади, шундай қилиб, Сайд бу оиласинг дўстига айланади. Улар билан кўп вақтни бирга ўтказади. Шу аснода катта ўғил унга бир италиялик қизни севиб қолганини, унга унаштирилганини ва у билан боғланиб қолганини сўзлаб беради. Лекин онаси бунга қаттиқ қаршилик қилганини, унаштирувни бекор қилганини, шундай қилиб, бу унаштирувни қўлдан бой берганини айтиб беради. Бу

воқеаларни эшитгач, Сайд у қизга уйланиш ҳақида оғиз очса, рози бўлишадими, йўқми, деб шубҳа қилиб, иккиланиб қолади. Ҳақиқатда эса, у аёл Сайд ўйлаганидек қаттиққўл эмас, балки тушунадиган аёл эканлигини англайди. Доимо у билан ўй-фикрларини ўртоқлашади, муҳокама қилади. Эфиопия муаммоларини муҳокама қилади, шунга қарамай, Сайд унинг қизига уйланиш ҳақида яқиндан ҳам, узоқдан ҳам оғиз оча олмайди.

Сайд ота-онасидан болалик чоғида айрилган эди. Отаси вафот этади. Онаси эса уни ташлаб, ўз оиласига иккинчи марта турмушга чиқиш учун кетади. Ҳеч ким унинг тирик ёки тирик эмаслигини билмайди. Сайд ва бу янги оиласинг онаси ўртасида руҳий боғлиқлик ажойиб равишда ривожлана боради. Бу ерда баъзи нарсалар борки, гўёки уларни қариндошлиқ алоқалари боғлаб тургандек бўлади. Ҳақиқатан у, албатта, ҳақиқий онасига ўхшайди.

Оила Сайднинг улар билан Аддис-Абебада бирга қолишини хоҳлашларига қарамай, у Яманга қайтишга қарор қилади. У яна бир марта ўз келажагини қуриши, янги ҳаёт бошлаши мумкин.

Бу асар муаллифнинг бадиий ривожланиш босқичига эришганини кўрсатади. Биринчи асари билан қиёслаганда унда бадиий ифодалашда ҳам ривожланиш кўзга ташланади¹. Роман сюжети Арабистон ярим оролидан чиқиб, ўз келажагини яхшилашга интилган араб йигити ҳақида. Яман унинг сафарга чиқишининг бошланиш нуқтаси қилиб олинган. Яманликлар минтақадаги бошқа араб халқларига нисбатан шу тариқа ризқ қидириб юртларини ташлаб, сафарга отланишлари анча осонлиги билан танилганлар. Воқеа ва ҳодисалар-

¹ Ўша манба. 253-бет.

га келсак, у икки қитъада Африка ва Европада, яъни Ер куррасининг маданиятлари ва одатлари фарқланадиган қисмларида юз беради, шу билан бирга Шарқ ва Фарб, тараққиёт ва қолоқлик бир нуқтада учрашадилар.

Муаммоларнинг ечими эса ҳикоя этиш жараёнида соддалиги ва аниқлиги билан характерланади. Бу эса ўқувчига муаммони қашф этишни қаҳрамоннинг таржимаи ҳоли орқали тушуниш учун етарли даражада осонлаштиради.

Қаҳрамон ва унинг ривожланиши муаллифнинг биринчи ишидан кўра анча яққол ифодаланган. Роман ечими эса мелодрама шаклида амалга оширилган, бу эса янгилик эмас. Саудия қиссанавислигига дастлабки ижодий ишлар билан биргаликда келмоқда. Шу билан бирга бизда ҳосил қилинган тасаввур шундайки, мукаммал бадиий роман яратиш йўлида бошлангич қадамлар қўйилмоқда¹.

АМАЛ МУҲАММАД ШАТА

“ЭРТАГА УНУТАМАН”, 1980²

Ушбу романни ўрганиш орқали, у бадиий роман талабларига тўлиқ жавоб беришининг яққол намоён бўлганини кўриш мумкин³. Унда ҳозирги замон романнинг техникаси, тузилиши, сюжети, роман образлари яратилишининг замонавий меъёрлари мавжудлиги таъкидланади⁴.

Абдулмажид исмли бадавлат киши Шарқий Осиёга тез-тез бориб туради, ўзининг ана шундай

¹ Абдулла Шубат. “Ахсолик адабалр” (“Удаба мин ал-Аҳса”).

² Амал Муҳаммад Шата.”Эртага унутаман”. (“Ғадан анса”). Тиҳама нашриёти. Жидда. 1980 й.

³ Аш-Шантӣ. “Роман жанри...”. (“Фанн ар-ривая...”). 25-бет.

⁴ Каранг: Азиз Зиё. ”Эртага унутаман” роман муқаддимаси. 1980 йил.

сафарларидан бирида Ява оролларида бир қамбагал оиланинг қизига уйланади. У аслида уйланган ва бир ўғли бўлишига қарамай, ана шу оиланинг қизига уйланиш мақсадида ёлғон гапириб, уйланмаганман деб уларни алдайди. Тайма исмли бу янги хотини билан бир муддат вақт ўтказгач, уни ташлаб Маккага қайтиб кетади. Тайма ҳомиладор бўлади, қиз фарзанд кўриб, исмини Ислом деб атайди. Қиз икки ёшга тўлганида, Абдулмажид яна Явага келади ва қизини олиб, хотинини қолдириб ўз юртига қайтиб кетади. У Саудия Арабистонига қайтиб келгач, биринчи хотини ва ўғли Макка ва Риёз йўлида аварияга (йўл-транспорт ҳодисасига) учраб, ҳалок бўлишади. Ўғли Риёз университетига ўқишга кириш учун онаси билан бирга кетаётган бўлади.

Қизи ёлғиз у билан катта бўлади, отасидан онаси ҳақида сўраганида, у “Онанг чиройли эди, мен билан бир сафар Шарқий Осиёга борганида вафот этган”, – деб айтади.

Бир куни Ислом ўрта мактабнинг юқори синфига ўқишга ўтганида, онаси ўз юртидан атайлаб уни кўргани келади. Бу қиз учун кутилмаган ҳодиса бўлмайди, чунки у шундай бўлишини кутган эди ва ҳеч қачон отасига ишонмаган эди. Она қизига бўлган бу гаройиб қиссанинг тафсилотларини гапириб беради, Ислом кимга ишонишини билмай ҳайрон бўлиб қолади.

Лекин она рад этиб бўлмас далиллар билан ишонтиради. Бўлган воқеа ҳақида ишонч ҳосил қилиши учун мактаб мудирасининг роли катта бўлади. Мактаб мудираси Навал бир сафар Ислом мактабга келмаган кунида унинг онаси келганида, у билан учрашган эди.

Охири, Ислом онасини отаси билан учраштириш учун уйига олиб кетади. Отаси доимо “Онанг

Шарқий Осиёда вафот этган” дер эди. Отаси дастлаб ўзини Таймани танимасликка солади, сўнг уни қўйиб юборган хотини деб таслим бўлади ва икковларидан узр сўраб, ёмон муомала қилгани учун кечиришларини сўрайди. Таймадан ўтмишни унтишини илтимос қилади. Тайма “Сен унугтинг, мен эртага унутаман”, - деб жавоб қайтаради. Тайма улар билан қолишга астойдил қарши бўлишига қарамасдан, Ислом уни бирга қолишта ва отасига қараб туришга кўндира олади. Чунки унинг саломатлиги кундан кунга ёмонлашиб борар эди. Ислом онаси билан қисқа муддат бирга бўла олганидан сўнг амакисининг ўғли Ҳишомга унаштирилади, бироз вақт ўтгач, турмушга чиқади ва эрининг уйига кетади.

Тайма Абдулмажидга қараща давом этади. Абдулмаждид ҳар томондан ёлғиз бўлиб қолган эди. Ҳатто хизматкори Мансур ҳам уни ташлаб кетади. Абдулмажид вафот этгач, Тайма ўз юритига қайтиб кетади.

Бу роман саксонинчи йилларда юзага келган етук романлардан бири ҳисобланади. У замонавий роман меъёрларига жавоб бериши билан бир қаторда оддий ҳикоя этиш тури “равон услугуб” билан характерланади, бу эса романни тушунишни осонлаштиради.

Қаҳрамонлар образларига тўхталадиган бўлсак, Абдулмажиднинг ёлғон сўзлаб, жинниларча қалбакилик ишлатиши унинг ўзини барбод қилди. Чунки “ҳар қандай ёлғон устига қурилган ҳар нарса ёлғондир”. Тайма эса қизини қўришга келгунча кўплаб таҳқирлашлар ва қийинчиликларни бошидан кечирди. Бу қаҳрамонлар романнинг бошиданоқ ҳар иккиси ҳам мелодрама ва сентиментализм қориш масига қурилган. Бундай камчилик кўплаб саудия романларида учрайди. Муаммо параллелизм доира-

сида тақдим қилинган. Икки асосий қаҳрамон, бири – Абдулмажид ягона ўғлидан айрилади, иккинчиси – Тайма ягона қизини йўқотади. Лекин муаммо Абдулмажиддан ўч олишда қолади. Фам-ташвиш унинг бошига тушади. Бошқа образлар эса роман асосий қаҳрамонлари учун муҳим таянч эмас, ўқувчи учун ҳам аҳамияти йўқ. Масалан, мактаб мудираси Навал ўз муаммолари билан банд, унинг сюжетта алоқаси йўқ. Абдулмажиднинг хизматкори Мансур ҳам шундай, у хўжайинига энг керак бўлган пайтда уни ташлаб кетади. Ягона оқлов, хўжайини уни таҳқирилар эди. Унда қандай қилиб у соғлом бўлган пайтида бунга чидар эди-ю, энди ожиз бўлганда уни ташлаб кетади?! Бу мулоҳазалар асарнинг қийматини камайтирмайди, роман сюжети, тутуни – мустаҳкам, диалоглар – табиий, баъзи ҳолатларни ҳисобга олмаганда, сунъийлик йўқ. Мана шу омиллар асарни бадиий-техник роман даражасига олиб чиқкан.

Амал Шата соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайди, узоқ тажрибага ва ажралиб турувчи дидга эга. Бу унинг олий маълумоти, тараққий этган фарб адабиётини ўқиши ва юксак маърифати билан бир қаторда унга ўз қаҳрамонларининг хусусиятларини психологик таҳлил қилишда аниқ-равшан кўриш имониятини берди. Уларнинг муаммоларни хотиржам ҳал қилишига ёрдам қилди. Булардан ташқари унинг ҳеч қандай баҳсга оид бўлмаган юксак қобилияти келгуси асарларида, Худо хоҳласа, янада жилоланади. Амал Шатанинг ушбу романни ҳақида вақтли матбуотда кўп фикрлар билдирилган¹.

¹ Қаранг: 1) “ал-Масайя” газетаси. 24.11.1405 ҳ.й. / 11.08.1985 й. 2) “ал-Йавм” газетаси. 11.04.1409 ҳ.й. / 21.11.1988 й. 3) “ар-Риёд” газетаси. 03.03.1409 ҳ.й. / 14.10.1988 й. ва бошқалар иловада келтирилган.

“ҚАЛБИМ ЯШАМАДИ”. 1989¹

Бу роман воқеалари Маккадаги “ар-Работ” деган боқувчиси йўқ аёлларнинг пансионатига ўхшаш хайрия муассасасида бўлиб, унда аёллар яшайдилар. Бу ерга хайр-эҳсон қилувчилардан садақалар келиб туради. Пансионатдагилар турли ёшдаги аёллар бўлиб, уларни фақат бир нарса – бу ердан бошқа борадиган жойлари йўқ эканлиги бирлаштириб туради. Роман қаҳрамони Барака исмли катта ёшли аёл. Бошқа қаҳрамонлар: Раҳима ва Хадижа – опа-сингил, Ҳусайна Баракага ёрдам берувчи қиз, Умм Омир исмли яна бир аёл.

Асар аёллар билан чекланган. Хотам Ваҳдан исмли кишидан бошқа эркаклар образлари эса фақат аёллар ролини қўллаб-қувватлаш учун келтирилган. Ҳусайна Хотам Қаҳдоннинг уйида хизматкор бўлиб ишларди. Зиёд Умм Омирга уйланган эди. Мутиурраҳмон Ваҳдоннинг ҳайдовчиси бўлиб ишлайди ва Ҳусайнани шу уйда ишлашини бошлаганидан бўён танийди.

Барака ўттиз йил гассол бўлиб ишлаган онасининг қўлида катта бўлди. Онаси вафотидан сўнг ризқдан қирқилди, турмушга чиқмаган, арзимаган иш ҳақига уйларни тозалаш, кир ювиш билан кун кўради, охири ҳожиларга замзам суви қўйиб берадиган бўлди. “Ар-Работ”га тунагани келади. У ёлғиз яшай олмайди.

Ҳусайна Ваҳдоннинг қасрида хизматкор бўлиб ишлай бошлади, хўжайин вафот этгач, у ерни тарқ этди, чунки Хотам Ваҳдоннинг хотини унинг

¹ Амал Мухаммад Шата. “Қалбим яшамади” (“La apa қалби”). “Дар ар-Рифаий” нашриёти. Риёз. 1989 й.

бу уйда қолишини хоҳламас эди. Ҳусайнанинг уйжойи бўлмагани учун “ар-Работ”га кетади.

Хотамнинг хотини ўлади ва унинг ортидан Хотам ва етим ўғли Муҳаннад қолади. У Ҳусайнадан уйга қайтишни сўрайди. Онасидан айрилган бола учун рози бўлади. Хотам касал бўлганида, унинг бир шериги ва айни пайтда дўсти табиб билан келади. Лекин улар иккови тил бириктириб, Хотамнинг кассаллигидан ва дорининг таъсиридан фойдаланиб, баъзи ҳужжатларни қалбакилаштириб, унинг мол-мулкини ўғирламоқчи бўлишади. Табиб Хотамга караҳт қилувчи дорилар бериб, кейин ундан баъзи ҳужжатларга қўл қўйишни сўраганида, Ҳусайна бу тил бириктиришни сезиб қолади. Ҳусайна муҳим ҳужжатларни олиб яшириб қўяди, сўнг уларни олиб Бараканинг олдига қочиб кетади ва уни қасрда бўлаётган ишлардан хабардор қиласди. Хотамдан ва унинг оиласидан нафратланадиган Барака “уникига ишга қайтиб бормасликни маслаҳат беради”. Бўлиб ўтган ишдан ва Ҳусайнанинг бу ишга аралашиб қолганидан афсусланмайди. “Бунаقا уйда нима бўлишини кутган эдинг” деб сўрайди.

Айни шу пайт Ваҳданнинг қасридан Мутиурраҳмон овқат олиб келади. У одатда шундай хайр-эҳсон садақа қилиб туради. Ҳусайнани у ерда учратиб, турмушга чиқишини таклиф қиласди. Бироқ Ҳусайн бу таклифни рад этади. Эртаси куни у Барака билан бирга, ҳатто ундан нафратланса ҳам, қасрга бориб, кеча бўлган воқеани айтиб беради.

Табиб ва Хотамнинг шериги эшик олдида турган эдилар, лекин Ҳусайна билдирамай, уйга киради ва Хотамни уйғотади. Унга кеча бўлган воқеаларни айтиб беради. Хотам дўсти билан шерикчилигини бекор қиласди. Ҳусайнадан унга турмушга чиқишини сўрайди ва розилигини олади.

Умм Омир жуда ҳам бахтсиз, ночор аҳволда яшайди, отаси кўзи ожиз, заиф киши, хотинининг измидан чиқмайди. Умм Омирга муомаласи жуда қаттиқ эди.

Кичкиналигида отаси вафот этган, шунинг учун у сил касалликлари шифохонасида ишлайдиган бир табибницида хизматкор бўлиб ишлар эди. Бир куни бир бадавлат киши шифохонага сил касалига мубтало бўлган хотинини олиб келади. Лекин у хотинининг шифохонада қолиб даволанишини хоҳламайди, уйида доимий ҳамшира қараб туришини афзал кўради. Табиб Умм Омирни бу ишга танлайди. Унинг учун улкан қасрда ишлаб, ҳашаматли ҳаётда яшашнинг биринчи тажрибаси эди. Оилада уч ўғил бўлиб, улардан бири Зиёд онаси ning олдига тез-тез келиб турар, у билан узоқ ўтипар, дардини бироз унутиши учун суҳбатлашар ва ҳазиллашар эди. Зиёдда эркаклик сифатлари бор, кўриниши маъқул йигит эди. Шунинг учун у Умм Омирнинг дикқатини ўзига торта олган эди. Бир муносабат билан Зиёд унга анчагина маблаг бериб, кийим-кечак ва ўзига қеракли нарсалар сотиб олишни айтади. Пулни олади-ю, бунинг ортидан турмушга чиқишига қизиқтирмоқчимикан деб жиддий ўйланиб қолади.

Зиёд унинг эътиборини ўзига қаратишда давом этади ва ҳақиқатан ҳам турмушга чиқишини таклиф қиласиди. У рози бўлади. Зиёд оиласининг бу ишга қаршилигига қарамай, унга ўйланади. Оиласи ундан воз кечади. Шу сабабдан у Умм Омирни олиб, отасига тегишли бўлган “кулба”га бориб яшайди ва жуда қашшоқ умр кечиради. Зўрга кунлари ўтади. Шунинг учун Мадинаи мунавварага иш қидириб боришга қарор қиласиди. Умм Омир ҳомиладор бўлади ва ўғил туққач, унга Омир деб исм қўйишади.

Зиёд ўқув-ёзув қуроллари дўконидан иш топади, лекин у ишга берилиб кетади ва бўлиб ўтган ишдан эзилиб юради. Кўп ўтмай у аварияда ҳалок бўлади.

Умм Омирга ва боласига жуда яхши ва мулоийим муносабатда бўлган қўшни аёл қўшиқ ва рақсни яхши кўрар эди. У мана шундай роҳатли ишда бирга ишлашни Умм Омирга таклиф қилади ва уни кўндира олади. Умм Омир ўзини ва боласини боқиши учун мажбур бўлиб кўнади. Лекин бу ишда ўзини баҳтли ҳис этмайди.

Бир куни у бир бой аёлга ёқиб қолади, уни ва меҳмонларини хурсанд қилгани эвазига катта маблағ беради. Шундан сўнг Умм Омир Мадинани тарк этиб, Жиддага кўчиб ўтишга, уни танийдиганлардан узоқда янги ҳаёт бошлишга қарор қилади.

Кунлардан бир куни Зиёднинг укаларидан бири унинг Жиддада яшаётганидан хабар топгач, тез-тез кўргани келиб турадиган бўлади ва унга турмушга чиқишини таклиф қилади. Лекин у Зиёднинг оиласидан ажralиб қолишида ва ўлимида ўзини сабабчи ҳисоблаб, бу таклифни рад этади. Яна биринчи муаммога ўхшаш муаммо юз беришини хоҳламайди.

Омир катта бўлади ва Қоҳира университетининг тиббиёт факультетига ўқишига боради. У ердан ҳар куни онасиға хат ёзади. Хатларидан бирида Қоҳирада яшайдиган саудиялик оила билан танишганини ёзади. Шу оиласининг қизи у билан бирга бир хил мутахассисликда ўқишини айтади. У қиздан “менга турмушга чиқишини хоҳлайсанми” деб сўраганида, рози бўлганини хабар қилади. Зиёднинг укаси Нури келинга совғалар олиб Қоҳирага боради.

Шу ерда қийинчилик пайдо бўлади. Умм Омир ўглидан хат олганида, хат ичида бора олмаган тўй суратлари ҳам бўлади ва суратлардаги келиннинг

онасини таниб қолади. У ўша бой аёл Суҳайла бўлиб, унинг рақсга тушиб, қўшиқ қуйлагани эвазига катта маблаг берган аёл эканлигига амин бўлади. Агар Омирнинг кимлигини, онасининг ким бўлганлигини билиб қолса, гарчи у энди ҳурматли аёл бўлса ҳам икковларининг оиласини бузишта мажбур қилади деб ўйлади.

Энди у ўз оиласи ҳақида ҳақиқатни яшириши керак. Шунинг учун у Нуридан Омирга ўзининг вафот этганини хабар қилишни сўрайди ва Маккадаги ҳеч кими йўқ кимсалар яшайдиган “ар-Работ” пансионатига қараб йўл олади.

Бетоб бўлиб қолганида, ўз қиссасини Баракага айтиб беради ва Омирнинг манзилгоҳини топишга азму қарор қилганини айтади. Барака ким бу ишни қила олиши ҳақида кўп ўйлаб, Макка ва Жидда орасида кўп қатнаган Мутиурраҳмондан бошқа ҳеч кимни топа олмайди. У Омирнинг Қоҳирадан қайттанини ва Жиддада шифохона очганини билиб келади. Умм Омир у ерни топиб боради, Омирнинг қасрига киришга бир неча марта ҳаракат қилади, лекин дарвозабон киритмайди. Охири бир амаллаб қиради. Омир ва Нури “ар-Работ”га унинг васиятига кўра фақат ўлимидан олдин кўргани келишади. Ҳақиқатда у Омири кўради ва вафот этади.

Мана шу уч қисса романни ташкил этади. Бу асар ижтимоий зарурат юзасидан “ар-Работ”дан бошпана топишга мажбур бўлган ана шу уч аёлни бир жойда тўплайди.

Бу асар жамиятнинг ўз урф-одатлари, мероси, шарт-шароитни эътиборга олмасдан уларга нисбатан шафқатсизлиги туфайли ўзларини жамият четида топган, ишсиз қолган аёлларнинг рамзиdir.

Бу учала аёл бахтсиз аёллардир, кўп ҳолатларда улар бир хил шароитда бўлиб, бир-бирига ўх-

шаш, сабаблари бир-бирига яқин баҳтсиз ҳаётдан келгандилар. Улар учун ҳаётнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам аччиқ әди.

Барака турмуш құрмаган, унинг учун бундай шароит муҳәйё бўлмаган. Ҳаётини сақлаб қолиш учун нима иш бўлса, арзимас иш ҳақи учун бўлса ҳам шуни қилган. Лекин нима ҳам қилсан, ҳаётда унга кўмак берадиган ҳеч бир кимса бўлмаса, унинг олдида ҳеч қандай танлов бўлмаса. Лекин тунаш учун бир бошпана кафолатлайдиган ёрдамларга таянади. Ҳар ҳолда уни қоронгулик ва ноаниқлик озгина бўлса ҳам маблағлар билан ўраб олган, ўзидан ҳам ёмон ҳолатдаги бошқаларга ёрдам бера олади. Ҳаёт унга бу ердаги бошқа аёллардан кўра яхшироқ шароит берган. Ўз ҳаётини яхшилашга, келаҗагини аниқлашга имконияти бор. Эҳтимол, у ўзи учун ризқ топишига амалий ҳаёт тайёрлагандир, ҳар ҳолда у “Ар-Работ”да яшаган жамият қурбонидир. У ўз аҳлига хизмат қилдию, ўзи ҳақида, келажаги ҳақида ғамхўрлик қилишни унутди.

Ҳусайнанинг ўтмиш ҳаёти ҳақида, унинг қаердан келиб қолгани ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Билганимизнинг бори шуки, у “ар-Работ”га собиқ хўжайинининг ўлимидан сўнг ноўрин раشك қилувчи хотини уйдан ҳайдаб юборгани туфайли келиб қолган. Муаллиф у ҳақида бошқа маълумот келтирмайди. Лекин биз кутганимиз, уни бу ерга раشك етаклаган, бу бошпана эса унга омад ҳам келтирган. Ҳўжайиннинг хотини ўлгач, Ҳусайнадан уйга қайтиш талаб қилинади ва у секин-аста уй бекасига айланади. Ҳотам унга уйлангач, ҳақиқий бекага айланади. Ҳақиқатда Ҳотам шеригининг хиёнатини фош қилганидан сўнг унга уйланишга шошилди. Эҳтимол, бу унга рағбат бўлгандир. Бунинг устига у Ҳусайнани ўзи учун солиҳа ва муносиб завжга

деб ҳисоблади. Собиқ хотинининг рашки эса ноўрин бўлган эди. Ҳар ҳолда қиссадаги тўқиманинг тезлигига қарамай, унинг учун баҳтли ниҳоя эди. Ҳотам учун эса баҳтли омад туфайли тил бириттириш фош этилди ва Ҳотам бунинг учун Ҳусайнани муносиб мукофотлади.

Бошқа шароитларга ва воқеаларнинг тез юз беришига келсак, агар Ҳотамнинг хотини вафот этмаганида, Ҳусайна учун муносиб шароит яратилмас, “ар-Работ”да қолиб, арзимас иш ҳақи учун нима иш бўлса, шуни қилишга Барака каби мажбур бўлар эди.

Умм Омирнинг муаммоси бир қараганда улардан “ар-Работ”га киришга мажбур қилган шароити бутунлай фарқ қиласидандай. Ҳақиқатда эса у ҳам ўзини шафқатсиз шарт-шароитларнинг қурбони деб ҳисоблайди.

Зиёднинг оиласи уни Зиёдга муносиб турмуш ўртоғи деб қабул қилмади, бу эса унинг вафотига олиб келди ва уни обрўси ёмон бўлган касбни бажаришга мажбур қилди. Бу ўғлининг келгусида яхши ҳалол ишда ишлашига қарамай, унинг турмуш қуришига ёмон таъсир қилишидан қўрқди. Ўзи яхши, ҳурматли ҳаётни орзу қиласа-да, унга эришмай, яна баҳтсизликка қайтди, эҳтимол, у ўзига ўзи қийинчиликлар олиб келишини айтгандир.

Бу уч қисса, эҳтимол, уч турли тақдир ўртасидағи мувозанат сифатида яратилгандир. Лекин Амал Шата буни яхши англашига шубҳа қилмаймиз. У ўзи эга бўлган роман ҳикоя этишнинг услубларини ўйғунлаштира олди.

Барака ҳикоясида бадиий қисса.

Ҳусайна ҳикоясида романтизм қиссаси.

Ва ниҳоят, Умм Омир ҳикоясида ахлоқий қисса.

Бу бир-бири билан камдан кам мувофиқ келадиган қиссаларнинг мувофиқлаштирилувга қодир-

лик бадиий асарнинг сочилиб кетиши ва йўқолиши ўрнини қоплади. Бу муаллифнинг қисса ёзишдаги қобилиятига яққол далилдир.

ИСОМ ҲУҚАЙР (1937 й.т.)

Исом Ҳуқайр Маккада туғилган. Шу ерда мактабда ўқиган. Қоҳира университетининг стоматология факультетида ўқиган. Шу мутахассислик бўйича Лондон университетида ординатурада ишлаган. Баъзи соҳаларда ҳазил, сатирик мақолалар ёзган, шулардан “Тунда бўш бўлганда” (“Фил-лайл ламма халий”), “Саад ваъда қилди” (“Вас Саад ваад”), “Тун ярмидан сўнг” (“Баъда мунтасиф ал-лайл”) каби фельетон ва сатирик мақолаларни айтиб ўтиш мумкин. Шу билан бир қаторда ҳазил-мутойиба характеристида бир қатор романлар яратган ва биз ана шуларни кўриб чиқамиз¹.

Исом Ҳуқайрнинг биринчи романи “Гирдоб” (“ад-Даввама”) 1980 йили нашрдан чиқди². Бу асарда етмишинчىй ийллардаги кескин иқтисодий ривожланиш натижасида юзага келган ижтимоий муаммолар кўтариб чиқилган. Шулар орасида таълим олиш баҳтига мұяссар бўлган ва илмий даражалар олишга эришган, энди эса саудия жамиятида хизмат қилиш учун ўз ўрнига эга бўлишни хоҳлаган аёл муаммоси. Роман сюжети икки бош қаҳрамон Афаф ва унинг эри жаноб Маҳмуд атрофида қурилган. Афаф хизматчи аёл, икки фарзанд онаси, ўғли ва қизи бор. У ўз ҳаётини хизмат вазифасида ва эрининг хизматида барқарорлик бўлишини, фарзандларига эътибор беришни ва уй ишларини ҳисобга

¹ Исом Ҳуқайр. “Сенъора”. Тиҳама нашриёти. Жидда. 1980 й.

² Исом Ҳуқайр. “Гирдоб” (“ад-Даввама”). Тиҳама нашриёти. Жидда. 1980 й.

олиб режалаштирган. Унга уй ишларида ва болалар тарбиясида ёрдам бериш учун хизматкор келган.

Маҳмуд хотинининг ишга чиқишини хоҳламайди, балки уйда қолиб болаларнинг тарбияси билан шуғулланишини истайди, моддий фойда келтиришига эътибор қаратмайди.

Афаф икки йўл орасида қолади: бири эрининг хоҳишига жавоб бериш ва иккеничси ватанига хизмат қилиш. У охири воқеликка бўйсуниб, ҳукумат ишидан бўшайди. Лекин энди Маҳмуд фикрини ўзгартиради, энди хотинининг аввалги ишидаги ҳамкаслари билан бирга ҳисса қўшадиганлардан бири бўлишини хоҳлайди.

Энди Афаф ўз фикри устидан голиб келишга эришиб, Маҳмуднинг хоҳишига қарши болалари билан уйда қолишини истайди. Айни пайтда у ҳам хизматкор, ҳам болалари учун ажойиб тарбиячи топган бўлишига қарамай, фарзандларининг у билан бирга бўлиш эҳтиёжлари ўзининг ишга боришидан кўра каттароқ эканлигини тушунади.

Муаллиф газеталардан бирида бир груп саудијалик қизларнинг олий маълумотта ва яхши малакага эга бўлганликлари ва иш қидираётганликлари, ҳукуматдан улар учун иш жойлари яратиб беришини сўраётганликлари ҳақида ўқиганини эслайди.

Муаллиф ана шу хотин-қизларнинг бундай малакаларни эгаллашга қизиқтирувчи сабаб нима эди, у фақат шундай малака борлиги ва уни эгаллашми ёки унинг ростдан ватанга, элга хизмат қилиш мақсади борми, деган савол беради. Ҳар икки ҳолатда ҳам муаллиф ўзи кўтариб чиқан муаммони ҳал этиш учун таклиф қилишга эриша олмаган. Биз буни кейинроқ кўриб чиқамиз.

“СЕНЬОРА”, 1980¹

Ушбу қиссанинг қаҳрамони Ҳусайн, ёш йигит, Римда мусиқа мутахассислигига ўқийди ва бирга ўқийдиган гўзал италян қизи Марианнани севиб қолади.

Ҳусайн, муаллифнинг тавсирлашича, тақвадор, ҳақиқий мусулмон йигит, қизнинг ота-онасига ёқди ва розиликларига эришди. Тўй бўлди, тўйдан сўнг асал ойини Испанияда ўтказдилар. Шу пайтда Ҳусайн Марианнага араб цивилизацияси ҳақида таъсирили маълумотлар берди. Бир қатор учрашувлар ўтказиб, маърузалар ўқиди. Шундан сўнг улар Қоҳирага пирамидаларни кўришга ошиқдилар. У қизга Миср тарихи ҳақида қисқача сўзлаб берди, шунингдек, у ерда ҳам бир қатор маърузалар ва учрашувлар ўтказди.

Улар Саудия Арабистонига қайтиб келишгач, Ҳусайннинг уйлангани сабабли оиласининг икки қисмга бўлинганини сезди. Онаси жуда ҳам хурсанд ва баҳтиёр, отаси эса бу турмуш қуришдан мутлақо хурсанд эмас эди. Сабаби ўғлининг хотини мусулмон эмас. Биринчи фарзанди туғилгач, хотини исломни қабул қиласди.

Мана шу романнинг сюжети, гарчи муаллиф уни комик услубда ифодаласа-да, у бундай туюлмайди. Шунингдек, унда бирор муносабатдан келиб чиққан мақсадли комик унсур сезилмайди. Барчаси сохта, зўрма-зўраки, уларнинг ҳар бирида муболага характеристери кўп учрайди.

Бу асарни ҳикоя қилиш жарёнида бир қатор ҳодисалар борки, улар ақл бовар қилмайдиган бўлиб, бу ҳодисаларнинг асарда мавжуд бўлишига ҳеч

¹ Исом Ҳуквайр. “Сенъора”. “Тиҳама” нашриёти. 1980 йил.

қандай оқлов ёки сабаб йўқ. Гарчи баъзи тадқиқотчилар буни оқласадар-да, уларнинг далиллари жуда ҳам заиф. Масалан, “Сенъора” қиссасида яхудий журналист аёл Римда бир мақола нашр қилиб, унда мусулмон йигитнинг насроний қизга уйланганини қоралайди. Ҳусайн унга қарши суд маҳкамасига даъво киритади ва маҳкамама унинг фойдасига ҳукм чиқаради.

Иккинчи мисол, бу Испанияда бўладими ёки Қоҳирадами Ҳусайннинг ва унинг хотинини саудия элчиси ва әлтихона ходимлари аэропортда кутиб оладилар.

Бу гайри воқеий муболага бўлиб, қисса тузилишига ҳеч нарса қўшмайди, лекин унга зарар келтириб, уни аҳмоқона ҳикояга айлантириб қўйган.

Тадқиқотчи Исом Ҳукайрнинг ижодини ўрганар экан, ундан ўсишни ва ривожланишини кутиши табиий. Бироқ унинг биринчи асари ундан кейинги икки асаридан афзал эканлигини кўриб, ҳафсаласи пир бўлади. Баъзи образларни тасвирлаши ёқимсиз ва совуқ, баъзиларида эса, масалан, 1983 иили нашр этилган “Хотиним ва мен” қиссасида уларни карикатура расмларига ўхшатиб юборган¹. Эр-хотин самолёт пасажжирлари орасида, хотини Амина самолёт ўрмонга қулаганидан сўнг ўрнидан чиқиши учун кўтариб, олдинга итаришни сўрайди. Яна телефон қилиб, тушликка пишириш учун олиб келган балиқни қандай қилиб сўйиш ҳақида сўрайди. Қандай қилиб сўйиш мумкин, ахир келтирилган балиқтирик бўлмаса?!

Аҳмоқ деб тавсифлаган бу образдаги қаҳрамон ўқишини битирганлиги ҳақида шаҳодатнома, диплом

¹ Исом Ҳукайр. “Хотиним ва мен” (“Завжати ва ана”). Тиҳама нашриёти. Жидда. 1982 й.

олади ва эри билмайди. Ҳар ҳолда, Исом Ҳуқайрнинг қиссалари ўз моҳиятига кўра жиддий асарлар. Унда жамиятнинг муҳим муаммолари кўтарилади, яъни унда моҳиятига кўра муҳим масалалар кўтарилган, бу кўтарилган муаммолар орасида ўша пайтда юз бераётганлари, эскилари ва янги пайдо бўлганлари бор.

Ундаги муаммо тайёр муаммо ва у таълим тариқасида хитоб қилади. Бу бевоситалик – “дидактизм” оқими бўлиб, Европада XVIII асрда пайдо бўлган ва саудия ёзувчилари саудия роман жанрининг бошланишида шу усулда ижод қилганлар.

Баъзидаги қаҳрамон ҳикоя қилишдан тўхтаб, бошқа шахс образига киради ва ўз фикрларини шу образ номидан ифодалайди. Бу Теккерей (Thackeray) ижодида қўлланилган услубдир.

Бу асарларни бошқалар билан бирга қўйиш, уларни қонунлаштириш анча қийиндир. Биринчи қийинчилик мазкур асарларнинг “роман” тушунчасидаги меъёрларга мос келишининг қийинчилиги бўлиб, улар қисса доирасига ҳам чиқа олмайди, яъни улар роман меъёрларини рад этмайди ва қисса доирасига ҳам чиқа олмайди. Демак, улар ўзгарувчан, айниқса, биринчи “Гирдоб” ва иккинчи “Сеньора” шундай. Учинчисига келсак, у биринчи марта нашр этилганда, уни ҳикоялар ёки “новеллалар” деб тасниф қилиш ҳақида тўхтамга келинди. Бу ёзувчини ижод қилган соҳаси, лекин уни француз ҳикоялари соҳаси “Conte”да деб тасниф қилинса, яхшироқ бўларди. Бунда кўпчилик ижод қилган. Исом Ҳуқайрнинг саудия қиссаси соҳасида ўз саъй-ҳаракатлари билан ҳисса қўшганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

САЙФУДДИН АШУР (1919)

“АЛВИДО ДЕМАГИН”, 1981.¹

Ушбу роман муаллифи Америкада инглиз адабиётини ўқиган ва айни пайтда “Нефть карвони” (Қофилат аз-зайт”) журналининг таҳрир ҳайъати раиси бўлиб ишлаган. Сўнг “Таржима” муассасаси мудири бўлган. Бу муаллифнинг роман жанридаги ягона асари. Унда қиз боланинг ўзи хоҳламаган йигитга турмушга чиқиши муаммоси, гарчи у бошқа йигитни севса-да, уни қандай қилиб бошқа шахсга турмушга чиқишга мажбур қилиш йўллари кутарилган. Ҳақиқатан, бу муаммо қадимги муаммо бўлиб, етмишинчи йиллар охирига келиб ҳал этилди.

Муаллиф китоб муқаддимасида шундай ёзди: “Бу китоб ўтган чорак аср ҳақиқатини ифодалайди”.

Иброҳим ан-Носир 1969 йили нашр этилган роман “Уліклар кемаси” романида таъкидлаганидек, ушбу сўзлар роман воқеаларини белгилайди. Бу воқеалар орасида ўша пайтдаги шароит ва имкониятлар доирасида мамлакат вазирликларининг, шу жумладан, Молия вазирлитининг Маккадан Риёзга кўчирилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Кўплаб ҳақиқий воқеалар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзиларида муаллиф бош қаҳрамон тилидан ички монолог услубини қўллаган. Романнавис бадиий-лирик чекиниш, тарихий сериал воқеаларини ҳам қўллаган. Бир қатор романнавислар ва драматурглар бундай услубдан ўз ижодларида фойдалангандар. Масалан, Charles Dickens ўзининг машҳур Hard Times романида қўллаган. Бундай бадиий услублар асосига бадиий автобиографик асар яратиш

¹ Сайфуддин Ашур. “Алвидо демагин” (“Ла такул видаан”). “ад-Дар ас-саудия” нашриёти. Риёз. 1981 й.

қурилади. Ҳамза Мұхаммад Буқарий “Сафо айвони” (“Сақиғат ас-Сафо”)да шундай қылған.

Бу услуб Сайфуддин Ашур ижодида ҳам намоён бўлади. Воқеалар ва ҳодисаларда она қаҳрамон Закия образида, шунингдек, акаси Маҳмуд ва унинг Молия вазирлигида ишлаши, бошлиғи Тоҳир билан муносабати, Маҳрам водийсида Тоҳир ва Муҳсин ўртасида бўлиб ўтган учрашув, шунингдек, Тоҳирнинг Муҳсинга қылған муомаласида пайдо бўлади.

Роман бир оила ҳаёти ҳақида бўлиб, оилада ота вафот этган бўлади. Ундан хотини Азиза бева, фарзандлари икки қиз ва бир ўғил етим қолган эди. Улар Маккадаги эски уйда яшашар ва унинг бир қисмини ҳаж мавсумида ижарага бериш ҳисобига кун кўришар эди.

Маҳмуд оиладаги ягона боқувчи сифатида ҳукумат ишига киради, сингиллари Закия ва Саъда “куттаб”га ўқишига боришади (қизларнинг ўқиши олтмишинчى йиллар бошидан татбиқ этилган)¹.

Роман оиланинг дўсти бўлган Ҳуда исмли қизнинг ёмғирли қиши оқшомларидан бирида бўлган тўйи маросими билан бошланади. Закия ва Саъда ўз уйларидан Ҳудаларнинг уйига қараб турадилар. Улар бир томондан ёмғирда кийимларининг ҳўл бўлиб қолиши тўйда қатнишишларини бузиб қўйишидан қўрқсалар, бошқа томондан дугоналарининг тўйида қатнаша олмасликлари мумкинлигидан янада қўпроқ қўрқадилар. Маҳмуд эса ўртоғи Иззат билан карта ўйнашга берилиб кетган. Иззатнинг ўртоғи отаси унинг учун танлаган амакисининг қизига уйланишдан бош тортди. У турмуш ўртоғи танлашга отасининг ҳам ёки бошқа бирор шахснинг ҳам аралашишини хоҳламайди.

¹ Қаринг: Қизлар таълими бошқармаси маълумотномаси.

Тўй тугагач, мураккаб образ Тоҳир пайдо бўлади, у бир қизга совчи қўйганида, қиз рад этгани учун ҳамма хотин-қизлардан нафратланади. У муваффақиятсиз ўтмишини такрорлашни истамайди. Онаси Жиддадаги опасини зиёрат қилгани кетганидан фойдаланиб, у одатдагидаек ёзги таътилни Тоифда ўтказадиган чогида Маҳмудга хизмат сафарида ёрдам беряпти.

Асаддаги ушбу муқаддималар романнинг ечими сари етаклаб боради. У Тоиф яқинида ёзги таътил пайтида Маҳрам водийсидан бўлган деҳқон Муҳсин билан Закиянинг учрашувидан бошланади. Бирга юрган Муҳсин китоб ўқир ва далани турли ҳайвонлар ва қушлар ҳужумидан ҳимоя қиласр эди. Шу пайт далада айланиб юрган Закияга бир ит ташланниб, уни ғажиб ташлай деди. Муҳсин уни ҳимоя қилишга жон-жаҳди билан шошилади. Қиз бу жойдан кетгач, қизни исми ёзилган ва тушиб қолган дастрўмолини топиб олади. Муҳсин қизнинг кимлигини билгач, уни севиб қолади. Эртаси куни у Тоҳир билан кечки овқатни бирга тановул қилишга қарор қиласди. У билан Маҳмуд орқали зимдан танишган эди. Суҳбат бирданига ҳеч қандай муқаддимасиз бошланди. Муҳсиннинг онаси ҳам даъват этилган эди, у Муҳсиннинг таърифлаб беришича Маҳмуд ва Закия ўртасидаги муносабатдан хабардор эди. Ундан қизни унаштириш учун совчи бўлишини сўради. Она ҳақиқатан ҳам шундай қиласди. Лекин унинг Тоҳирга унаштирилгани булар учун кутилмаган янгилик бўлди. Бироқ бу иш оила Тоифга қайтгандан кейин юз берди. Муҳсин расмий совчи қўйдирганида кутилмаган хабар маълум бўлди.

Ёз тугагач, оила Маккага қайтади, тўйга тайёргарлик бошланади. Закия бунга астойдил қаршилил қиласди. Оила қарор қилиб бўлган ва ҳаммага эълон

қилинган эди. Қиз түйдан олдин касал бўлиб қолади. Шунга қармай тўй бўлади, эрининг уйидаги кун туриб, даволаниш учун ота-онасининг уйига қайтиб келади.

Тоҳирнинг онаси ҳам бу турмуш қуришдан қўнгли тўлмаган эди, чунки бу никоҳ унинг иштирокисиз, орқаваротдан юз берди, аслида унинг танлови ва розилиги билан бўлиши керак эди.

Ҳар ҳолда Маҳмуд синглиси мавзусини Тоҳир билан муҳокама қилишга, бу муаммони ҳал қилиш имконияти борлигини билишга уринади. Тоҳир эса, агар ҳозироқ уйта қайтмаса, талоқ қилишини айтади.

Маҳмуд Закияни текшириш учун табибни уйга олиб келади, табиб уни чет элга олиб бориб, руҳий даволаш зарурлиги, ундаги аломатлар шуни талаб қилаётганини айтади.

Маҳмуд чет элга олиб бориб даволашга пули етмаслиги учун оила уйини сотишга қарор қиласди, Закия бу фикрга қарши чиқади ва уйдагиларга ўзи севмаган (ёмон кўрган, нафратланадиган) Тоҳир билан унинг хотини сифатида яшай олмаслигини очиқ айтади.

Тоҳир Закияни талоқ қиласди. Муҳсин Закияни дастрўмолини тушириб қўйган пайтдан яхши кўтарди, у совчи қўяди. Лекин онаси бунга қарши чиқади, у ўғлининг талоқ қилинган аёлга уйланишини истамайди. Чунки ўғли ҳали уйланмаган эди, бу эса урф-одатга кўра оиласа шармандалик олиб келади.

Муҳсин бу урф-одатни писанд қилмай, нима бўлса ҳам уйланишга қарор қиласди.

У ўзи совчиликка боради ва турмушга чиқишга розилигини сўрайди, охири улар турмуш қурадилар.

Бу асар, унга умуман қандай ҳукм чиқарилишидан қатъий назар, ўтган авлод яшаган жамиятнинг

ҳаётини тасвирлайди. Үндан кейинги авлод аввалги золим ижтимоий тизим мезонларини ўзгартиришда фаол бўлди ва энди аввалгисидан ажралиб турадиган бўлди.

Ҳозирги пайтда қизларни ўзлари хоҳламаган кишига турмушга чиқишига мажбурлаш ноконуний ҳисобланади. Бу эскича дунёқараашни бир қатор ёзувчилар ўз асарларида кўтариб чиқдилар. Масалан, Оиша Зоҳир Аҳмад¹, Тоҳир Аваз Салом², Фуад Анқовий³, Султон Саад ал-Қаҳтоний⁴ асарларида буни кузатишимиш мумкин.

Юқорида айтганларимизга қарамасдан, “Алвидо демагин” романида бадиий-техник романнинг бир қатор шартлари ва талаблари бажарилган, асар тузилишида, қаҳрамонлар образлари яратилишида, гарчи баъзи камчиликлар бўлса ҳам, роман тугуни (сюжети) аниқлик билан ечилган.

Аммо диалогларнинг, ички монологларнинг узун-қисқалиги ҳақида тўхталсак, бу ерда турларда, яъни қисса материалининг ўзида етишмовчилик бор. Бу адабий қурилма бошқарилиши қийин бўлган унсурлардан биридир, ҳаттоқи жаҳон миқёси-даги адилларда ҳам бу нарса кузатилади. У баъзи жумлалар ва ибораларнинг ичига махфий равища киритиб юбориш орқалигина бошқарилади. Бу нарса роман тилини бошқариш билан изоҳланади.

Муаллифнинг кўплаб изоҳлар қўллагани, бадиий асарга муқаддима қўшгани бу асарининг қий-

¹ Оиша Зоҳир Аҳмад. “Кўз ёшлари кўлидаги табассум” (“Басма мин бухайрати ад-Думу”). Жидла адабиёт клуби. 1979 й.

² Тоҳир Аваз Салом. “Кўмилган сандик” (“са-Сундуқ ал-мадфун”). Жазан адабиёт клуби. 1980 й.

³ Фуад Абдулҳамид Анқовий. “Тоғ остида соя йўқ” (“Ла зилл тахта ал-жабал”). Макка. 1983 й.

⁴ Султон Саад ал-Қаҳтоний “Оқшом зиёратчиси” (“Зайр ал-маса”). 1980 й.

матини камайтиради. Шунга қарамай, бу роман иккинчи даражали романлардан ҳисобланади, муаллифи эса романнавис сифатида түлиқ етукликка эга ва сентимал масалаларни муҳокама ва ҳал қилишда яхши билимга эга.

ФУАД СОДИҚ МУФТИЙ (1935 й.т.)

ЗАИФЛИК ЛАҲЗАСИ. 1981 й¹.

Ушбу бадиий асар университетда ўқиш учун Америкага юборилган йигит қиссасидир. У Жиддадан Лондан орқали Лос-Анжелесга кетар экан, йўлда Лондонда ўн тўрт соат вақтини Farb ва Шарқ ўртасидаги фарқ билан танишиш билан ўтказади.

Лондондан Лос-Анжелесга кетаётган самолёт бортида Кларк хоним билан танишади. Ёнмаён ўриндиқларда ўтирганлари учун сухбатлашиб кетадилар ва Кларк хоним уни бирга яшаш учун ўз уйига таклиф қиласди ва уйда Кэти исмли қизи билан яшайди. У рози бўлади. Кларк хоним шу муносабат билан зиёфат бериб, бир гуруҳ дўстларини таклиф қиласди. Улар орасида Тельман исмли киши бўлади. Ториқ унинг Кларк хоним билан бир хонада бирга ухлашини билгач, бу уйни тарқ этиб саудиялик ўртоқлари Фахд ва Аҳмад билан бирга яшашга қарор қиласди. Сўнг ўзи учун алоҳида уй топади. Янги йил муносабати билан бир гуруҳ дўстлари ҳамроҳлигига Фаҳднинг уйига унинг уйланиши муносабати билан боради. Бу ерда у америкалик Лиза исмли қиз билан танишади ва у билан бирга рақсга тушади. Сўнг шу қиз билан турмуш қуришга қарор қиласди ва қизнинг розилигини олади. Чекишини,

¹ Фуад Содик Муфтий. “Заифлик лаҳзаси” (“Лаҳзат ад-дұъғ”). “Тиҳама” нашриёти. Жидда. 1981 й.

ичишни ўрганади ва умуман гарбона ҳаётни бошлийди. Қизни ресторанга таклиф қиласиди ва у ерда турмуш қуришга келишиб оладилар.

У ота-онасини зиёрат қилишга Саудия Арабистонига келади, уларни уйланиши ҳақида хабар қилмайди. Ундан сўнг Лос-Анжелесга қайтиб кетади ва Лизанинг ҳомиладор бўлганидан хабар топади. Шунда ота-онасига бор ҳақиқатни хабар қилиш ва фотиҳа қилишларини сўраб хат ёзади. Хат етиб келганида ота-онасининг дастлаб газаби қўзийди, лекин уларнинг ҳам воқеликни қабул қилишдан бошқа иложлари қолмайди¹.

Бу орада у билан ёшлигидан бирга ўйнаб катта бўлган амакисининг қизи Сиҳам ҳам бор эди. Одатга кўра, улар турмуш қуришлари керак. Ториқ шу ҳақида ҳали ҳам, ҳатто Лизага уйланганидан кейин ҳам ўйлар эди. Лекин ота-онасининг олдига зиёратга борганида уйланиш ҳақида оғиз очмайди, унинг устига уйланишига ўзининг ҳам ишончи кучли эмас эди. Чунки у пайт у ҳали ҳам Лиза танловини сақлаб турган, қиз эса ундан умид қиласарди.

Лиза Ториққа ўғил туғиб беради ва исмини Соми деб аташади, Ториқ хурсанд ва баҳтли бўлиб юради. Ота-онасига бу хушхабар ҳақида ёзади, лекин унинг хурсандчилиги узоқча бормайди. Лиза билан турмуши мувваффақиятли давом этишидан шубҳа қила бошлийди. Чунки қизнинг хоҳиш-истаклари унинг хоҳиш-истаклари билан мос келмайди. Лиза Ториқ у билан суҳбатлашиб ўтиришини, уйдан ташқарига бирга чиқишини ва ҳоказоларни хоҳлайди.

Бироқ моддий шароит қийин, талаба сифатида моддий имконияти чекланган. Ўқиши ҳамма вақтими олади, Ториқ бундай шароитда унинг барча та-

¹ Роман. 80-88-бетлар.

лабларини қондира олмайды, бунинг устига хотини боласига қарап учун ўқиши ҳам ташлаган.

Хотинига ва боласига бўлган муҳаббати туфайли ҳамда ўқиши туфайли қурбонлик қиласиди. У барча хоҳиши-истаклар ўртасида ҳеч нарса йўқотмаслик мувозанатни сақлашга уринади, лекин бунинг уддасидан чиқа олмайди. Лиза эса доимо кўчага чиқишини, рақсга тушишини, дугоналари билан учрашишини хоҳлайди. Лекин Ториқ унинг бундай қилишини хоҳламайди.

Бир муносабат билан Лиза зиёфатга боради ва болани Ториққа ташлаб кетади. Ториқ бола билан анча вақт ўтказади, боланинг ҳарорати кўтарилади, Ториқ унга сут беради ва ҳароратини тушириш учун дори беради. Ториқнинг газаби қўзғаб, асабийлашади.

Лиза эрта тонгга яқин келганида, кеч қолганинг сабабини билиб, уни қўйиб юборишга қарор қиласиди¹. Ториқ ўқишини муваффақият билан якунлайди ва Саудия Арабистонига ўғли билан бирга қайтади. Сиҳам билан алоқасини тиклайди, қиз уни қилган хиёнатига ҳам қарамасдан ҳали ҳам севар эди. Ториқ унга уйланади, қиз Сомини ўғил сифатида қабул қиласиди ва Ториққа яхши муносабатда бўлади. Уч йил ўтгач, Ториқнинг характери, унинг бошқа ҳар қандай инсон билан муомаласи ва ҳатто Сиҳам билан ҳам муомаласи ўзгаради. Ёмон ўртоқларга улфат бўлади, қиморбозга айланади. Уйга кўп келмайдиган одат чиқаради, Сиҳам Ториқнинг бундай юриши-туришидан ғамга ботади. Ториқ ҳар йили камида ўн марта чет элга боради, тоҳ Фарбга, тоҳ Шарққа, Европага ва Узоқ Шарқ мамлакатлари ўртасида сафар қиласиди. Ториқнинг бундай

¹ Роман. 92-93-бетлар.

юриш-туришига Сиҳам ҳеч қандай таъсир қила олмайди. Бундай саргардонлик Лондонда Ториқнинг бошига етади, у ўн тўрт йил олдин Лос-Анжелесга йўл олар экан, Фарб ўлкаларига сафарини бошлаган Соҳо деган жойда ҳаёти якунланади.

“ЙЎҚ, БУ ОРЗУ ЭМАС ЭДИ”, 1986 й¹.

Фуад Содиқ Муфтийнинг “Йўқ, бу орзу эмас эди” номли иккинчи романи саудия жамияти уйғониш даврининг бошланишида дуч келган муаммоларнинг энг каттаси – хотин-қизлар таълими муаммоси билан боғлиқ. Бу муаммо XX асрнинг олтмишинчи йилларида кўтарилиган. Ўша пайтда расмий мактаблар ташкил қилинган ва етмишинчи йилларнинг бошига келиб мамлакатнинг чор атрофини тўлиқ қамраб олган эди. Ушбу роман воқеалари ана шу даврга тўғри келади. Бу муаммо ҳалига-ча саудия хотин-қизлари бошидан кечираётган энг катта муаммо ҳисобланади.

Роман умуман икки нуқтада кесишади:

Хотин-қизлар муаммоси – хотин-қизлар таълими Арабистон ярим оролида, хусусан, Саудия Арабистонида бошланиши, романда ниҳоятда воқеий услугуб билан ёзилган.

Бу жуда камбағал оиласида ўсган Ҳуда исмли қиз қиссаси. Онаси Суад отасининг дўконида ишлайдиган Солиҳ исмли катта ёшли кишига турмушга чиқади. У меҳнат қилади ва борига шукр қилиб яшайди. Эсга олишга арзигулик даромад қилмаган оиласининг хизматига ўз ҳаётини багишилаб, ёшлигини ўtkазади. Шу билан бирга оиласи олдида ўз шахсиятини очишни ва буни жамият олдида исботлашни

¹ Муфтий. “Йўқ, бу орзу эмас эди” (“Ла, лам якун хулман”). “Аш-Шарқ ал-Авсат” нашриёти. Жидда, 1986 й.

хоҳлайди. Суад Солиҳдан уч фарзанд кўради, Ҳуда улар орасида иккинчи фарзанд эди. Опаси Салва турмушга чиққан. Ҳуда эса ўқиши давом эттиришга қаттиқ туриб олади. У Фотима билан бирга ўқийди. Фотима уни доимо ўқишига рағбатлантириб турарди. Фотима зиёли кишининг қизи, отаси унинг таълим олишига, тарбиясига алоҳида эътибор қаратган. Қиз маданият ва адабиёт клубининг раиси бўлиб етишади, ўзининг шахсий кутубхонасида эга бўлиб, унда турли мутахассисликлар бўйича кўплаб китоблар бор эди.

Фотима қизлар учун бошлангич мактабга асос солади. Маҳалла қизларининг ўқиши ва тарбияси учун хизмат қилади. Бу (муаллифнинг таъбири бўйича) хусусий мактаб бўлиб, ҳали расмий мактаблар очилмаган эди.

Ҳуда бошлангич мактабдаги ўқишини тугатиб, маҳалла аҳлиниң саъй-ҳаракати билан очилган умумий ўрта мактабга, сўнг ўрта мактабнинг юқори синфларига ўқишига ўтади. Ўрта мактаб замонавий таълим тизими бўйича ҳукумат томонидан ташкил қилинган эди. Шу давр ичida Ҳуда ва Фотима ўртасидаги яхши муносабат ва дўстлик давом этади, Ҳуда Фотиманинг университетда ўқиши давом эттириш ҳақидаги маслаҳатини қабул қилади. Ҳуда мактабни битирганида, қизлар учун университет йўқ эди. Шунинг учун онаси уни Мисрга Қоҳира университетига ўқишига олиб боришга қарор қилади. Бунга хотин-қизларнинг ўқишига ишонмайдиган тогаси қаршилик қилади ва сафарига тўсқинлик қилишга уринади. Лекин Ҳуда тогасини одоб билан, чиройли муомала билан кўндира олади. Эртами, кечми қиз бола ҳам ўқиши зарур бўлади, у жамиятнинг ярмидир, жамиятнинг унга эҳтиёжи бор. Агар хотин-қиз-

лар жоҳил бўлиб қолаверсалар, жамият шол бўлиб қолади.

Оила Қоҳирага жўнаб кетади. Суад ўз уйида аёллар кийими тикадиган тикувчилик цехи очади, шунинг учун бичиш-тишида бор ва тажрибага эга эди. У ўзининг ва Ҳуданинг ўқиш харажатларини қоплаш учун яна бир кичикроқ цех очади.

Ҳуда университетдаги ўқишини муваффақиятли тугатади. Талабалик чогида бўш вақти бўлганида онасига баъзи кийимларнинг дизайнини тайёрлашда ёрдам берар, уларга арабча исмлар бериб, Европадан Мисрга қелган сайёҳларга сотишар эди.

Ҳуда италян модалари бўйича моҳир дизайнер бўлиб етишади. Римга бир фирма билан ишлаш учун кўчуб кетади ва бир неча йил у ерда қолади.

У ва онаси доимо Жиддага қайтишни ва у ерда хотин-қизлар кийимлари ательеси очишни ўйлар эдилар. Бир куни у жиддалик бир хоним билан учрашади, у Римга кийимлар сотиб олиш учун келиб турарди. Ўзаро танишганларидан сўнг, у аёл фикрларини қўллаб-қувватлаб, уларни рағбатлантиради ва Жиддада кийимлар уйи ташкил қилишга ёрдам беради. Қайтганларидан сўнг Суад вафот этади. Ҳуда лойиҳани молиялаштирувчи Навал хоним ва унинг ўғли Аҳмад билан ҳамкорликни давом эттиради. Аҳмад қирқ ёшга кирган бўлса ҳам уйланмаган, ёқимли, босиқ характерли йигит эди. Ҳуда юраги сиқилиб, бир неча кун дам олиб даволаниш учун шифохонага ётади. Шу муддат ичида у Аҳмад ҳақида қўп ўйлай бошлайди. Врач иш ташвишларидан ва асаб босимидан бироз дам олиш учун бир неча кунга таътил олишни тавсия қиласди. Шу сабабдан у опаси Салва, унинг эри ва болалалири билан Женевага кетади. Ҳуда ҳали ҳам Аҳмад ҳақида ўйлар эди. Аҳмад ҳақиқатан ҳам Ҳуда уни

севишини биларди, шунинг учун у Жиддага қайтгач, Навал Ҳуда билан Аҳмадга турмушга чиқиши ҳақида маслаҳатлашади. Навал ва Аҳмад бунга дарров рози бўлишади. Аҳмад ва Ҳуда асал ойини Францияда ўтказишади. Ундан сўнг у ишни укаси Талъатга топшириб, эрини баҳтли қиладиган турмуш ўртоғи сифатида ўзини Аҳмадга бағишлайди.

Фуад Содиқ Муфтий ўзининг биринчи романи “Заифлик лаҳзаси”ни хорижда ўқиётган талабаларнинг муаммоларини очиб бериш учун ёзган эди. Уни батафсил воқеий сценарий ва билвосита тафсилотларга асосланган роман қурилиши билан, ҳодисаларга бевосита тегмаган ҳолда бошлаган эди. Тўсатдан роман иккинчи даражали нарсаларни муҳокама қилишга қараб бурилиб кетади. Қиссанинг мақсади учун улар муқаддима ҳам, хотима ҳам эмас. Оқибатда роман тузилишида бўладими ёки драматик масалаларни ҳал қилишдами ўз кучини йўқотади. Унда бевосита юзаки танқидий услуб пайдо бўлади. Кўтарилиган муаммони билвосита ҳал қилиш асосига қурилган роман жанридан кўра кўпроқ публицистик очеркка яқин бўлиб қолади.

Иккинчи асар “Йўқ, бу орзу эмас эди” романига келсак, бу ҳам айни камчиликка эга, биринчи асар каби у ривожлантиришга муҳтож. Бош қаҳрамон Ҳуда образи бевосита онасининг образидан келиб чиқади. Онаси кичкиналигида мустақиллик учун курашарди, бу ерда ўқиган ва ўқимаган аёл ўртасида ҳеч қандай фарқ берилмаган. Ўқиган зиёли аёлнинг қисмати ўқимаган жоҳил аёл қисмати каби тугайди.

Асар хотин-қизлар таълими муаммосини кўтариш билан бошланади: бу романнинг ҳикоя этиши услуби Ҳуда университетни битириб чиққунича ҳукмронлик қилади. Кейин эса заиф романтик

васфга айланади ва роман жанрини ҳеч нарса билан бойитмайди. Қаҳрамон олдида йўллар очилади, тасодифлар файритабиий роль ўйнайди. У ўз йўлида ҳеч қандай тўсикқа учрамайди. Сўнг таълим олиб ўқиган касби бўйича ватанига нафи тегмайди. Аслида бунинг учун у ҳам, онаси ҳам курашган эди, мақсадига эришди, охир-окибатда эса у касбни бутунлай ташлаб кетди, гўёки бунинг учун сарфлаган вақти ва саъй-ҳаракати учун ўзини гуноҳкор ҳис қилгандай.

Бу ҳақиқатан ҳам, хотин-қизларни ўқитиш учун тарғибот қиласидан асар. Унда бир қатор ҳикоя ҳодисалари мавжуд бўлиб, улар ҳақида олдиндан башорат қилиш мумкин. Лекин бадиий техника асар тузилишида ҳам, ҳодисаларда ҳам йўқ. Бу роман Исом Ҳуқайрнинг биз олдин муҳокама қилган “Сенъора” романидан бироз фарқ қиласиди. Тадқиқотчи ҳар иккала асар ўртасида бაъзи боғлиқликни, хусусан, муболагалар ва романтика масалаларида кўради.

Асар номининг ўзи ҳам маъносини йўқотган. Аслида Ҳуданинг университет дипломини олиш билан ушалган орзузи барча саудия хотин-қизларининг орзузи бўлиши керак эди. Лекин биз учун бу орзудаги кутилмаган нарса шуки, у амалга ошиши билан, қаҳрамон романтик муҳитга айланиб кетади. Демак, Ҳуданинг орзузи турмушга чиқиши. Турмушга чиққач, у Аҳмаднинг Париждаги либослар кўргазмасини иккинчи марта зиёрат қилишга таклифини рад этади. У ўзининг зиёли бўлишини фақат турмушга чиқиши учун хоҳлаганмиди? Шундай қилиб романнинг ечими бошдан оёқ тескари бўлиб, қўйилган мақсаддан узоқлашиб кетади.

ФУАД АБДУЛҲАМИД АНҚОВИЙ (1935 й.т.)

ТОҒ ОСТИДА СОЯ ЙҮҚ. 1983 й

Бу роман тарихий характерга эга бўлиб, унинг воқеалари (1330-1370 ҳ. й.) 1911-1950 йиллар орасида бўлиб ўтади. Бу давр уч сиёсий босқич: усмонийлар империясининг сўнгти босқичи, ҳошимийлар даври, саудия ҳукмронлиги босқичидан иборат бўлиб, ҳукуматлар ўртасида бўлиб ўтган низолар даврини ўз ичига олади. Анқовий Макка жамиятининг қирқ йиллик ҳаёти даврида Маккада юз берган ижтимоий ўзгаришлар даражасида сиёсий воқеаларга тўхталмайди. Аҳмад ас-Сибай ушбу романнинг муқаддимасида таъкидлаганидек, бу роман Макка ҳаётининг урф-одатларини рўй-рост ифодалайди¹.

Маккалик тожир Аҳмад Ясин хотини Ҳудадан айрилади ва тарбиясига, қараб туришга муҳтоҷ бўлган икки боласи билан қолади. Аҳмаднинг онаси вафотигача уларга қарайди. Ундан сўнг Аҳмаднинг ўзи барча масъулиятни ўз бўйнига олади. Маҳмуд исмли бошқа бир тожир Аҳмадни уйига зиёратга таклиф этади ва катта қизи Закияга уйланиш масаласини муҳокама қиласи. Аҳмад ва Закия турмуш қурадилар.

Аҳмад икки боласидан хавотир бўлиб, уларга қараб турадиган одам топишни хоҳлайди. Болалардан бири Саад – шўх, у отасининг турмуш куришига қарши чиқади, онасининг ўрнини бошқа аёл эгаллашини истамайди. Холид эса жиддий бола, яхши ўқийди ва Сааддан бутунлай фарқ қиласи. Кўп вақтини синфдоши ва дўсти Ҳасан билан биргаликда дарс қилишда ўтказади.

¹ Аҳмад ас-Сибай. “Тоғ остида соя йўқ” (“Ла зил таҳта ал-жабал”) романи муқаддимаси. 14-19-бетлар.

Бошқа қаҳрамонлар Аҳмаднинг опа-сингиллари, бутун вақт ичида Аҳмадга ҳеч қандай фойдалари тегмайди. Хизматкор Сара болаларнинг бувиси вафот этгандан сўнг уларга қарайди. Сара унга шафқатсиз муомалада бўлади ва Аҳмадга уни ўз ҳолига қўйиб, уйдан ҳайдаб юбор, дейди. Шу талабга мувофиқ Аҳмад уни ҳайдаб юборади. Бу Холиднинг ҳам уйдан кетишига сабаб бўлади. У Сарани олиб ўртоғи Ҳасанникида яшайди.

Аҳмад ва Закия ёзни Макка ва Жидда аҳлидан бир қатор одамлар бўлганлар билан Тоифда ўтказадилар. Тоифда дам олиш ана шу икки шаҳар аҳлининг одати эди. Аҳмаднинг Тоифда яшайдиган дўсти бор бўлиб, исми Наим, асли суриялик эди. У кийим-кечак билан савдо қиласар ва Нодия исмли чиройли қизи бор эди. Ёз ниҳоясига яқинлашгач, маккаликлар ва жиддаликлар ўз минтақаларига қайтишарди. Нодия ҳақида ўйлар Аҳмаднинг хаёлини банд қилди, Аҳмад бу ҳақида жиддий ўйлай бошлади. Закия бу ҳақида билиб қолди. Закия Нодияни биринчи кўрганидаёқ ёқтирумаган, ундан нафратланган эди. Аҳмад Наимдан хат олади, унда хотинининг вафот этганини, онаси вафоти туфайли таъзияга муҳтож бўлган қизи билан бирга ҳаж қилиш ниятида эканлигини ёzáди.

Аҳмад уйида уларнинг иккови ҳаж пайтида бирга туришларига Закияни кўндира олади. У ҳар сафар ўзининг Нодия сари интилаётганини сезади ва Наимдан унинг қўлини сўрайди. Бутун оиласининг бу тўйга қаршилигига қарамай, у Нодияга ўйлана олади. Холидни бу фикрга кўндиради. Саад эса мутлақо қарши бўлиб қолади.

Закия эса Аҳмад хотинини рози қилиш учун сотиб олган катта уйни қўлга киритади ва у ерга яшаш учун кўчиб ўтади. Аҳмад вақтини улар ўр-

тасида тақсимлайди, бир тун уницида, бир тун бу-
ницида қолади.

Холид ўқишини давом эттиришга Европага
сафар қиласы. Саад эса Мадинага ўртоги билан
яшагани кетади. Лекин у ерда безгакка мубтало
бўлиб қолади ва Аҳмад даволаш учун уйга олиб
келади.

Закия ва Саад бир-биридан нафратланади.
Нодия эса Саад билан яхши муносабатда бўлади,
унда ҳақиқий эркак сифатларини кўради. Нима
бўлганда ҳам, Саад безгакдан ўлади. Аҳмаднинг
икки хотини ўртасида фарқ яққол кўриниб қола-
ди. Нодия Сааднинг вафотидан замгин бўлиб, кўз
ёши тўксаса, Закия эса ясаниб-тусаниб, хурсанд бў-
либ қулиб юради. Аҳмад унинг нодонлигига амин
бўлади. Шундан сўнг мана шу айби учун уни
талоқ қилишга қарор қиласы ва отасининг уйи-
га олиб бориб қўяди. Холид ўқишига беэътибор
бўлади ва вақтини Фарб ҳаётидаги айш-ишрат-
га берилиб, Сюзи исмли қиз билан ўтказади, уни
севган қўшни қиз Иззани ҳам унутади. Иззани
оила урф-одатларига кўра амакисининг ўғлига
мажбурлаб турмушга беришади.

Сюзи Холидни Фарб ҳаётининг қўнгилхушлик-
ларига олиб киради. Лекин бир куни унга отасидан
хат келади. Хатда Сааднинг вафоти ва Закиянинг
талоқ қилиниши ҳақидаги нохуш хабарлар бўлади.

Аҳмад қалбининг синганини гапиради, у ҳаёт-
га узоқ чидай олмаслигини, шарт-шароити унга
нисбатан жуда шафқатсиз эканини ёзиб, Холиддан
оила тижоратини бошқариши учун иложи борича
тезроқ қайтишини сўрайди. Чунки у ўлимни яқин-
лигини ҳис қилаётгандек, иш ташвишларини кўта-
ра олмаётгандек бўлади. Холид ўқишини ва бошқа
фаолиятини ташлаб, юргига қайтиб келади.

Романдаги аксарият воқеалар Маккадаги ҳаёт ва урф-одатлардан, одамларнинг ҳар кунги муносабатларидан олинган, уларнинг баъзилари ҳалигача мавжуд, баъзилари ўтмишда қолган. Уларнинг ўрнини ашула, тўй базми, оила маросимлари ва бошқалар эгаллаган. Шунингдек, маҳаллалардаги “умда” (оқсоқол), “нақиб” (бошлиқ, раис) ва шу каби бошқашалярни учратамиз. Бу суратларнинг аксарияти муаллифнинг ҳикояларида яққол намоён бўлади. Улар ҳодисалар бўладими ёки образларми, бир-бирiga ўхшаш, такрорланадиган манзаралар, баъзан исмлар ўзгариши мумкин. Бу романда ҳам ана шу қиёфалар ва манзаралар ҳақида ҳикоя қилинган¹.

Фауд Анқовий ушбу романни ёзганида “бу асар Маккадаги болалигининг баён этилишидир”², деган эди.

У аввал Қоҳирада ўқиди, сўнг Лондон Университетида ўқиб, жамоатчилик билан алоқалар бўйича олий диплом олди. Олтмишинчи йиллар бошларида “ан-Надва” ва “Қурайш” газеталарида журналист бўлиб ишлади. 1960-1964 йилларда Саудия Арабистонида биринчи бор “Спорт журнали” номи билан жисмоний тарбия ва спорт масалаларига багишланган журнал нашр эттириди. Кейин бу журнал чоп этилишдан тўхтатилди. “Оказ”, “Риёз” газеталарининг мухбири сифатида дунёнинг кўп мамлакатларини кезди. Таълим соҳасида ҳам ишлади. Матбуот назорати кўмитасининг раиси мансабида ҳам фоалият кўрсатди. Энг сўнгти ишлаган жойи Жиддадаги Подшо Абдулазиз университети бўлиб, у ерда иқтисод фанидан дарс берди³.

¹ Фауд Абдулҳамид Анқовий. “Пароканда кунлар” (“Айям мубаъса-ра”). Ҳикоялар тўплами. Тихама нашриёти. 1982 й.

² Роман. 11-13-бетлар.

³ Қаранг: Мазкур роман мұқовасидаги муаллифнинг таржимаи ҳоли.

Фауд Анқовий “Тоғ остида соя бўлмас” романнинг муқаддимасида (Мен бадиий асарлардаги муқаддимага қаршиман) бу асарини бадиий роман шаклида тақдим этишни хоҳлаганини ёзган эди. Ҳар ҳолда, асар ечими ва образлар яратишнинг ҳар иккиласи ҳам заиф, техника изтироб кўрсат-кичларини беради. Масалан, Аҳмаднинг ички монологи мавъизалару бевосита хитобга айланниб кетган. Хуллас, ушбу асарни тўлиқ маънодаги роман деб аташ қийин, у қуйида таҳлил қиладиганимиз ке-йинги романдаги талаблар бажарилганичалик эмас.

ҲАМЗА МУҲАММАД БУҚАРИЙ (1930-1983)

САФО АЙВОНИ, 1983 й¹.

Ушбу роман Маккада улгайган Муҳайсин исмли йигит қиссасидир. Уни онаси ўз вафотигача тарбиялади, сўнг у улгайиб мактабда дарс бера бошлияди. У ўз отасидан ёш болалигигидаёқ айрилган эди. Онаси иккинчи марта турмушга чиқади, лекин қисқа вақтдан сўнг у ҳам вафот этади. Шунинг учун унинг тарбияси фақат онасига қолади. Икки марта бева бўлган онаси яна турмушга чиқиши хоҳламайди, у ягона умидини ўғлида кўради. У ўғлининг тенгдошлари қатори, ана шу авлод фарзандлари қатори ҳақиқий эркак бўлиб ўсишини хоҳлайди.

Роман асосан автобиографиядан иборат бўлиб, воқеаларнинг аксарияти Ҳамза Буқарийнинг ҳаётини билан мос келади. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўлидаги шароитлар ҳам шуни кўрсатади. Романнинг бош қаҳрамони образида романнавис ўзини ифодалади, у муаллифнинг айнан ўзидир. Бу саудия

¹ Ҳамза Муҳаммад Буқарий. “Сафо айвони”. (“Сакифат ас-Сафа”). “Дар ар-Рифаай” нашриёти. Риёз. 1983 й.

қиссанавислигиде автобиографик тарзда яратылган биринчи романдир, унинг белгилари аниқ, шакли күчли, роман тарзидә баён этилган. Саудия жамияти, хусусан, Макка жамияти ҳақида ярим асрлик давр ичидаги аниқ суратни барча ижобий ва салбий томонлари билан ифодалаган.

Биринчи боб ўтгай отаси билан муносабатлари ҳақида бўлиб, ўтгай ота унга ёш болаларга қилининшидай муомала қилганларини, шикоят қилиб, доимо танбеҳ берганини тасвирлайди. Шунинг учун Муҳайсин ўтгай отасининг насиҳатлари ва танбеҳларидан қутилиши учун унинг ўлишини тилайди. Унинг қабри устида туриб айтганларини қилишни хоҳлади, лекин болаларча поклик билан бу ниятларининг амалга ошишидан, дуоларининг қабул бўлишидан қўрқиб, тавба қиласади. Ўтгай ота ҳақиқатан ҳам вафот этади, бола йиглайди. Соқолига осилиб, уни кечириши ва истаклари амалга ошмаслигини сўрайди, улар ҳақиқатга айланади¹.

Ҳамза Буқарий ўша пайтда бошланғич таълим олаётган давридаги баъзи гаройиботлардан бизга ҳикоя қилиб беради. Биринчидан, бу асосан “куттаб” (мактаб) даги ўқитувчининг ўқувчиларни урishi мумкинлиги ҳақида. Онаси ўғлининг бу мактабда ҳеч нима ёки ҳеч бўлмагандан у, яъни онаси биладиган нарсаларни ҳам ўрганмаганини билиб қолади. Ёки бўлмаса, у ўрганганларини хато деб ҳисоблайди ва ўғлини бошқа “куттаб” (мактаб) га юборади.

- Биламанки, бу мактаб ҳаётимдаги биринчи мактаб эмас. Бундан олдин иккита мактабга борган эдим. Биринчиси қиз болалар “куттаби” бўлиб, унга ҳарфларни ажратса олишим учун юборилган эдим. Сўнг бир неча ой ўтгач, онам “Нима ўргандинг?”

¹ Роман. 6-бет.

деб сұрагандан кейин бошқа “күттаб”га күчирілган әдим.

Үша пайтда онамга “Устида ҳеч нарса йўқ” сурасини ўргандым деб айтган әдим. Шунда онам дахшатта тушиб, “Нега ҳалигача “Алҳамду” сурасини ёдламадинг?” деб, күксимга урди. Шундан сўнг ўғил болалар “күттаб”ига жўнатди. Мен у ерда “Алҳамду” сурасини ва бошқа сураларни ёдлай олдим. Лекин мен ҳалигача үша “Устида ҳеч нарса йўқ” сурасини аниқ эслайман. Ҳозир ҳам олтмиш йил олдин ўқиганимни адашмасдан қайтара оламан.

“Алиф” нинг устида ҳеч нарса йўқ. “Ба” остида бир нуқта бор. “Та” устида икки нуқта бор”¹. Алиф-бе ҳарфларини ўрганишнинг бу комик шарҳи араб мамлакатларидан қадимги таълим тизимининг биринчи босқичларидан иборат бўлиб, у усмонийлар даврида ҳам давом этган. Бу аслида араб алифбоси ҳарфларини тушунтириш услуги әди.

Муаллиф таълимнинг бу тури ҳақида сўзлашидан мақсади, у “күттаб”ни битириб, расмий мактабга киргач, ортирган тажрибаси билан солишитиради:

“Расмий мактабда бир неча ўқитувчи ва мактаб мудири бор әди. Күттаб эса бир хона ва бир ўқитувчидан иборат бўлиб, унда турли ёшлардаги болалар таълим олардилар. Бу уларнинг хулқларида ҳам ифодаланаарди”.

Муаллиф ўзи ўрганган услугуб шундай эканлигини биларди².

Мұхайсин иккинчи “күттаб”ни битириб чиққач, расмий “ал-Фахурия” мактабига ўқишига киради. Бу

¹ Роман. 15-16-бет.

² Роман. 18- ва кейинги бетлар.

усмонийлар империясининг яқунида очилган ягона расмий мактаб эди. Муаллифнинг эслашича, бу таълим муассасасида ўқиши уч босқичда олиб борилар эди. Биринчиси бошлангичдан олдинги таълим – уч йил давом этади, сўнг бошангич таълим, иккинчи босқич бошлангич таълим уч йил ва сўнгти уч йил юқори босқич эди.

Муҳайсин биринчи босқични битиргач, иккинчи босқичга бевосита кириши мумкин эди. У учинчи босқични битирганида устози уни мана шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашга таклиф қиласди. Онаси ўғлининг бундай ютуғидан хурсанд бўлиб, шу муносабат билан каттагина зиёфат беради.

Муҳайсиннинг муваффақиятли ўқитувчи бўлишибида кўшниси жаноб Умарнинг ёрдами катта бўлган эди. Умар амакини маҳаллада “фармасончи” дейишар, у “масон”лар оқимига мансуб эди. Ўша пайтда пайдо бўлган бу “Freemason” сўзи инглизча “Freemasonry” дан олинган эди. Бу психология илмида “руҳий иштирок” дейилади ва унинг тарафдорлари ўзларининг хурсандчиликлари-ю қайгу-аламларида ўзгаларнинг иштирок этишларини яхши кўрадилар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлади. Жаноб Умар барча шарт-шароитларда Муҳайсинни шерик қиласди. Чунки, Умар ўша пайтда зиёли киши бўлиб, Муҳайсиннинг зиёли шахс сифатида образи етук бўлишибида унга ўз кутубхонасини очиб берганидан бошлаб улкан таъсир кўрсатган. У Муҳайсинни китоблар билан таъминлаб, унга қайси китобларни ўқишини маслаҳат берар эди. Умар амакининг икки фарзанди бор: Жамил ва Жамила. У Муҳайсиндан ўғли Жамилга араб тили фанидан дарс беришни сўрайди, Муҳайсин рози бўлади ва эвазига унга инглиз тилидан дарс ўтишини сўрайди. Бу талаб Умар амаки учун кутилмаган бўла-

ди, чунки дарслар эвазига ҳамма нарсадан кўра кўпроқ пул маблағи сўрашини кутган эди. У шартга кўнади ва келишилгани бўйича унга инглиз тилидан дарс ўтади.

Умар амакининг қизи Жамила умуман “күттаб”-га бормаган, лекин, Муҳайсин Жамилга хусусий дарс ўтаёттандан дарсга қатнашади. Жамил эса синглисинген бегона эркак олдига чиқишига қаршилик қиласди. Жамила бир кун ҳам “күттаб”га бормаганига қарамай, таълимда эришган ютуғи бўйича акаси Жамилдан ўзиб кетади. Жамил бўлса, эслашга арзигулик натижага эришмайди.

Муҳайсиннинг бошлиғи “Ал-Фахурия” мактаби мудири уни қизи Аминага уйлантириш ҳақида ишора қиласди. Уни қизи билан юзма-юз учрашишга уйига таклиф қиласди. Улар кечки таом муносабати билан учрашадилар, лекин Муҳайсин Жамилани яхши кўради. Онаси эса унинг Аминага уйланишини хоҳлади. Муҳайсин уйига қайтгач, онаси уни саволларга кўмиб ташлайди, Аминани отасининг мансаби ва фазилатли инсон бўлгани учун ҳам келин қилишни жуда хоҳлар эди. Муҳайсиннинг Аминага уйланишга қизиқиши заиф бўлгани учун, икки ҳафтадан кейин мудир қизи Аминанинг бошқа йигитга унаштирилиши муносабати билан зиёфатга таклиф қиласди. Муҳайсин жуда ҳам ноқулай аҳволда қолади.

Муҳайсин ўттиз ёшга кирганида онаси саратон касаллигидан вафот этади. Онасининг вафотидан сўнг Муҳайсин ёлғиз қолади, унинг Аллоҳ Таолодан, кейин Умар амакидан бошқа ҳеч бир суянчиғи қолмайди ва бир неча кунга уникига боради. Умар амаки уни ўқитувчиликка қайтишга ундейди. У ишга қайтади-ю, лекин ҳали ҳам Умар амакининг уйида яшар эди.

Умар амаки Мұхәйсиннинг ёлғизлиқдаги муаммосини тушунади, уни ҳал қила олишига ҳам ақли етади. Шу сабабдан у билан уйланиш масаласини мұхокама қиласы, Мұхәйсин дарров рози бўлади, чунки бу унга керак бўлган нарса эди. Жамиланинг эса ҳозир бўйи етган. Умар амаки унга Жамилага уйланишни таклиф қиласы. Мұхәйсин Жамилага уйланади ва у ўғил фарзанд кўради. Умар амаки боланинг исмини Умар қўйиши таклиф қилганида, у фарзандининг исмини ўз исми билан “Мұхәйсин Мұхәйсин” деб қўймоқчилигини ва бунинг сабабини у бир инглизча китоб ўқиганда қаҳрамоннинг исми, отасининг исми ва бобосининг исми бир хил “Жон” (“John”), яъни бутун оила бир исм билан аталган бўлади. Менинг ўғлим ўғил кўрса, исмини Мұхәйсин қўйишига ишончим комил эмас, шунинг учун мен уни Мұхәйсин Мұхәйсин деб атасам, отасининг исми, яъни менинг исмим билан у “Мұхәйсин Мұхәйсин Мұхәйсин” бўлади деб жавоб беради. Умар амаки унга бироз қараб туриб, “Тентаклик ҳам санъат” дейди.

Муаллифнинг ушбу романни яратишдан мақсади ҳикоя этишдан ҳам кўра қўпроқ Маккадаги мурайян тарихий даврда бўлган ҳаётни ифодалаш эди. Биз хотима қилиб айтишимиз мумкинки, у ҳикоя қилиш заруратидан кўра қўпроқ шахсларга боғлиқ маҳаллий воқеа ва ҳодисаларнинг ҳар хил турлари, хотин-қизлар дуч келган муаммолар, таълим ҳолати, ҳалқ ақидалари ва хурофтлар, умуман турли шахслар ҳаётлари ҳақида катта ҳажмдаги маълумотларни беради.

Мисол тариқасида қуйидагини келтиришимиз мумкин. Мұхәйсин онасининг дугонаси фолбин Асма хонимнинг гапларига қулоқ солади. Муаллиф бизни ташқи дунёга олиб боради. Мұхәйсин эшитганлари ҳақида бирор нарса дея олмайди ёки тас-

диқлай олмайди. Лекин онаси унга зимдан ишона-ди. Мұхайсин болалиқ пайтида Асма хола бундай одатларға ишониши учун күчли исбот-далил берган әди. Улар Маккадан Мадинаға кетаёттган пайтлари-да Асма хола сахро құмларида Бадр жанги шақид-ларининг дүмбира овозларини әшитарди. Кейин маълум бўлишича, у сахродаги құмларниң ҳарака-ти, бир-бирининг устига тушиши ва шамолниң құм зарраларини бир жойдан иккинчи жойга олиб ўти-ши натижасида ҳосил бўладиган овоз әди. Араблар қадимдан уни әштиишар ва бунинг сабаби жинлар деб ўйлашарди. Зур-Румма айтадики:

“Саҳронинг четларида куйлар жинлар тун бўйи ...”

Муаллиф: - “Бечора Зур-Римма, бечора Асма хола”, - дейди.

Бу роман ўзининг ечими, тузилиши, образларниң ифодаланиши, тартибли диалогниң ташкил этилиши жиҳатидан шу қунгача яратилган энг яхши асарлардандир. Шу билан бирга энг аниқ ижтимо-ий нуқталардан жамоа ва индивиднинг ҳаётини ҳис этиш ва англаш, асарни қўплаб маълумотлар билан бойитиши жиҳатидан қимматлидир. Муаллиф ўша маълумотларни муносиб равища тақсимлаб чиққан, бу билан у асарни жозибали адабий асарга айлантира олган. Муаллиф қўллаган бу услубий техника йўқ жойдан келиб қолмади. У деярли ярим аср мобайнидаги жаҳон адабиётининг ўрганувчиси ва таржимони сифатида унга ошно бўлган муаллифнинг адабий тажрибаси натижасидир. Биз ҳо-зиргача саудия романчилиги, бир-иккита романдан ташқари мана шу асар даражасига ета олди, деб айтишимиз мумкин. Бу дегани саудия романчилиги услубий муваффақият қозонмади дегани эмас, лекин муаллифнинг салоҳияти бу асарини ажralиб турувчи ажойиб асар даражасига олиб чиқди.

Эҳтимол, кимдир “бу асар роман жанрида ҳеч нарса эмас, чунки унда муаллиф ва қаҳрамон образи бир вакътнинг ўзида пайдо бўлади, у тўлиқ маънодаги роман эмас” дейиши мумкин. Лекин бу каби асарни танқидий ўрганиб чиқилса, тадқиқотчи романдаги қаҳрамон муаллифнинг ўзи эканлитини аниқлайди. Унда содда хотиралардан кўра кўпроқ қисса унсурларини жамлаган. Биз бу ерда америкалик ёзувчи Ҳемингуэйнинг “Чол ва денгиз” романидаги қаҳрамон муаллифнинг ўзи эканлигини эслашимиз ўринли бўлади. Ҳамза Буқарий ўз хотираларини ва тажрибаларини адаб маҳорати билан бироз комик тарзда ифодалай олган. Ана шу хотиралар ва тажрибалар ҳикоя этиш жараёнининг муҳим қисмини ва романнинг зарур унсурлари ва асосий нуқталарини ташкил этади. Муаллиф драма ва комедияни бирлаштира олган, у ўқувчини романнинг бошидан охиригача бир бурчагидан иккинчи бурчагига олиб боради¹.

Муаллиф Зур-Румманинг қаламига мансуб деб келтирган байтнинг “Саҳронинг четларида куйлар жинлар тун бўйи ...” мисраси аслида ал-Аъшога тегишилдири².

ҲАСАН НОСИР АЛ-МАЖРАШИЙ (1954 й.т.)

БУЮК МУҲАББАТ, 1983 й³.

Бу асар эллигинчи йиллар охири ва олтмишинчи йиллар бошларида замонавий ижодий асарлар яратиб, саудия романчилиги қиёфасини ўзгарти-

¹ Қаранг: Роман муковасидаги нашриёт сўзи. “ан-Надва” газетаси. 14.04.1404 ҳ.й. / 18.01.1984 й., шунингдек, “ар-Риёд” газетаси. 5714-сон. 14.04.1984 й.

² Қаранг: ал-Аъшо девони. 95-бет. Мухаммад Мухаммад Ҳусайн нашрга тайёрлаган.

³ Ҳасан Носир ал-Мажраший. “Буюк мухаббат”. (“ал-Хубб ал-Кабир”). Тоиф адабиёт клуби. 1983.

ра олган Ҳомид Даманҳурий, Иброҳим ан-Носир каби замонавий роман жанри тарихида ўчмас из қолдирган адилларларнинг асарларидан кам таъсирланган асардир. Ўша пайтда, бу асарлар пайдо бўлганида, агар одатда сценарий муаллифлари томонидан ошириб юбориладиган (муболага қилинадиган) миср фильмларининг биз аввал кўриб чиққан ёки кейинроқ кўрадиганимиз каби ишларга таъсирини истисно қиласак, асарнинг сифати ёки янгилитига кўра ҳукмронлик қувватига эга бўлган замонавий таъсир йўқ эди. Бу асар саксонинчи йилларда юзага келди ва бу даврда биз тадқиқотимиз кўрсатиб ўтган омилларга кўра жиiddийлиги билан ажralиб турадиган асарлар яратилиши керак эди.

Эҳтимол, баъзилар бу уйғониш давридан олдин араб минтақасидаги кенг тарқалган эртакларнинг, илмларнинг пойдеворини яратиш, файри-оддий нарсаларга ишонмаслик таъсири, дейиши мумкин. Турли даражалардаги афсоналар билан боғлиқ бўлган ва Антара ҳёти, Зейр Солим (ал-Муҳалҳил) каби халқ эртакларининг бу турлари тасниф қилинади.

Муаллиф замонавий роман ҳақида етарлича маълумотга эга эмасдай кўринади.

Қиссаトイф минтақаси аҳлига мансуб бўлган Саид исмли йигит билан боғлиқ. Отаси деҳқон бўлиб ишлар, шунинг учун у ҳам ерга муҳаббат руҳида тарбияланган эди. Отаси каби у ҳам деҳқон бўлади. Отаси вафотидан сўнг ўз ерида экин экиш билан бир қаторда ўқишини давом эттириш мақсадида университетда сиртдан ўқииди. Саид билан бошқа деҳқон Сауд ва унинг ўғли ўртасида рақобат бор, улар Саиднинг ерини ўз ерларига қўшиб олмоқчи бўлишади.

Саид рақиби Сауднинг қизи билан ишқий мұносабатда бұлади. Қизнинг отаси маҳр сифатида Саиднинг ерининг бир қисмими сүрайди. Саид бу шартни рад этади ва ҳамманинг олдидә қизга муҳаббатини ошкор изҳор этади.

Сауд ўз хизматкори Заҳбонни Саиддан талаби-ни очиқ рад этгани учун ўч олиш мақсадида унинг ерини ёқиб юборишга жұнатади. Бундай тажовуз учун Сауд, унинг ўғли ва хизматкори ҳибста олина-ди ва қамаб құйилади. Лекин минтақа ақолиси икки тарафни яраштириш, Сауд ва унинг ўғлини қизи Лайлони Саидга ҳеч қандай шартларсиз унаштириш шарти билан қамоқдан чиқарыш учун улар ўртасига тушади. Заҳбон қамоқда қолади.

Роман деб аталған ва бальзи тадқиқотчилар¹ томонидан шунга ұхшащ ном билан аталған ушбу асарнинг ҳикоя қилиш усули қишлоқлардаги оқ-шомларда гулхан атрофидә ҳикоя қилинадиган қиссалардан иборат. Бу қалқ қиссалари орасыда ошиқтар саргузаштлари бўлиб, улар одатда ошиқ ҳақ бўлганлиги учун унинг ғалабаси билан ниҳоя-сига етар эди.

Ходисалар эса ишониб бўлмайдиган даражада, масалан, Лайло Саиднинг олдига келиб, унинг бағрида йиглайди.

Образлар бир хил жиҳатни касб этади – таъма-гир, ошиқ, икки тараф ўртасида яхшилик құлувчи воситачилар. Бу ерда асарга бадиийлик бағишлий-диган, ҳодиса ва воқеаларга мос тушадиган, асар руқнларини мутаносиб қиласынан ривожланган руҳий меъёрлар йўқ².

¹ Мұхаммад аш-Шантый. “Ҳозирги замон саудия адабиётида роман жанри”. Жазан адабиёт клуби. 1990 й.

² Роман. 67-бет.

АБДУЛЛО АБДУРАХМОН ЖЕФРИЙ (1921)

“ТУШНИНГ БИР ҚИСМИ”, 1984 й¹.

Бу роман воқеалари Жидда, Париж ва Лондан орасида бўлиб ўтади. Унда Саудия Арабистонидаги бир қатор масалалар ва муаммолар кўтарила-ди. Энг асосий муаммо бойлар, аниқроғи, ўқимаган бойлар доираси билан боғлиқ бўлиб, арзимаган сабаблар туфайли юз берадиган талоқ масаласи кўтарилади.

Роман қаҳрамони Суад амакисининг ўғли, тадбиркор Ҳусайнга турмушга чиққан, лекин у айни пайтда ажрашган. Талоққа олиб келган сабаблардан бири – эрининг унга етарлича эътибор қаратмаганлиги. Суад эрининг хизмат сафарларидан бирида у билан бирга Парижда бўлади. Ҳусайн иш билан, учрашувлар, семинарлар ва конференциялар билан банд бўлади. Шу сабабдан Суаднинг талабларини бажаришга, Лондонда бўладими, Париждами у билан бирга чиқиб шаҳар айланишга, узоқ вақт бирга ўtkазишга имкон топа олмайди. Суад зиёли, ўқиган, Ҳусайндан фарқ қиласди, дўстлари ва дугоналари билан тарих ва адабиётни муҳокама қиласди, сўнгги мода янгиликлари ҳақида баҳслашади. Шунингдек, кетини-кетига улаб роса чекади. Чекиши ёмон кўрадиган акаси талоқ бўлишининг асосий сабабини шунда деб, унинг ўзини айблайди. Эҳтимол, талоққа олиб келган сабаблардан бири шу бўлса керак. Олти ой ичida Ҳусайнинг кўп диққат қилиб, юрагини сиқди, шу сабабдан ҳам қўйиб юборган бўлса керак. Ҳа, Суад эрининг талоқ қилиши учун унга ярим миллион риёл бери-

¹ Абдулло Абдураҳмон Жефрий. “Тушнинг бир қисми” (“Жуз мин ҳулм”). Тиҳама нашриёти. Жидда. 1984 й.

шини ваъда қилганидан сўнг, эри уни талоқ қилишга рози бўлади.

Суад Ҳусайннинг тижорат юзасидан сафарларидан бирида унга ҳамроҳ бўлиб Парижга борган эди. Суад у ерда Ҳусайн иши юзасидан танийдиган бошқа бир тадбиркор Рошид исмли йигит билан танишганди. Ажрашганидан сўнг Рошид унга муҳаббат изҳор қиласиди ва унга турмушга чиқшини сўрайди. Лекин Суад дастлаб биринчи аччик қисматининг такрорланишидан, иккинчи турмуши ҳам биринчисига ўхшаб қолишидан қўрқиб, иккиланади. Акасидан, онасидан, дўстларидан маслаҳат сўрайди. Лекин улар Суаднинг қайсар, асабий эканлигини билиб, ҳеч қайсиси ёрдам берадиган фикр айтмайди ва масъулиятни ўз зиммасига олишига қўйиб беришади. Охири Суад ўз фикрига кўра Рошидга турмушга чиқади.

Бу асар Саудия Арабистонидаги нефть замонида, моддий тараққиёт замонида жамиятда, айниқса, бойлар ва жоҳиллар ўртасида талоқ муаммосини кўтариб чиқиши жиҳатидан роман деб белгилаш даражасида эмас. Муаллифнинг гояси бўйича қаҳрамонлар келажак учун етарлича аҳамият бермайдилар, фақат роҳат, фарогатни истайдилар, улар учун қўлларида етарлича маблаг ва имкониятлар бўлса, тилла тақинчоқлар, ҳашаматли машиналар, Европа ва Америкага, Шарқ мамлакатларига сафар қилсалар бўлди.

Бу асардаги ечим, образлар ривожланиши, жуда паст даражада. Асарнинг ўзи ҳам, роман қурилишидан тортиб то диалогларни тақсимлашгача шундай. Диалоглар мунозарага айланиб қолган¹. Жеф-

¹ Юсуф Нофал. “Саудиялик адиллар”. Муҳаммад аш-Шантий. “Ҳозирги замон саудия адабиётида роман жанри”. 64-бет.

рий каби бошқа муаллифлар ҳам ушбу муаммони кўтариб чиққанлар, лекин уларнинг асарларида роман тузилиши йўқолмаган ёки гоя замон ва маконга кўчирилишида асосида узоқлашмаган, образларни ривожлантиришда уларни бошқаришдаги баъзи бадиий уринишларга зарар етмаган. Бундай асарлар қаторида Ҳуда ар-Рашиднинг “Эртага пайшанба бўлади”, Иброҳим ан-Носирнинг “Ҳижратдаги бокира” романларини айтиб ўтиш мумкин.

Абдулла Жеффрийнинг ушбу асари эсга оладиган муваффақиятта эриша олмади, лекин ўзининг салбий жиҳати, ёмонлиги билан ажralиб қолди¹. Ҳар ҳолда у 1990 йили иккинчи асари “Бизга лойиқ замон” романини яратди ва унда биринчи асарига нисбатан ўсишга эришди².

АБДУЛАЗИЗ МИШАРИЙ (1954 й.т.)

Абдулазиз Мишарий маданият ва адабиёт доирасида 1976 йилдан буён ҳикоянавис ва журналист сифатида танилди. Ўшанда “ас-Саравий сафарлари” (“Асфар ас-Саравий”) номли биринчи ҳикоялар тўпламини нашр қилганди. Ундан икки йил ўтиб, 1978 йили унинг яна бир ҳикоялари тўплами “Сунбулалар очилиши” (“Бавҳ ас-Санабил”) нашрдан чиқди. Ундан сўнг ўша йили учинчи тўплам “Гуллар гултувак излайдилар” (“Аз-Зухур табҳас ан аания”) чоп этилди. 1979 йили эса “Сув устида ўлим” (“Мавт ала-л-ма”) тўплами нашрдан чиқди.

Абдулазиз Мишарий романнавис сифатида эса ўзининг биринчи романи “Баҳорнинг биринчи

¹ Муҳаммад аш-Шувеййир. “ал-Фунун” журнали. Май, 1982 й.

² Абдулла Жеффрий. “Бизга муносиб бўлган замон”. Дар ас-Сафий нашриёти. Риёз. 1990 й.

ёмфири” (“ал-Васмия”) ни 1985 йили нашр этди, айтиш жоизки, бу асар икки марта биринчи ҳисобланади. У муаллифнинг биринчи романи ҳамда у ваъда қилган трилогияни ташкил этувчи асарларининг биринчиси. Бу асардан сўнг иккинчи роман айнан шу мавзуда ёзилган, унинг номи “Булутлар ва кўчатлар” (“ал-Гуйум ва манабит аш-шажар”) ва 1989 йили нашр этилди. Бу асарларнинг бари бир-бирига ўхшаш бўлиб, муаллиф ўзи айтганидек, саудия қишлоғи, хусусан, жанубий минтақадаги қишлоқлар муаммоларини кўтаради. Мишарий саудия адиллари ичida ушбу муаммони бадиий услубда кўтариб чиққан биринчи ёзувчи бўлди.

“БАҲОРНИНГ БИРИНЧИ ЁМФИРИ”, 1985¹

Бу роман жанубий минтақадаги ҳаётни, хусусан тоғ минтақасидаги ёмғир суви билан қишлоқ хўжалигини юритувчи тоғ қишлоғининг ҳаётини тасвирлайди. Ёмғирни булутлар Ҳинд океанидан ва Қизил дengиздан олиб келади. Булутлар Саравот тоғларига урилганида ёмғирларини тўқади, дехқон эса ерини ва ўзини экин мавсумига ҳозирлаб қўйган бўлади. Шу ёмғирдан бошқа сув манбаи йўқ.

Роман қишлоқликларнинг ёмғир мавсуми бу йил одатдагидан кўра кеч қолгани ҳақидаги сухбатлари билан бошланади. Улар йилнинг бу фаслидаги анъанавий қишлоқ хўжалиги ишлари, ери ёмғир қабул қилишга тайёрлаш, сугоришда ва экин экишда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ҳақида

¹ Абдулазиз Мишарий. “Баҳорнинг биринчи ёмғири”. Дар аш-Шадий нашриёти, Қоҳира. 1985 й.

сұхбатлашадилар¹. Муаллиф бу масалаларнинг барчасини икир-чикиригача батағсил тасвиrlайди, қаҳрамонларнинг хаёлларини банд қилган нарсаларни, агар бу йил ёмғир белгиланған вақтидан кеч қолса, ернинг ва инсоннинг келажаги нима бўлишидан хавфсирашларини ёритади. Бу муаммонинг ортидан бевосита ёки билвосита яна бир қатор бошқа ижтимоий муаммолар келиб чиқиши мумкин. Қишлоқ аёлларидан бири Ҳамиданинг қизининг бўйи етиб қолди, энди у урф-одатларга кўра уйда қолиши, ишга чиқмаслиги керак. Унинг уйига ҳар куни совчилар келади. Охири онаси қизининг тоғ қишлоғи аҳлидан бирига турмушга чиқишига рози бўлади.

Муаллиф бу қадимий урф-одатларга қарши эканлигига билвосита ишора қиласди. Ҳар қандай мерос қилиб олинган урф-одатлар ҳар замон ва ҳар макон учун ҳам ярайвермайди. Мувофиқ келмайдиган нарсаларга ёпишиб олиш тараққиётни тўсади. Бу китобда қабул қилингани роман техникаси бўйича қаҳрамоннинг айнан ўзи баъзаридиган ҳақиқий роман ечими йўқ. Асар қишлоқдаги бир қатор шахсларнинг бадиий лавҳалари туркумини ўз ичига олади, жануб қишлоғи ҳаётини, икки авлод давридаги одатларини, улар ўртасидаги курашни ҳамда уларнинг муҳит билан алоқаларини тасвиrlайди. Аҳмад Атия бу асар ҳақида шундай дейди: “Биз муаллифнинг биринчи романи “Баҳорнинг биринчи ёмғири” асарида саудия муҳити билан боғлиқликни, лирик интенсификация (шеърий зичлашиш)ни учратамиз, у Саудия Арабистони қишлоқларида, сахроларида, тоғларида ва водийларида араб шакли билан боғ-

¹ Роман. 18-бет.

лиқлигини баён этади ва шарҳлайди. Романнинг номи ва унинг материали ёмғир фаслидан бошлаб ҳосил мавсумигача бўлган йилнинг барча фаслларини қамраб олади”¹.

Асар қаҳрамонлари ичидаги фаластиналлик киши ҳам бор. У қишлоқма-қишлоқ юриб, керосин плиталарни ва керогазларни тузатиб, шу меҳнати орқали ризқ топади.

Мишарий бу образни фаластин муаммосининг расмий тили сифатида асарга киритади. Сунг қаҳрамонлардан яна бири, шу қишлоқ аҳлидан бўлмиш Абу Солиҳ 1948 йили Қуддусда бўлганини, ўша пайтда бир гурӯҳ араб ишчилари билан ишлаганини айтади ва фаластиналлик Шаъбонга қарата у сўзловчининг шевасига қараб, унинг қайси шаҳардан эканлигини аниқлай олишини айтади ва уни Рамла ёки Рамаллоҳдан деб тахмин қиласди. Шаъбон ўзининг Қуддусдан эканлигини айтади. Икковлари ўртасидаги бу қисқа суҳбат қишлоқликларга Абу Солиҳни Қуддус ҳақида саволга тутишларига йўл очади. Абу Солиҳ 1948 йилги урушдаги ҳаётий тажрибаси, бошидан кечирган ҳодисалар, арабларнинг қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб беради. Улар фаластин инқизози ҳақида радио орқали эшитардилару, айнан нима бўлаётганини тушунмас эдилар.

Роман ўтмишнинг бир қатор воқеаларини тавсифлашдан иборат. Қирқинчи йилларда Саудия Арабистонидаги ривожланиш, уйғониш давридан бошланади. Масалан, мактаблар таъсис этилиши. Техника пайдо бўлганида қишлоқликлар уни ишлатишдан қўрқишлиари, бунинг сабаби бир бола “мотор” тагида қазойи қадар билан уни қандай ишлатишни билмагани учун нобуд бўлгани эди.

¹ Ахмад Атияя. “ал-Харас ал-Ватаний” журнали. 87-бет. Июнь 1990 й.

Бошқа сафар янги ихтиrolар билан қандай мұомала қилиш кераклигини ва уни ривожлантириши үрганишга зарурат топғанларида, қишлоқларига машиналар олиб келиш учун йўлга муҳтоj бўладилар ва тоф ўртасидан йўл очишга қарор қиладилар.

Ҳақиқатан ҳам шахсий саъй-ҳаракатлар билан тоф тепалигидаги йўлни мустаҳкамлайдилар, сўнг ўзлари қўйл меҳнати билан қурган йўлни текшириш учун машина ҳайдовчисини чақирадилар. Қишлоқ ёшлиари ҳайдовчининг маҳоратига ҳавас қиладилар. Уларда машина ҳайдаш ҳақида яхши таассурот қолади. Бугун улар ҳам у каби бўлишни хоҳлайдилар.

Бу асар жуда ҳам ҳассос, лекин роман жанрини үрганиш жиҳатидан қизиқтирувчи эмас. Антропологик тадқиқотлар белгилайдиган Remote Community истилоҳи бўйича жамият аъзоларидан бири назари билан четда туриб жамиятдаги ҳодисаларни қузатишга ўхшаган ҳозирги тарихнинг баёнидир, баъзан у таассурот услугуга мойил бўлади. Ушбу роман кўплаб қулгили муносабатларни ўз ичига олган ҳолда жозибадор янги услугуб билан яратилган. Асар қаҳрамонлари умуман бошдан кечирган ҳаёт машаққатларига қарамай, Мишарий ўзининг романнавислик ижодини бошлаган бу асар бадиий асарлардан ҳисобланади.

“БУЛУТЛАР ВА КЎЧАТЛАР”, 1988 й¹.

Бу асар Абдулазиз Мишарий биринчи романы мавзусида яратган трилогиясини ташкил этувчи китобларнинг иккинчисидир. Саудия Арабистонининг жанубидаги қишлоққа келаётган ўзгаришларнинг

¹ Абдулазиз Мишарий. Булутлар ва кўчатлар (“ал-ғўйум ва манаби аш-шажар”). Иккинчи нашр, Дар ас-Сафий нашриёти. Риёз. 1988 й.

күплаб ижтимоий урф-одатларга таъсири биринчи китобдагидан кўра кўпроқ ва яққолроқ кўрина бошлади. Биринчи китобда фақат радио бўлган эди. Мактабларни ўқий оладиган ва ёза оладиган ўқувчилар битира бошлашди. Бу нарсалар аввал маълум эмас эди. Лекин янги техника қишлоқ одамига бевосита таъсир қила бошлади. У ўз навбатида бу техника билан муомала қила бошлади, янги техникани олиб келиш, уни ишлатиш ва сафар қилиш каби масалалар ёритилди.

Экин экиш пайтида қишлоқ аҳли куйлайдиган қўшиқларида “Канада буғдойини хоҳламаймиз” дердилар, яъни “Канададан келадиган буғдойни хоҳламаймиз” дердилар. Чунки улар бундай буғдойни импорт қила бошладилар ва буғдой экишни ташладилар, чунки буғдой етиштириш импорт қиладиган буғдой нархидан қимматга тушарди. Қишлоқликлар ўзгартириш заруратини, дунёга очилиш заруратини англадилар. Улар Саудия Арабистонининг ўзгалар билан алоқалари мавжуд бўлган бошқа минтақалари каби бўлишни истадилар.

Иккинчи китобда ўзгаларга очилишнинг биринчи натижалари кўринишини учратамиз. Қишлоқдан биринчи одам Маккага ҳижрат қиласди. Қиш ойларида такси ҳайдовчиси бўлиб ишлаб, ёзда иссиқ авжига чиққанида қайтиб келади. Бу худди Қуръони каримда зикр қилинган қиши ва ёз сафарлари каби бўлиб, фақат унинг аксидир.

Ризқ излаб сафар қилган бу қишлоқлик биринчи инсон Абу Солих бўлиб, (уни биз биринчи китобда эслаб ўтган эдик) у қирқинчи йилларда Фаластинга сафар қилган эди. Иккинчи китобда эса Аҳмаднинг отаси Маккага такси ҳайдовчиси бўлиб ишлаш учун боради. Бироқ Абу Аҳмад Саудия Арабистон аҳолиси ичига биринчи бўлиб ҳижрат қилган

хисобланади ва бу образ хориж ўрнига мамлакат ичкарисида иш ўрни мавжудлигининг намунаси сифатида ифодаланади. Қишлоқни эрта ташлаб кетган қишлоқ ёшларидан иккинчи шахс Ҳамдон бўлиб, у ҳаёт ташвишларида отасига ёрдам бериш учун ўз имкониятини шаҳардан топади. Отаси эса шаҳарлар қишлоқ фарзандлари ахлоқини бузади, деб ҳисобларди. Шунга қарамай, шаҳарлар уларга келаётган қишлоқ одатларини янгилашда қандай таъсир қилгани ва қишлоқ ўз урф-одатларини унугтаётгани яққол кўринади.

Қишлоқ ҳаётининг жонли кўринишларидан яна бири, муаллиф таъбирича, соғлиқни сақлаш жиҳатидир, тиббий хизматларнинг жуда ҳам етишмаслиги натижасида турли хил эскича урф-одатлар – иситма-совутма, хуроффотга берилиш, жаҳолат ва жуда ҳам қадимги транспорт воситалари – эшак арава ва туялардан фойдаланиш ва бошқалар.

Аҳмад – романдаги кўзга кўринган образлардан бири, у қишлоқ мактабида ўқий бошлайди. Ўқитувчилар ўқувчиларни ўқитар эканлар, уларни ҳаётга тайёрламайдилар, талабаларга ҳақиқий ҳаётдан ҳеч нарса бермайдилар, илмий материални қандай тақдим қилишни ўргатмайдилар. Масалан, математика ўқитувчиси ўқувчилардан фақат математика қоидалари – каррани ва қўшишни ёдлашни талаб қиласди. Кундалик ҳаётда қўллашни тушунтирмайди. Аҳмад нима ўқишини ва уни қандай татбиқ қилишини сўраши ўқитувчисига ёқмайди, агар дарс мавзусидан ташқари ёки дарс тугаганидан сўнг савол берса, калтак ейди.

Қишлоқдаги катта ўшлилар янги авлодни бошқаришни ўз масъулиятлари деб биладилар, улар ҳаётдаги ўз тажрибаларини ишларни ҳал қилишда ўзлари учун ҳам, ўшлилар учун ҳам йўриқнома деб

ҳисоблайдилар. Икки авлод ўртасидаги фарқнинг аҳамияти ва эътибори бор деб ҳисоблайдилар, у тўғри бўладими ёки хато бўладими, муҳокамасиз қабул қилиниши керак, деб ҳисоблайдилар.

Масалан, Аҳмаднинг бобоси уйнинг хўжайини, оиласининг ҳар бир аъзосининг юриш-туришини бошқаради, ҳеч бир нарса унинг рухсатисиз қилинмайди, шунингдек, унинг қарорларини ҳеч ким муҳокама қила олмайди. У ўқимаганлигига қарамасдан ўзини ҳамма нарсани биладиган ҳисоблайди.

Ўқитувчилардан ташқари мактабнинг фарропши бўлган киши ҳам ўзининг ўқитувчиларга хизмат қилиш вазифаси доирасидан чиқиб, доим болаларни калтаклайди, чунки у болаларни тарбиялаш ўзининг биринчи вазифаси деб ҳисоблайди, болаларнинг олий ҳулқали кучли эркаклар бўлиб чиқишларини хоҳлайди. Мактаб мудири бу ишини бас қилишни талаб қилса, “буларни тарбиялашимга қўйиб беринг” дейди.

Катта авлод ҳали ҳам таълимга ишонмайди, улар янги технологияни қўрқинчли нарса деб ҳисоблайдилар. Янги авлод ёшлари эса келажакка умид ва ишонч билан қарайдилар.

Қишлоқликлардан бири Матарнинг хотини Ҳалиманинг вафотини аввалги авлоднинг ниҳояси ва янги авлоднинг бошланиши деб қарайдилар. Бу авлодга умид билан боқадилар. Шунингдек, Матар оёғининг кесилиши ҳам малака етишмаслигининг ва жамият аъзоларининг баъзи камчилиги рамзидир.

Аввалги замонда қишлоқликлар ташқи олам ҳақида маълумот ололмас эдилар ва қишлоқ муҳитида бўлаётганлардан бошқасини билмас эдилар. Ўз хусусиятларига ва одатларига эга бўлган жамиятларнинг ўзи билан чегараланиб қолардилар. Ҳар бир уйга радио кириши билан, хабарлар, спектакл-

лар ва бошқа санъатлар кириб келди. Бу ташқи дунё сари очилишнинг биринчи қадамлари эди. Аввал радио кирганидек, ҳозир телевизор кириб келмоқда, аввал овоз келган бўлса, энди овоз билан сурат ҳам кириб келмоқда.

Катта ёшли авлод машаққатли меҳнатда тобланган эди, биринчи китобда келтирилишича, ҳар нарсада ўзига таянар эди. Янги авлод эса худбин, дангаса, чунки у тайёр енгил ҳаётда пайдо бўлди, янги техника воситалари унга хизмат қиласди. Ҳинд ишчиси энди уларга қаҳвахонада қаҳва ва чой келтиради, аввал эса бу ишларнинг ҳаммасини қишлоқлик ўзи қиласди.

Муаллиф бу бевосита мисолларни етмишинчи йилларда ва саксонинчи йиллар бошларида рўй берган ўзгаришлар далили сифатида келтиради. Бу даврда хориждан ишчи кучи кела бошлади ва барча қўй меҳнати ва устачилик ишларини банд қиласди. Саудияликлар эса ҳашаматли машиналарини мениш билан чекланиб, бу ҳунарлардан ва ишлардан узоқлашдилар.

Бу романда ва туркумдаги бошқа романларнинг ҳар бир бобида икки авлод ўртасидаги, катталар ва кичиклар ўртасидаги низони кўрамиз. Таълим авлодининг вакиллари бўлган ёш авлод охир-оқибатда голиб келади.

Бу илм ва жаҳолат ўртасидаги, ўқиган ёш ва ўқимаган катта ўртасидаги курашдир.

Муҳаммад Абдулҳалим Абдулло¹ Миср шарқидаги қишлоқ ҳаётини тасвирлаган биринчи миср ёзувчиси бўлгани каби Мишарий Арабистон ярим

¹ Юсуф Нофал. Муҳаммад Абдулҳалим Абдулло. 169-бет. Риёз университети нашриёти. 1980 й. Шунингдек, қаранг: Муҳаммад Абдулҳалим Абдулло. “Замоннинг давоми бор”. Роман. 131-бет. Дар ал-Китаб ал-Арабий нашриёти. Қохира. Й.й.

ороли жанубидаги саудия қишлоғи ҳәётини тас-
вирлаган биринчи саудия ёзувчиси бўлди. Бу миср
ёзувчиларининг саудия ёзувчилари ижодига таъ-
сир қилиганининг далилидир. Кўплаб тадқиқотчилар
таъкидлаганидек, араб уйғонишининг бошланиши-
да араб дунёсининг ҳар ерида араб ёзувчиларига
миср ёзувчиларининг таъсири бўлгани ҳақиқатдир¹.

Мишарий ижтимоий-маданий тараққиёт нати-
жасида саудия қишлоғи ҳәётида юз берган ва юз
бераётган ҳодисаларни аша шу муҳитда ўсган, кўп-
лаб ўзгаришларнинг гувоҳи бўлган бола сифатида
ўз хотиralарига таянган ҳолда бадиий асар сифа-
тида ифодалади. Обид Хазандор шундай деган эди:

“Мен Саудия Арабистонидаги бирорта ҳикоя-
навис ёки романнависни ранжитмоқчи эмасмн,
уларнинг уринишларини камситмоқчи эмасман,
шунингдек, мен ёш ёзувчилар нашр этган ҳамма
ҳикояларни ва романларни ўқиб чиқдим, деб даъ-
во ҳам қилмоқчи эмасман. Мен “Баҳорнинг бирин-
чи ёмғири” ҳақида шуни айтмоқчиманки, бу асар
жуда юқори роман услугубида тақдим этилган. Эҳти-
мол, Абдулазиз Мишарий бу янги услугубни айтайлаб
танлагандир. Бундан, биринчидан мақсад қилгани
жаҳон романига яқинлашган, янги техника яра-
тища сабабий ҳикоя этища тўхтаб қолмаган фоят
гўзал услугубда роман ёзган. Бу услугуб ҳозирги замон
романнавислигида коллаж “collage” деб аталади”².

Обид Хазандор назарда тутган коллаж тасвирий
санъатдаги техник усулни англатади, бирор асос ма-
териалга ундан ранг ва сифати билан фарқланувчи
материал ёпиширилади, ҳикояда, газета ва жур-
наллардаги қиссаларда ва ҳоказоларда қўлланилади.

¹ Жамил Сайд. Ҳозирги замон адабий оқимларига назарлар”. 48-бет.
Халқаро араб тадқиқотлари институти. Кохира 1954 й.

² Обид Хазандор. “Ар-Арбия”. 271-сон. 12.08.1989.

САФИЯ АБДУЛҲАМИД АНБАР.

“КЕЧИРАСИЗ, ЭЙ ОДАМ”, 1986 й¹.

Саудия Арабистонида аёл ёзувчиларнинг романи биринчи марта XX асрнинг етмишинчи йилларида пайдо бўлиб, у эркак ёзувчиларнинг олдин нашр этган романларига (реакция) жавоб сифатида, у умуман араб хотин-қизларининг ва хусусан саудия хотин-қизларининг аҳволига бағищланган.

Бу баланд деворларни биринчи бўлиб Ҳинд Солиҳ БаFaффор забт этган эди. Унинг романи фантастик фильмларга ўхшар, унинг қаҳрамони Шахризод руҳида бўлиб, у ақл-заковат кучи, саргўзаштлардаги жасорат бўйича барча кутилган чегаралардан ошиб ўтганди². Ундан сўнг шакл ва мазмунда янада заифроқ бўлган Оиша Зоҳир Аҳмад романи юзага келди. Унинг қаҳрамони ниҳоятда баҳтсиз, тушкунликка тушган. Роман талоқ билан бошланади, талоқ билан тугайди. Адиба ўз қаҳрамонини тасирлашда заифлик ва таҳқирланишда ҳаддан ошириб юборган³.

Худа ар-Рашид ҳам ўзининг биринчи асарини шу йили нашр этди. Бу асар роман қурилиши, образлар кучлилиги билан характерланади. Шунингдек, унинг шарқ эркагидан кўра чидамлироқ эканлиги, қадимий урф-одатларни маҳкам ушлаши билан характерланади. Ёзувчи буни ёдгорликлар рўйхатида қолган деб ҳисоблайди⁴.

¹ Сафия Абдулҳамид Анбар. “Кечирасиз, эй Одам”. Дар Миср нашриёти. 1986 й.

² Каранг: “Йўқотилган айбсизлик”. 1972 й.

³ Каранг: “Кўз ёшлари кўлида табассум”. 1979 й.

⁴ Каранг: “Эртага пайшанба бўлади”. 1979 й.

Амал Шата ўзининг содда қаҳрамонини насл-на-
саб ва мақтаниш қурбони қилиб яратади, лекин
кейинчалик эркак киши мағлубиятга учраганида,
унинг қаҳрамони галаба қозонади. Амал Шатанинг
иккинчи асари эса соф хотин-қизлар романи бўлиб,
унда аёл голиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмайди, у эркак-
нинг рақиби ҳам эмас, унда аёлнинг рақиби замон-
дир. Эркак кишининг ундаги роли, гарчи у табиб
бўладими ёки тижоратчими, иккинчи даража чега-
раларидан нарига ўтмайди¹.

Саудия романини тадқиқ этиш доирасида биз
ҳозир таҳлил қиласиганимиз – Сафия Абдулҳа-
мид Анбар (Ёзувчи Абдулҳамид Анбарнинг қизи)
қаламига мансуб бўлган асар Сафа исмли қиз қис-
саси. Асар қаҳрамони руҳий бўшлиқдан қийнала-
ди. У турмушга чиқмаган, ҳали ҳам ўз орзусидаги
йигитни кутади, лекин у ким бўлар экан? Бир куни
шахардаги савдо дўконларини айланиб, баъзи нар-
салар харид қилиб юриб, мусиқа кассеталари сота-
диган дўконга киради ва арабча мусиқа, айнан Умм
Кулсумнинг ашулаларини излайди. Сотувчи у ҳали
эшитмаган кассета борлиги ҳақида айтади ва ана
шу кассетани сотиб олишга кўндиради. У лентага
Басим деб ёзилган бўлади. Сотувчи яна киссани-
дан бир фотосурат чиқариб кўрсатади ва унинг яна
ёзувчи эканлиги ҳақида ҳам айтади ва бир қатор
мусиқага оид журнallар бериб, унда Басимнинг
мақолалари борлигини кўрсатади.

Журналлардаги мақолаларни ўқигач, у Басимга
ўқувчиларидан бири сифатида мактуб йўллайди,
Басим эса Сафага ўз китобларидан бирини юборади.

Сафа икки йил мобайнида Басимнинг мусиқа
ва санъат ҳақида ёзган мақолаларини ўқиб бора-

¹ Қаранг: “Қалбим яшамади”. 1989 й.

ди. Бир куни Сафанинг оиласи Басим яшайдиган юртта сафар қилишга қарор қиласиди. Сафа у ерда Басим билан телефон орқали боғланади. Унда рақами бор эди. Учрашишга келишиб олишади ва улар бир-бирларини биринчи марта кўраётган эдилар. Танишиб, сухбатлашадилар, сўнг ҳар куни кўришиб туришга келишиб оладилар, Басим тез орада севги изҳор қиласиди. Сафа ҳам айни ҳис-туйғуларни билдиради.

Басим иш юзасидан хорижга сафар қилишга қарор қиласиди ва ундан сўнг Сафанинг юртига бормоқчи бўлади. Сафа оиласи билан ўз юртига қайтиб келиб, Басимни кута бошлайди. Ҳақиқатан ҳам Басим белгиланган вақтда бир неча кун ўтказиш учун етиб келади. Ундан сўнг ўз юртига қайтиб кетади. Басимнинг сафаридан бироз ўтгач, Сафанинг соғлиғи ёмонлашади. Даволовчи табиб уни шифохонага ётқизиш зарурлигини айтади. Шифохонада у Басимга хат ёзиб, сиҳат-саломатлиги ҳақида хабар қиласиди.

Шифохонадан чиққач, ундан жавоб хати олади ва бўлиб ўтган ҳодисадан қайгураётганидан хабар топади. Бетоб бўлиши у сабабли бўлмаганини хоҳлайди. Басим Сафага Европа давлатларидан бирига бир ҳафтага дам олиш учун сафарга бормоқчи эканлиги ҳақида хабар қиласиди. Мана шу мактубга қўшиб, сафар учун унга билет ҳам жўнатади ва у турадиган меҳмонхонада бирга бўлишини хабар қиласиди. Бироз иккилангандан сўнг Сафа у ерга боришга рози бўлади ва қиззининг айтишича, улар меҳмонхонада бир ҳафтани қизиқарли тарзда ўтказадилар.

Ундан сўнг икковлари ҳам ўз юртларига қайтгач, Басим Сафага яна зиёрат қилгани боришни ваъда беради. Сафанинг отаси касал бўлиб, шифохонага тушади. Онаси шифохонада отасига қараб тургани сабабли Сафа укаларига қарааш билан машғул бўлади.

Шу орада Басим уни кўргани келади, лекин у телефон ҳам қила олмайди, учраша олмайди ҳам. Басим кетгач, отасининг шифохонадан чиққанини хабар қилади, щунга кўра Басим фурсат бўлганида яна уни кўргани келишини айтади. Отаси шифохонадан чиққач, уй кун бўйи ва баъзан кечки пайтлар ҳам кўргани келувчилар ва меҳмонлар билан тўла бўлади. Бу Басимнинг кейинги зиёратига тўғри келади, Сафа у билан яна учраша олмайди. Басим ўз юртига бундан кейин қизнинг ўз фикрини ўзгартирганлигига ва уни ҳали ҳам яхши кўришига қарамасдан уни севища давом эта олмаслигига қарор қилади.

Сафа бир ширкатга котиба бўлиб ишга киради, ширкат мудири Одил уни севиб қолади ва унга турмушга чиқишини таклиф қилади. Уни ўзи билан Парижга хизмат сафарига бирга олиб кетади. Лекин Сафа ҳали ҳам Басимни севарди. Шунинг учун ўз майли ва Одилнинг бу таклифи олдида иккиланарди.

Бу орада Басим шифохонага тушади ва чиққанидан сўнг Сафани зиёрат қилгани келади, ундан узр сўраб, турмушга чиқишини яна таклиф қилади. Лекин Сафа бу таклифни рад этади.

Муҳаммад Абдулмунъим Хаффажий ушбу асар ҳақида шундай деган эди:

“Кечирасиз, эй Одам!” қиссаси кўпроқ Арабистон ярим ороли саҳроларида пайдо бўлган омириялик Лайли ва Мажнун, Лубна ва Қайс, Лайла Ухайлля ва Тавба ал-Хаффажий, Фавз ва Аббос ибн ал-Аҳнаф қиссалари каби узрий (*платоник*) муҳаббат қиссасига ўхшайди”. Хаффажий бу асар адабанинг ва унинг турмуш ўртоғи Абдулазиз ат-Туркийнинг ўз ҳаёти эканлигини таъкидлайди¹.

¹ Муҳаммад Абдулмунъим Хаффажий. “Роман муқаддимаси”. 159-бет. Шунингдек, Абдулазиз Шараф. 20-бет.

Ушбу роман ҳикоя этиш ва роман қурилишида воқеийлик тизимига чиқишига қарамасдан, роман жанрининг батъзи техникалари чегарасидан ўтди ва бу билан ёзувчи асар тузилишини ҳам, образлар яратишни ҳам, диалогларни ҳам бошқара олди.

Хотин-қизларнинг ахволларини, муаммолари-ни кўтариб чиқадиган хотин-қизлар журналларида адиба ёзаётган мақолалар катта таассурот қолдиради. Шубҳасизки, ёзувчи мана шу хусусиятни сақлаб қолган, у аёл ўқувчилар учун ёzáди, шундай рамкаларда ёzáдики, эҳтимол, у араб оламидаги аёл ўқувчиларига етиб келишининг энг осон йўлидир.

Шарқ эркагини фақат фойдаланувчи деб қараган, у ҳақида хаёл қилган ва таассурот ҳосил қилган жойда барча эътиборини ўз шахсияти тимсолидаги аёлга қаратиш осон эмас. Эркак эса ўз замонида тўғри бўлишдан нарига ўтмайди. У ёки бошқалар айтганидек, бу хатони ўқувчилар китобдан мерос қилиб оладилар¹.

АБДУЛАЗИЗ АС-САҚЪАБИЙ “КЎМИР ХИДИ”, 1988 й.²

Абдулазиз ас-Сақъабий саудия ўқувчилари назарида 1983 йили “Сени тунинг меникимас ва сен мен эмассан” (“Ла лайлуга лайли ва ла анта ана”) номли ҳикоялар тўпламиини нашр қилганидан буён ҳикоянавис сифатида танилган. Ушбу роман ас-Сақъабийни ўқувчиларга ҳозирги замон романни ёзувчиси сифатида тақдим этди. Бу ҳақида кўплаб танқидий фикрлар билдирилганига қарамасдан, унда роман қурилиши услуги қисса услуги тарзида

¹ Қаранг: Роман. 156-бет.

² Абдулазиз ас-Сақъабий. “Кўмир хиди” (“Роихат ал-фаҳм”). Риёз. 1988 й.

қолди. Баён этиш, ҳикоя этиш техникасига келсак, ҳикоя техникаси роман техникасидан фарқланиши ни баъзи тадқиқотчилар ҳам таъкидлашган¹.

Роман қаҳрамони онасидан етим қолган Сайд ҳаётида юксак интилишларга эга бўлиб ёлғиз ўси. У мустақил бўлишни, ўз келажагини бироннинг ёрдамисиз ўзи қуришни орзу қилди.

Отаси иккинчи марта уйланди, опаси ҳам турмушга чиқди. Шунинг учун у ҳикоянавис ва драматург бўлиб ҳаётини бошлаш учун ўз қишлоғини ташлаб кетади. Лекин орзу қилган муваффақиятига эриша олмайди. Жиддий уринишларига ва бор имкониятини ишга солиб, ҳаракат қилганига қарамай, муваффақият қозонмайди.

Сайд Мадинадаги шифохонадаги ҳамшира Лайлони севиб қолади. Лекин у тўсатдан гойиб бўлиб қолади. Сайд ғам-алам ва афсус билан қишлоғига қайтади, унинг икки нарсада омади чопмаган эди. Биринчиси – орзуси ушалмади, ўзлигини исботлаб, ниятини амалга ошира олмади. Иккинчиси – муҳаббати Лайлони йўқотди. Шунинг учун қишлоққа қайтиб, анча вақтдан буён билган Ҳуда исмли қизга уйланишга қарор қилди. Қишлоққа қайтганидан бироз вақт ўтгач, холаси Суқуннинг фожеали ҳалок бўлганидан кутилмагандан хабар топади. У ўз хотираларида болалигини эслайди, Суқун холаси уни әмизиб катта қилган эди, нафақат уни, балки опасини ҳам. Онаси Сайдни тугаётганида вафот этганди, шунинг учун холаси қўлида тарбияланганди.

Сайд холаси Суқунни унга яқинда уйланган амакиси ўлдирганини билиб қолади. Бу жиноят уларнинг турмуш қурғанларидан кўп вақт ўтмай юз берганди. Амакиси Сайд жиноят ҳақида билиб

¹ Stain J.I. The Elements of Drama. Cambridge. 1967. p.67.

қолганини англаб, аввало унинг Ҳуда билан тўйини тўхтатади, агар жиноятни фош қилгудек бўлса, ўлдириш билан қўрқитиб, уни қишлоқдан қувади. Сайд қишлоқни ташлаб, иккинчи марта Мадинага йўл олади. Бу сафар у дурадгорлик цехида ҳисобчи бўлиб ишлайди.

Лайло Сайдга турмушга чиқишдан жирканади, унга паст кўз билан қарайди, Сайдни муҳаббат сарқити, унга турмушга чиқиб, ҳеч нарсага эришмайман, деб ҳисоблайди. Шунинг учун шифохонада ишлаётган врачга турмушга чиқишга қарор қиласди.

Сайд Мадинага қайтгандан сўнг, Афаф исмли қўшиқчи билан танишади. Аввал Мадинада яшаганида у билан олдин ҳам учрашган эди, лекин унда кўнгли Лайлода бўлган эди, энди Афафга уйланишга қарор қиласди. Дурадгорлик устахонасида бироз ишлаб, устахонани сотиб олади ва ўзининг устачилик дўконига эга бўлади.

Муаллиф бу асарни яратар экан, ҳикоя техникасидаги тажрибасини роман қурилишида қўлламоқчи бўлади, лекин бунда мұваффақиятга эришди, деб айта олмаймиз. Қаҳрамон образи ва унинг атрофида юз бераётганлари қайсиdir даражада воқеийдир. Шу билан бир қаторда баъзи кўринишлар борки, улар макон ва ижтимоий фон ҳақида далолат беришга етарлидир, улар мақсаддга олиб боради. Масалан, танқидчилик меъёри¹ бўйича муаллиф қаҳрамонлари ичida фаол образларни топамиз, уларнинг ҳар бирининг бир-биридан фарқ қиласдиган ўз роли бор. Сукун ўзининг баъзи ҳуқуқларидан, ҳаттоқи шаръий ҳуқуқларидан маҳрум қилинган эзилган шарқ аёли образидир. Сайднинг амакиси – разил, қабиҳ, ёмон ниятли киши. Лайло

¹ Evans Ifor. A short story of English Literature. London. 1978

— иккиланувчи, озод аёл, феминистка. Муаллиф бу образларни аниқлик билан тасвирлай олган. Бундай ёзувчилик андоzasида бўлишлик романчиликда муҳимдир. Аммо ҳодисаларнинг муҳимлиги ва фойдасига қарамасдан ёзувчининг роман услубидан кўра кучлироқ бўлган ҳикоя услубига мойиллиги сақланиб қолади. Ҳар ҳолда, бу роман қаҳрамони Саиднинг асарда юз берганидек, куч-қувватини оширади.

Диалоглар яхши, равон. Лекин ечим бироз сохта, бунинг сабаби биз юқорида айтиб ўтганимиз, муаллифнинг ҳикоя услубига кўпроқ таянганидадир.

ИБРОХИМ АН-НОСИР “КУЗ БУЛУТЛАРИ”. 1988 й¹.

Биз бу тадқиқотда аввалроқ Иброҳим ан-Носирнинг биринчи романнавислардан эканлитини, Саудия Арабистонида романнинг ибтидоий таълим-тарбия асаридан ҳақиқий бадиий роман даражасига кўтарган икки муаллифдан бири сифатида эслаб ўтган эдик.

Роман ва ҳикоя яратишдаги уринишларни давом эттириш билан бу бадиий йўналишни муҳофаза қилишга, олтмишинчи йиллардан бошлаб то бугун ўрганаётганимиз сўнгти асаригача роман яратишдаги ривожланишлар билан бир қаторда саудия жамияти ҳаётида бу адабий жанр ривожланишида баравар қадам ташлашга эриша олди ва ҳалигача мана шу давр ичида саудия романчилигидаги энг узун ҳисобланган давр ичида ҳам романнавис, ҳам ҳикоянавис сифатида ўз қобилиятини янгилаб,

¹ Иброҳим ан-Носир. Куз булутлари. Маданият ва санъат саудия араб жамияти нашри. Риёз. 1988 й.

чархлаб келмоқда. У қирқинчи ва әллигинчи йилларда Ироқда ўқиди, бу давр у ерда таълимнинг кенг жорий этилиши, Миср ва Шом үлкаларидан янги маданиятнинг кириб келиши, янги китоблар ва баъзи ишчиларнинг келиши орқали фикр эркинлигидаги замонавий уйғонишни бошидан кечираётган давр эди. Зиёлилар орасида роман эътиборга сазовор бўлиб, эртаклар ва халқ мерослари ўрнига янги характер касб этмоқда эди. Танқидчи Жамил Сайд ёзувчи Иброҳим ан-Носирнинг тўртинчи романи бўлмиш “Куз булутлари” асарини кучли воқелик билан характерланади, унда саудия жамиятида етмишинчи-саксонинчи йиллардаги нефть даромадлари натижасида ривожланиш замонидаги аҳволни кўрсатиб чиққан асар, деб эслаган эди¹. Шунинг учун ундаги сюжет ҳақиқий бўлиб, сохталик йўқ. Буни “нефть отилиб чиқиши” деб атала-диган даврдан таъсирланган жамиятнинг аҳволини ишончли замон сифатида тасвирлаш деб изоҳлаш мумкин. Бу асар қаҳрамони Муҳайсин образида музассамлашади, у ҳам нефтдан келган бойликларга кўмилганлар қатори кўчмас мулк бюросида ишлаб, бойлик орттирган жоҳил образ.

Муҳайсин ижтимоий шуҳрат қозонишни истайди. Лекин у айтиб ўтганимиздек жоҳил образ бўлиб, маданий-маърифий характерга эга эмас.

Истроил 1967 йили Қуддусни эгаллаб олганидан кейин араб давлатлари Истроил билан алоқада бўлган чет эл ширкатларига иқтисодий эмбарго эълон қилди. Шу сабабдан ана шу ширкатлар қора рўйхатга киритилди. Муҳайсин, албатта, бу ҳақида билмайди, ҳаттоқи эмбарго сўзининг маъносини ҳам тушунмайди. У Юнонистонга бориб, бир шир-

¹ Жамил Сайд. Ироқдаги янги оқимлар. 46-бет.

катнинг Саудия Арабистонидаги вакили бўлиши ҳақида қелишиб олади. Бахтга қарши бу ширкат қора рўйхатдаги ширкатлар қаторида эди. Шу сабаб у молидан айрилади ва Саудия Арабистонига қайтиб, аввалги иши – кўчмас мулк олди-сотдисида даллоллик билан шугулланади. Иброҳим ан-Носир ўзининг барча асарларида муайян саналарни кўрсатмайди. Бу ёзувчининг юксак маҳоратига энг катта далилдир. Ундаги фикр ва гоялар юзаки хотиралар сифатида келмайди. Ҳар ҳолда, асарнинг бош қаҳрамони ва унинг атрофидаги бошқа қаҳрамонлар яшаётган замон ҳодисалари билан қиссанинг боғлиқлиги учун замон ва макон роман яратишда жуда муҳим ҳисобланади.

Баъзилар унчалик аҳамиятли эмас деб ҳисобланган ташқи воқелик аслида матн қалитларидан, агар у бўлмаганида матн ёпиқ, салбий ва мавҳум бўлиб қолар эди. Ноаниқлик ва мавҳумлик тўлқинларида йўқолиб қолаётган баъзи ижодий асарларда, афсуски, мана шу жиҳат етишмайди. Ҳар ҳолда, бадиий-техник жиҳатдан пухта ёндашиш роман қурилиши соҳасидаги мутахассис томонидангина амалга оширилиши мумкин. Ёзувчи тарихий, сиёсий ва ижтимоий маълумотларни роман яратиш техникалари орқали кўтарилаётган масалаларнинг тасдиқи сифатида қўллайди. Роман жанрини аввал ўргангандан кўплаб тадқиқотчилар ва танқидчилар ҳар қандай роман тузилишида, ҳатто унинг ёмонлиги рад этилса ҳам, ундаги шакл, сюжет, тугун, ечим ва тузилиши (қурилиши) муҳим омиллардан деб ҳисоблайдилар¹. Танқидчилар орасида Иброҳим

¹ Hafiz, Sabri. The Egyptian novel in the sixties. Journal of the American Literature. VII. 1976. p. 68-84.

Hamori, Andras. On the Art medieval Arabic Literature. University of Princeton. 1974.

ан-Носир бадиий-техник роман яратиш соҳасида етукликка эришган саудия ёзувчиларидан бири деган бир умумий фикр бор.

“Куз булутлари” романни саудия романчилиги-даги учинчи давр, яъни саксонинчии йилларда пайдо бўлган бешта романдан бири ҳисобланади. Буни ушбу асарлар муаллифларининг ўз ижодий малакаларини оширишга ёрдам берган мутолаа қилишлари ва уринишларидан сўнг ижодий етукликка эришиш билан изоҳлашимиз мумкин. Булар Амал Шатанинг “Эртага унутаман”, Ҳамза Буқарийнинг “Сафо айвони”, Абдулазиз Мишарийнинг “Булутлар ва кўчатлар” ва ундан олдинги “Баҳорнинг биринчи булути” романлариидир. Мазкур асарларни биз тадқиқотимизнинг турли жойларида ўрганиб чиқдик.

Ҳар ҳолда, Иброҳим ан-Носирнинг адабий романнавис сифатидаги етуклиги йўқ жойдан пайдо бўлмади, у кўп ўқиди, ўқиганларидан таъсиранди, мутолаа қилганлари унинг юксак қобилиятини озиқлантириди, тажриба захирасини бойитди, бу узоқ вақт давом этган уринишларнинг натижаси сифатида юзага келди.

Роман қаҳрамоннинг кўчмас мулк бюроси орқали кўчмас мулк бозорида “даллол” бўлиб, бойиб кетганлигини тавсифлаш билан бошланади. Муаллиф қаҳрамонни, сухбатлашувда ва муомалада ўта қўполлиги билан бир қаторда ашаддий чекувчи деб тасвиirlайди, шу сабаб унинг овози ҳам хириллаб чиқади, деб ёзади. Муаллиф қаҳрамонни бундай тасвиirlашдан мақсади мавзунинг моҳиятига кириш учун муқаддима бўлишини хоҳлашидир. Бу билан ёзувчи моддий бойликлар бир гурӯҳ жоҳиллар қўлида тўплланган деб ишора қилмоқчи бўлади. Бу нефть ортидан келиб чиқсан муаммолардан би-

ридир. Буни муаллиф янги ҳодиса сифатида тақдим қилмайди, бу оддий одамлар гапидир. Лекин адибнинг маҳорати мавзуни кулги ва жиддийлик орасида ҳикоя қилиш услуби билан тақдим этишидир. Бу роман қаҳрамони образида ва услубида мужассамлашган. Муаллиф етмишинчи йиллар муаммосини бир киши қиссасида тақдим этади. У жамиятдир, жамият эса ўша кишидир. Риёздаги кўчмас мулк воситачиси, даллоли бўлган, ўқимаган фақир бир киши камбағал маҳалладаги эски кичкина уйда яшайди, уй-жой олди-сотдиси учун очилган кичкина бюро орқали ер ва камтарин кўчмас мулк сотишдан бошлаб, катта бойлик орттиради ва бой маҳаллага кўчиб ўтади, ҳашаматли уй қуради, уйида хизматкорлар ва ҳайдовчилар гавжум бўлади. У ўз ҳаётининг барча жабҳасини ўзгартиради.

Роман қаҳрамони Муҳайсин таътил пайти унга дўст бўлган Салмон билан Юноистонга хизмат сафари билан боради ва роман воқеларида булар ҳам ўрин олади. Роман юонон муҳити билан кучли боғлиқ эмас, ҳодисаларнинг роман сюжети (тугуни) билан боғлиқлиги ҳам заиф. Ҳодисалар бўйича роман қаҳрамони фақат хона ичидан ҳаракатланади. Ташибарида бўлса ҳар қандай жойда бўлиши мумкин, лекин Юноистоннинг кўзга кўринган жойлари ёки қаҳрамоннинг ўша жойлар бўлишига ишора қилувчи бирор далил йўқ. Ҳаттоқи бир гуруҳ саёҳатчилар билан битта оролга денгиз сайрига борганларида ҳам фақат саёҳатчиларнинг Фарбий Европадан эканликларини биламиз, холос. Қаҳрамон бу денгиз сайрида маза қиласи ва кичкиналигига бир қизни севиб қолганини, турист аёллардан бири унинг исмини айтганида эслаганини биламиз. Унинг бойлиги кўп, лекин қандай қилиб сармоя киритишни билмайди. Шунинг учун камбағалликда

қийинчилик кўриб яшаганлари ўрнини қоплашнинг бир тури сифатида ўз кўнглини хурсанд қилишни хоҳлайди. Дўсти эса унинг бундай тасарруфларини ва аҳмоқлигини масхара қиласди. У денгиз сайридан қайтгач, дўстининг кутиб ўтирганини кўради. Дўсти унинг иктидиой тижорат тасарруфларидан қўрқади ва замонавий тижорат йўлларига йўналтиришни хоҳлайди. Лекин Муҳайсин бундай маслаҳатни қабул қилишга тайёр эмас. У янги деб аталган нарсани эътироф этмайди, чунки у эскини ҳазм қилмайди. Иккаласининг ўртасини фарқламайди. Ҳаёт унинг учун ўз кўринишлари билан фарқланмайди, улар пардозлаш воситаларидан деб билади. Асос эса мақон ва замоннинг ўзгариши билан ўзгариб қолмайди, ҳатто инсон ҳам¹.

Муҳайсин ва у кабиларни ҳайрон қолдирган муаммони осонлик билан “авлодлар қураши” деб аташ мумкин, у бир неча масалаларда хulosаланади, энг муҳими: замон ва маданият фарқлари. Биринчидан, у ва ундан бир неча ёш кичкина бўлган ўртоғи ўртасидаги солиштириш нуқтаси. Ўртоғи Америкада ўқиган, дунё аҳолисининг кўпчилиги аҳволи билан танишган, ҳали ёш бўлса-да, замонавий тижорат асослари ҳақида билимга эга, бунга қўшимча равишда у келажакни кўра олади, орзуларини пухта ишлаб чиқилган тўғри йўллар асосида қандай қилиб амалга оширишни билади. Муҳайсин эса дангаса киши, бойлик эса у кабилар дуч келган тасодиф туфайли қўлига кирган. Келажакка қараш унинг қизиқишиларидан эмас. Унинг катта уйи, хотини ва бир неча болалари бор, унинг учун мол-мулк эҳтиёжини қондирадиган асосий нарсадир. Лекин уни

¹ Қаранг: Иброҳим ан-Носир. “Куз булутлари” (“Фуйум ал-хариф”). 13-бет.

қийнайдиган савол у хотини ва болаларига қандай муносабатда бўлиши, шу масала уни кўп ўйлантиради ва ноқулай аҳволга солади.

Муҳайсиннинг қиз дўсти Сюзан Афинада яшайди, Муҳайсин ва у ҳамкорлик қилмоқчи бўлган ширкат ўртасида воситачилик қиласди. Сюзан Муҳайсинга телефон қилиб, уни кўргани келишни хоҳлаётганини айтади. Айни пайтда Муҳайсин гарчи оиласи бўлса ҳам, Сюзанга уйланишни ва агар уйланса, Юноистонда қолишни ҳам ўйлади. Албатта, хотини ва болаларига Юноистонда қолаётгани ҳақида хабар қиласди. Бунинг устига у жоҳил аёл билан ўтган умрининг ўрнини қоплаш учун чиройли қизга уйланиб, келажагини яхшилашни ҳам хоҳлайди. Лекин муаммо шундаки, Сюзан нима дейди, унга турмушга чиқшига рози бўладими ёки ўйқми? Муҳайсин ўзгага қаради-ю, ўзига қарамади.

Иброҳим ан-Носирнинг ижодида ўқиган ва ўқимаганлик муаммоси, уларни қандай фарқлаш яширин ифода этилади. Муаллифнинг аввал кўтариб чиққан мавзуларидағи маданият ва фикр мустақиллиги каби бу ҳам асосий рукнdir. Ўқиган шундай пайтда фақирлик сари кетди, ўқимаган эса бой бўлди. Икки муаммо – жаҳолат ёнидаги бойлик ва камбағаллик ёнидаги илм муаммоси ўртасидаги кураш тамсил этилади. Биринчилар ўзларини мол йиғишга отганлар, маданиятта эътибор қаратмаганлар. Бошқалар эса илмга эътибор қаратганлар, ўз ақлий қобилиятлари билан ўсганлар¹. Иброҳим ан-Носир асарларида доимо кўтариладиган бир муаммо бирданига келган моддий бойлик муаммоси, унинг саудия жамияти юриш-туришига таъсири. Бу нарсалар XX аср етмишинчи йилларининг ўр-

¹ Роман. 14-бет.

таларидан бошланди. Нефть туфайли юз берган түсатдан иқтисодий ривожланиш натижасида жамиятнинг паст табақалари қўлида тўпланган бойлик ва унинг таъсири муаммоси. Муаллиф асар қаҳрамони Муҳайсин образи орқали ана шу табақалардан бирининг рамзи сифатида ишора қиласиди. Муҳайсин Юнонистонда бўлган чогида бир тижорат келишувини амалга оширади ва айни пайтда аввал бўлиб ўтган муваффақиятсизлигини эслайди, унда ливанлик бир тадбиркор ҳам қатнашган, у ҳам тил бириктириш қурбони бўлган эди. Саудия Арабистонига пул топиш учун келган кўплаб араб муҳожирлари, шунингдек, Узоқ Шарқдан келгандар ўзларининг савдо-тижорат соҳасидаги тажрибаларини яқинда бойиб кетган саудия бойларининг ишончини қозонишга сарфладилар. Лекин натижа саудия бойларининг тўлиқ инқиrozи билан тугарди. Ливанлик шерик билан ҳамкорлик қилиш жаноб Муҳайсин учун ҳам худди шундай тугаган эди.

Нима бўлганида ҳам, Муҳайсин яна ўша кўчмас мулк бюросига қайтди ва уй-жой олди-сотдисидаги воситачиликни қайта тиклай олди. Бу сафар Юнонистонда аввалгидаи чув тушиб қолишдан қўрқади. Бу ерда у газли ичимликлар ишлаб чиқарадиган ширкатлардан бири “Фанта” ширкатининг Кўрфаздаги вакили бўлишни кўзлайди. Бу унинг учун кутилмаган иш. У қонун-қоидаларни билиб олиш учун саудия элчихонасидаги савдо атташеси билан ҳам маслаҳатлашмайди. Салмон бирор насиҳат ва уни ўртада турувчилардан ҳимоя қиласидиган бирор фойдали маслаҳат бермайди. Чунки Салмон бу қонун-қоидаларни билиши керак, лекин унга бундай фурсат бермайди. “Фанта” ширкати эса араблар ва Истроил ўртасидаги 1967 йилги урушдан бери “қора рўйхат”даги ширкатлардан эди.

Шундай қилиб, Мұхәйсин иккинчи марта бор мол-мұлқидан айрилади, ҳукуматдан товон ололмайди. Иккинчи марта Саудия Арабистонида, Риёздаги күчмас мулк бюросига “даллоллик” ишига қайтади.

Иброҳим ан-Носир саудия фуқароси орқали иш юритадиган чет эллик ишчиларнинг асл моҳиятини фош этишга қайтади. Саудия фуқароси ўзи билан ишлаган бу ишчиларга ишонади. Улар тижоратчи ёки тадбиркор әмаслар. Шунинг учун улар ўз юртларида оддий киши олиши мумкин бўлгандан бир неча баробар кўпроқ молни ёки маблагни қўлга кириладилар.

Бу арzon ишчилар табақаси тадқиқотимизнинг олдинги бобларида муҳокама қилган моддий тараққиёт натижасида пайдо бўлган ишчи кучига бўлган эҳтиёжни тўлдириш учун келган. Булар фаррошлар, хизматкорлар, ҳайдовчилар ва малакасиз ишчилардир.

XX асрнинг етмишинчى йилларида оддий уйларда хизматкорлар ва ҳайдовчилар деган тушунчани билмас эдилар. Саудияликлар ўз уйларидаги хизматларни ўзлари бажарар эдилар. Бу ердаги мавзу очиқ ўлкалардан келадиган муҳожир ишчиларнинг сони кўпайиб кетиши билан боғлиқ. Консерватив ўлкалар ўз урф-одатлари ва маданиятларига кўра ёпиқ мамлакатлар ҳисобланадилар.

Мұхәйсinnинг хотини хизматкор аёлнинг юриш-туришидан кўнгли ғаш бўлади, кўчадаги фаррошлар билан муносабатидан рози бўлмайди. Хизматкор аёл уларга овқат олиб бориб беради, улар билан узоқ вақт гаплашади. Улар Мұхәйсinnинг хотини тушунмайдиган тилда гаплашадилар, уларнинг она тиллари бир хил эди. Бу томонда Мұхәйсinnинг хаёлига ҳам шубҳа келади, ўз ақ-

лида бу фикрларни ўлчаб кўради. Ҳайдовчи бегона одам, унинг уйида яшайди, яъни Муҳайсиннинг хотини яшайдиган уйда яшайди, у эса сафарда. “Уйга ким яқин, менми ёки ҳайдовчими?” деб ўйланади.

Иброҳим ан-Носирнинг ушбу асарда кўтарган мавзуси ижтимоий ҳаёт услуби ва унинг муаммолари мазкур даврда яшаган ҳар бир саудия кишиси учун ойдек равшан. Кўплаб ёзувчилар бу мавзуни муҳокама қилишга уринганлар, лекин ҳеч ким ан-Носир изходий услубидаги каби бу муаммони мужассамлаштира олмаган. Бу йўқ жойдан келиб қолмади, балки ярим асрлик тажриба ва узоқ муддатли изход натижаси эди.

Масалан, айнан шу муаммо доирасида яратилган асарлардан бири биз қуида муҳокама қиласидаганимиз Абдулазиз ал-Муҳаннанинг асарида.

“Икки хизматкор қиз ва устоз” деб аталган ва шу йили нашр қилинган бу романни биз унинг бадиий йўналишида фарқланиши ва шу фарқларни баён этиш ҳамда ўқувчи саудия романчилигига бу муҳим даврда бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлиши учун келтирганмиз.

АБДУЛАЗИЗ АЛ-МУҲАННА (1950 й.т.)

“ИККИ ХИЗМАТКОР ҚИЗ ВА УСТОЗ”, 1988 й¹.

Муаллиф ўз асарининг муқаддимасида “бу китобдаги ҳодисалар муайян жойда (Риёз шаҳрида) бўлишига қарамасдан, муайян шахсларни Англатерни шарт эмас, айнан шу ҳодиса мамлакатнинг урф-одатлари фарқ қилмайдиган ҳар қандай бошқа жойида ҳам бўлиши мумкин”, деб ёзган эди.

¹ Абдулазиз ал-Муҳанна. романчилигига “Икки хизматкор қиз ва устоз” (“ал-Хадиматани вал-истаз”). Риёз. 1988 й.

“Риёзда бундай муаммолар юз бериши мумкин бўлган, Абдуллонинг уйига ўхшаш уйлар кўп”¹, деб қўшиб қўйган эди. Романдаги воқеалар жуда ҳам юқори даражада аниқлик билан баён этилган, “1971 йил 4 сентябрдан 1985 йил 4 апрелгача бўлган даврда бўлиб ўтган ва Риёздаги ижтимоий ҳаёт воқеликларидан олиб ёзилган” дейилади. Тарихий ҳисобот каби характерланадиган бундай асар бошиданоқ бадиий-техник заифликка ҳукм қилинган. Биринчи қарашдаёқ, у тарихий ҳужжаттга ўхшайди, унда ўқувчига ҳужжатнинг мазмуни ҳақида таассурот берадиган муқаддимага эҳтиёж бўлмаган бадиий оқим йўқ.

Қисса Риёзда истиқомат қилувчи тадбиркор Абдуллонинг ягона ўғли Ҳишом ҳақида. Университетни битирган бу ёш йигит, Риёздаги умумий ўрта мактаблардан бирида тарих ўқитувчиси бўлиб ишлайди ва отасининг уйида яшайди.

Китобнинг номида кўрсатилган икки хизматкор қиздан бири тайландлик Батая, у Ҳишомни севади. Лекин меҳнат шартномаси бекор қилиниб, қайтганидан сўнг севмай қўйган. У юргига бориб, Риёзга бошқа оиласада хизматкор бўлиб ишлаш учун ҳамда Ҳишомни яна қўриш мақсадида қайтиб келган. Иккинчиси шри-ланкалик Биҳар, у Саудия Арабистонига биринчи марта Абдуллонинг уйида хизматкор бўлиб ишлаш учун келган, чиройли, ақлли ва ўқимишли қиз. У Ҳишомнинг шахсий кутубхонасини тартибга келтиришда жуда кўп ва яхши хизмат қилди. Баъзи китобларни матнларни араб тилига таржима қилди.

Биҳар бошқалар каби Саудия Арабистонига ишга келишидан асосий мақсади ўзига ва оиласига уй қуриш, шу билан бирга тилла тақинчоқ, кийим-

¹ Роман. 5-бет.

кечак ва бошқа мана шундай әхтиёжларини қондириш әди. Агар у ўз юртида қолганида бундай нарсаларга эришишга йўл топа олмаган бўларди. Биҳар Ҳишом учун у айтмаган хизматларини ҳам бажарди. Шундай қилиб, унинг эътиборини ўзига тортди. Унга яқинлашиб, уни бошқара бошлади.

Ҳишам ҳали уйланмаган, ўзига зиёли қиз қидирмоқда әди. Шунинг учун у Биҳар тимсолида ўзи хоҳлаган кўп сифатларни топди. Лекин унга уйланиши бир қатор муаммолар келтириб чиқаришини тушунади. Жамият ва урф-одатлар билан боғлиқ бундай муаммоларга Ҳишомнинг тенгдошлари ҳам дуч келишганди. Оиласидагилар ҳаммаси уйланишига бир овоздан қарши бўладилар. Отаси ҳам, онаси ҳам яқинда нафақага чиққанди. Синглиси Фада ҳали талаба. Хизматкор қизга уйланиш ҳақида билганининг энг ками – “паст табақадан бўлганга уйланиш” ҳеч қандай муҳокамасиз рад этилган.

Фада университетни яқинда битирган муҳандис Саадга турмушга чиқяпти, у Абдуллога унинг яқинда таъсис этган заводларидан бирида шерик әди. Шунинг учун Абдулло ишни Сааднинг қўлига топшириб, мамлакат ташқарисига – Испанияга хотини билан бир неча ой дам олишга кетди.

Биҳар ўзини уйнинг бекасидек тута бошлади, уй ишларини бошқаради. Ҳишом эса руҳий ёлғизликни ҳис қиласди. Бу ёлғизликни Биҳар тўлдириши мумкин, шунинг учун оиласининг қаршилигига қарамай, унга уйланишига қарор қиласди. Биҳар таътил олиб Гри-Ланкага бориб келмоқчи бўлади, оиласига турмушга чиқаётганини хабар қиласман, дейди. Аслида эса у Шри-Ланкада Бернардо билан унаштирилган ва у ерда унга турмушга чиқади.

Шу қисқа вақт ичида у уй ва отасига ер сотиб олди. Буларнинг ҳаммаси Ҳишомдан ишлаб олган пуллари эвазига эди.

Биҳар икки ҳафтадан сўнг Риёзга иккинчи тўйига Ҳишомга турмушга чиқиши учун қайтиб келади. Ҳишом уни интиқлиқ билан кутаётган эди. Ҳишом тўйни уйида кичик даврада дўстлари билан ўтказди.

Биҳар Ҳишомга турмушга чиқиби (агар буни шундай деб аташ мумкин бўлса), мусулмончиликни қабул қилди. Энди у ҳеч қандан баҳссиз уй бекаси. Ҳишомнинг қўшниларининг хизматкорлари Басая ва Яҳага пул бера бошлади, шунингдек, бу тўйни ташкил қилишда катта роль ўйнаган дўсти Солимга ҳам пул беради.

Биҳарнинг ҳақиқий эри ҳали ҳам Шри-Ланкада ҳайдовчи бўлиб ишлайди, Абдуллонинг мусассасига ҳайдовчи керак. Бу ўринда ишлаётган покистонлик ҳайдовчи Саад билан ишлашга кетгани учун бўшаб қолди. Бу покистонлик ҳайдовчи Биҳарнинг Ҳишомга қарши қўйган тузофини сезиб қолган эди, шунинг учун Биҳар унинг бу уйда қолишини истамайди. Ҳар ҳолда у Ҳишомга бўлаётган ишлар ҳақида хабар берди, лекин Ҳишом Биҳарни қаттиқ севади ва муҳаббатнинг кўзи кўр бўлгани учун у Биҳарга тўлиқ ишонади.

Бернардо Риёзга келади, у покистонлик ҳайдовчи ўрнига ишлаши учун Биҳар керакли чоралари кўриб қўйганди.

Абдулло хотини билан Испаниядан келгач, Ҳишомнинг Биҳарга уйланганидан хабар топадилар. Лекин уларнинг эътиrozларидан ҳеч қандай фойда йўқ, бўлар иш бўлиб бўлган эди.

Абдулло Жиддада янги оғис очади ва хотини билан у ерда яшаш учун бутунлай кўчиб ўтади.

Биҳар Ҳишомдан қисқа вақтга ота-онасини бориб кўриб келишга рухсат сўрайди. Унинг талабига рози бўлганида у Ҳишомни паспорт бўлимига кириш-чиқиши визаларини расмийлаштириш учун бир нечта хатларни имзолашга кўндира олади. Шу билан бирга бир қатор банк чекларига ҳам имзо қўйдирив олади. Ҳишомдан керакли қофозларни имзолатиб олган Биҳар ўзига ва Бернардога иккита билет ва чиқиши визаларини олади.

Бернардо Биҳарни аэропортта олиб кетади, машинани аэропортдаги тўхташ жойига қолдириб, улар самолётта чиқиб, Баҳрайн орқали Шри-Ланкага жўнайдилар. Бернардонинг уйга қайтиши кечиккач, Ҳишом шубҳа қилишни бошлайди. Қўшниси Солим билан бирга аэропортта бориб, машинани тўхташ жойидан топадилар. Ҳайдовчи ҳақида сўраганларида, масъул ходимлар унинг Баҳрайн орқали Шри-Ланкага учиб кетганини айтадилар. Бундан хабар топган Ҳишом ўзидан кетади ва шифохонага тушади, у ерда бир ойча даволанади.

Биз ушбу тадқиқотимизда, юқорида айтиб ўтганимиздек, кўплаб романнавислар Саудия Арабистонига чет эллик ишчиларнинг келиши натижасида юзага келган бу муаммоларни мухокама қилганлар. Бу мавзунинг баён этилиши, мухокама қилиниши ва муваффақияти бир ёзувчидан иккинчисида фарқ қиласди¹. Ушбу роман ёзувчи ал-Муҳаннанинг биринчи асари бўлиб, ҳаётий воқеликдан олинганлигини, бундай ҳодиса Саудия Арабистонидаги ҳар бир уйда содир бўлиши мумкинлигини ва бу халқаро муаммога айланганини таъкидлайди.

¹ Каранг: Иброҳим ан-Носир. “Куз булулари”. Абдулло Саид жамъон. “Нодиянинг тўй оқшоми”. Абдулазиз Мишарий “Булулгар ва кўчкатлар”.

Лекин роман қурилиши заиф, образлар, гарчи бу ерда уларни ривожлантириш мумкин деб ишора қилинган бўлса-да, ривожлантирилмаган. Асардаги бир қатор образлар эса ҳақиқий талаб қилинганидан ортиқча. Масалан, Бернардо образи роль ўйнамайди, унинг роман сюжетида кераги йўқ. Шунингдек, Яҳа ҳам. Шу билан бирга роман моҳиятида асосий бўлган, лекин ўта салбий образлар ҳам бор. Абдулло Ҳишомнинг хазматкорга уйланишини таъқиқлаш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмайди, ҳатто-ки тўй бўлганидан кейин ҳам эътиroz билдирумайди. Хотини, яъни Ҳишомнинг онаси образи асар сюжетида салбийликда ундан қолишимайди. Шунинг учун бу роман ички курашдан, асарни ҳикоя этишнинг ўзидан олиб чиқиш учун, ечим асос бўладиган қарама-қаршиликлардан бутунлай холидир. Ҳар нарсага қўйини чўзган Биҳар, гўёки жуда қисқа вақт ичида бу уйнинг ўзлигини бутунлай йўқ қилиб, ҳеч қандай назоратчисиз ва бошлиқсиз нима хоҳласа, шуни қиласди. Бошқа образлар унинг буйргуи билан худди ўйинчоқ каби бошқарилади. Уларга ўзи хоҳлагандек муомала қиласди. Улар ҳеч қандай эътиroz билдирумайдилар ва ҳатто гап қайтармайдилар. Айтайлик, у Ҳишомни тўлиқ ўзига бўйсундирганини, “тაҳ” деса қўлига қўнадиган қилганини билдиқ ва бунга ишондик ҳам дейлик, лекин бу ерда юз бераётган ишлардан хабардор бўлиб турган синглиси Фаданинг муносабати ҳақида сўрамаймиз. У оиласа таҳдид солаётган бу хатарни тўхтатиш учун ҳеч нарса қилмайди, юқорида эслаб ўтган сабабларни осонлик билан тўхтатиши мумкин эди-ку!

Бу ерда руҳий сабаб мавжуд эди, қаҳрамон ёлғизликдан бошидан кечираётган руҳий ҳолат доирасида юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларга тайёргарлик кўриш керак эди. Бундай руҳий ҳо-

латда кураш бўлиши мумкин эди. Қаҳрамон – зиёли, моддий ҳолати яхши йигит. Лекин муаллиф унинг ҳолатини заиф қилидки, у асарнинг бошида тақдим қилинган образга мувофиқ келмайди. Унинг юриш-туриши инсоний ҳолатига мутлақо зиддир. Асар ҳам ҳақиқатдан, роман сюжети тузилишидаги драматик жиҳатдан мутлақо йироқдир. Ва ниҳоят, муаллиф бизга бир қатор ўлик театр образларини тақдим этган, уларнинг таркибига турли сарлавҳаларни қўйған. Саудия романчилиги оламида янгилек яратмади. Лекин бу роман муаллифнинг биринчи асари. Ким билади, бу ҳақида ҳукм чиқариш иккинчи асар пайдо бўлгандан кейингина объектив бўлиши мумкиндири.

“КУВАЙТ ГЎЗАЛИ”, 1990 й.

Ал-Муҳанна ўзини роман деб атаган иккинчи асарини 1990 йили нашр этди, бу асар “Кувайт гўзали” (“Faadat ал-Кувайт”) деб аталади. Аслида бу асар бир қатор ўзи гувоҳ бўлган шахслар томонидан ҳикоя қилинган воқеалар қайдномасидир. Бошқача қилиб айтганда, Ироқнинг 1990 йили Кувайтга босқини пайтида баъзи оиласаларнинг кўрган-кечирганлари баён этилган журналистик ҳисботлар бўлиб, улар ҳужжатлар ва мантиқий хулосалар билан тасдиқланади. Ҳодисалардан бирортаси саналардан холи эмас. Муаллиф жой номларини кўрсатишда ҳам анча меҳнат қилган. Географик жойлар рўйхати ва саналар Кувайтнинг бошқа давлат билан жой номлари боғлаб турмайдиган мустақил – эркин мамлакат эканлигини исботлайди. Шунинг учун бу асар Ироқнинг Кувайтга босқинидан ўз ижодига мавзу танлаган Фолиб Ҳамза Абул Фаражнинг баъзи асарларига

гоя ва тузилиш бўйича ўхшашлиги бор. У баъзи халқаро воқеаларни сиёсий тарихий ҳодисалар сифатида худди газета репортажига ўхшаш тарзда ҳикоя қиласиди, унинг тури қандай бўлмасин, саудия ўқувчиси бу асардан фойдалана олмайди¹.

“Кувайт гўзали” Кувайтлик оила аҳволини ҳикоя қилувчи асар. Ота нефть чиқишидан ва ундан келган даромадни сармоя қилиб киритиш натижасида аҳоли учун бойлик келтиришидан аввал балиқ овлаб тирикчилик қиласарди. Унинг қизи Дурра Кувайт университети талабаси, Британия ва Америкада докторантурада ўқиётган амакисининг ўғли Ҳамудга унаштирилганига анча бўлган.

Муаллиф бизни Кувайт тарихи бўйлаб 1920 йилга тарихий саёҳатга бошлайди. Ҳоким оила ас-Сабоҳлар ҳақида ҳикоя қиласиди. Кувайтнинг кўп араб давлатларига кўрсатган ёрдамларини, шулар орасида Ироқ-Эрон уруши даврида Ироққа қилган ёрдамлари ҳақида далил-исботлар билан сўзлайди.

Ироқнинг босқини юз берганида, гарчи вақт бўлмаса ҳам, Дурра ва Ҳамуд турмуш қурадилар ва камтаргина зиёфат ташкил қиласидилар. Кўплаб Кувайтликлар ўз уйларини ташлаб Саудия Арабистони ва Кўрфазнинг бошқа мамлакатларига кетдилар. Баъзилар Европадан сиёсий бошпана қидирдилар. Лекин бу оила Ироқ босқинчилигига қарши туриш тимсоли сифатида Кувайтда қолди.

Асарнинг бошқа қисми эса Кувайтни босиб олинган мамлакат сифатида, сўнг босқинчиликдан то Кўрфаз уруши нихоясида озод этилишига қадар бўлган давр ўртасида тасвирлайди. Бу асар турли ҳодисаларни баён этубчи жуда катта ҳисбботни ўз ичига олади. Кувайтлик қочоқларнинг

¹ Ал-Муҳанна. “Кувайт гўзали” (“Faadat al-Kuvayt”). Риёз. 1990 й.

Саудия Арабистони ва Кўрфазнинг бошқа араб давлатлари сари сахро орқали сафарларини тасвирлайди.

Муаллиф асар ечимини бутунлай ҳақиқий ҳодисалар билан боғлайди (агар бунда бадиий-техник иборалар ва романни ҳикоя этиш шакли бўлганида ҳеч қандай эътиroz бўлмас эди). У ўз асарини қиссанинг мураккаблашуви асосига қурмайди, шундай қилганида драматик ечим услубида бадиий-техник қурилишни татбиқ этган бўларди. Натижада муаммо ва ҳодисанинг аслидан бадиий парча яратиларди, шу сабабдан романнинг ҳақиқий сюжети ва образларнинг ривожланиши ҳисобланади. Ҳақиқий ҳодисани ҳақиқий қиссанинг воқеий фони бўладиган роман қурилишида ишлатиш айб эмас. Бу профессионал романнавислар ижодида кузатилади, улар буни воқеъий жанрнинг зарурати деб ҳисблайдилар ва бу ҳодисаларнинг бадиий маҳорат билан романда қўллайдилар¹. Кўплаб саудия ёзувчиларнинг асарлари мана шу турни, яъни тарихий воқеаларни ўз ичига олади, улар материалларни тарихий, сиёсий ва ижтимоий воқеалардан олганлар, лекин улар ярим етук асарлар. Назаримизда воқеалар хужжатларни кар ҳолда етказиб беришнинг ўзи, агар улар ўқувчилар бу воқеаларни муаллифдан кўра яхшироқ билишлари мумкинлигини эътиборга олсак, етарли эмас. Адабий-драматик асар маълумотларни етказиш эмас, балки маълумотларни бадиий қолипга солишидир. Агар юнонлардаги роман ва пьеса бошларига қайтадиган бўлсак, улар-

¹ Қаранг: Ҳамза Муҳаммад Буқарий. “Сафо айвони”. Саҳмий Можид Ҳожарий. Саудия Арабистонида ҳикоя жанри”. 255-бет. Риёз адабиёт клуби нашри. 1988 й. Шунингдек, Форук Хуршид. Адабиёт ва матбуот. 115-бет. Байрут. 1974 й.

нинг ёзувчилари бирор нарсани ўз хаёлларида ўйлаб топмаганлар, балки улар маълум тарихий воқеаларни шундай услубда қолипга согланларки, уларни ёзувчидан ҳам яхшироқ билган омма зерикмай, малол келмай ўқиши ёки томоша қилиш учун қабул қилган. Софокл Эдип образини ўзи яратмаган, Эврипид Ифигения ва Оростни ўйлаб топмаган, булар барчаси афсоналар. Жон Галперин “Агар муаллифни тарихий маълумотларни кўчиришдан, унинг ўзи томонидан романда ёки романларда кўтарилиган бу афсоналарни тарихий воқеаларни ёки образлар (қаҳрамонлар)ни ўқувчи ўзи билади деган фараз билан озод қилингандা”¹ деганида, у ўқувчи муқовасига “роман” деб ёзилган китобдан тарихий воқеалар кўчирилиган хужжатларни қидирмайди, деган маънони назарда тутган. Бадиий асарни ўқишига бўлган руҳий тайёргарлик тарихни ўқишига бўлган руҳий тайёргарликдан фарқ қиласди. Журжий Зайдоннинг “ислом романлари” деб атаган романлари бу тарихий воқеалардан бир неча асрлар сўнг яратилган, бу ҳодисалар тарихий китоблар ичida бўлган, унинг қилгани эса ёмон баён этиш қолипига соглан, холос. Хулоса қилиб ўнуни айтиш мумкинки, бу ёзувчилар автобиографик асарлар муаллифлари ва тарихчилар баён этган, оммавий ахборот воситалари эълон қилган ҳодисаларни такрорлаганла-ри даражасида ижодий асар яратмадилар.

¹ Жон Галперин. Роман назарияси. 42-бет. Дамашк, 1981 й. Мухиддин Субхий таржимаси.

УСМОН СОЛИХ АС-СУВАЙНИ (1940 й.т.) “НОСИКНИНГ КҮЗ ЁШЛАРИ”, 1988 й¹.

Бу асар Усмон Солиҳ ас-Сувайниънинг биринчи изходий ишидир. Муаллиф 1984 йили ал-Азҳар университетида адабиёт ва танқидчилик мутахассислиги бўйича докторлик илмий дараҷасини олган.

Асар қаҳрамони Думу (кўз ёшлари) исмли қиз отасининг вафотидан бир неча кун олдин туғилган эди. Онаси Собира жуда ҳам хароб аҳволда яшайдиган Носик исмли деҳқонга турмушга чиқади. Собиранинг қабиласи бу қизнинг унга турмушга чиқишини рад этади. Лекин Собиранинг отаси журъатли киши, қизининг Носикка турмушга чиқишига қарши бўлган қабиланинг тўсиқларини синдира олади. Уларга (Собира ва Носикка) агар қишлоқда қолиша, қабиланинг баъзи аъзолари ёмонлик қилиши, ҳатто ўлдиришлари мумкинлиги олдини олиш ва тинчроқ бўлишлари учун узоқроққа, бошқа минтақага кетишни таклиф қиласди. Улар ўзларини ҳеч ким танимайдиган холи ерга кетадилар. Носик у ерда дала хўжалиги барпо қиласди, ичишга ва ерини суфориш учун қудуқ қазииди. Шу ерда бир неча йил яшаб, деҳқончилик қилдилар. Кўп йиллар ўтади, Собира фарзанд кўрмайди. Қунлардан бир куни ўзида қандайдир касалликдан оғриқ ҳис қиласди, шу орада ҳомиладор бўлганини билади. Унинг касал бўлишига қарамай, Носик аёлининг ҳомиладорлигини эшитиб ўзини баҳтиёр ҳис қиласди.

Собиранинг ой-куни яқинлашиб, қиз туғади. Носик унга Думу деб исм қўйишини таклиф қиласди ва

¹ Усмон Солиҳ ас-Сувайниғ. “Носикнинг кўз ёшлари”. Риёз 1988 й.

бир неча кундан сўнг вафот этади. Шундай қилиб, Носик ўз ортидан узоқ водийдаги кимсасиз бўш ерда Собирани гўдак қизи билан ёлғиз ташлаб нариги дунёга кетади.

Бундай шафқатсиз шароитда – ёлғизлик, очлик, фам-қайғу ва касаллик шароитида бир куни у томон қандайдир кишининг келаётганини кўради. Дастреб қўрқади. Лекин у яқин келиб, саломлашгач, бироз суҳбатлашиб, унга ишонч билдиради. Бу кишининг исми Мугомир бўлиб, у қишлоғини тарк этиб, овга чиққан, лекин йўлини йўқотиб, саҳрода адашган ташналиқ ва чарчоқ уни ҳоритганди. Собира унинг ташналигини қондириш учун бироз сув беради. Мугомир унга баъзи саволларни берди, Собира дастреб жим туриб, кейин жавоб берди, Мугомир унинг муаммоларини тушунди ва бу бесамар саҳрода қизи билан ёлғиз қолгандан кўра у билан қишлоққа бирга кетишни таклиф қилди. Охири Собира рози бўлди.

Икковлари қизни кўтариб, Мугомирнинг қишлоғига кетишиди. Йўл юриб охири Мугомирнинг ҳамқишлоғи бўлган Муваффақнинг эшак миниб келаётганини кўришиди. Мугомир ундан эшакка мана бу бемор аёлни ва боласини миндириб олишни илтимос қиласди. Сўнг ҳаммалари қишлоққа қараб йўл оладилар.

Муваффақ Мугомирдан нима учун у бой бўла туриб, йўлдан адашиб, бўш саҳрого борганини сўрайди. Мугомир у ерга фақир одамларнинг ҳаётини кўриш учун борганини айтади.

Қишлоққа етиб келганларида Собирани боласи билан Мугомирнинг уйларидан бирига жойлайдилар ва шу билан улар қишлоқ аҳлининг қарамоғида қоладилар. Мугомир Собирани кўрсатиш учун табиб олиб келгани кетади. Қишлоқнинг сахий

одамлари уларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва пул олиб келиб берадилар.

Собира қизи билан уларга ғамхўрлик қилаётган Муғомирнинг уйида вақтичоғлик билан яшайди. Думу қизлар мактабига ўқишига киради. Лекин Муғомирнинг хотиниFaюр уни Собирадан рашқ қиласди ва ёмон кўради. Ваниҳоят, табибдан келган маълумотномадан Собиранинг хавфли касалга мубтало бўлгани маълум бўлади. Faюr унинг касали юқиши мумкинлиги ҳақида гап тарқатиб, одамларни уни олдига бормасликка унрайди.

Собира шифохонага изоляторга тушади. Онаси шифохонага тушгач, ёлғиз қолган Думу мактабга кўп вақт бора олмайди.

Бу ерда Муғомирнинг биринчи хотинидан бўлган Муқим исмли ўғли бўлади. Муқим Думуни қийин аҳволда кўриб, унга раҳм қилиб, уйга бошлиб келади. Лекин Faюr қизнинг бу уйга келишини хоҳламайди. Муқим буни астойдил талаб қилганда, унинг ўзини ҳам ҳайдаб юборади. Шунинг учун Муқим иш қидириб, Мадинага кетади. Сўнг Муқимни излаб Думу шаҳар кўчаларида тентираб юриб, Эҳсон деган кишини учратади. У нима учун йўқолиб қолганини сўраса, сабабини айтиб, шароитини тушунтиради. Эҳсон уйида хизматкор бўлиб ишлашни таклиф қиласди. Думу дарров рози бўлади. Эҳсоннинг фирт бекорчи Одий деган ўғли бўлади. У Думуни ўзига жалб қилмоқчи бўлади, лекин у ҳали ҳам Муқимни севади.

Бир куни Думу почтага бориб, у ердан шифохонада ётган онасига хат юбормоқчи бўлади ва почтахонада навбатда турган бир йигитдан ёрдам сўраб, қарасаки, у Муқим экан. Улар шаҳар кўчаларида бирга кетаётганларида безориларга йўлиқадилар, бу орада чиққан жанжал оқибатида Муқим қамоқча

тушади. Думу Эҳсоннинг уйига қайтиб келади. Одий унинг қўлида бегона эркак (Муқим) нинг дастрўмалини топиб олиб, уни қалтаклайди.

Думу Эҳсоннинг уйини тарқ этиб, Фатона исмли бир бой бева аёлнинг уйига унинг қизига тарбиячи бўлиб ишлашга боради. Одий уни таъқиб қилишдан қолмайди ва қидиради. Нима бўлса ҳам қидириб топишга ҳаракат қиласди. Бир қари кампирни Фатонаникига юборади, ундан баъзи совғаларни сотиб олиб, Думуга Эҳсоннинг уйига олиб бориши учун бериши кераклигини айтади. Думу бу илтимосни Одий ўйлаб топган пистирма эканлигини англаб, рад этади. Эртаси куни Одийнинг ўзи ҳалиги қари кампир орқали Фатонанинг уйига келади ва уни ўғирлайди. Уни қўрган Думу бу унинг учун қўйилган бошқа тузоқ эканлигини тушунади, Фатонанинг уйини ташлаб бир муҳандислик бюросига хизматкор бўлиб ишга боради. Бу бюронинг соҳиби Муқим эди. Уни қамоқдан чиққанида поезд станциясида қисқа муддат кўрганидан бери бошқа кўрмаган эди. Муқим хорижга ўқигани кетган эди. Ўқишини битириб қайтгач, муҳандислик бюроси таъсис қилган эди. Думу бу офисда Муқимнинг ёнида ўтирган малласоч хонимни кўради ва котибдан у ким деб сўрайди. У Муқимнинг хотини Роза эканлигини ва Муқим чет элда у билан бирга ўқигани ва ўша ерда унга уйлаганини айтади. Буни әшитган Думу ҳушини йўқотиб, ўзидан кетади. У шифохонада анча даволаниб, кейин Муқимнинг офисига хизматкор бўлиб ишлаш учун келади. Муқим ва ҳатто унинг хотини Роза ҳам ҳали у билан танишмаган эди. Муқим Думуга Эҳсоннинг уйидаги манзилига хат юборган эди, лекин хат Думу уйдан кетгандан кейин етиб борган ва шунинг учун хат “қабул қи-

лувчи бу уйда турмайди" деган ёзув билан қайтариб юборилган эди. Шунинг учун Муқим уни унтиб, Мэри Розага уйланганди.

Энди Думу ҳамшира Нодиядан онасининг вафоти ҳақида хат олади. Унда Собиранинг Думудан хат келган пайтида вафот этганлиги хабар қилинади.

Думу Муқимни Розага уйланган бўлишига қарамасдан, ҳали ҳам севар эди. Муқим ва Роза ўртасида иш услуби бўйича низо келиб чиқади. Бир куни қурилиш материалларидан ўғирлаш натижасида қурилган бинолардан бири қулаб тушади. Муқим қўлга олинниб, қамоққа киритилади. Оила аъзоларидан ҳеч ким уни кўргани ёки ёрдам бергани келмайди. Думу унга овқат келтиради ва адвокат ёллайди. Бу ерда Муслиҳ исмли киши Роза билан тил бириктириб, унга улушкини бериб мамлакатдан чиқиб кетишини шарт қилиб қўяди. Муқимнинг муаммоси ҳали тугамаган, у қулаган бино учун товон ҳам тўлаши керак эди.

Думу шифохонага буйрагини сотиш учун боради, бир бадавлат одам ўзининг ишдан чиққан буйраги ўрнига донор излаётгани ҳақида эълон берган эди. Думу олган пулинни Муқимни қамоқдан чиқартириш учун адвокатга тўлайди. Шифохонадан чиқиб, Муқимнингофисига боради. Муқим уни яхши кутиб олиш ўрнига калтаклаб,офисдан ҳайдаб кўчага чиқариб юборади. У яна шифохонага тушади. Бир неча кун ўтиб, Думунинг нарсаларини кўчага чиқариб ташлаш учун текшира бошлайди ва онасининг ёзган хатини топиб олиб, унинг ким эканлини билади.

Муқим тезда шифохонага етиб боради, лекин у етиб келганида Думу ҳаётдан кўз юмган бўлади. Шу бўлимда тўплангандар орасида адвокат Муслиҳ, Думунинг буйрагини сотиб олган бадавлат

киши ҳозир бўлган бўлади, у киши Муқимнинг отаси Мугомир бўлиб чиқади.

Бу қисса саудия ёзувчиси томонидан саудия романчилигининг муҳим даврида ёзилганига, унинг ҳодиса ва воқеалари Арабистон ярим ороли сахроларида бўлиб ўтган деб даъво қилинишига қарамасдан, тадқиқотимиз ва таҳлилимиз шуни аниқ кўрасатадики, ундаги воқеалар ва образларнинг бу муҳитда бўлиши мутлақо мумкин эмас.

Муаллиф маконни сахро деб эслайди, бу ерда қишлоқ ва шаҳар тилга олинади, замон эса аниқ қилиб (1358 ҳ.й.) 1937 йил деб эсланади. Биз воқеаларни ҳақиқат билан солиштиrsак, уларнинг бир-бирига зиддиги аён бўлади ва улар ўзаро бир-бири билан боғланмайди. Масалан, ана шу санада Думу ўқишига кирган қизлар мактабини олсак, қизлар учун мактаб расман (1380 ҳ.й.) 1960 йилда очилган. Инсон аъзоларини трансплантация қилувчи шифохоналар жуда янги бўлиб, улар яқин замонда пайдо бўлди. Асар воқеалари юз берган даврда бундай шифохоналар бу ерда мутлақо бўлмаган. Шунингдек, бунда саудия урф-одатларидан ташқарида бўлган баъзи образлар ҳам бор. Бу асар заиф халқ эртакларига яқин бўлиб, биз тадқиқотимизда юқорида таҳлил қилганимиз Ҳинд Солиҳ Ба Гаффорнинг асаридан унча узоқ кетмаган. У ҳам етмишинчи йилларда илмий ҳақиқатдан йироқ тасодиф ва гайриоддий асар сифатида пайдо бўлган эди.

Роман қурилишига келсак, асарда бундай нарса умуман йўқ. Бу асарда саудия қисса ва роман жанри бошланишида пайдо бўлган бошқа асарлардаги каби муаллиф соғлиқни сақлаш хизматларини, ҳукумат хизматчисининг аҳволини, хориждан уйланиш масаласини ҳамда саудия ёшлирининг хорижда ўқишилари масалаларини танқид қиласиди.

Бу асар ҳақида айтишимиз мумкин бўлган ху-
лоса шуки, у эски услуг билан характераланади:
услубнинг ёмонлигидан тортиб то ечимнинг йўқо-
тилганлигигача файриоддий халқ эртакларидан
бошқа нарса эмас. Эҳтимол, бу муаллифнинг бола-
лигига ўқиган эртакларининг таъсири бўлиши, уни
ривожлантирмаганлиги сабабли бўлиши мумкин.
Бу билан у саудия романи олтмишинчи йиллар-
да дастлабки романнавислар ижодида бошланиб,
саксонинчи йиллар ёзувчилари ижодида ўз ўрни-
ни эгаллаётган пайтда саудия романи ва қиссасида
саудия характеристини кўрсатмайдиган ёмон шаклда
ифодаланган, деб айтишимиз мумкин.

“ОЛТИН ХАЗИНА”, 1988 й¹.

Бу асар Усмон ас-Сувайнининг иккинчи асари,
бўлиб уни романдан кўра кўпроқ қисса деб таъ-
рифлаш мумкин. Қабилалардан бирининг шайхи
бўлган Форис ибн Санатнинг ҳаёт қиссаси. Форис
бу мансабни отаси қабиланинг бошлиги сифатида
вафот этганидан сўнг эгаллаган. Санат қолдирган
мол-мулкни Форис бўлар-бўлмас дабдабали ишлар-
га сарф қилди, шунинг учун қабиладагилар ундан
ва унинг бу ишларидан нафратлана бошладилар.

Отасидан мерос қолган бойлик тугагач, аввалги-
дек ўрганиб қолган, ўзининг ўйин-кулгулари-ю, ўр-
тоқлари билан бирга кўнгил очиш ишларига сарф
қилгани онасидан пул сўради. Ўғлининг маъно-
сиз дабдадаларга молини исроф қилишидан норо-
зи бўлган онаси ҳам пул бермагач, отасидан мерос
қолган нарсаларни титкилаб, бир сандиқни топиб

¹ Усмон Солих ас-Сувайниг. “Тилла хазина” (“ал-Канз аз-Заҳабий”).
Риёз 1988 й.

олади. Унинг ичида отаси яшил тогда яширган хазина жойининг харитаси бор эди.

Фориснинг аксарият дўстлари бойлиги тугагач, ундан юз ўтирган эдилар. У билан бирга фақатгина тўртта дўсти қолган бўлиб, мазкур хазина сафарида унга ҳамроҳ бўлдилар, улар Наҳор (Кун), Лайл (Тун), Сайф (Қилич) ва Даҳр (Тақдир) эди.

Форис сафар чоғида дўстлари уни ўлдирмоқчи бўлгандарини тушуниб қолди, ярим тунда улар орасидан секин чиқиб, саҳрого қочиб кетади. Сайф уни қидириб кетади. Йўлдан адашиб, йиртқич ҳайвонларга ўлжа бўлади, ўртоқлари учун кундан сўнг жонсиз танасининг қолдиқларини топадилар. Эртаси куни Сайфнинг бошини қариндошларига олиб бориш учун уни кўтариб, ўз юртларига қайтишга қарор қиласидилар. Қайтаётиб, йўлдан адашадилар. Узоқдан итларнинг ҳурганини эшитиб, ўша томонга шошиладилар. Шу онда бир илон Даҳрнинг оёғини чақиб олади ва у ўша заҳоти тил тортмай ўлади.

Қолган иккови итларнинг эгаларини топадилар, улар юртларига олиб борувчи йўлни кўрсатадилар.

Ўша пайтнинг ўзида қабилалардан бири Форисни ўғирликда айблаб тутиб олади, уни қабилага қул қилиб олишади. Бир куни қароқчилар келиб, қабиланинг чорвасига ҳужум қиласиди, қабила кишиларининг қароқчилар қўлидан чорвани қутқариб қолиш учун қилган ҳаракатлари зое кетади. Форис бир ўзи чорвани қайтариб олади. Бунинг натижасида қабила шайхининг қизи Масъада уни севиб қолади.

Форис қабиладан қочиб кетади, иккинчи марта хазинани қидиришга киришади ва бошқа қабиланинг қўлига тушади. Улар Форисни қароқчиликда айблаб, ўлимга ҳукм қиласидилар. Лекин уни Масъада қутқариб қолади. Масъада унинг ўрнига асирга қўяди.

Қабила кишилари бу тил бириктиришни сезиб, Масъаданинг қўл-оёқларини чопишга ҳукм қиласдилар. Қабила шайхи бўлиб қолган акаси бу ҳақида билгач, уни қутқаргани келади, лекин кеч қолган бўлади, у этиб келгунича ҳукм ижро этиб бўлинган бўлади.

Форис хазина жойини кўрсатувчи ҳужжатни йўқотгани аён бўлади. Шунинг учун у Масъаданинг қабиласига қайтиб бориб, унга уйланмоқчи бўлади. Лекин унинг акаси олдин қул бўлган йигитга синглисини турмушга беришга рози бўлмайди ва Фориснинг талабини рад этади.

Фориснинг қабиласи кишилари уни ҳар қаердан қидира бошлайдилар. Ундан қабила шайхи бўлишини талаб қиласдилар. Онаси вафот этади, синглиси қабила ташқарисидан бир йигитта турмушга чиқади. Форис узоқ вақт фойиб бўлганлиги учун шайхликни қабул қилишни хоҳламайди, лекин бу мансабда унинг ўрнини босадиган одам топилмайди. У бўлса, муҳаббатидан айрилгани учун ҳеч нарса билан қизиқмай қолади. Шунинг учун қабила уни сахрода ташлаб кетади.

Бир куни у Яшил тоғда хазина топиб олдим деган бир кишини учратади. Лекин Форис хоҳлаган нарсаларига эриша олмай, уларни йўқотгандан сўнг ҳеч нарсага қизиқмай қолган эди. Шунинг учун иккинчи марта бошқа йўлдан кетиши учун ташлаб кетади.

Бу узуқ-юлуқ хаёлий эртак-қисса ҳодисаларни ҳикоя этиш тузилиши бир-бири билан боғланмайдиган файриоддий хаёлий саргузаштлардан иборат. Бунда романнинг сюжети, тугуни йўқ, образлар яратиш мавжуд эмас. Ас-Сувайнини нашр этган ушбу икки асар роман бўлишидан кўра кўпроқ ҳикоялар тўпламига тортиб кетади. Ўзининг эслашича, унинг қисса ёзиш нияти бўлмаган, лекин фарзандлари-

нинг хоҳиши туфайли бу ишга қўл урган. Аслида бу қиссаларни фарзандларига оғзаки айтиб бериб, нашр қилмаганида яхшироқ бўларди. Шундай бўлса-да, биз унга ушбу тадқиқотимизда, саудия романчилиги йўлидаги кенг чизикларни аниқ кўрсатишмиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

Саудия Арабистонидаги саксонинчи йилларда нашр этилган ва муаллифлари романлар деб атаган бир қатор қиссаларни санасак, қирқ учта қисса мавжуд. Албатта, бундай катта сон ортида ушбу асарларнинг пайдо бўлишида ёрдам берган бир қатор омиллар бор. Таълим кенг тарқалди, кенг миқёсда нашр этиш ва босмахона хизматлари таъминланди. Шунга қарамай, кўплаб асарлар роман деб аталгани билан биз уларнинг ҳозирги замон адабий турларини тасниф этувчи тадқиқотлар мезонига қўйсак, роман талабларига жавоб беришдан анча йироқлиги маълум бўлади.

Шунинг учун саудия романчилиги пайдо бўлганидан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган асарларни кўриб чиқсак, улар орасидан фақат йигирма бештасини замонавий роман сифатидан қатъий назар жанр талабига жавоб бера оладиган роман деб аташ мумкин. Қолганларини эса қисса, эртак ва кўнгилхушлик қиссаси деб аташ мумкин. Биз уларнинг кўпчилигининг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини кўрсатиш учун ҳамда мутахассис бўлмаган тадқиқотчилар томонидан бу жанрнинг бошланиши ҳақида узоқ вақтдан буён айтилаётган турли саналарни кўриб чиқиб, унинг пайдо бўлиш санасини исботлаш учун муҳокама қилдик.

Бир қатор асарларни вақтни тежаш ҳамда тақрорлашдан қочиш учун кўриб чиқмадик, булар орасида Фолиб Ҳамза Абул Фаражнинг 1977-1990 йиллар орасидаги асарлари, Муҳаммад Абду Яма-

нийнинг 1979-1982 йиллар орасида нашр этилган трилогияси, Зайд ас-Сувайданинг 1983-1987 йиллардаги асарларини айтиб ўтиш мумкин. Тоҳир Аваз Саломнинг “Кўмилган сандиқ” асари Яманийнинг “Ҳоиллик қиз” асари билан бирга муҳокама қилинди. Умар Тоҳир Зайлаъининг 1983 йили нашр этилган “” (“ал-Қушур”) ва Усмон Солиҳ ас-Сувайнининг икки асарини, Муҳаммад Зори Ақилнинг 1988 йил нашр этилган “Икки авлод орасида” асарини, ҳамда Абдулазиз ал-Муҳаннанинг 1988 йил ва 1990 йилда чоп этилган икки асарини муҳокама қилдик.

Кўрилган қирқ учта асардан ўн саккизтасини қисса деб тасниф қилишимиз мумкин.

Ушбу адабий турни ўрганаётган тадқиқотчи учун сон ва сифат жиҳатидан бундай ҳол жуда ҳайратланарли бўлиши мумкин. Лекин ҳалигача етуклик оддий даражадан паст бўлган бир қатор араб давлатлари ва хорижий давлатлар билан қиёслаганда, замонавий жанрлар тўлиқ шаклланмаган адабий муҳит учун бу жуда ҳам табиий ҳолат ҳисобланади.

ХОТИМА

Саудия Арабистони Подшоҳлигида 1930 йили бу адабий турнинг пайдо бўлишидан бошлаб, саудия романчилигини ўрганишга бағищланган академик тадқиқот нуқтаи назаридан биринчи тадқиқотdir. Ушбу жанр билан дунёда янги шаҳар ривожланниши одимлари билан баравар қадам ташлаётган янги давлатнинг замонавий илмий асосларда юксалишига ёрдам бериш учун таълим ва йўл-йўриқ кўрсатиш, ҳам тажриба қилиш бобида ижод қилиб келинди. Бу босқич мазкур санадан бошлаб, то 1948 йилгача давом этди. Ушбу босқич биз ўрганиб, тадқиқ қилган роман тузилиши талабларига жавоб берадиган учтагина асар билан чекланмай, яна бир қатор насрый асарларни ўз ичига оладики, уларнинг муаллифлари ўз асарларини роман деб атадилар, аммо ундай эмас эди. Нима бўлганида ҳам бу босқич мутахассис тадқиқотчи томонидан чукур ўрганилиши зарур.

Саудия романидаги иккинчи босқич Ҳомид Да-манҳурийнинг 1959 йили биринчи бадиий роман сифатида нашр этилган “Қурбонлик қиймати” асаридан бошланиб, саудия романчилиги ривожланган босқичдир.

Ўша санадан бошлаб, яъни Даманҳурийнинг мазкур асари нашр этилишидан бошлаб, саудия романни араб романлари орасида ўз ўрнини эгаллай бошлади, ундан сўнг ушбу муаллифнинг “Ва кунлар ўтди” романи 1964 йили нашр этилди.

Саудия романи уфқида яна бир ёзувчи пайдо бўлди, у Иброҳим ан-Носир бўлиб, биринчи романни “Тун зулматидаги ёруғлик” асарини 1963 йили нашр этди ва ўз ижодини ушбу тадқиқот тайёрлангунигача давом эттириб келмоқда.

Бадиий роман йўқ жойдан пайдо бўлмади. Ўқувчи ва адаб учун мақбул бўлиши учун янги замонавий парчалардан бошланган, биринчи ва иккинчи босқич орасига ҳозирги замон бадиий романига кириш сифатида ўрта босқич кирди. Бу таржима ва услуб ва асар қурилиши жиҳатидан таъсирланиш босқичи эди. Мана шу босқичда ҳозирги замон насрой адабиёти танилди, афсонавий қисса мавҳумликлари йўқ бўлди, роман ўз усулига, шакл ва мазмун тузувчиларига эга бўлган жанр сифатида тасдиқланди.

Ҳозирги замон романни яратган ўша ёзувчиларнинг аксарияти мамлакат ичкарисида таълим бўлмагани учун хорижда, хусусан, Ироқ ва Мисрда ўқидилар, сўнг ўз юртларида адабиёт билан шугулланиш учун олий маданий билим билан қайтдилар. Бу билим XX асрнинг қирқинччи йилларида ўша мамлакатлардан Британия ва Францияга ўқишга юборилганлар ҳамда таржима асарлари орқали жаҳон адабиётидан таъсирланиш натижаси эди. Улар ўз билимлари ва маданиятларини ўша маданият ва адабиёт билан ёки аслиятда ўқиш ёки араб тилига таржима қилинган асарлар билан танишиш орқали бойитдилар. Улар орасида буюк адиллар ва романнависларнинг уйгониш даври бошланишида Мисрда ва Ливанда нашр этилган асарлари ҳам бор эди. Шундай қилиб, ана шу бадиий тузилишлар уларнинг ўз юртларига қайтиб нашр этган ижодий ишларида ўз аксини топди. Улардаги баъзи таъсир шунчалик эдики, муаллифнинг ўзлиги йўқолиб қолай дерди. Лекин тез орада баъзилар ўзларининг

кейинги асраларида ажралиб турувчи йўл танладилар. Муаллифлари хорижда ўқиган асарларнинг барчаси ҳам жанр меъёрлари бўйича ёки бу асарларнинг заифлиги учун, ёки муаллифларнинг етарли ижодий тажрибага эга эмасликлари учун етук асарлар эмас эди. Бироқ бадиий ижод қобилиятига эга бўлган бир гуруҳ ёзувчиларнинг асарлари ажралиб тураг әди, мазкур адиллар орасида Ҳомид Ҷаманхурий, Иброҳим ан-Носир, Ҳуда ар-Рашид, Амал Шата, Ҳамза Буқарий, Абдулазиз Мишарийларни айтиб ўтиш мумкин. Энг сўнгтиси хорижда ўқимаган бўлса-да, жаҳон адабиётининг араб тилига қилинган таржималари билан танишган ва бадиий маҳорати ошган эди.

Бу гуруҳ иккинчи ва учинчи босқич чегараларидаги жанрнинг услубий, қурилиш ва гоявий-фикрий меъёрлари бўйича етук бадиий роман яратишда биринчи ўринни эгаллади.

Учинчи босқич, яъни саксонинчи йиллар ёзувчилари орасида ёш ёзувчилар пайдо бўлдилар уларнинг асарларида заифлик мавжуд бўлса-да, уларни осонлик билан бартараф этиш мумкин. Ушбу заифлик икки жиҳатдан намоён бўлади. Ёки қобилиятдаги заифлик ёки роман тажрибасида ва ҳозирги замон асари қурилишидаги заифликдар. Шунинг учун уларнинг романлари етуклик даражасига кўтарилимагани учун иккинчи даражали бўлиб қолди. Булар ҳар икки босқичда ижод қилган Абдулло Саид Жамъян, Султон Саад ал-Қаҳтоний ва Абдулло Жефрийларни айтиш мумкин. Ушбу асарлар билан холис танишиб борган ўқувчи уларнинг ижодида, хусусан, уларнинг иккинчи асарларида янгиланиш руҳини топади. Бу ҳақида биз ушбу тадқиқотда танқидчилар ва романнависларнинг фикрларини келтириб ўтдик.

Учинчи гурухдаги ёзувчилар роман ва қисса ўртасида бир нечтадан асарлар яратдилар, уларнинг баъзиларидағи фикрлар етуқ, баъзилари эса ёмон. Бу асарлар эгаларига услуб, тажриба ва роман тили зиён келтирди, таркибида мазкур унсурларни йўқотган бу асарлар саудия романчилиги даражасига чиқа олмайди. Муаллифларнинг кўпчилиги ўз ижодини эллигинчи йилларда бошлаганига қарамай, шаклда ҳам, мазмунда ҳам ривожланиш бўлмади. Кўтарилган муаммо заиф ҳал қилинишидан тортиб, то услубнинг ёмонлиги ва фикрнинг саёзлиги билан характерланадиган бундай тоифадаги асарлар, афсуски, саксонинчи йилларда кўпчиликни ташкил этади. Юқорида эслаб ўтганимиздек, бу босқичда асарлар кўп яратилди, лекин уларнинг сифат жиҳатидан ранг-баранглиги чекланган эди.

Тадқиқот алоҳида ҳолатларга асосланиб ўтказилмади, балки жам қилиниб ўрганилди. Уларнинг биринчи асар эканлигига эътибор берилмади. Биринчи асарлар одатда ўз хусусияти ва шарт-шароитига эга бўлган тажриба деб ҳисобланади, иккинчи асарга қараб эса қиёсланади. Бу гурухга мансуб муаллифлар асарларида асар қурилиши ва услубда эски рух ҳукмронлик қилди, эсга олса арзигулик ривожланиш сезилмади, булар қуийидлагилардир:

Муҳаммад Зори Ақил, 1966-1980 йилларда уч асар нашр этди, унинг асарлари қисса муҳитидан ва унинг чегараларидан чиқа олмади. Ижодида қадимги ёзувчилар, хусусан Журжий Зайдон услуби ҳукмронлик қилди.

Тоҳир Аваз Салом ҳам айни йўналишдан борди, у 1980-1986 йилларда тўртта асарни нашрдан чиқарди, иккита роман ва иккита қисса. Умуман олганда, бу асарларнинг ҳаммасида Зайдон услуби ҳукмронлик қилади.

Исом Ҳуқайр 1980-1983 йиллар учта асар яратди, биринчисини роман деб аташ мумкин бўлса, кейинги иккитаси қисса қаторидадир.

Фуад Содиқ Муфтий, 1981-1986 йилларда икки асар нашр қилиди, шубҳасизки, иккаласи ҳам роман, лекин унинг муаллифига бадиий шакллантириш етишмайди, биринчисида воқеийлик ошириб юборилган бўлса, иккинчисида муболага устун қелган.

Абдулазиз ал-Муҳанна 1988-1990 йиллари иккита асар яратиб, уларни роман деб атади. Биринчи асарда ҳозирги замон романи учун қўйиладиган асар тузилиши, муаммоларнинг ҳал этилиши каби талабларнинг бажарилиши бўйича эсга оларлик ҳеч нарса йўқ. Иккинчиси эса тарихий ҳодисани ҳикоя қилиб беришдан иборат.

Усмон ас-Сувайнӣ 1988 йили иккита асар нашр этди. Биринчиси тузилиши ва шаклланиши жиҳатидан заиф роман бўлса, иккинчисида ҳақиқий асар тузилиши, сюжет ҳам, роман тутуни ҳам йўқ, у фақат турли ҳодисалардан иборат бўлиб, муаллиф уни бир ерга жамлай олмаган.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги адабиётида қисса жанрида энг кўп асар ёзган Фолиб Абул Фараж бўлиб, у 1978-1990 йиллар орасида ўнта асар яратди. Уларни муаллиф роман деб атаган бўлса-да, воқеликда қисса доирасидан чиқмайди ва аксарияти муайян ҳодисаларни ҳикоя қилиб беришдан иборат, ёзувчи уларни газета репортажига ўхшатиб қўллаган.

Айрим нашрлар бадиий тузилишдан холи эмас, лекин уларнинг муаллифлари фақат бир дона асар яратганлар, холос, чунки ўша пайтда нашр қилиш қийинчилиги бўлган, лекин уларнинг баъзилари бадиийликни амалга ошира олган, баъзилари эса биринчи асарданоқ муваффақиятсизликка учрагани иккинчи асар яратишига йўл очмаган.

Абдулазиз ас-Сақъабий 1988 йили “Құмір ҳиди” романини яратып мұваффақиятта әришди. Агар уринишларини давом еттирганида, әсда қоларлик асарлар яратған бўларди. Фуад Анқовийнинг “Тоғ остида соя бўлмас” (1986), Сайфуддин Ашурнинг “Алвидо демагин” (1981), Али Ҳасуннинг “Яхшилар ва тубанлик” (1984) ва Сафия Анбарнинг “Кечира-сиз, эй Одам” (1986) романлари ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Бир қатор муаллифлар бир донадан асар яратып, уни роман деб атаганлар, лекин улар аслида хотиралар, мемуарлар ёки дилхушлик ҳикоялари ёки ақл бовар қилмайдиган хаёлдан нарига ўтмайди. Масалан, Ҳинд Солиҳ Ба Гаффор (1972), Оиша Зоҳир Аҳмад (1979), Мухаммад Абду Яманий (барча асарлари, биз унинг “Хоиллик қиз (1980) асарини ўрганиб чиқдик), Носир Мажрашнийнинг “Буюк муҳаббат” (1978) ва ниҳоят Абдулкарим ал-Хатибининг “ал-Минжоза маҳалласи” (1987) асарларини айтиб ўтиш мумкин. Агар уни яхшироқ шакллантирганида, роман даражасига кўтарилган бўларди.

Бу тадқиқотда Саудия Арабистонида инсоний илмлар тажриба доирасидан чиқиб, халқаро қийматта эга бўлган замонда гуманистик роман бир қисмига айланган халқаро танқид қонун-қоидаларини татбиқ этган ҳолда, саудия романига таъриф беришга ҳаракат қилдик. Шунингдек, роман ва бадиий насрнинг романга алоқаси бўлган бошқа турлари ўртасидаги фарқни кўрсатишга, кўплаб тадқиқотчилар томонидан роман деб аталиб келинган асарларни романнинг бадиий ва тузилиш хусусиятлари асосида фарқлашгана уриндик.

Ушбу тадқиқотдан биз саудия адабиётида романга ўз хусусиятлари ва адабий қийматига эга бўлган адабий тур сифатига эътибор берилгани-

дан сўнг, келажаги бор рөманчилик пайдо бўлганини башпорат қилувчи хулосалар ясадик. Биз бунга тадқиқотлар ва танқидчилик орқали ҳамда конструктив танқидчилик малакаларига эга бўлган ўқувчилар орқали, уларни танқидчиликни тушунишга тайёрлаган расмий таълим, адабий матбуот, нашриёт ва босмахоналарнинг мавжудлиги ва бошқа унсурлардан ўрганиш орқали эришдик.

Ундан ташқари ёзувчиларнинг ўзлари муайян адабиёт оқимлари ва йўналишларига эргашдилар. Улар романтизмдан реализмгача, тажрибадан бошлаб профессионализмга эришдилар. Бу оқимлар адибларнинг мутолаа қилишлари, ўзга адабиётдан таъсирланишлари натижасида юзага келди. Буларнинг натижаси ўлароқ, аёл ёзувчилар пайдо бўлиб, улар хотин-қизлар муаммоларини яқиндан ва воқеий тарзда кўтариб чиқдилар. Уларнинг баъзилари етук асарлар яратишган бўлса, баъзилари бошлангич тажрибани амалга оширишди.

Саудия романининг турли жиҳатларида ихтиоссликлар бўйича батафсил тадқиқотлар олиб борилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Бизнинг бажарган ишимиз келгуси академик тадқиқотларнинг дастлабки асосларини яратиш бўйича умумий танқидий ҳужжатлаштириш ва академик таҳлил ҳисобланади.

Шунинг учун муҳтарам ўқувчи агар бирор камчилик топиб, менинг эътиборимни қаратса, мен бу яхши мулоҳазалар учун миннатдор бўламан.

ИЛОВАЛАР

1. Араб тилидаги манбалар.
2. Чет тилларидағи манбалар.
3. Араб тилига таржима қилинганды манбалар.
4. Вақтли матбуот.
- 1- Инглиз тилидаги мақолалар.
- 2- Араб тилидаги мақолалар.
5. Ойлик журналлар.
6. Ҳафталиқ журналлар ва газеталардаги мақолалар.
7. Муқаддималар.
8. Интервьюолар.
9. Маълумотномалар.
10. Нашр этилмаган университет диссертациялари.
11. 1930-1989 йилларда нашр этилган романлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. АРАВ ТИЛИДАГИ МАНБАЛАР

- Иброҳим, Иброҳим Муҳаммад. Ат-Таълим ан-Низамий ва гайр ан-низамий фи-л-мамлакат ал-арабия ас-саудия (Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги расмий ва норасмий таълим). Жидда. 1985.
- Аҳмад, Абдулло. Ал-Қисса ва ар-ривая фи-л-Ирақ (Ироқда қисса ва роман). Қоҳира. 1972.
- Исломил Аззуд-дин. Ал-адаб ва фунунуҳу (Адабиёт ва унинг жанрлари). Қоҳира. 1978.
- Амин, Бакрий Шайх. ал-Ҳарака ал-адабия фи-л-мamlakat ал-арабия ас-саудия (Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги адабий ҳаракат). Байрут. 1977.
- Ал-Амин Аззуд-Дин. Нашъатал-нақд ал-ҳадис фи Миср (Мисрда ҳозирги замон танқидчилигининг келиб чиқиши). Қоҳира. 1977.
- Ал-Ансорий, Абдулқуддус. Ислаҳат фи лугат ал-китаба ва ал-адаб (Ижодий тил ва адабиётдаги ислоҳотлар). Байрут. 1935.
- Бадр, Абдулмуҳсин Тоҳо. Татаввур ар-ривая ал-арабия ал-ҳадиса (“Ҳозирги замон араб романининг ривожланиши”). Қоҳира. 1970.
- Балхайр, Абдулло. Сайд Абдулмақсуд. Ваҳйу-с-Саҳра (Саҳро ваҳий). Қоҳира. 1932.
- Буқарий, Ҳамза Муҳаммад. Баиъ ат-тибр ва қисас ухра (Тамаки сотувчи ва бошқа ҳикоялар). Жидда. 1984.
- Тавфиқ, Муҳаммад Умар. Аз-Завжва ва ас-садиқ (Хотин ва дўст). Қоҳира. 1952.
- Таймур, Маҳмур. Дирасат фи-л-қисса ва ал-масраҳ (Қисса ва драма бўйича тадқиқотлар). Қоҳира. й.й..
- Жабра, Иброҳим Жабра. Ал-Адаб ал-арабий ал-ҳадис ва ал-Фарб (Ҳозирги замон араб адабиёти ва Фарб). Байрут. 1979.
- Жамол, Аҳмад Муҳаммад.
 1. Саад қала ли (Саад менга айтдики). Қоҳира. 1945.
 2. Мазафи-л-Ҳижаз? (Ҳижозда нима гап?). Қоҳира. 1946.

- Жавҳарий, Муҳаммад Нур. Ал-Интиқам ат-табъий (Табиий интиқом). Жидда. 1966.

- Жувайлий, Аҳмад Али. Дираса фа ривайат “Жиҳад ал-муҳаббийн” ли Журжий Зайдан (Журжий Зайдон-нинг “Севувчилар жиҳоди” романи бўйича тадқиқот). Қоҳира. 1985.

- Мансур ал-Ҳозимий.

1. Фанин ал-қисса фи-л-адаб ас-саудий ал-ҳадис (Ҳозирги замон саудия адабиётида ҳикоя жанри). Риёз. 1981.

2. Мавақиф нақдия (Танқидий мулоҳазалар). Дар ас-Соқий нашриёти. Риёз. 1990.

- ал-Ҳуқайл, Сулаймон Абдурраҳмон. Сийасат ат-таълим фи-л-мамлакат ал-арабия ас-саудия (Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги таълим сиёсати). Риёз. 1984.

- Ҳаққий, Яҳё. Фажр ал-қисса ал-мисрия (Миср қиссасининг тонгти). Қоҳира. 1957.

- Ал-Ҳаким Тавфиқ. 1. Авдат ар-руҳ (Рұхнинг қайтиши). 1936. 2. Аҳл ал-Қаҳф (Қаҳф аҳли). Қоҳира. 1957.

- Ҳамуд, Рафиқа. Ат-Таълим фи-л-Баҳрайн (Баҳрайнда таълим). Ал-Баҳрайн. 1987.

- Хуршид, Форук. 1. Байна ал-адаб ва-с-саҳафа (Адабиёт ва матбуот). Байрут. 1974. 2. Фи-р-ривая ал-арабия (Араб романни ҳақида). Қоҳира. 1982.

- Дафтардор, Муҳаммад Саид. ал-Ҳажа Фалҳа ва ал-мажидий ад-дойиъ (Хўжайин Фалҳа ва йўқолган мажидий танга). Макка. 1969.

- Диб, ас-Сайид Муҳаммад. Фанин ар-ривая фи-л-мамлакат ал-арабия ас-саудия (Саудия Арабистони Подшоҳлигига роман жанри). Қоҳира. 1989.

- ар-Рибиль Абдулазиз. Зикрайат тифл вадиъ (Одобли бола хотиралари). Мадина Мунаввара. 1977.

- Абу ар-Рида, Саад. Мақалат фи ан-нақд ва ал-адаб (Танқидчилик ва адабиёт бўйича мақолалалр). Бурайда. 1980.

- Руқайбий, Абдуллоҳ. Нуфус саира (Исёнчи қалблар). Қоҳира. 1962.

- ас-Сасий, Абдуссалом. Ал-Мавсуа ал-адабия (Адабий энциклопедия). Тоиф. 1980.

- Соатий, Яҳё.

1. Ҳаракат ат-таълиф ва ан-нашр фи-л-мамлакат ал-арабия ас-саудия (Саудия Арабистони Подшоҳлигида ижод ҳаракати ва нашр). Риёз. 1979.
2. Ал-Адаб ал-арабий фи-л-мамлакат ал-арабия ас-саудия (Саудия Арабистони Подшоҳлигида араб адабиети). Риёз. 1979.
 - ас-Сибайӣ, Аҳмад.
- 1- Фалсафат ал-жинн (Жин фалсафаси) Қоҳира. 1948.
- 2- Суллам ал-қираъа қал-арабия (Арабча ўқиш босқичлари). Қоҳира. 1951.
- 3- Ал-Мутаввиғун ва ал-ҳужҷаж (Тавоғчилар ва ҳожилар). Қоҳира. 1935.
- 4- Йавмият ал-мажнун (Мажнуннинг қундалиги). Қоҳира, 1958.
- 5- Даъуна намши (Юришимизга қўйиб беринг). Қоҳира, 1959.
- 6-Қола ва қолат (Йигит деди ва қиз деди). Макка. 1986.
- 7-Тарих Макка (Макка тарихи). Икки қисм. Макка. 1979.
- 8-Аврақ матвия (Букланган қофозлар). Тоиф. 1982.
- 9-Сибайят (Сибоийёт). Жидда. 1982.
- 10-Айями (Менинг кунларим). Жидда, 1985.
- ас-Сабииӣ, Абдулло Носир.
- 1-Ал-Ҳайат ас-сақафия фи ал-минтақа -аш-шарқия (Шарқий минтақада маданий ҳаёт). Вашингтон ДС. 1987.
- 2-Ал-Ҳайат ал-ижтимаия фи ал-минтақа-аш-шарқия (Шарқий минтақада ижтимоий ҳаёт). Вашингтон ДС. 1987.
- 3-Ал-Ҳайат ал-иктисадия фи ал-минтақа-аш-шарқия (Шарқий минтақада иқтисодий ҳаёт). Вашингтон ДС. 1987.
 - Сайд, Жамил. Назарат фи ат-тайярат ал-адабия фи-л-Ирақ (Ироқдаги бадиий оқимларга бир назар). Қоҳира. 1954.
 - Салама, Фатҳий. Татавур ал-ал-ижтимаий фи-р-рива ал-арабия (Араб романида ижтимоий фикрнинг ривожланиши). Қоҳира. 1980
 - Ас-Салим, Иброҳим Абдулазиз. Ат-Таълим фи Ҳураймала қадима ва ҳадисан (Ҳураймаладаги эски ва янги таълим). Риёз, 1990.

- Самъан, Инжил Бутрус. Ар-Ривая ал-инглизия (Инглиз романи). Қоҳира. 1980.
- Аш-Шомих, Муҳаммад Абдурраҳмон.
- 1. Ат-Таълим фи Макка фи авахир ал-аҳд ал-усманий (Маккада усмонийлар даврининг сўнггида таълим). Риёз. 1983.
- 2. Ан-Наср ал-адабий фи ал-мамлакат ал-арабия ас-саудия (Саудия Арабистони Подшоҳлигида насрий адабиёт). Риёз. 1975.
 - аш-Шубат, Абдулло Аҳмад. Удаба мин ал-Аҳса (Ал-Аҳсолик адиллар). Ал-Хӯбар. 1989.
 - аш-Шантӣ, Муҳаммад Солиҳ. Фани ар-ривая фи ал-адаб ас-саудий ал-муасир (Ҳозирги замон саудия адабиётида роман жанри). Жазан. 1990.
- Саббон, Муҳаммад Суур. Адаб ал-Хижаз (Ҳижоз адабиёти). Қоҳира, 1924.
 - Таробиший, Жорҷ. Шарқ ва Ғарб (Шарқ ва Ғарб). Байрут. 1971.
 - Абдулло, Муҳаммад Абдулҳалим. Лақита фи лайлат ал-ғарам (Ишқ тунидаги ташландик). Қоҳира. 1954.
 - ал-Аммудий Муҳаммад Сайд. Ат-Тарбия фи ал-Ҳижаз (Ҳижозда тарбия). Макка. й.й.
 - Аввод, Муҳаммад Ҳасан. Ҳаватир мусарраҳа (Очиқ айтилган фикрлар). Қоҳира. 1961.
 - Абул Фадл, Фатҳий. Риҳлати ма ар-ривая (Роман билан бирга сафарим). Қоҳира. 1980.
 - Фаллолий, Иброҳим Ҳошим.
- 1. Маа аш-шайтан (Шайтон билан). Қоҳира. 1951.
- 2. Ал-Мирсад (Расадхона). Риёз. 1980.
- ал-Фавзан, Иброҳим Фавзан. ал-Адаб ал-ҳижзазий ал-ҳадис байна ат-таждид ва ат-тақлид (Ҳозирги замон ҳижоз адабиёти янгиланиш ва анъана ўртасида). Қоҳира. 1981.
- ал-Қат, Абдулқодир. Фи ал-адаб ал-мисрий ал-муасир (Ҳозирги замон Миср адабиёти). Қоҳира, 1955.
- Кутубий, Муҳаммад Ҳасан. Ҳазиҳи ҳайати (Бу менинг ҳаётим). Қоҳира, 1956.
- Ал-Қаркий, Холид. Ар-Ривая фи ал-Урдун (Иорданияда роман). Аммон. 1986.
- Ал-Маҳадин, Абдулҳамид. Аврақ мин таълим

фи ал-Баҳрайн (Баҳрайнда таълим саҳифалари). ал-Баҳрайн, 1995.

- Мұхаммадайн, Мұхаммад. Ал-Қисса фи Жазан (Жазанды қисса). Жазан. 1990.

- Ал-Маъдавий, Анвар. Намазиж фанния мин ал-адаб ва ан-нақд (Адабиёт ва танқидчиликдан бадиий на-муналар). Қоҳира. 1951.

- Ал-Маълуф, Шағиқ. Абқар (Доҳий). Сан-Пауло. 1948.

- Мағрибий, Мұхаммад Али.

1. Маламих ал-ҳайат ал-ижтимаия фи ал-ҳижаз фи ал-қарн ар-раби ашар ал-ҳижрий (Ҳижозда ҳижрий XIV асрдаги ижтимоий ҳаёт хусусиятлари). Жидда. 1980.

2. Аълам ал-ҳижаз фи ал-қарн ар-раби ашар ал-ҳижрий (Ҳижрий XIV асрдаги Ҳижознинг таниқли кишилари). Жидда. 1980.

- Ан-Нассаж, Саид Ҳомид.

1. Таъриф би-р-ривая ал-урубия (Европа романни тарифи). Қоҳира. 1978.

2. Бунурама ар-ривая ал-арағия (Араб романни пономаси). Қоҳира. 1980.

- Насиф, Ҳусайн. Мади ал-хижаз ва ҳадируху (Ҳижознинг ўтмиши ва ҳозири). Қоҳира. 1930.

- Ноғал, Юсуф.

1. Ал-Қисса байна жийлайи Тоҳо Ҳусайн ва Нажиб Маҳфуз (Тоҳо Ҳусайн ва Нажиб Маҳфуз авлолари ўртасида қисса). Қоҳира. 1971.

2. Мұхаммад Абдулҳалим: ҳайатуху ва адабуху (Мұхаммад Абдулҳалимнинг ҳаёти ва ижоди). Риёз 1980.

3. Үдаба минас-саудия (Саудияликадиблар). Риёз. 1984.

4. Руъят ан-нас мин ад-даҳил (Матнни ичкаридан кўриш). Риёз. 1984.

- Ал-Ҳажирий, Саҳмий Можид. Ал-Қисса ал-қасира фи ал-мамлакат ал-арағия ас-саудия (Саудия Арабистонги Подшоҳлигига ҳикоя). Риёз. 1988.

2. ЧЕТ ТИЛЛАРИДАГИ (ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ) МАНБАЛАР

- Allan, Roger.
The Arabic Novel: An Historical and critical introduction.
Manchester. 1982.
- Brenan, Gerald.
The Literature of The Spanish people. London. 1979.
- Daiches, David.
Critical approaches to literature. London. 1956.
- Evans. Ifor/
A Short Story of English literature. London. 1978.
- Forster, E.M.
Aspects of novel. London. 1988.
- Hamori, Andras.
Ob the Art of Medieval Arabic literature/ University
of Princeton. 1974.
- Hobsbaum, Philipp.
Essentials of literature criticism. London. 1983.
- Husayn, Taha.
The Future of Culture in Egypt. Trans. Roger Allan.
Cairo. 1954.
- Kilpatrick, Hilary.
The Moroccan modern novel. Casablanca. 1961.
- The Modern novel. London. 1974.
- Moussa, Fatima
The Changing role in the female. Beirut. 1974.
- No'imah, Mikhail.
Her new year. Trahs. John Perry. Leiden. 1974.-
- Sakut, Hamdi.
The Egyptian novel and its main trends (1963-1952).
Cairo. 1980.
- Stain, J.L.
The Elements of Drama. Cambridge. 1967.
- Walt, I.
The rise of the novel, California. 1957.

3. АРАБ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН МАНБАЛАР.

Эдварл, М. Форстер. - Аркан ар-Ривая (Роман рукнлари). Камол Айёд таржимаси. Қоҳира. 1960.

Эдвин Мьюр. - Бина ар-ривая (Роман тузилиши). Иброҳим ас-Сайрафий таржимаси. Қоҳира. 1965.

Бернард Фото. - Ал-Қисса (Қисса). Муҳаммад Мустафо Ҳаддора таржимаси. Қоҳира. 1969.

Перси Лубок. - Сунъат ар-ривая (Роман яратиш). Абдусаттор Жавад таржимаси. Бағдод. 1981.

Жон Галперин. - Назарият ар-ривая (Роман назарияси). Муҳиддин Субҳий таржимаси. Дамашқ. 1981.

Дайан Дават Файерю. - Фанн китабат ар-ривая (Роман ёзиш жанри). Абдусаттор Жавад таржимаси. Бағдод. 1988.

Клауди Фаян. - Қунту табибатан фи-л-Йаман (Яманда врач бўлган эдим). Муҳсин ал-Айний таржимаси. Байрут. й.й.

Колин Уильсон. - Ал-Маъқул ва ал-ламаъқул фи-л адаб ал-ҳадис (Ҳозирги замон адабиётида маъқул ва но-маъқул). Аниш Заикӣ Ҳасан таржимаси. Байрут. й.й.

- «Сунъат ар-ривая (Роман санъати). Муҳаммад Дарвиш таржимаси. Бағдод. 1980.

4. ВАҚТЛИ МАТБУОТ

a) Инглиз тилидаги мақолалар.

English Articles:

Day, Mark Tyler. Contemporary Saudi writers of Fiction. Journal of College of Arts. University of Riyadh. Vol. 7. 1980.

Doumato, Eleanor A. Gender, Monarchy and national Identity in Saudi Arabia. British Journal of Middle East Studies. Vol. 19. No.1 1992.

Hafiz, Sabri. The Egyptian Novel in the sixties. Journal of the American Literature. V 11, 1976.

б) Араб тилидаги мақолалар.

Ал-Ҳозимий, Мансур. Ал-Хурайжий, Мансур. “Саман ат-тадҳия” (Қурбонлик қиймати). Адабиёт факультети журнали. 1-сон. 1973.

“Маламих ат-таждид фил-адаб ас-саудий ал-ҳадис” (Ҳозирги замон саудия адабиётида янгиланиш хусусиятлари). “Ад-Даарра” журнали. Июнь, 1975.

“Ал-Қисса фил-адаб ас-саудий ал-ҳадис” (Ҳозирги замон саудия адабиётида қисса). “Алам ал-кутуб” журнали. 1-жилд. 1981.

Ҳофиз, Сабрий. “Бина ал-қисса” (Қисса тузилиши). “Фусул” журнали.

Ҳалава, Мустафа. “Наҳва тавассуъ макктабий” (Идорага оид кенгайтириш сари). Араб тили факультети журнали. 1977.

Солим, Набила Иброҳим. “Саман ат-тадҳия” (Қурбонлик қиймати). “Алам ал-кутуб” журнали. 1-жилд. 1981.

Аш-Шомих, Мухаммад Абдураҳмон. “Ал-Адаб ас-саудий” (Саудия адабиёти). “Ад-Даарра” журнали. Декабрь, 1978.

Шоҳин, Абдул-Ол. “Руъия ҳавла ад-даввама” (“Гирдоб” атрофига қарааш). “Маданият ва санъат” журнали. Май. 1982.

Аш-Шувайъир, Мухаммад Саад. Абдулло Жафрий. “Маданият ва санъат” журнали. Май. 1982.

Ат-Тоҳир, Али Жавад. “Ал-Ҳайат ал-адабия фи-л мамлакат ал-арабия ас-саудия” (Саудия Арабистони Подшоҳлигида адабий ҳаёт). “ал-Араб” журнали. Август. 1984.

Ат-Туама, Солиҳ Жавад “Ан-Носир қоссан” (Ан-Носир ҳикоянавис сифатида). “Алам ал-кутуб” журнали. 1-жилд. 1981.

Аззуд-Дин, Юсуф. “Ривайат Мухаммад Абду Яманий” (Мухаммад Абду Яманий роман). “Алам ал-кутуб” журнали. 1-жилд. 1981.

Қосим, Маҳмуд. Исм ал-Варда ли Эмберто ЭКО «Emderto ECO» Эмберто Эконинг “Гул” қиссаси). «Тобад» журнали. Сентябрь, 1988. Март, 1989.

Ал-Фавзан, Иброҳим. «Ат-Тавадуъ ал-марфуд» («Рад этилган камтарлик»). Араб тили факультети журнали. 1977.

Мутаваллий, Абдулло. “Жеймс Жуис – раид ар-ривая ат-тажрибия” (Жеймс Жуис – экспериментал роман бошловчиси). «Тобад» журнали. Март, 1989.

Ал-Хошимий, Маҳмуд Мунқиз. «Ривая ал-мустақбал ли Анис Нин» (Анис Ниннинг «Келажак» романы). «То бад» журнали. Сентябрь, 1988. Март 1989.

5. ОЙЛИК ЖУРНАЛЛАР

- = ал-Иброҳимий, Аҳмад Толиб.
- Альбер Камю. “ал-Ҳилал” журнали. Сентябрь, 1972.
- = Иброҳим, Иzzат.
- “Саман ат-тадҳия” (Қурбонлик қиймати). “ал-Файсал” журнали. Октябрь. 1978.
- = ал-Анзорий, Абдулқұддус.
- “Адаб ал-қисса” (Қисса адабиёти). “ал-Манҳал” журнали. (“ал-Китаб ал-фиддий”). 1960.
- “Ал-Адаб ал-қисасий фи-л-мамлакат ал-арабия ас-саудия” (Саудия романчилигига қисса адабиёти). “ал-Манҳал” журнали. 1/1/ 1963.
- = ал-Бассам, Бассам.
- “Изҳаб мин ҳуна” (Бу ердан кет). “ал-Манҳал” журнали. Июнь, 1940.
- = Буқарий, Ҳамза Мұҳаммад.
- “Маза йуснау” (Нима ишлаб чиқарилади?). “Саудия радиоси” журнали. Февраль, 1955.
- = ад-Думайний, Али.
- Лиқа ма’а Абдулқұддус ал-Анзорий (Абдулқұддус ал-Анзорий билан сұхбат). “Нефть карвони” журнали. Сентябрь, 1981 й.
- = Ҳусайн, Ҳусайн Али.
- Лиқа ма’а Иброҳим ан-Носир (Иброҳим ан-Носир билан сұхбат). “ал-Ҳарас ал-Ватаний” (“Миллий гвардия”) журнали. Июнь. 1990.
- = Ҳусайн Мустафа.
- “Ас-Сибай ва жүхудуҳу ал-адабия” (Ас-Сибай ва унинг адабий ижоди). “Нефть карвони” журнали. Август, 1986 й.
- = Солим, Набила Иброҳим.
- “Саман ат-тадҳия” (Қурбонлик қиймати). “ал-Файсал” журнали. № 40-сон 1979.
- = ас-Сибай Фозил.
- “Фатат мин Ҳаил” (Ҳоиллик қиз). “Қоғилат аз-зайт”

(“Нефть карвони”) журнали. Февраль, 1984 й.

= Саид, Холида.

Ар-Ривая ал-арабийя мин 1920 ила 1972 (1920-1972 йиллардаги араб романи). “Ал-Мавақиф” (“Муносбаттар”) журнали. Ѓз, 1974.

= Шалиш, Абдурахмон.

Саудия романида бош қаҳрамон. («аш-шахсия ал-миҳвария фи р-ривая ас-саудия). . “Нефть карвони” журнали. Май, 1984 й.

= Бу Шанақ, Аҳмад

- «Оҳ, ман ҳаула ал кибар» (Эҳ, анави катталар ким?). “ал-Манҳал” журнали. Июнь, 1940.

= Аббос, Бақр.

“Саман ат-тадҳия” (Қурбонлик қиймати). “Қоғилат аз-зайт” (“Нефть карвони”) журнали. Январь, 1981.

“Ғадан анса” (“Эртага унутаман”). “Қоғилат аз-зайт” (“Нефть карвони”) журнали. июнь, 1981.

“Ла зилл таҳта ал-жибал” (“Тоғ остида соя бўлмас”). “Қоғилат аз-зайт” (“Нефть карвони”) журнали. Октябрь, 1983.

= Атийя, Аҳмад.

- «Ал-Васмия» («Баҳорнинг биринчи ёмғири»). “ал-Харас ал-Ватаний” (“Миллий гвардия”) журнали. Май. 1990.

= ал-Аммудий, Муҳаммад Саид.

- “Адаб ар-ривая фи-л-Ҳижаз” (Ҳижозда роман адабиёти). “ал-Манҳал” журнали. 5-жилд. 31/3/1937.

= Аввад, Аҳмад, Муҳаммад.

“Ал-Адаб ал-ҳадис фи-с-саудия” (“Саудия Арабистонидаги ҳозирги замон адабиёти”). “Маданият” журнали. 1978.

= Құдс, Муҳаммад Али.

“Ар-Ривая ас-саудия” (“Саудия романи”). “Қоғилат аз-зайт” (“Нефть карвони”) журнали. Февраль, 1980.

= ал-Қаҳтоний, Султон Саад

“Асар ал-лугат ал-арабия фи шабҳ ар-қаарра ал-ҳиндия” (Ҳинд қитъасида араб тили таъсири). “ал-Файсал” журнали. 176-сон. 1991.-

= Қутб, Муҳаммад Али

“Уриду ан атазавважа ал-амрикия” (Мен Америкалик қизга уйланишни хоҳлайман). “ал-Манҳал” журнали. Июнь, 1956.

“Ал-Мутасаввил” (Тиламчи). “ал-Манҳал” журнали. Июнь, 1957.

“Мин ал-мактаба ас-саудия” (Саудия кутубхонасидан). “ал-Файсал” журнали. № 116-сон. 1986.

= Ан-Нассаж, Сайид Ҳомид.

“Ар-Ривая ал-урубия” (Европа романи). “ал-Файсал” журнали. № 37-сон. Октябрь, 1976.

= Магрибий, Мухаммад Али.

“Ма ҳува асар ал-адаб ал-ҳадис фи ҳазиҳи ал-билиад” (Бу юртда янги адабиётнинг қандай таъсири бор?). “ал-Манҳал” журнали. Март, 1939.

= ан-Носир, Иброҳим.

“Ал-Ҳадия” (Ҳадя). “Қурайш” журнали. 25.01.1960.

= Насруллоҳ, Мухаммад Ризо.

“Ар-Ривая ас-саудия” (Саудия романи). “ал-Арабия” журнали. № 1-сон. 1980.

= Нақшбандий, Абдулҳақ

“Мин закират қабла нисф ал-қарн” (Ярим аср олдити хотирамдан). “ал-Манҳал” журнали. Октябрь, 1962.

6. ҲАФТАЛИК ЖУРНАЛЛАР ВА ГАЗЕТАЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАР

= Идрис, Абдулло.

“Абдулазиз Мишарий фи ривайатиҳи “ал-Васмия” (Абдулазиз Мишарийнинг “Баҳорнинг биринчи ёмгири” романи ҳақида”). “Иқра” (“Ўқи”) журнали. 31.03.1988.

= Идрис, Умар Бурҳон.

“Ат-Тифла” (“Бола”, таржима). “ар-Роид” журнали. 06.03.1960.

= Асъад, Абдулжалил.

“Ал-Бахил” (“Бахил”, таржима). “Савт ал-Ҳижаз”. 22.01.1939.

“Ал-Устаз Батлан ва-л-қумаш” (“Устоз Батлон ва мато”, таржима). “ал-Билад ас-саудия”. 28.02.1949.

Ала давъу-л қамар” (“Ой нурида”, таржима). “ал-Билад ас-саудия”. 14.10.1954.

“Ҳал қана ҳулман?” (“У туш әдими?”, таржима).
“Оказ”. 15.7.1961.

= ал-Аффоний, Мұхаммад Олим.

“Лақад бараңтуху” (“Мен уни ташлаб кетдім”, таржима). “ал-Билад ас-саудия”. 29.05.1949.

= Оға, Одил Адіб.

“Ҳамза Буқарийва “Сақифатас-Сафа” (Ҳамза Буқарий ва “Сафо айвони”). “ар-Рияд”. №5715-сон. Февраль, 1984.

= Буқарий, Ҳамза Мұхаммад.

“Табиб ал-ғаром” (“Ишқ табиби”, таржима). “ал-Билад ас-саудия”. 24.11.1954

“Ад-Дарс ас-самин” (“Қымматли дарс”, таржима). “ал-Билад ас-саудия”. 08.08.1955.

= Жәмолиддин, Маҳмуд.

Абдулазиз Мишарий ва “ал-Васмий” (Абдулазиз Мишарий ва “Баҳорнинг биринчи ёмғири” романы). “аш-Шаъб” 12.07.1988.

= ал-Жавҳарий, Маҳмуд.

“Абдулазиз Мишарий – котиб ар-ривая” (“Абдулазиз Мишарий – романнавис”). “Оказ”. №8183-сон. 13.09.1989.

= ал-Ҳамомисий, Абдул-Ол

“Ал-Ғүйум ва манабит аш-шажар” (“Булутлар ва күчтатлар”). “ан-Надва”. Июнь, 1-1989.

= Хазиндор, Обид.

“Ал-Васмия” тақтариб мин ал-аламия” (“Баҳорнинг биринчи ёмғири” жаҳон романига яқинлашмоқда). “ар-Рияд”. 14.04.1988.

= Ҳол, Абду.

“ал-Васмия” (“Баҳорнинг биринчи ёмғири”). “Оказ”. 14.11.1988

= ад-Дирхан, Абдураҳмон.

“Ҳавла ал-Васмия” (“Баҳорнинг биринчи ёмғири” ҳақида). “ар-Рияд” 24.05.1988.

= Раддавий, Маҳмуд.

“Дираса фи аъмал Таҳир Авад Салам” (Тоҳир Аваз Салом асарлари бўйича тадқиқот). “ал-Жазира”. 17.05.1987.

= ар-Рифаий, Абдулазиз.

“Ҳамза Буқарий – ал-адиб ал-қосс” (Ҳамза Буқарий – қиссанавис адид). “ар-Рияд” 20.01.1984.

- = Рувайхий, Амин Солим.
 “Үдабауна ва адаб ал-қисса” (Адибларимиз ва қисса адабиёти). “ал-Билад ас-саудия”. 05.08.1954
 = Залум, Ҳаммуда.
 “Ҳамза Буқарий ва “Сақифат ас-Сафа” (Ҳамза Буқари ва Сафо айвони). “ал-Масаия”. 05.04.1985.
 = Самоҳа, Аҳмад.
 Абдулазиз Мишарий. “ал-Йавм” 22.06.1989.
 = Шокир, Маҳмуд.
 “ал-Васмия” (“Баҳорнинг биринчи ёмрири”). “ал-Йавм”. 05.02.1989; 21.02.1989
 = Шалиш, Абдураҳмон.
 “Саман ат-тадҳия ва шахсият ал-батал мин ад-даҳил” (“Қурбонлик қиймати ва қаҳрамон образига ичкаридан назар”). “ал-Ямама” журнали. 18 жумада ал-ула 1400 ҳ.й.
 = Зиё, Азиз.
 “Ал-Хулм” (“Туш”, таржима). “Арафот”. 14.04.1957.
 “Ал-Канз” (“Хазина”, таржима). “Арафот”. 14.07.1958.
 “Ҳақаиқ ал-Ҳайат” (“Ҳаёт ҳақиқатлари”, таржима). “Оказ”. 19.07.1961.
 = Обидийн, Абдулҳаким.
 “Ал-Жундий ал-Мажхул” (Номаълум аскар). “Умм ал-Қура”. № 659-сон. 1939.
 = Абдулло, Мустафо.
 “Адабуна йаттахиж ила ат-тағриб” (Адабиётимиз гарблаштириш сари йўналмоқдалар). “Ахбар ал-Йавм”. 08.06.1988.
 = Аттор, Аҳмад Абдулғафур.
 “Ал-Байт ва ал-алам” (Ўй ва олам). “Савт ал-Ҳижаз”. 16.07.1963.
 “Фикра. Дираса нақдийя” (“Фикра” танқидий таҳлил). “ал-Байан”. (бир сондан иборат нашр). Қоҳира. 1951.
 = Аллофий, Муҳаммад Абдулқодир.
 “Мувотина” (Ватандош аёл”, таржима). “ал-Билад ас-саудия”. 25.05.1951.
 = Алавон, Муҳаммад Ҳасан.
 “Азмат ал-фатат алмусаққафа” (Зиёли қиз инқирози). “ал-Ямама” журнали. №467-сон. 1979.

= Аввод, Мұхаммад Ҳасан.

“Ал-Қисса фи-л Ҳижаз” (“Әгизаклар”). (“Ҳижозда қисса” – ат-Тавъаман”). . “Савт ал-Ҳижаз”. 01.11.1933.

“Ал-Анзорий ва марҳам ат-танаасий” (Ал-Анзорий ва унтиши малҳами). “Савт ал-Ҳижаз”. 28.11.1933.

= Фақий, Мұхаммад Ҳасан.

“Рафаил лилламарин. Нақд литаржамат Ҳасан аз-Зийат” (Ламартиннинг Рафаили. Аҳмад Ҳасан а-Зийат таржимаси бўйича танқидий таҳлил). “Савт ал-Ҳижаз”. 17.06.1936.

= Фақиҳ, Аҳмад.

“ал-Васмия” (“Баҳорнинг биринчи ёмғири”). “Асда ал-калима”. 25.05.1988.

= ал-Қаҳтоний, Султон Саад.

“Қираъа фи Фикра ли Аҳмад ас-Сибай” (Аҳмад ас-Сибаййнинг “Фикра” асарини ўқиб). “ал-Масаия”. 1 раби ул-аввал 1407 ҳ.й.; 8 раби ул-аввал 1407 ҳ.й.

“Қираъа фи жузъин мин “Ҳулм” ли Абдулло Жефрий” (“Абдулло Жефрийнинг “Орзу” асарини ўқиб). “ал-Масаия”. 14 раби ус-саний 1407 ҳ.й.;

“Нақд ли ривайат “ал-Қасас” ли Абдулла Саад Жамъян” (Абдулла Саад Жамъяннинг “Қасос” романни таҳлили). “ал-Масаия”. 21 раби ул-ахар 1407 ҳ.й.; “ар-Рияд”, 18 сафар. 1409 ҳ.й.

“Адва ала ривайат “Гадан анса ли Амл Шата”). Амал Шатанинг “Эртага унутаман” романи бўйича мулоҳазалар. “ар-Рияд”, 3 раби ал-аввал. 1409 ҳ.й.

= Қутб, Мұхаммад Али.

“Ал-Фаллаҳ ад-Даҳийа” (Уддабуро дехқон, таржима). “ал-Билад ас-саудия”. 06.11.1953.

“Ал-Мусафир” (Мусоғир, таржима). “ал-Билад ас-саудия”. 01.07.1952.

“Ал-Жарима” (Жиноят, таржима) “ал-Билад ас-саудия”. 03.01.1954.

“Калбун мағқуд (Йўқолган кучук, таржима). “ал-Билад ас-саудия”. 04.01.1954.

“Илағайри ражъиҳи” (Қайтмас, таржима). “Оказ”. 23.04. 1957.

“Ал-Фариса” (Ўлжа, таржима). “Оказ”. 3.09.1960

“Ал-Малжга ал-ғариф” (Ғаройиб бошпана, таржима). “ар-Роид”. 6.08.1963.

“Ал-Қатил” (Қотил, таржима). “ар-Роид”. 28.08.1963.
= Маллавий, Иброҳим.

“Димағ мин зақаб” (Олтин мия, таржима) “ал-Билад ас-Саудия”. 11.07.1951

= Малибарий, Мұхаммад Абдулло.

Ҳамза Буқарий. “ан-Надва”. 14.05.1984.

7. Муқаддималар

= Ал-Анзорий, Абдулқұддус.

- Муқаддима ривайат “ат-Тавъаман” (“Әгизаклар” романы муқаддимаси).

= Ал-Хозимий, Мансур.

- Муқаддима ривайат “Саман ат-тадхийа” ли Ҳомид Даманхурий (Ҳомид Даманхурийнинг «Қурбонлик қиймати» романы муқаддимаси). Иккинчи нашр. 1980.

= Соатий, Яхё Маҳмуд.

- Муқаддима ривайат “Саман ат-тадхийа” («Қурбонлик қиймати» романы муқаддимаси). Иккинчи нашр. 1980.

= Ас-Сибайй, Аҳмад.

- «Ла зилл тахта ал-жибал» ли Фуад Абдулқамид Анқовий (Фуад Абдулқамид Анқовийнинг «Тоғ остида соя бўлмас» романы муқаддимаси). 1983.

= Абу Савсайн, Ҳассон Мұхаммад

- Муқаддима ривайат «Қабв ал-афаъи» ли Тоҳир Аваз Салам» (Тоҳир Аваз Саломнинг «Илонлар ертўласи» романы муқаддимаси). 1986.

= Зиё, Азиз.

- Муқаддима ривайат «Ғадан анса» ли Амал Шата (Амал Шатанинг «Эртага унугтаман» романы муқаддимаси). 1980.

= Абдулжаббор, Абдулло.

- Муқаддима ривайат “Саман ат-тадхийа” («Қурбонлик қиймати» романы муқаддимаси). Иккинчи нашр. 1980.

= Магрибий, Мұхаммад Али.

- Муқаддима ривайат «ал-Баъас» («Тирилиш» («Қиёмат») романы муқаддимаси). 1948.

= Нофал, Юсуф Ҳасан.

- Муқаддима ривайат «Заир ал-маса» ли Султан Саад а-Қаҳтаний (Султон Саад а-Қаҳтонийнинг «Оқшом зиёратчиси» романи муқадимаси). 1980.

8. ИНТЕРВЬЮЛАР

- = Ҳасан Зозо билан учрашув. Риёз. 1990.
- = Мұхаммад Али Мағрибий шахсий учрашув. Жидда. 1991.
- = Иброҳим ан-Носир билан унинг оғисидаги интервью. 1991.
- = Информация вазириларининг Цензура бошқармаси биносида нашрға рухсат бериш бўлими мудири билан учрашув. 1992.
- = Имом Мұхаммад ибн Сауди Ислом университетидаги 1992 йили халқаро китоб кўргазмасида бир гурӯҳ ноширларга берилган бир қатор саволлар.
- = 1993 йили шеър, ҳикоя ва роман ўқувчилари ўртасида тарқатилган саволнома.

9. МАЪЛУМОТНОМАЛАР

- = Даил жамиъат ал-малик Сауд (Подшо Сауд Университети маълумотномаси.) Университетнинг ташкил этилганига 25 йил тўлиши муносабати билан. 1982.
- = Даил ар-риаса ал-амма ли таълим ал-банат (Қизлар таълимининг Бош Бошқармаси йиллик маълумотномаси). 1991.
- = Милафф аъмал миҳрижан ал- Жанадрия (Жанадрия фестивали тадбирлари маълумотномаси). 1990.
- = Даил ат-таълим ал-алий» (Олий таълим маълумотномаси). 1987.
- = Даил матбуат Тиҳама (Тиҳама нашриёти нашрлари каталоги). 1988..
- = Ар-Росид. Каашаф ли расд ал-қисса ал-қасира фи-л мамлакат ал-арабийа ас-саудия хилал ашара санават 1400-1410 ҳ.й./ 1980-1990 (1400-1410 ҳ.й./ 1980-1990 йиллардаги ўн йил давомида Саудия Арабистонидаги ҳикоя ҳақидаги маълумотнома).
- = Китаб ас-сиҳафа ас-саудийа (Даил иъламий) (Саудия матбуоти ёзувчилар. Информацион маълумотнома).

10. НАШР ЭТИЛМАГАН УНИВЕРСИТЕТ ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ

= Яхё, Мұхаммад Амин.

- «Ал-Қисса ал-қасира фи-л-мамлакат ал-арабия ас-саудия» («Саудия Арабистони Паодшоҳлигига ҳижкоя»). Магистрлик диссертацияси. Қоҳира. 1970.

11. 1930-1989 ЙИЛЛАРДА НАШР ЭТИЛГАН РОМАНЛАР

1. Абдулқұддус ал-Анзорий.

- “ат-Тавъаман” (“Эгизаклар”). “ат-Тараққий” босмахонаси. Дамашқ. 1930.

2. Аҳмад ас-Сибайи.

- “Фикра”. “Дар ал-кутуб ал-арабий” нашриёти. Қоҳира. 1947.

3. Мұхаммад Али Магрибий.

- “ал-Баъас” (“Уйғониш”). “Дар ал-кутуб ал-арабий” нашриёти. Қоҳира. 1947.

4. Ҳомид Даманхурий.

- “Саман ат-тадҳи亞” (“Қурбонлик қиймати”). “Дар ал-Қалам” нашриёти. Қоҳира. 1959.

- “Ва мэррат ал-айям” (“Ва күнлар ўтди”). Дал-ал-имл ли-лиалайн” нашриёти. Байрут. 1963.

5. Мұхаммад Зориъ Ақил.

- “Лайла фи-з-залам” (“Зулматдаги тун”). “Дар ал-Ҳилал” нашриёти. 1960.

- “Амир ал-хубб” (“Мұхаббат амири”). Жазан адабиёт клуби. (Иккинчи нашр). 1990.

- “Байна жилайн” (“Икки авлод орасида”). Жазан адабиёт клуби. 1990.

6. Иброҳим ан-Носир.

- “Суқб фи рида ал-лайл” (“Тун зулматидаги ёргуларик”). “ад-Дар ал-қавмия” нашриёти. Қоҳира. 1961.

- “Сафинат ал-мавта” (“Ўликлар кемаси”). “ал-Анвар” босмахонаси. Риёз. 1969.

- “Узра ал-манфа” (“Хижратдаги бокира”). Тоиф адабиёт клуби. 1977.

- “Ғуйум ал-хариф” (“Куз булути”). Маданият ва санъат бўйича саудия араб жамияти. Риёз. 1988.

7. Ҳинд Солиҳ Ба Faффор.
- “Ал-Бараъ ал-мафқуда” (“Йўқотилган айбиззик”). “ал-Мисрий” босмахонаси. Байрут. 1972.
8. Голиб Ҳамза Абул Фараж.
- “аш-Шайатин ал-хумр” (“Қизил шайтонлар”). “ал-Аҳром” босмахонаси. Қоҳира. 1977.
 - “ал-Масира ал-Ҳадра” (“Яшил юриш”). “Дар ал-Афақ” нашриёти. Байрут. 1982.
 - “Ва ихтарақат Байрут” (“Байрут ёнди”). “Дар ал-Афақ” нашриёти. Байрут. 1982.
 - “Фураба била ватан” (“Ватансиз ғариблар”). “Дар ал-Афақ” нашриёти. Байрут. 1981.
 - “ад-Дар ат-тунисия” (“Йўқотиш йиллари”) нашриёти. Тунис. 1980.
 - “Вужух била макийаж” (“Пардозсиз чеҳралар”). “Дар ал-Афақ” нашриёти. Байрут. 1985.
 - “Қулуб маллат ат-тирҳал” (“Қўчишдан чарчаган қалблар”). “Дар ал-Афақ” нашриёти. Байрут. 1985.
 - “Вадаъан айұха ал-хузн” (“ал-Видо, эй қайғу”). Мадинаи Мунаввар адабиёт клуби. 1990.
 - “Ла шамс фавқа ал-мадина” (“Шаҳар устида қуёш йўқ”). “Дар ал-Афақ” нашриёти. Байрут. 1990.
9. Оиша Зоҳир Аҳмад.
- “Басма фи буҳайрат ад-Думу” (“Кўз ёшлари кўлидаги табассум”). Жидда адабиёт клуби. 1979.
10. Абдулло Сайд Жамъян.
- “Ал-Қасас” (“Қасос”). Тоиф адабиёт клуби. 1979.
 - “Лайллат ирс Надия” (“Нодиянинг тўй оқшоми”). Тоиф адабиёт клуби. 1990.
11. Ҳуда Абдулмуҳсин Рошид.
- “Ғадан сайакун ал-хамис” (“Эртага пайшанба бўлади”). “Руз ал-Юсуф” босмахонаси. Қоҳира. 1979.
12. Мухаммад Абдо Яманий.
- “Фатат мин Ҳаил” (“Ҳоиллик қиз”). “Тиҳама” нашриёти. Жидда. 1980.
13. Тоҳир Аваз Салом.
- “Ас-Сундуқ ал-мадфун” (“Кўмилган сандиқ”). Жазан адабиёт клуби. 1980.

- “Фалиташриқ мин жадид” (“Яна тонг отади”). Абҳа адабиёт клуби. 1982.
- * “Қабв ал-афай” (“Илонлар ертүлласи”). “Дар ал-Умайр” нашриёти. Жидда. 1983.
- “Аватиф муҳтариқа” (“Ёнган ҳиссиётлар”). “ад-Дар ас-саудия” нашриёти. Жидда. 1986.
- 14. Султон Саад ал-Қаҳтоний.
- “Заир ал маса” (“Оқшом зиёратчиси”). “Дар ал-фикр ал-арабий” нашриёти. Қоҳира. 1980.
- “Таир била жанаҳ” (“Қанотсиз қуш”). “Дар ал-фикр ал-арабий” нашриёти. Қоҳира. 1981.
- 15. Амал Муҳамад Шата.
- “Ғадан анса” (“Эртага унутаман”). “Тиҳама” нашриёти. Жидда. 1980.
- “Ла аша қалби” (“Қалбим яшамади”). “Дар ар-Рифаий” нашриёти. Риёз. 1989.
- 16. Исом Муҳаммад Ҳуқайр.
- “Ад-Даввама” (“Гирдоб”). “Тиҳама” нашриёти. Жидда. 1980.
- “Ас-Синъура” (“Сеньора”). “Тиҳама” нашриёти. Жидда. 1980.
- “Завжати ва ана” (“Хотиним ва мен”). “Тиҳама” нашриёти. Жидда. 1983.
- 17. Сайфуддин Ашур.
- “Ла тақул видаан” (“Алвидо демагин”). “Ад-Дар ас-саудия” нашриёти. Риёз. 1981.
- 18. Фуад Содиқ Муфтый.
- “Лаҳзат ад-дуъғ” (“Заифлик лаҳзаси”). “Тиҳама” нашриёти. Жидда. 1981.
- “Ла, лам йакун ҳұлман” (“Йұқ, у түш әмас зди”). “аш-Шарқ ал-авсат” нашриёти. Жидда. 1986.
- 19. Фуад Абдулхамид Аңқовий.
- “Ла зилл таҳта ал-жибал” (“Тоғ остида соя бўлмас”). Макка. 1983.
- 20. Ҳамза Муҳаммад Буқарий.
- “Сақиғат ас-Сафа” (“Сафо айвони”). “Дар ар-Рифаий” нашриёти. Риёз. 1983.
- 21. Ҳасан Носир ал-Мажраший.

- “Ал-Хубб ал-кабир” (“Буюк муҳаббат”). Тоиф ада-биёт клуби. 1983.
- 22. Умар Тоҳир Зайлаъ
 - “Ал-Құшур” (“Пұстлоқлар”). “Дар ал-умайр” нашриёти. Жидда. 1983.
- 23. Абдулло Жафрий.
 - “Жуз мин ҳулм” (“Орзунинг бир қисми”). “Тиҳама” нашриёти. Жидда. 1984.
- 24. Абдулазиз Мишарий.
 - “ал-Васмия” (“Баҳорнинг биринчи ёмғири”). “Дар аш-Шадий” нашриёти. Қоҳира. 1983 й.
 - “Ал-Ғујум ва манабит аш-шажар” (“Булутлар ва құчалтар”). “ал-Ҳайъа ал-амма лил-китаб” нашриёти. Қоҳира. 1989.
- 25. Сафия Абдулҳамид Анбар.
 - “Афван йа Адам” (“Кечирасиз, эй Одам”). “Дар Миср” нашриёти. Қоҳира. 1986.
- 26. Абдулазиз ас-Сақъабий.
 - “Райхат ал-фаҳм” (“Құмир ҳиди”). “ал-Фараздақ” босмахонаси. Риёз. 1988.
- 27. Абдулазиз ал-Мұханна
 - “Ал-Хадиматани ва устаз” (“Икки хизматкор қиз ва устоз”). “ал-Фараздақ” босмахонаси. Риёз. 1988.
 - “Ғаадат ал-Қувайт” (“Қувайт гүзали”). “ал-Фараздақ” босмахонаси. Риёз. 1990.
- 28. Усмон Солиҳ ас-Сувайнить.
 - “Думу Насик” (“Насик күз ёшлари”). Риёз. 1988.
 - “Ал-Қанз аз-Заҳабий” (“Олтин хазина”). Риёз. 1988.

Мундарижа

Багишлов	3
Муқаддима.....	4
I боб: Роман жанри.....	13
1 §. Саудия романчилигига қисса	14
2 §. Матбуотда роман.....	30
3 §. Романинг шаклланиши.....	39
II боб: Саудия романининг пайдо бўлиш омиллари..	43
Муқаддима.....	44
1 §. Таълим.....	47
2 §. Матбуот.....	55
3 §. Нашриётлар ва босмаҳоналар	69
4 §. Зиёлилар табақаси	73
III боб: Пионерлар (Дастлабки муаллифлар).....	79
1 §. Абдулқудус ал-Ансорий. Эгизаклар	80
2 §. Аҳмад ас-Сибай. Фикр	83
3 §. Мухаммад Али Мағрибий. Уйғониши.....	88
IV боб: Бадиий романга кириш.....	105
Ўтиш даври.....	106
Бевосита таъсир (таржима)	112
Таъсир этиш ва таъсирланиш (услуб)	122
V боб: 1959-1979 йиллардаги роман.....	137
Роман жанрининг пайдо бўлиши	138
Ҳомид Даманҳурий	140
Даманҳурий ва Ҳайкал	153
Иброҳим ан-Носир	157
Ҳинд Солиҳ БаFaффор.....	169
Оиша Зоҳид Аҳмад	178
Худа ар-Рашид	180

Абдулла Жумъан.....	184
Голиб Ҳамза Абул-Фараж.....	194
VI боб: 1980-1989 йиллардаги роман.....	197
Ҳозирги замон романининг пайдо бўлиши (кириш).....	200
Саксонинчи йиллар романлари (тадқиқот ва таҳлил).....	212
Хотима.....	328
Иловалар:.....	335
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	336
1-Арабча манбалар.....	336
2-Хорижий (инглизча) манбалар.....	341
3-Араб тилига таржима қилинган хорижий (инглизча) манбалар	342
4-Даврий матбуот:.....	342
5-Ойлик журналлар.....	344
6-Ҳафталик журналлар ва газеталардаги мақолалар	346
7-Муқаддималар	350
8-Интервьюлар	351
9-Маълумотномалар.....	351
10-Нашр этилмаган университет диссертациялари.....	352
11-1930-1989 йилларда нашр этилган романлар рўйхати	352

ҚАЙДЛАР УЧУН

Бул сабактаң төмөнкүлөөлөрдөн көрсөткөндең орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Соңгы сабактарда мектептеги көрсөткөндердөң орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Бул сабактаң төмөнкүлөөлөрдөн көрсөткөндең орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Соңгы сабактарда мектептеги көрсөткөндердөң орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Бул сабактаң төмөнкүлөөлөрдөн көрсөткөндең орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Соңгы сабактарда мектептеги көрсөткөндердөң орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Бул сабактаң төмөнкүлөөлөрдөн көрсөткөндең орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Соңгы сабактарда мектептеги көрсөткөндердөң орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Бул сабактаң төмөнкүлөөлөрдөн көрсөткөндең орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Соңгы сабактарда мектептеги көрсөткөндердөң орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Бул сабактаң төмөнкүлөөлөрдөн көрсөткөндең орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Соңгы сабактарда мектептеги көрсөткөндердөң орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Бул сабактаң төмөнкүлөөлөрдөн көрсөткөндең орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Соңгы сабактарда мектептеги көрсөткөндердөң орталықтырылыштың жаңылығынан тура калууда болады.

Илмий адабий нашир

Султон Саад ал-Қахтоний

**САУДИЯ АДАБИЁТИДА
РОМАН:**

пайдо бўлиши ва ривожланиши.

(1930–1989 йиллар)

Муҳаррир *Aхтам Рўзимуротов*

Бадиий муҳаррир ва

техник муҳаррир *Дилмурод Жалилов*

Саҳифаловчи *Мадина Абдуллаева*

Мусаҳҳих *Нигора Фаниева*

Нашриёт лицензияси АИ № 315. 24.11.2017.
2020-йил 30-октябрда босишига рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Journal Accent гарнитураси.
Офсет босма. 11,25 шартли босма табоқ. 12,75 нашр табоғи.
Адади 1000 нусха. 11 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида

YOSHLAR NASHRIYOT UYI..
Шайхонтоҳур тумани, Навоий кӯчаси, 11-уй.

«Yoshlar matbuoti» MCHJda chop etildi. 100113. Toshkent,
Chilonzor-8, Qatortol ko‘chasi, 60.

الرواية في المملكة العربية السعودية
نشأتها وتطورها. دراسة تاريخية نقدية
تأليف: د. سلطان سعد القحطاني
ترجمتها إلى الأوزبكية: د. مرتضى سيد عمرووف

Бу китоб

Арабистон ярим оролидаги энг катта худудни ташкил этувчи Саудия Арабистони адабиётида 1930–1989 йилларда роман жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши хақидаги тадқикот бўлиб, унда илк романчилик ва ҳозирги замон роман жанрининг хусусиятлари, йўналишлари ва ўзига хос жиҳатлари ўрганилади.

Араб романчилиги, хусусан саудия романчилигига кизиккан барча китобхонлар учун ушбу китоб манзур бўлади, деб умид қиласиз.

Муртазо Сайдулаев

арабшунос – таржимон



مركز البحوث
والمطبوعات
Center for Research &



ISBN 978-9943-6680-7-2

9 789943 668072